

Озода Назарова

*Эл севган
санъаткорлар*



ТОШКЕНТ
«O‘ZBEKISTON»
2008

85.3(5Ў)

Н 18

Озода Назарова ушбу китобини «Эл севган санъаткорлар» деб номлаган. Ундан жой олган ҳар бир лавҳада халқимизнинг миллий қўшиқчилик санъатига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган ҳофизлар, истеъдодли хонандаларнинг сермахсул ижоди ҳусусида ҳикоя қилинади.

ISBN 978-9943-01-207-3

© «O‘ZBEKISTON» NMUY, 2008



**УСТОЗЛАР ЙЎЛИ
ФАХРЛИ**





ИЖОДИЙ ЙЎЛНИНГ КЎРКАМ МАНЗАРАЛАРИ

(Сўз боши ўрнида)

Санъат оламини ошиён этган ҳар бир ҳақиқий ижодкор ўз йўли, дастхати, услубига эга бўлиш йўлида мураккаб жараённи бошдан кечиради. У ўқиш, уқиш, билим ва малакани оширишдан ташқари, устозлар ҳамда салафлар тажрибасини, улардан қолган бой ижодий мерос ва қадриятларни ўрганишдек ўзига хос машаққатли йўлни босиб ўтади. Ана шундай санъаткорлар ижоди, фаолияти хусусида кенг оммага: мухлису тингловчиларга ҳикоя қилишни ният қилган журналистдан ҳам, санъатшуноздан ҳам юксак савия талаб этилади.

Таниқли санъаткор, республика радиосида узоқ йиллар давомида радиожурналист сифатида эл эътиборига тушган Озода Назарова тайёрлаган эшиттиришлар кўплаб ҳофизу хонандалар, опера ҳамда мусиқали театрлар, машҳур тажрибали артистларнинг ўзига хос ижодий оламини тингловчига етказиб беришда «кўприк» вазифасини ўтади.

Озода Назарова эзгу ва хайрли ишга бош қўшди. У салафларимиз — устоз санъаткорларнинг энг яхши, элга манзур қўшиқларини бир ерга жамлади, уларнинг келгуси наслларга айтмоқчи бўлган сўзларини қўшиқ билан тўлдириб халқимизга армуғон этди. Бир сўз билан айтганда, Озода Назарова излаишлари замирида энг кучли, эл суйган санъаткорларнинг иссиқ, ёқимли нафаси магнит тасмаларига мангуга муҳрланди. Бу овозли ёзувлар Ўзбекистон радиосининг олтин фондидан жой олди.

Биргина мисол орқали мазкур эшиттиришлар нечоғли мураккаб ҳамда машаққатли ижодий жараёнларнинг маҳсули бўлганлигини тўлиқ ҳис этиш мумкин. Ўз вақтида эл эътиборига тушиб, суронли шон-шуҳратга сазовор бўлган Коммуна Исмоилованинг ижодий йўли, фаолиятини ёритишда ҳам муаллиф ўз қаҳрамони ҳаётини яхшилаб, эринмай ўрганadi.

Коммуна Исмоилова жуда ёш пайтида санъат оламига кириб келган. Уни халққа манзур қилган, қачонки янграб қолса, «бу Коммуна Исмоилованинг қўшиғи», дея эътироф этиладиган тароналари талайгина. Ана шу қўшиқларнинг яратилиш тарихига эътибор қаратиш, бу қўшиқларнинг туғилишини санъаткорнинг ўз муносабатлари орқали ёритиб бериш эътибордан соқит бўлмаслиги лозим. Қолаверса, Коммуна Исмоилова ижоди билан боғлиқ, халқимиз ҳаётидаги турли даврларни, ўша даврларда содир бўлган аҳамиятли воқеа-ҳодисаларни, уларнинг характерли хусусиятларини очиб берувчи ўзига хос қўшиқларни алоҳида таъкидлаш жоиз. Хонанда фаолиятидаги ана шу жиҳатларга ҳам алоҳида урғу бериш, бу омиллар асосидаги силсилага бугунги ёшлар диққатини жалб этиш лозим. Коммуна Исмоилованинг ижоди Иккинчи жаҳон уруши йиллари қизгин паллага кирган пайтга тўғри келди. У фронтга бориб ҳарбий аскарларимизга тетиклик, жанговар руҳ, кўтаринки кайфият бағишлаш ишига муносиб ҳисса қўшган. Муаллиф назаридан бу жиҳатлар ҳам четда қолмайди.

Озода Назарова китобга жам бўлган барча санъаткорларнинг ижодий фаолиятига ана шундай эътибор билан ёндошган.

Муаллиф эл ардоғидаги машҳур ҳофизу хонандалар ижодини радиоэшиттиришлар воситасида тадқиқ этишда бутун, ижодий салоҳиятини баҳшида этади, тингловчилар тассавурида хонанданинг ижодкор сифатидаги аниқ, тугал қиёфасини яратишга муваффақ бўлади. Унинг бевосита саъй-ҳаракатлари замирида «Эл севган санъаткорлар» туркумида эфирга узатилган Ўзбекистон халқ ҳофизлари Орифхон Ҳатамов, Маҳмуд Тожибоев, Ҳасан Ражабий, Ўзбекистон халқ артистлари Орифхожи Алимахсумов, Коммуна Исмоилова, Матлуба Дадабоева, Бобомурод Ҳамдамов, Фароғат Раҳматова, Файзулла Аҳмедов, Наима Пўлатова ва Суръат Пўлатовлар, Марям Ихтиёрова, Зулайҳо Бойхонова, Ёрқиной Ҳотамова, Марям Сатторова, Абдуҳошим Исмоилов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Меҳри Бекжонова, Ўктам Аҳмедов, Икромжон Бўронов, Раҳматжон Қурбонов, Насиба Сатторова, Қиличбек Тожиев, Муножат Тешабоева, Ҳадя Юсупова, Ҳуррият Исроилова ва яна бир неча ўнлаб санъаткорлар ижодий фаолияти ҳақидаги эшиттиришлар бугунги кунда миллий радиофондимизда сақланаётган дурдона асарлар сирасига киради.

Озода Назарова у ёхуд бу санъаткор ижодини жиддий ёритиб беришни мақсад қилар экан, журналистика соҳасига мансуб турли услуб ва усулларни истифода этади: тингловчилар эътиборига гоҳ санъаткор билан суҳбат, унинг ижодида ҳал





Рустам АБДУЛЛАЕВ

қилувчи аҳамият касб этган мураббий ва устозларнинг дил сўзлари, мазкур хонанда ҳақидаги мутахассису мухлислар фикрлари, баъзан ҳофиз ижодий фаолиятидаги энг муҳим босқичларни тавсифлаб берувчи мухтасар очерк ҳавола этилади. Шу тариқа кўз ўнгимизда хонанданинг ижодий йўлини очиб бергувчи тўлиқ манзара намоён бўла бошлайди ва инон-ихтиёримизни тўлиқ ўзига жамлаб олади. Ижоди тадқиқ этилаётган санъаткор билан суҳ-

бат асносида унинг берилажак куй ва қўшиқлари эшиттиришни тўлдиради, бойитиб боради.

Озода Назарова ижодига мансуб ана шу эшиттиришлар матн ҳолига келтирилиб, китоб шаклида чоп этишга жазм қилинган экан, биз бу хайрли ишни ҳар томонлама тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз. Зотан, бу омил катта тажриба ва малакага эга ҳофизу хонандаларимиз, бастакору созандаларимиз ардоғига битилган беназир куй наволари, бетакрор хонишу қўшиқлар янада омалашishiда қўл келади. Китоб келгусида мумтоз ашулалар, анъанавий ва халқ қўшиқлари ижрочилигини илмий тадқиқ этувчилар ҳамда ёш санъаткорлар учун манба бўлиб қолиши шубҳасиздир.

Рустам АБДУЛЛАЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Бастакорлар уюшмаси раиси.

Гулчеҳра УМАРОВА,

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси
санъат бўлими мудири.



САНЪАТ — ҲАЁТ МАКТАБИ



Файзулла Аҳмедов 1936 йил 28 августда Тошкент шаҳрида ишчи оиласида туғилган. Ёш Файзуллада мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ санъатга қизиқиш уйғонди. Мактаб саҳналарида «Шарқ тонги», «Ҳамза», «Юрак сирлари», «Мардлик чўққиси» каби спектакллари қўйганмиз», — деб эслайди Файзулла ака.

1958 йилда санъатга иштиёқи баланд бўлган Файзулла Тошкент театр ва рассомчилик институтига ҳужжатларини топширди. Кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтгач, институтнинг янги очилган мусиқали драма бўлими талабаси бўлди. Шу йилнинг ўзидаёқ Муқимий театрида эълон қилинган танловда иштирок этиб, театрга ишга қабул қилинди. У дастлаб театрда Собир Абдулланинг «Мавлоно Муқимий» пьесасидаги Исмоил кўса эпизодик ролини ижро этди. Театрда у машҳур санъаткорлар Раззоқ Ҳамроев, Лутфихон ая Саримсоқова, Сойиб Хўжаев, Маҳмуджон Ғофуров, Ҳамза Умаров, Абдураҳман Болтаев, Фароғат Раҳматова, Эйтибор Жалилова каби устоз санъаткорлардан санъат сирларини ўрганди. Бугунги кунда ўзи устоз бўлиб, ёшларга қўлидан келган меҳрибончилигини кўрсатмоқда.

Озода Назарова: — Файзулла ака, санъатнинг жуда кўп турлари бор. Лекин, театр санъатига қандай ошуфта бўлиб қолгансиз?

Файзулла Аҳмедов: — Эй, Озодахон, бунинг тарихи жуда узун. Аввало, ёшликда юракка нўхотдек бир нарса ташлаб қўйилган бўлиши керак. Қолаверса, мактаб партасидан бошлаб кичик-кичик болаларча эпизодларни ўзимча ўйлаб чиқарардим. Кейинчалик тез-тез театрларга борадиган бўлдим. У вақтда телевизор йўқ эди, радио ҳам кам эди. Агар катталар театрга биз — болаларни олиб борадиган бўлса, биз учун байрам эди. Бир ҳафта олдин тайёргарлик кўрар эдик. Ана шу ёшликдан кўрган спектакллар, радиодан эшитган баъзи постановкалар мени шу соҳага етаклади. Бизнинг ёшлигимиз далада ўтган, қишлоқ хўжа-

лик маҳсулотларини териб, сотишга бозорга борсак, арзонга сотиб, идишларимизни таниш одамнинг дўконига қўярдик-да, якшанба кунлари соат 12 да бўладиган театрға кирардик. Спектаклни кўриб, уйга қайтгач, уйдагилар нимага кеч қолдинг, деб койишарди. Шунда, бозор касод бўлди, зўрға сотдим, дер эдимү тўғриси айтмасдим. Чунки бозор баҳона ажойиб спектакларни кўриб олардим-да.

О.Н: — Уйдагиларни алдар экансиз-да?

Ф.А: — Мажбур бўлганмиз. Биз мактаб партасидан, ёшлик вақтидан спектакл ўйнардик. Бир гал ёзда оромгоҳга бориб дам олувчи болалар ҳақида «Мардлик чўққиси» деган спектакл қўйганмиз. Ана шунда кечаси синфимизга кириб, партани устига партани қўйиб, ўзимча декорация яратганман. Ўша вақтда қизил галстук бўларди. Шу қизил галстукни ечиб, лампочкага боғлардик. Қизил чироқ бўлсин деб. Қизиб ётган лампочка галстукни куйдиар эди. Шунда яна уйдагиларга ёлғон гапиришга тўғри келарди. Галстук бўлмаса мактабга қўйишмасди. Бизга «Галстугинг қани?» дейишса, йўқотиб қўйдик, дер эдик. Ота-оналаримиз кейин бошқасини олиб беришар эди. Ана шунақа, бу соҳага кириш учун унча-мунча ёлғон ҳам ишлатганмиз.

О.Н: — Ота-боболарингиз санъаткор ўтишганми?

Ф.А: — Йўқ, бизнинг авлодда санъаткор бўлмаган.

О.Н: — Санъаткор саҳнани безайдими?

Ф.А: — Албатта, санъаткор саҳнани безайди. Чунки, санъаткор саҳнага чиққанида томошабин кўз олдида 5 вольтли лампочка ярқ этиб ёниб кетгандек бўлади. Ана шунинг учун ҳам санъаткор ўтирган 500 минг томошабинни ўзига мафтун қилади.

О.Н: — Биринчи саҳнага чиқиб ижро этган ролингиз ва ашулангиз...

Ф.А: — Биринчи марта рол ижро этганимда ашула айтмаганман. Ёдимда, театрға келганимда, Собир Абдулла қаламига мансуб «Мавлоно Муқимий»спектакли қўйилган. Шу асарда Исроил кўса деган рол бор эди. Бу ролни ўйнайдиган актёр Холматжон ака нафақага кетаётган экан. Шу ролни менга топшириб, ижро этасан, дейишди.

Исроил кўса 80—85 яшар чол. Мен бўлса 25 ёшдаман. Ўшанда озгина қийналдим.

О.Н: — Ҳозир театр саҳнасида энг орзу қилган ролимни ижро этдим, деб ўйлайсизми?

Ф.А: — Мен битта жойда, яъни Муқимий театрида иш бошлаганимга 45 йил тўлиб, 46-йил кетаяпти. Лекин, мен ҳали ўзим орзу қилган ролни ижро этдим деб айта олмайман. 45 йил давомида 100 га яқин ҳар хил рол ўйнагандирман. Бу

видеофильмлар, кинофильмларда... Бирдан-бир орзуим, бизнинг халқимизга ноз-неъмат етиштириб берадиган, пешона тер, ҳалол меҳнат билан бизни боқадиган бобо деҳқоннинг образини яратганим йўқ. Ниятим — бир асарнинг бошидан охиригача бободеҳқон асосий куч бўлса. Ана шу образни терлаб-пишиб ижро этсам.

О.Н: — Файзулла ака, санъат — буюк куч, маънавий қудрат. Санъат менга нима берди, деб ўйлайсиз?

Ф.А: — Санъат шахсан менга жуда кўп нарса берди. У мени халққа танитди. Санъат мени ҳаётда қандай яшашга ўргатди. Масалан, санъаткор бўлиш учун биринчи навбатда пок бўлиш керак. Иккинчидан, ўша санъатга, касбингизга фидойи бўлмасангиз, ҳақиқий санъаткор бўла олмайсиз. Учинчидан, санъаткор ниҳоятда камтарин бўлиши керак. Халққа яқин бўлиши керак. Агар халққа яқин бўлмаса, ундан узилиб қолса, у ҳақиқий санъаткор эмас.

Баъзан театр санъатида ўзингизга умуман ёт, бегона бўлган образларни, ролларни яратишга тўғри келади. Масалан, Фафур Фуломнинг «Шум бола» асари асосида спектакл қўйганмиз, унга биз «Омонали — Замонали» деб ном қўйган эдик. Ана шунда менга кўкнорихона бошлиғи Қозибобо деган образ берилди. Бу образни тўлақонли қилиб яратиш учун ўшандай жойни топиб, ўшандай одамларни топиб, суҳбат қилдим, уларни бир-бирлари билан бўлган муомаласини, кайф қилгунга қадар, кайф қилгандан кейин қандай муомала қилади, қандай гаплашади, ҳаммасини ўтириб ўргандим. Натижада, ажойиб образ яратдим. Қозибобонинг Шум болага айтадиган гапи бор: «Ҳей, Тошкентнинг тариғини еган чумчуқ, ҳу Маккатиллодан ҳам учиб қайтиб келади, болам». Шундай гапириш манераларни шулардан олганман.

Демоқчиманки, театр санъати менга ҳаётда қандай яшаш кераклигини ўргатди.

О.Н: — Сиз кўп киноларда, дубляжларда иштирок этгансиз. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатувида бошида кичик-кичик рол бўлса ҳам, кейинчалик катта-катта ролларни ижро этдингиз. Ундан кейин «Кўнгил кўчалари» видеофильмида ота образини ижро этдингиз. Бу ерда — ўша бошингиздан ўтган нарсалар кўз олдингизга келади-да. Айтинг-чи, сиз ижро этган Ориф ота прототипи ҳаётда бўлган деб ўйлайсизми?

Ф.А: — Бизни Хиванинг 2500 йиллик тўйига юборишди. Урганчда 20 кун турдик. Шунда Ичанқалъада репетиция қилиб турсак, хоразмлик бир чиройли жувон мендан дастхат сўради. Ёзиб турсам, сизга битта савол берсам майлими, деди. Рози-



лигимни олгач, бизнинг Хоразмда «Кўнгил кўчалари» видеофильмининг сюжети сизнинг ҳаётингиздан олинган, деган гап юради. Шу гап тўғрими, деди.

Йўқ, синглим, унчалик тўғри эмас, менинг ҳаётимдан олинган эмасу, Ориф ота образи менинг ҳаётимга сал яқинроқ. Мен ўша Ориф отага ўхшаш серфарзандман. 4 ўғил, 3 қизим бор. 15—16 нафар набирам бор, дедим кулиб.

Демоқчиманки, Ориф ота образи ҳаётда бўлганми-йўқми, лекин гап шундаки, томошабинларга ҳаётда шундай бўлиши ҳам мумкин, ҳамиша ҳушёр бўлинглар, деган фикрни беришимиз керак.

Ҳа, бир сўз билан айтганда, ҳақиқий санъат ҳаётнинг инъикосидир.



ШУНЧАКИ МУСИҚА ЯРАТИБ БЎЛМАЙДИ



Ҳалимжон Жўраев 1936 йил 15 майда Наманган вилояти, Чуст туманида таваллуд топган. Ўрта мактабни муваффақиятли тугатиб, Тошкентдаги Ҳамза номидаги мусиқа билим юртига ўқишга киради. 1958 йили ўқишни тамомлаб, «Баҳор» рақс ансамблида меҳнат фаолиятини бошлайди. 1961 йили Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошидаги халқ чолғу оркестрига ишга таклиф қилинади. Хонанда Дони Зокиров, Саиджон Калонов, Ғанижон Тошматов, Фахриддин Содиқов каби мумтоз санъаткорлар билан ишлаш, улар яратган катта даргоҳда сабоқ олишдек бахтга муяссар бўлди. Ишлаш билан биргаликда Тошкент Давлат Консерваториясида ўқишни давом эттирди. Кейинчалик Ҳалимжон ака созанда ва бастакор сифатида ҳам фаолият юритди. Ихлосмандлар қалбидан жой олди.

Озода Назарова: — Бастакорнинг ҳар бир яратган асари тингловчи учун янгилик, албатта. Яратилган мусиқанинг тингловчи қалбига етиб бориши учун нималарга эътибор бериши лозим?

Ҳалимжон Жўраев: — Раҳмат. Саволингизга шундай жавоб бераман: Мусиқани шунчаки яратиб бўлмайди. Бунинг учун бастакор ўз устида кўпроқ ишлаши, ўрганиши, изланиши керак бўлади. Шундагина у тингловчининг дилига етиб боради. Қўшиқнинг маромига етиши учун танланган шеърнинг маънисини ҳам чақиб олиш керак.

О.Н: — Биламизки, еттита нота мавжуд. Бастакор учун шу ноталарга мослаб куй яратиш қанчалар машаққатли бўлса, шоир учун шеър ёзишнинг ҳам ўзига яраша қийинчиликлари бор. Мана, сиз мусиқа басталаб, санъат оламига кирганингизда бадийий жамоаларга ҳам куй яратдингиз. Мусиқаларингиз бирор марта бўлса-да танқид қилинганми?

Ҳ.Ж: — Математикадан мисолни ечаётганингизда бир ишорада хатоликка йўл қўйсангиз, жавоб тўғри чиқмайди. Муси-

қада ҳам худди шундай... Агар бир нотаси тўғри келмаса, куй маромига етмайди.

Ажойиб рус бастакори Глинка айтганидек, мусиқа халқники, бастакор уни тўплайди. Куйнинг қанчалик инсон қалбига етиб боришини таъминлаш бастакорнинг истеъдоди ва билимига боғлиқ.

О.Н: — Сиз кўплаб хорижий мамлакатларда хизмат сафарларида бўлгансиз. Бизнинг миллий созларимиз ўша миллат вакилларининг қалбини ҳаяжонга солганини ҳис қилганмисиз?

Ҳ.Ж: — Япония, Греция, Туркия, Миср Араб Республикаси каби дунёнинг кўплаб давлатларида, айниқса, болгарлар, ва немис халқи най овозига маҳлиё бўлишган. Қўшиқ айтсак тушунмаслиги мумкин, лекин мусиқа миллат, тил танламайди.

О.Н: — Мана, 40 йилдан ошиқроқ вақт мобайнида оркестрда най чаласиз. 12 нафар созандалардан иборат гуруҳингиз бор. Сизга кўпроқ оркестр ижрочилиги ёқадими ёки созандалар билан ишлаганингиз маъқулми?


Ҳ.Ж: — Ансамбл — бу ансамбл. Бунда битта мелодияни, яъни шу куйни 12 нафар созанда бир хил чалаверади. Бунда кўп овозлилик йўқ. Шунинг учун ансамбл дейилади. Чолғу оркестрида мусиқанинг ўз йўллари, партиялари бор. Унга гармония қўшилади.

О.Н: — Ҳалимжон ака, «Ўртар» куйини сиз яратгансиз. Уни Муроджон ака меъёрига етказиб «Ўтган кунлар» фильмида ижро этганлар. Шу қўшиқнинг яратилиш тарихи ҳақида гапириб берсангиз.

Ҳ.Ж: — Мусиқа билим юртида ўқиб юрган кезларимда, 1957-58 йилларда Машрабнинг кичик тўплами қўлимга тушиб қолди. Ушбу газал менинг эътиборимни тортган ўшанда. Мусиқаси ҳам ўз-ўзидан қуйилиб келган. Кейин радиога ишга кирганимда уни тасмага жойладик. Шундан кейин Наби Ҳасанов билан қўшиқ устида ишладик. «Ўртар»ни 1960 йилда Нуриддин ака «Ўтган кунлар»га таклиф қилганлар. Шу-шу ушбу қўшиқ янграганда мухлиснинг кўз ўнгида фильм қаҳрамонлари ва у билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар гавдаланади. Мен албатта бундан хурсандман.



СЕРҚУЁШ ЗАМИНГА ФИДОДИР ЖОНИМ



Бобомурод Ҳамдамов 1940 йил 4 мартда Туркменистоннинг Чоржўй тумани Дўстлик жамоа хўжалигида таваллуд топган. Ашула айтишга қизиқиш Бобомурод акада 17 ёшдан бошланади. Ёш Бобомурод ҳинд кўшиқларини жони дили билан севиб ижро этар эди. «Ўрта мактабда ўқиб юрган кезларимда синфдош дўстларим қишлоқ тўйларида мени ўртага олиб чиқиб, кўшиқ айтасан, деб қўйишмас эди», — деб эслайди Бобомурод ака. Устози Ўзбекистон халқ артисти Комилжон Отаниёзовдан кўшиқчилик сирларини ўрганди. Амакиси скрипкачи Очил ака Носировдан тор чалиш, ашула айтиш сирларини ўрганди. Мактабда ашула ўқитувчиси Раҳимжон Рўзиевдан касб маҳоратини ўрганиб, халқ орасида, саҳналарда концертлар бериш билан бирга Чоржўй филармониясида ҳам ишлай бошлади.

Озода Назарова: — Бобомурод ака, устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар, дейди. Сиз эса устоз кўргансиз, сизнинг ажойиб устозингиз бор. Устоз-шогирдлик анъаналари тўғрисида сўзлаб берсангиз?

Бобомурод Ҳамдамов: — Менинг устозим Ўзбекистон, Қорақалпоғистон, Туркменистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов бўладилар. Мен у кишига қўл бериб, у кишидан таълим олганман. Авваламбор, ихлос билан комил инсонга қўл берсангиз, бу албатта яхши бўлади. Маҳтумқулининг бир шеъри бор: «Ихлос билан бир комилга қўл берган, етар бир манзилга етмайин қолмас», — дейди. Менинг устозим ажойиб, ўта камтарин инсон эди. Бизга ашула айтсангиз тўлиқ айтинглар, гапларни орасида қолдирманглар, мабодо орасида қолдирсангизлар кейин шунга ўрганиб қолиб, «чалачи» бўлиб қоласизлар, овозларинг етмаса пастроқдан бошлаб айтинглар, деб ўргатганлар. Ҳофиз, албатта, адабиётдан хабардор бўлиши керак. Нима деётганини ўзи тушуниши керак. Сўзларга эътибор

билан қараб, қўшиқ танласангиз, куй басталасангиз жуда яхши қўшиқ чиқади, дер эдилар.

Ашулани айтиб турганингизда, уни мухлис эшитганда кимнинг шогирди эканлигингиз, ижро услубиданоқ билиниб туриши керак. Биз Комилжон аканинг шогирдларимиз, қўшиқни у кишига ўхшатиб айтамыз. Бу ҳақда қанча гапирсангиз ҳам оз. Бизнинг устозимиз шундай фидойи инсон эдиларки, ҳатто ўзларига уй ҳам қурмаганлар. Яқинда у кишига ҳукуратимиз уй қуриб берди. Бундан биз жуда хурсанд бўлдик.

О.Н: — Комилжон Отаниёзовнинг турмуш ўртоқлари борми?

Б.Х: — Ҳа борлар. Умрлари узоқ бўлсин. Ҳозир 80 ёшдан ошдилар. Устоз ҳам ота ҳисобланади, у киши бизларга она бўладилар. Устоз отангдек улуғ, деганлар. Мен устозимни жуда ҳурмат қиламан. Улар мени ҳам шогирдим, ҳам ўғлимсан, дер эдилар. Шу билан бизлар фахрланиб юрар эдик. Устозимизнинг қўшиқларини ҳозир ёшлар ҳам севиб тинглашяпти. Биз ҳам шундай бўла олсак, дунёдаги энг бахтли санъаткор бўлар эдик.

О.Н: — Бобомурод ака, сизни элга танитган илк қўшиғингизни ҳозир ҳам айтиб турасизми?

Б.Х: — Албатта. Биринчи маротаба радиога келганимда 9 та ашула олиб келгандим, бир кунда 9 ашулани ёзиб олдилар. Кейин телевидениеда ҳам чиқиш қилдим, у ёқда ҳам ёзиб олишди.

О.Н: — Нечанчи йиллар эди бу?

Б.Х: — Бу 1973 йилда бўлса керак. Шундан кейин радиода ҳам беришди, кечалари телевидениеда ҳам кўрсатишди. Қараб-сизки, уч ойнанинг ичида мени бутун Ўрта Осиё тан олди. Кўчаларда юрганимда ана «Эписин» кетаяпти деб қолишди. Шу-шу халқ мени «Эписин» деб атади. Кейинчалик мақомга ҳам араллашиб, «Сегоҳ», «Феруз», «Чоргоҳ», «Суввора»ларни ижро этдим. Улар ҳам халқимизга манзур бўла бошлади. Шу биринчи қўшиқларим қаторида «Жонимда дармон қолмади», деган ашулам ҳам бор эди. Уни кейин Олмаҳон Ҳайитова ҳам айтди, Жўрабек Муродов ҳам айтган. Ҳозиргача ҳам бу ашулани айтиб юрибман.

О.Н: — Айни вақтда ёш бастакорлар, ёш ижодкорлар чиқяпти. Ёш-ёш қўшиқчилар чиқяпти. Буларнинг ижоди ҳақида сиз нима дейсиз?

Б.Х: — Буларнинг ҳаммаси эстрада йўналишида-да. Халқимизнинг қулоғига сингади. Агар, шундай каналлар бўлса, ўзимизнинг эски ашулалардан айтиб турилса, бериб турилса, хоҳлаган эстрада йўналишидаги қўшиқларни тингласа, хоҳлаган мумтоз ашулаларни тингласа, кўрса. Ана ундан кейин маълум бўлади. Ҳозир хоҳласангиз, хоҳламасангиз халқ кўпроқ эстрадани эши-

тади. Ўзим ҳам эстрада йўналишида қўшиқлар қуйлаяпман. Энди ёшимиз ўтиб бораётгани сари, классик қўшиқлар айтиш нияти бор. Шуларни ҳам айтиб, халқимизга етказмоқчиман. Халқимизга ўзимдан ажойиб бир қўшиқлар гулдастасини қолдириш ниятидаман. Ҳозирги ёш ижрочиларимиз орасида ҳам яхшилари бор. Фақат қайтариқлар кўп бўляпти. Замон кўрсатади, кейинчалик ҳаммаси изига тушиб кетар, сўз танлашларга эътибор бериш керак.

О.Н: — Ҳозирги кунда мумтоз қўшиқлар ижро этадиган ёшларимиз миллий ижрочилик анъаналарини давом эттираяптими?

Б.Ҳ: — 26 миллиондан ошиқроқ халқимиз бор. Албатта шулар орасидан яхши, кучли-кучли ашулачилар чиқади. Юнус Ражабий устозимизнинг ашулаларини эшитиб завқланаман. Ахир, шу қўшиқларни ҳозир ёш ижодкорларимиз, ашулачиларимиз айтишяпти-ку. Қойил қоламан. Бунга фақат эътибор керак. Жонли равишда ижро этиб туришса, халқнинг қулоғига сингиб бораверади. Кейин мана, «Феруз»ни ҳам, «Суввора»ни ҳам айтишяпти. «Пойдевори бўлсин, хонадон уйнинг, пойдевори бўлмаса, девор омонат», деган бир шеър бор. Албатта, қўшиқчиликнинг ҳам мустақкам пойдевори бўлади.

О.Н: — Сиз қайси қўшиқчи шоирлар билан ишлайсиз, қайси ижодкорларнинг ижодидан илҳом оласиз?

Б.Ҳ: — Мен Навоий, Огаҳий ғазалларини суйиб ижро этман. Мумтоз қўшиқларимиздан Машраб, Маҳтумқули ғазаллари ҳам бор.

О.Н: — Ҳиндча қўшиқларингиз хусусида тўхталиб ўтсангиз.

Б.Ҳ: — Ҳар миллатнинг ашуласини ижро этмоқчи бўлсангиз, унинг қочиримларини жойида бера олсангиз, ўшандагина ўхшата оласиз. Шунда ўша миллатнинг ашуласини айтиш осон бўлади. Ҳиндистонга борганимизда кўплаб ҳиндча ашулалар айтдим. Улар нолаларимизга эътибор беришди. Мана шу томонлари менга ёқиб қолди. Ўшанда «Узбекский Мукеш» деб газеталарга ёзиб чиқаришган экан. Мукеш — бу Раж Капурнинг овозини берадиган ашулачи бўлган. Раж Капур билан учрашганман. Шундай бир қизиқ ҳодиса бўлиб қолдики, 1982 йилда фильм оладиган бўлдилар. Шу йили кинофестивал ҳам бўлди. Шунда режиссёрларимиз айтдиларки, «Бобомурод ака, Раж Капурлар келган, сиз ҳиндча ашулалар ҳам ижро этасиз, улар билан ҳам учрашсак қандай бўлар экан», деб қолишди. Мен рози бўлдим. Кейин у кишини меҳмонга чақиришни таклиф қилдим. Раж Капур таклифни қабул қилибди. Ражиссёримиз, Раж Капур кириб келаётган пайтида, сен ҳиндча ашулани айтиб турасан,

дедилар. Раж Капур эшикдан кириши билан Мукешнинг ашу-ласини бошладим. У киши қувонч билан қарсак чалиб кирди-лар. Кучоқлашиб кўришдик. Мукеш Америкада қўшиқ ижро этиб турган пайтида саҳнада вафот этган экан. «Мен Мукешни Америкада йўқотиб, Ўзбекистондан топдим», деб маҳкам кучоқлаб кўзларига ёш олдилар. Булар ҳаммаси фильмга олинган. Унда у кишининг овози билан овозимиз, сўзларимиз ҳам мос туш-ган-да. Ўша пайтлари баъзилар Бобомурод оғзига келган гап-ларни ҳиндча қилиб айтади, дейишар эди. Йўқ, бу ерда радио-да Аҳмаджон Қосимов деган укамиз борлар, улардан сўраб, ҳиндча сўзларни тўғрилаб айтар эдим.

О.Н: — Бобомурод ака, сиз ҳозирда нима ишлар билан шуғулланаяпсиз?

Б.Ҳ: — Ҳозир нафақадан. Авваламбор, санъаткор ўла-ўлгун-ча, умрининг охириги соатларигача барибир ашула айтади. Ус-тозимиз ҳам шундай бўлганлар. Мен ҳам шундай ниятман. Мен мумтоз қўшиқлар йўналишида ажойиб бир қўшиқлар гулдастасини қолдирмоқчиман. Навоий, Огаҳий шеърларига 4—5 та ашула яратаяпман. Насиб қилса, шуларни халққа тақдим этиш ниятидаман.

О.Н: — Сизнинг ўрнингизни босадиган ўғлингиз бор. Шу болаларингиз, фарзандларингиз ҳақида ҳам гапирсангиз?

Б.Ҳ: — Ўғлим Отабек менинг касбимни давом эттирмоқчи. Мен ишонаман, ундан яхши санъаткор чиқади. Ихлос бўлса, камтарин бўлса, албатта устозларининг йўлидан боради.

О.Н: — Шогирдларингиз ҳақида гапирсангиз.

Б.Ҳ: — Ҳамма вилоятларда ҳам шогирдларим бор. Мана Қорақалпоғистонда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Каримбой Раҳмонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Қодиржон Жўрақулов. Булардан умидим катта.



ОЙДИН ОРЗУЛАР ОҒУШИДА



Марям Ихтиёрова 1939 йил 21 апрелда Хоразм вилоятининг Янгибозор туманида таваллуд топган. Марямхон ўқувчилик кезлариданоқ санъатга меҳр қўйди. Ўз маҳоратини ўқувчилар ва ўқитувчилар орасида ажойиб қўшиқлари ва сахна образлари орқали намойиш этарди. 1959 йили Тошкент театр ва рассомчилик институтига ўқишга киради. Ўқиш билан бирга Муқимий номли ўзбек драма ва комедия театрида ишлайди. Устозлари — Ўзбекистон халқ артистлари Раззоқ Ҳамроев, Сойиб Хўжаев, Лутфихоним Саримсоқова, Фароғат Раҳматова, Маҳмуджон Ғофуров, Омина Фаёзова каби ажойиб актёрлар билан ишлаш бахтига муяссар бўлди. Ҳозирда Марямхон Ихтиёрова ўзлари устоздир. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Меҳмонали Салимов, Одина Ғиёсова, Меҳри Ҳожиматова, Зулайҳо Бойхонова, Бойир Холмирзаев каби иқтидорли ёшлар опани ўзларининг меҳрибон устозлари, деб билишади. Ҳукуматимиз 1997 йилда Марям Ихтиёрованинг юксак меҳнатларини инобатга олиб, «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвони билан тақдирлади.

Озода Назарова: — Марям опа, Сиз айнан театр актрисаси бўламан, деб орзу қилганмидингиз?

Марям Ихтиёрова: — Озодахон, ҳар бир инсон эсини танибоқ, ажойиб орзу-истаклар қанотида юради. Янглишмасам, 5-синфда ўқиб, драма тўғарагига қатнаб юрган пайтларимда менда актриса бўламан деган, истак туғилган.

О.Н.: — Сиз халқимизнинг ардоқли санъаткорлари Раззоқ Ҳамроев, Сойиб Хўжаев, Лутфихон аялар билан сахнада ёнма-ён образ яратгансиз. Бу албатта сиз учун бахт бўлган бўлса керак.

М.И.: — Бахт дейиш, бу кичик нарса. Бир оғиз сўз билан айтадиган нарса эмас. Жудаям улкан омад бу мен учун. Мен санъатга биринчи кириб келган 1957 йили республикалараро

ёшлар фестивали ўтаётган пайтлар эди. Шу фестивалга тайёрланиш мақсадида Ўзбекистон халқ артисти Гавҳархоним Раҳимова Хоразмга келиб Хоразм ёшларидан ашула ва рақс ансамблини тузганлар. Тақдир тақазоси билан шу ансамблга мен ҳам лойиқ топилдим. Мени санъатга бошлаб келган биринчи мураббий устоз Гавҳархоним бўладилар.

О.Н: — Марям опа, «Холисхон», «Супер қайнона», «Нурхон», «Икки билак узук» каби спектаклларда сиздан олдин бош ролларда Лутфияхон ая ўйнаганлар. Сиз ўша қаҳрамонлар образини ҳам яратгансиз. Айтинг-чи, айти устозингизга ўхшаб образ яратганмисиз ёки уларни бошқачароқ талқин этганмисиз?

М.И: — Мен театрга кириб келган йилларим иккита хоразмлик қиз келибди, деган овоза тарқаган-да. Дугонам Гулсара Ёқубовани назарда тутишган. Шов-шув бўлган. Бундан жуда ҳам мамнунман, мен бу билан фахрланаман. Чунки, ўша йиллари театрга келган ҳар бир ёш икки-уч йил хорда ўтириши керак эди. Хорда товланиш керак. Кейин оммавий саҳналарга чиқиб, камида икки-уч йил кичик-кичик роллар ўйнаб, театр йўлига тушиб олиши учун товланиши керак. Биз ҳам мана шундай босқичдан ўтганмиз. Драматург Шукур Саъдулла «Икки билак узук» деган замонавий асар олиб келдилар-да, буни хоразмлик қизларимга атаб ёзгандим, деганди. Ҳали-ҳали қулоғимда туради. Иккита хоразмлик қиз. Ўша пайтларда «Марҳабо талантлар» номли фестивал бўларди. Шу муносабат билан пойтахтга кўп ёшлар келишарди. Асар ҳам худди шундай мазмунда эди. Иккита ёш Тошкентга ўқишга келади. Уларга ота-оналари тўсқинлик қилишади. Охирида тўсиқ ва қийинчиликлардан ўтиб, қиз санъаткор бўлади. Ана шу бош қаҳрамон Юлдуз ролини менга атаб ёзган эканлар.

Мени анча-мунча тажриба орттирган санъаткор, актриса сифатида кўп нарса қувонтиради, Озодахон. Театримиз баҳоли қудрат ишляпти. Раҳбарларимиз, режиссёрларимиз яхши.

О.Н: — Йил сайин тажриба ҳам ортаяпти-да.

М.И: — Ҳа. Талаб ҳам ўзгараяпти, муҳит ҳам ўзгараяпти, ҳаёт ўзгараяпти. Ҳаётнинг шиддати ўзи бир бошқача ҳозир. Мана, ҳар икки-уч йил ичида жамоамизга навқирон истеъдодлар — талабалар, ёшлар кириб келишади. Энди, бу ҳаёт қонуни экан, кўп эслаётганларимиз, қанчадан-қанча улуғларимиз, катта устозларимиз ўтиб кетишди. Кўплари бугун нафақада. Шунинг учун театр жамоаси ёшларимиз ҳисобига кўпайди. Ҳозирги ёшларимиз интилиши, маҳорати билан дилимизда катта-катта умидлар туғдираяпти, катта-катта орзу-ниятларни олдимизга қўндаланг қўйишляпти.

Уларнинг дадиллиги мени қувонтиради. Лекин, актёрлик маҳорати деган нарса бор, саҳна маҳорати деган нарсалар бор. Устозларга суянишса, вақти келиб улар ҳам яхши актёр, актрисалар бўлишади.

О.Н: — Сизлар уларга суянчиқ бўлиб турасизлар-да.

М.И: — Талантларни қўллаш керак, талантсизлар ўзи йўлини топиб кетади, деган сийқаси чиқиб кетган гап бор. Эҳтимолки, шунақалар ҳам бордир. Лекин, ҳақиқий талантга ҳам мадад керак. Раззоқ Ҳамроев домламиз, ҳар доим астойдил, чин юракдан ҳалол меҳнат қилиш керак. Саҳнага чиқиш бу ўзингни кўз-кўз қилиш эмас. Тинимсиз меҳнат натижасида эришсан ҳар бир нарсага, дер эдилар.

О.Н: — Марям опа, ҳозирда қандай роллар устида ишляяпсиз?

М.И: — Ҳозир менбоп роллар келмаяпти, яхши асарлар ёзилмаяпти, десам кўпчиликнинг гапини қайтарган бўламан. Чунки, асарлар бор, келаяпти. Халқнинг талабига яраша комедиялар ҳам қўйиляпти. Мана масалан, 3—4 йилдан буён «Супер қайнона» комедиясини ўйнаймиз. Ҳар доим залларимиз лиқ тўла. Театримиз репертуарида янги асарлар кўп. Бу ерда ҳам менга аталган роллар бор. Ҳали ҳамон талашиб-тортишиб рол ўйнаймиз, ишляяпмиз. Ҳали саҳнага керак эканмиз, кераклигимни ҳис қилиб яшаяпман.




АСКАРЛИҚДАН ҲОФИЗЛИККАЧА

Икромжон Бўронов 1940 йил 1 майда Қирғизистон Республикаси Жалолобод вилоятининг Сузоқ туманида таваллуд топган. 1963 йил армия сафида хизмат қилган. Санъатни жон дилидан севган Икромжон Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги Ички хизмат кўшинлари қошида катта ансамбл тузиб, унга раҳбарлик қилди. Ансамбл ҳарбий хизматни ўтаётган аскар хонанда ва созандалардан иборат эди. Ака-ука Исроилжон ва Исмоилжон Ваҳобовлар, Абдуҳошим Исмоилов, Мухриддин Ҳолиқов, Равшан Комилов, Қаҳрамон Комилов, Аҳмаджон Дадаев, Абдулҳай Каримов, Маъмуржон Тўхтасиновлар ансамблда хизмат қилган. Улар Икромжон Бўроновни ҳурматли устоз деб билишади.

Озода Назарова: — Икромжон ака, мана ички ишлар ҳузуридаги ансамблда узоқ йиллар ишладингиз. Қўл остингизда таниқли хонанда ва созандалар етишиб чиқди. Ҳозирги кунда ансамблда аҳвол қандай?

Икромжон Бўронов: — Албатта буни эсдан чиқариб бўладими?! Бизнинг умримизни, ҳаёт йўлимизни, дастани ҳеч қачон унутиб бўлмайди. Шу ансамбл туфайли мен Икромжон Бўронов бўлдим. Биласизми, Озодахон, 1963 йилда армияга чақирилиб, Тошкентда қолдим. Хизмат даврида тушликдан кейин бир соат вақт бериларди. Шу пайтда хизматдош болалар билан ашула айтиб, дам олардик. Бир кун овозимиз борича куйлаб, каттароқ офицерни уйғотиб юборибмиз. Бир кичикроғи келиб, «ўғил болачасига» койиб кетди. Мени етаклаб у киши кабинетига олиб кирди. Хонада истараси иссиқ полковник қарши олди. Фамилиямни сўраб билиб олган экан. «Келинг оддий, аскар Бўронов», деб жой кўрсатди. Мен ҳаяжон билан узр сўрадим. У киши кулиб, узримни инкор қилди. Ўзим, оилам ҳақида суриштирди. Ашула айтишим билан қизиқиб қолди. Кейин менга ансамбл тузиш таклифини билдирди. Қозоғистоннинг Дарвоза деган жойидан бизни Тошкентга жўнатди. Жамоамиз 8 киши-

дан иборат эди. Дастани тузишдан асосий мақсад — аскарларга, офицер ва уларнинг оила аъзоларига маданий ҳордиқ чиқаришда кўмаклашиш эди. Ансамбл тобора катталишиб борди. Жойлардаги армия чақирув пунктларида чақирилувчиларнинг орасидан истеъдодлиларини танлаб олардик. Бугунги кунда халқимизнинг қалбидан жой олган кўп санъаткорларни ана шундай излаб топганмиз.



ЎЛМАС ҚЎШИҚЛАР ИЖРОЧИСИ

Ўлмас Саиджонов камдан-кам санъаткорларга насиб этадиган тасодифий муваффақиятларга сазовор бўлган қўшиқчидир. Хонанда ҳали ёш-навқирон йигитлик пайтлариданоқ Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов, Фаҳриддин Умаров каби кўплаб устоз санъаткорлар ижро этган қўшиқларни севиб куйлади. Куйлаганда ҳам маромига етказиб куйлади. Туман, вилоят, республика кўрик танловларида бир неча марта ғолибликни қўлга киритди.

Ўлмас Саиджонов Франция, Туркия, Япония, Белгия ва Россия бўйлаб гастрол сафарларида бўлиб, Янғроқ овози, халқона қўшиқлари билан мухлисларнинг эътиборини қозонди.

Хонанда ижросидаги «Айрилмасун», «Ўлмасун», «Сувратинг», «Гулузорим», «Бир келиб кетсун», «Парво этиб кет», «Баёт-5», «На бўлғай», «Гиря», «Кўзларинг» каби қўшиқларни халқимиз доимо севиб тинглайди. Ўлмас Саиджонов ҳар йили «Наврўз», «Мустақиллик» ва юртимизнинг бошқа байрам тадбирларида қўшиқлари билан фаол иштирок этади.

1994—1995 йилларда Ўзбекистон Давлат филармонияси раҳбари, 1996 йилдан то шу кунгача Муҳиддин Қори Ёқубов номидаги академик ва халқ бадиий жамоалари Дирекциясининг директори лавозимида ишламоқда.

Оилада турмуш ўртоғи Саодатхон билан 6 фарзанд ва беш набиранинг бобоси ва бувижониси бўлиб, ширин ҳаёт кечирмоқдалар.

Озода Назарова: — Сиз бугунги муваффақиятларингизни болаликдаги орзуларингизнинг ушалиши дея оласизми?

Ўлмас Саиджонов: — Албатта, чунки болаликни, ўша энг ширин пайтларни, жажжи ёш, беғубор дамларни эсламайдиган одам бўлмаса керак. Ўтмишини эсламаган, болаликдан то ҳозирги кунини сарҳисоб қилмаган инсон ҳаётга шундай келиб кетадиган одам деб ўйлайман.

О.Н: — Репертуарингизда анча-мунча халқ ва мақом қўшиқлари, катта ашулалар бор. Ҳар бир қўшиқни ўзиники қилиб олиш қийин. Ҳар кимнинг ўз ижодий йўли, ўз усули бўлади.

Ў.С: — Албатта, ўз ижодим, ўз усулимни топиш учун Маъмуржон Узоқов услубининг этагидан тутдим. Овозимиздаги ўхшашликни сезганим учунми, шундай буюк ҳофизга шогирд бўлишдан чўчимадим. Ҳаётда мен у киши билан учрашмаганман. Аммо қўшиқларини пластинкадан, радиодан ёзиб олиб ўрганганман. Худо сизга тўла бўлмаса ҳам у кишининг овозига яқин овоз берган бўлса, беихтиёр ўша йўлни танлар экансиз.

О.Н: — Ҳозир эстрада қўшиқларига клип ишлаш урф бўлди. Фонограммада куйлаш анъанага айланган. Раҳбар сифатида бу ҳолатга қандай муносабат билдирасиз?

Ў.С: — Энди мисол учун оладиган бўлсак, фонограммага эҳтиёжли жойлар бўлади. Наврўз, Мустақиллик байрами ўтадиган очиқ саҳналарда ёки Халқлар Дўстлиги саройида бўладиган катта концертларда эфир сифатини сақлаш учун фонограмма ишлатилиши керак. Чунки бир санъаткордан кейин чиқадиган иккинчи санъаткор то ўзининг мусиқий асбобларини олиб чиқиб ўрнатгунча анча вақт ўтиб кетади. Томошабинларга ҳам ҳайронсан. Фалон пулга билет олиб кириб фонограмма эшитиб кетади. Бирортаси айтмайдики: «Ҳой биродар, ижро этган қўшиғингизни юзма-юз туриб, эшитгани келдик. Биз жонли ижро маҳоратингга баҳо бергани келганмиз», дейишмайди.

О.Н: — Ўлмас ака, ҳозир саҳна маданияти, санъаткорнинг кийиниш маданияти ҳақида кўп гапириляпти. Саҳнага ўзбек халқига мос, хос бўлмаган кийимлар, шимлар билан чиқишляпти. Бу хусусда Сизнинг фикрингиз?

Ў.С: — Саҳна маданияти деганда, аввало, оёғидан тортиб то сочигача — буларнинг бари бир санъат. Саҳна — улуғ, муқаддас жой. Унга пала-партиш, босиб кириб-келиш... бу жуда катта гуноҳ. Бу санъаткорнинг санъатга бўлган муносабатини белгилайди. Саҳнага айримларнинг кийиниб чиқишини кўриб энсангиз қотади. Биз кийинишимиз, одоб-ахлоқимиз билан халқимизга ўрناк бўладиган одамлармиз. Каттага, кичикка, ота-онага ҳурматни сақлашимиз керак. Бугунги кунда саҳнага чиқаётган ёшларимиз орасида очиқ майкалар, йиртиқ шимлар ёхуд ўзбек маданиятига умуман номуносиб бўлган соч, соқоллар билан чиқиш ҳоллари кузатилмоқда. Залдаги томошабинларга ўша санъаткорларнинг маданияти таъсир этади. Чунки томошабинлар санъаткорга тақлид қилади. Санъаткорни кексалар, ўрта ёшдагилар, ёшлар кузатишади. Шунинг учун саҳна маданияти, кийиниш маданиятига эътибор бериш лозим. Чет элларда бўлганимизда миллий кийимимиз: дўппи, атлас, ад-

рас, шойиларимизга қизиқиш, меҳр билан қарашади. Ёнимизга келиб бу қандай мато, қандай тикилган, деб сўрашади.

Агар санъаткор чиройли, саҳна маданиятига мос кийинса, ижроси гўзал, одоби ундан ҳам гўзал бўлса, мухлис, томошабин ундан жуда хурсанд бўлади. Кийиниш маданияти 3 хил: саҳна, кўча ва уй кийимига бўлинади. Санъаткорларимиз шу нарсани ёддан чиқармасалар нур устига нур бўларди

О.Н: — Сизга яна бир саволим бор, Ўлмас ака! Оилангизда ота касбини давом эттирган фарзандингиз борми?

Ў. С: — Бу савол мени жуда қийнайди. Фарзандларим орасида менинг соҳамни танлагани йўқ. Лекин Сардор исмли набирамдан санъаткор чиқса керак. Қўнғироқдек овози бор.



САНЪАТКОР — ЭЛ ОРАСИДАГИ ОДАМ



Шариф Султонов 1936 йил 11 мартда Хоразм вилояти Урганч туманида туғилди. Отаси Султон Маҳмудов қишлоқ хўжалиги соҳасида раҳбар лавозимларида ишлаб келган. Онаси Шукуржон Нуруллаева уй бекаси бўлиб, фарзандлар тарбияси билан шуғулланган. Шарифжон санъатга ихлос қўйганида ҳали ўсмир эди. Ўрта мактабни муваффақиятли битириб, 1956 йили Тошкентдаги Ҳамза номли ҳозирги мусиқа коллежига ўқишга кирди. Ўқиш билан бирга Қори Ёқубов номидаги Давлат филармониясида ишлай бошлади. Комилжон Отаниёзов раҳбарлигидаги Хоразм ансамблида ишлади.

Шариф Султонов 40 йилдан ортиқ ўз санъати билан халққа хизмат қилди. У кексалик гаштини суриб, турмуш ўртоғи Мунаввар ая билан 5 фарзандга ота, 16 набирага бобожон бўлиб мазмунли умр кечирди.

Озода Назарова: — Шариф ака, санъат хоразм халқининг қон-қонига сингиб кетган. Сизни санъатга қизиқтирган, етаклаган инсонлар бўлса керак?

Шариф Султонов: — Мен қишлоқда туғилиб ўсганман. Қишлоғимиздаги санъаткорларнинг кўпчилиги мол, қўй боқиб юриб ҳам қўшиқлар хиргойи қилишган. Ўша ашулалар, радиодан эшитган қўшиқларга қизиқиш мени санъатга яқинлаштирди. 1954 йили мен Хоразм вилоятининг Оғаҳий театрига ишга келдим. У ерда концертларда қатнашиб, янги устозлар билан танишдим. Устозлар нима юмуш буюрсалар бажонидил бажардим. Меҳнат кишини улғайтиради деганларидек, устозларимнинг яқин фарзандидек бўлиб қолдим. Улар Мадраҳим Раҳимов, Санъат Девонов, Назира Юсупова, Султонпошша Раҳимова, Маҳмуджон Сафоев, Қаландар Бойжоновлар эди.

1955 йилда устоз Комилжон Отаниёзов меҳмон бўлиб қолдилар. Даврада мен чой-пой ташиб юрардим. Шунда улар: —

«Кимнинг боласи бу?» — деб ўтирганлардан сўрадилар. Ва сўнг: — Сени Тошкентга олиб кетсам, борасанми?» — дедилар.

Шунда мен, майли бораман, у ерда нима қиламиз, дедим. Улар бўлса: «У ёқда Хоразм ансамблини тузамиз, ҳам ўқийсан», — дея таъкидладилар.

Шунда Устоз уйларининг манзилини бериб, мени поездга чиқариб кузатиб юбордилар.

Мени Ҳамза билим юртига ўқишга жойлаштирдилар. Устозим маслаҳати билан ансамблга қатнаша бошладим. Кўпинча, Хоразмга гастрол сафарларига борардик. 1958 йили Москва шаҳрига декадага бордик. Ўзбекистоннинг ҳамма устоз санъаткорлари, таниқли эстрада қўшиқчилари, Ботир Зокиров, Маъмуржон Узоқов, Юсуфжон Қизиқ каби кучли овоз соҳиблари қатнашган.

Ўшанда Юсуф аканинг: «Санъаткор халққа яқин одам бўлиши керак. Бир кунингизни ҳам бўш қўйманглар. Унинг ижоди бирор кун тўхтаб қолса, катта зарар бўлади. Яхши ашуларни айтиш лозим, ўйноқи, жозибали рақслар халқимиз дилдан жой олади. Санъаткор то ўлгунича ўзига қараб, покиза ва ҳалол ҳолда мухлислар кўнглига кириб бориши керак», — деган насиҳатлари бир умр қулоғимда қолган эди.

О.Н: — Устозларингиз?

Ш.С: — Бизнинг биринчи устозимиз санъат борасида тўғри йўлга бошлаган инсон Комилжон Отаниёзов бўладилар.


О.Н: — Уларнинг қайси қўшиқларини куйлагансиз?

Ш.С: — Устоз мени радиога етаклаб келган эди. Шунда у кишининг Камтар сўзи билан айтиладиган «Зафар топдим» деган ашуласини айтганман.

Шу суҳбатдан кўп ўтмай ҳурматли ҳофизимиз оламдан кўз юмдилар. Аммо у кишининг янгроқ сози, жарангдор овози ўзбек санъатининг ўлмас бойлиги бўлиб адабий яшайди.



ЭНГ ОЛИЙ МУКОФОТ



Ноёб овоз соҳиби Очилхон Отахонов эл-юрт ҳурматини, тингловчилар эътиборини ўз меҳнати билан қозонган санъаткор. Унинг ўз ижрочилик йўли бўлиб, ўзига хос мактаб яратди. Айни пайтда кўпгина ёшлар Очилхон ака яратган мактабда таълим олиб, халққа хизмат қилиб келмоқда. Очилхон аканинг санъатга бўлган эътиқоди унга тинчлик бермасди. Мактабда ўқиб юрган кезлари, дала юмушлари билан машғул бўлган пайтлари ким қаерда хиргойи қилса, қўшиқ айтса унинг ёнида бўларди. Ўша кезларни устоз шундай эслайди: — Ёшлигимизда далага чиқардик. Бизнинг хўжалигимиз алоҳида эди. У хўжаликка Ҳамроқул Турсунқулов бошчилик қилар эдилар. Ўртамизда битта канал бор эди. Шу каналнинг орқасидан бир ашула янграрди. Айниқса, кечқурунлари қўшиқ авжига чиқарди. Мен ўша овоз эгасини қидириб, қовун-тарвуз экилган полиздан чиқиб қолдим. Мени мафтун қилган қўшиқ ва овоз эгаси Жалол Маҳсум деган киши экан. Ҳамроқул Турсунқулов жуда санъатга қизиққан одам эдилар. Тез-тез санъаткорларни, аскиячиларни йиғиб суҳбатлар уюштириб берардилар. Жалол Маҳсум ана шу давраларнинг энг зўр ҳофизини экан. Мени қўшиқчиликка етаклаб келган ана шу овоз, ана шу одам бўлди.

Озода Назарова: — Бу нечанчи йиллар бўлган?

Очилхон Отахонов: — 1947-48 йиллар эди. Мактабда ўқир эдимда. Шундан кейин бизнинг дадамиз бу кишини суҳбатларга таклиф қиладиган бўлдилар. Ўшандай ҳолларда мен ҳофизнинг ёнида ўтириб олардим. Шу ерда «Дилрабони ахтариб» деган шеърни Абдурахмон ака деган киши ёзган экан:

Билмадим ҳолим не кечгай дилрабони ахтариб,

Бода айлаб келдим ул бевафони ахтариб.

Маҳсум ака уни менга ашула қилиб бердилар. Тоғаларимдан бири танбур, бири скрипка чалиб жўр бўлишди.

О.Н.: — Очилхон ака, мақом ва халқ қўшиқларини ривожлантириш ҳақидаги фикрингиз?

О.О: — Мен 1972 йили Республика мақом кўриги бўлар экан, деган хабарни эшитиб қолдим. Шунда шогирдларимни йиғиб, Янгийўл Маданият уйида ҳаваскор мақомчиларини, овозларини бир-бирига мослаб, мақом ижро эта бошладик. Конкурсда қатнашдик.

О.Н: — Неча нафар ижрочи қатнашди?

О.О: — 30—40 нафар ижрочи. Биз танловни «Насрулло»-дан бошладик. Ижрони тинглаб ҳайъат аъзолари ҳайрон бўлиб қолди. Биринчи ўринни олдик. Шу тариқа мақом дастамиз учун сахна эшиклари очилди. Катта-катта санъат саройларида, вилоятларда концерт бердик. Шундан кейин мени яна ишга чақириб қолишди.

О.Н: — Очилхон ака, устоз деб кимларни биласиз?

О.О: — Юнус Ражабий, Фахриддин Содиқовларни ўзимга устоз деб биламан. Фанижон Тошматов, Жўраҳон Султоновлар билан ҳам ишлаганман. Фахриддин Содиқовнинг қўшиқларини айтганман.

О.Н: — Шогирдларингиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз?

О.О: — Шогирдларим Маҳбуба Ҳасанова, Мунаввархон. Ҳозир ҳам булар билан кўришиб, мулоқотда бўлиб турамиз. Устозларимдан нимани ўрганган бўлсам шогирдларимга ўргатдим. Энг муҳими, ҳар бир санъаткор эл назаридан қолмасин. Энг олий мукофот ҳам эл берган баҳодир.

Орадан йиллар ўтди. Энди атоқли ҳофиз орамизда йўқ. Аммо ўзлари айтганидек, элининг юксак баҳосини олган Очилхон Отахонов ўлмас қўшиқлари билан ҳамиша халқ орасида.

САҲНАГА ЧИҚҚАЧ...



Озода Назарова: — Гуломжон ака, узоқ йиллардан бери санъат соҳасида ишлаб келяпсиз. Сиз санъатга қадам қўйган пайтингиздаги ижро этилган қўшиқлар билан бугунги ижронинг қандай фарқи бор?

Гуломжон Ҳожикулов: — Илгариги қўшиқчилик, ижрочиликнинг ҳозирги қўшиқчиликдан анча фарқи бор. У вақтда санъаткорлар камчилик эди. Ҳофизлар ҳам санокли эди. Уларнинг айтган қўшиқлари санъатга чанқоқ халқимизга яхши эшитиларди. Бундан ташқари, бу вақтда ижрочилик ҳам яхши эди. Айрим ҳофизларимизнинг, масалан, Жўрахон ака, Маъмуржон акаларнинг айтган қўшиқларини ҳозирги замонда ҳам бемалол эшитишади. Айни вақтда санъаткорларимиз жуда кўпайиб кетди. Чиройли овозли ҳофизлар чиқди. У вақтда илгариги устозларнинг ашулаларини ижро этишар эди. Ҳозир бастакорларимизнинг ашулаларини ижро этишяпти. Созандаларимиз, ҳофизларимиз ҳам ўсиб кетган. Жонли овозда айтишган, тўйларда ҳам. Радиода мен 1941-42 йилларда микрофонсиз қўшиқ айтганман.

О.Н: — Машраб, Фузулий, Нодира, Навоий ғазалларини ижро этган ҳофизлар сўзларини бузиб айтишяпти. Булар ҳақида нима дея оласиз?

Ғ.Ҳ: — Нодира, Бобур, Жомий ғазалларини бир хил ҳофизларимиз тушунмайди. Уни тўғри айтиш учун мутахассис олим ёки устоз ҳофизлардан сўзлар маъносини сўраб, тушуниб олиш керак. Ҳофиз қўшиқ айтаётган вақтда сўз маъносини билсагина чиройли ижро этади. Мана бу жойда бунақа деган экан, «Қойилман» десагина чиройли ижро этади. Байтнинг маъносини билиш керак, билмаса жуда қийин.

О.Н: — Гуломжон ака, биринчи марта қайси қўшиқни ижро этгансиз?

Ғ.Ҳ: — Санъатга қадам қўйган пайтимдаги айтганларимнинг ҳаммаси эсимда. Ашулаларимга яна қўшимча қўшдим,

бастакорларнинг куйларини ўргандим. Андижон шаҳар Бобур номли театрда 60 йил ишладим. Шу вақт ичида устозлардан билмаганларимни сўраб ўргандим.

О.Н: — Олдинги замонда тарелка билан қўшиқлар айтишган, одамлар жим бўлиб ўтиришган, эшитишган. Керак бўлса ҳозир ҳам халқ эшитади.

Ғ.Ҳ: — Бунда кўпинча аруз вазнидаги ғазаллар ижро этилади. Ғазалнинг мантиқи, маъноси яхши бўлса, бастакор уни ўқиб туриб куй басталагиси келиб қолади. Куйни шу ғазалга монанд қилиб, узукка кўз қўйгандай ишласа, унинг ижросини чиройли қилиб ижро этса умри узоқ бўлади, ҳамма замонда ҳам тингловчиси топилади.

О.Н: — Олдин куй яраладими, шеърми?

Ғ.Ҳ: — Шеър ёзилади, кейин куй яратилади. Кейин ижро этилади.

О.Н: — Фуломжон ака, аёл ҳофизларимиз эркакларнинг қўшиқларини, эркак ҳофизларимиз аёлларга хос қўшиқларни ижро этишади. Бунга сиз қандай қарайсиз?

Ғ.Ҳ: — Бировнинг уст-боши бировга тўғри келмайди. Буни-сига мен қўшилмайман. Ўша қўшиқнинг матнида қандай сўзлар бор биласиз. Мана «Қурбон ўлам», «Бозиргоний» яна шундай кўп ашулалар бор. Булар аёлларга тўғри келмайди. Кейин эркакларимиз аёлларнинг айтадиган «Ёрим келди, ёрим йўқолди» деган ғазаллари бор, бу эркакларга тўғри келмайди. Ҳар бир ижрочи ўзига ярашган қўшиқни айтса айни муддао бўларди.

О.Н: — Фуломжон ака, санъаткорлар ичида юрасиз. Санъаткорларнинг ҳаммаси ҳазилкаш бўлади. Қизиқ воқеалар бўлади. Сизда ҳам шундай ҳангомалар бўлганми?

Ғ.Ҳ: — Театрда ишлаб юрган пайтимизда кўп қизиқ ишлар бўларди. Бир куни «Алпомиш» драмаси бўлаётган эди. Асад Азимовнинг отаси бўлар эди. «Алпомиш»да «илон» деган ролни ўйнар эди. У хоннинг жосуси. Биринчи картинада «ғув-ғув» деб саҳнани айланиб чиқадиган жойи бор эди. Шу асари 4—5 марта эфирда кетгач, Асака театрига бориб қўйдик. Асаканинг саҳнаси тор экан. Оташ «Ғув»деб илонбошли ҳасса фон билан чиқди-да, айланиб келиб туриб, мусиқа хонага, қутига тушиб кетди. Қўлтиғидан ушлаб саҳнага чиқариб юбордик. Актёрнинг усталигини қаранг, саҳнага чиққач залга қараб, баччағарларей, шу ерни ҳам кавлаб қўйибди-я, дейди.

О.Н: — Фуломжон ака, келгусидаги иш режаларингиз қандай?

Ғ.Ҳ: — Мен Андижондаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур номли университетда катта ўқитувчиман. Режаларим ҳам катта. «Нодирабегим»ни саҳналаштиряпман. Яна қиладиган ишларим кўп, мақомларимизни ёшларимизга ўргатиш ҳаракатидаман.



УЙҒУР ҚИЗИНИНГ УЙҒУН НАВОСИ



Холисхон Қодирова 1936 йил 10 октябрда Хитой халқ республикасининг Қашқар вилоятида дунёга келди. «Ёшлигимдан мусиқага қизиққан эдим, онам дутор чалиб, ашула айтар эдилар, дейди Холисхон опа. — Менга ашула айтишни ўргатар, хатоларимни тузатиб турар эдилар».

Озода Назарова: — Холисхон опа, сиз икки буюк халқ: ўзбек ва уйғур санъатини, маданиятини, куй ва кўшиқларини пухта ижро этадиган хонандалардан бирисиз. Босиб ўтган ҳаёт ва ижод йўлингиз ҳақида билишни истардик.

Холисхон Қодирова: — Гарчи ўзим аслида Қашқарда туғилиб ўсган бўлсам ҳам, асл зотимиз ўзбек бўлган. Отам марғилонлик бўлиб, 1930 йилларда коллективлаштириш даврида оиласи билан Қашқарга кетиб қолишган экан. У ерда онамга уйланганлар. У вақтларни эсласам, ўзимни негадир, санъаткорлар оиласида туғилгандек ҳис қиламан. Лекин оиламизда санъаткор бўлмаган. 7—8 ёшимда уйимизда потефон бўлар эди. Унда Уйғурча пластинка бўлмаган шекилли, Тамарахоним, Ҳалима Носирова, Карим Зокировларнинг кўшиқлари ёзилган пластинкаларни кўйиб эшитардик. У пайтларда Ўзбекистондан келган пластинкаларни эшитишарди. Уларнинг нархи тилло билан ўлчанарди.

Ҳалима Носирова, Тамарахоним, Муқаррама Турғунбоева, Мулла Тўйчи ҳофизнинг пластинкалари қўлма-қўл бўлиб кетарди. Мен қўлим бўшади дегунча потефонда кўшиқ эшитар эдим. Ўзбекча кўшиқларни шу тахлит ўрганиб олгандим. Ўзбекистонга 1955 йили келган бўлсам, 1951 йилда 14—15 ёшларимда гастрол сафарига ўзбекистонлик Комилжон Отаниёзов, Тамарахоним, Фулом Аҳмедов, Назира Аҳмедова, Муқаррама Турғунбоева каби 100 дан ошиқ санъаткорлар ҳамда халқ чолғу оркестри Қашқарга келган. Мен мактабга бормасдан қайта-қайта концертга кирганман. 1955 йили Шинжон Уйғур автоном республикасида ўзбек граждандари ватанига қайтиши

мумкин деган, қарор чиққан. Гарчи онам қайтишни хоҳламаган бўлсалар ҳам мен роса қувонганман. 1956 йилда Тошкентга бир гуруҳ Уйғур санъаткорлар келишди. У пайтлар Правда Востока кўчасида Свердлов номли концерт зали бўлар эди. Ўша ерда концерт беришди. Концертга чипта олгани келганимда филармониянинг олдида Дилором Шерова, Назира Аҳмедоваларни учратдим. Қарашса, менинг кийимларим бошқача. Бу ерни кига ўхшамайди. Сен кеча ашула айтган қизмисан, бу ёққа кел-чи, деб чақириб олишди. Ийманибгина олдиларига бордим. Саломлашиб бўлгандан кейин, кечаги ашула айтган қиз сенсан-а, деб сўрашди. Мен қўрқа-писа йўқ, дедим.

— Вой, нега қўрқяпсан биздан? — ҳайрон бўлиб сўрашди улар.

— Биз бу ерга оиламиз билан кўчиб келганмиз. Мен концерт кўришга келдим. Аммо ашула айта оламан, дедим.

— Унда юр, бизга айтиб берасан, — деб ўзлари билан олиб кетишди. Улар «Нимани, қайси ашулани айтасан?» — деб сўрашди. Шунда мен: «Қошингни қораси»ни айтаман, дедим. Роял чалиб туришди, мен ашула айтдим.

— Вой овозинг ўқдай экан-ку. Ишлайсанми? — дейишди. Ҳа ишлайман, дедим.

Кейин улар мени Бернора Қориеванинг оталари Раҳимберди Қориевнинг олдида олиб киришди. Қашқарча гапирдим. Қаердан келдинг, дея ҳамма-ҳаммасини обдон суриштиришди.

— Биз сенга уй бера олмаймиз. 60 сўм ойлик билан ишга оламыз, — деди Раҳимберди ака меҳрибонлик билан. Рози бўлдим. 1956 йилда филармонияда иш бошладим, бир йилдан сўнг гастрол сафарига бордим. Ўша пайтда Ашула ва рақс ансамбли дея номланган, кейинчалик «Шодлик», ҳозир эса номи «Ўзбекистон» ашула ва рақс ансамбли деб аталаётган санъат ошиёнида Қундуз опа Миркаримова, Эргаш Йўлдошевлар ишлар эдилар. Биринчи тарбияни улардан олдим. 1957 йили Сафар Оқилов катта бир уйғурча концерт дастури қўйдилар, унда 80—100 киши иштирок этарди. Шу дастурда иштирок этдим. Кейинчалик Ўзбекистон санъати ва адабиёти декадасида иштирок этиш шарафига муяссар бўлдим. Бастакор Фаҳриддин Содиков билан ишлаш орзуларим бор эди. 1967 йили радиотелевидение қошида уйғур ансамбли ташкил этилиши муносабати билан мени бу ерга таклиф қилишди. Бир йилча шу ерда ишлаганимдан кейин, мақом ансамблига ўтказишди. Кейинчалик ниятларим рўёбга чиқиб, Фаҳриддин Содиков биринчи марта «Ўт тушди ширин жона» деган ашулани ўргатдилар. Бир куни туғилган кунимда шоир Зоҳиджон Обидов (Худо раҳмат қилган бўлсин) қўлида қоғоз, ўт тушди ширин жона, деб кириб келдилар. Мен

у қоғозни Фаҳриддин Содиқовга бердим. Кейин улар бу шеър-га куй басталаб, қўшиқ қилдилар ва уни менга ўргатдилар. Фаҳриддин ака ниҳоятда талабчан эди, бир нарсада янгилиш-сак жаҳллари чиқиб кетарди. Мақом ансамблида биринчи айт-ган ашулам шу бўлди. Худди шундай бир қатор қўшиқларни ижро этдим. 1968-73 йиллар мени орзуларим ушалган йиллар бўлди, десам муболаға бўлмайди. Кунора телевизорларда чиқиб турар эдим.

О.Н: — «Гулойим» билан яна бир марта машҳур бўлгансиз.

Х.Қ: — Ҳа, «Гулойим» билан яна бир марта машҳур бўлдим. «О, Тиш»ни ўзим яратганман. Тиш деган бир қишлоқ бўлар эди. Шу ердан чиққан ашула. Мен қўшиқни қайта ишладим. Бадиий кенгашдан ўтган. Биринчи бўлиб, рубоб, доирада айт-ганман. Кейинчалик мақом ансамблида Фаҳриддин Содиқов куй чалган. Бу ашулани уч-тўрт марта ёзганман.



УСТОЗЛАРНИНГ ЎГИТИ БИЛАН...

Фароғат Раҳматова 1927 йил Қашқадарё вилоятида туғилиб вояга етди. Камтарин, ҳозиржавоб бу катта санъаткор ҳамиша ёшларга устозлик қилиб келди. Фароғат опа санъат оламига ҳеч кимга ўшамасдан кириб келди. У дастлабки кунларданоқ санъатни, саҳнани муқаддас саждагоҳ деб билди. Худо берган истеъдод, ақлу латофат уни халққа тез танитди, кўзлари чақнаб турган ёшгина Фароғатхон — Фароғат Раҳматова, Фароғат ая деб аталиб, устоз санъаткорга айланди. Опа яхши инсонлар даврасида юради. Ўқиб юрган пайтларидаёқ Фароғат опа мактаб саҳналарида ўз маҳоратини кўрсатди. «Ёрилтош» драмасида Оймомо ролини ўйнади. Ундаги нодир истеъдодни кўрган устозлари уни табриклашди. Кейинчалик бинойидек ашулачи ҳам бўлиб қолди. 1941 йил ёқимли овози бўлган бу ёш хонандани Бухоро театрига олиб келишади. Фароғат опа театрда Саттор Ярашев билан биргаликда спектаклда ўйнай бошлади. «Фарҳод ва Ширин», «Даврон ота» спектакларида роллар ижро этди. Сўнг Бухородан яна она юрти Қашқадарёга қайтиб келди. Бир кун Қашқадарёда кўп одамлар иштирок этган катта тадбир бўлди. Тадбирда ҳукумат раҳбари Усмон Юсупов ҳам бор эди. Курултойда Тошкентдан «Колизей» театри «Ўзбекистон қиличи» спектакли билан қатнашди. Мусиқачилар Турғун Алиматов ва Асқар Убайдуллаевлар жўрлигида Фароғат опа танаффус пайтидан фойдаланиб саҳнага чиқиб «Найлайн», «Эй пари», «Дилдор доим ўзингга» сўзлари билан айтиладиган кўшиқларни ижро этади. Ажойиб овози ва саҳна маҳоратидан қойил қолган Усмон ота 16 ёшли бу ёш истеъдодни Тошкентга ишга таклиф қилади.

Озода Назарова: — Фароғат опа, мана сиз табиатан мулойим аёлсиз. Ҳамкасбларингиздан эшитишимча, ролларни таллашиб-тортишиб ўйнагансиз. Асосан, бош ролларда. Маҳоратингизнинг сири нимада, нималарга қизиққансиз?

Фароғат Раҳматова: — Менинг жуда қизиқ характерим борда. Мен ўзим умримда рол талашмаганман. Актрисалар билан, ўзимнинг ҳамкорларим билан, дублёрларим билан ҳеч рол талашмаганман. Мана шу ролни мен ўйнайман, майлими опа, дейишса, марҳамат-марҳамат, ўйна дер эдим. Мана, ҳозир ишлаётганимга 63 йил бўлаяпти. Лекин, режиссёрлар билан талашар эдим. Нимага? Ашула жойига тўғри келмаса, бошқа ашула ёзиб келсин бастакорингиз, деб туриб олар эдим. «Фигон»ни Матниёз ака (Худо раҳмат қилгур) етти марта ёзиб келганлар. Тўла Хўжаев саҳнага қўйганлар, саккизинчи мартасида айтганман.

О.Н: — Қайси бир режиссёр сизда энг кўп, энг катта таасурот қолдирган?

Ф.Р: — Мен жуда кўп режиссёрлар билан ишлаганман. Мени Фароғат қилган, Маҳмуджон акани Маҳмуджон қилган биттагина режиссёр Музаффар ота. У киши қўйган «Алпомиш»да Барчинни ўйнаганимдан кейин менга бутун республикадан қопқоп хат келар эди. Маҳмуджон ака билан Фароғат чиқар экан деса, эшиклар синадиган бўлиб, томошабин келар, билет топилмас эди. Шу одам айтганлар-да, мен Сорани, Шукурни, Абборни Хумо қилиб халққа танитган бўлсам, сизларни иккалангизни ҳам шундай қилиб танитаман, деб. Уларни доим эслаб юраман. Барча устозларимни ҳурмат қиламан. Энди ёшларнинг орасидан бундай устозларнинг ўрнини босадиган Рустам Бобохонов деган режиссёр чиққан эди, умри қисқа экан. (Оллоҳ раҳмат қилсин).

О.Н: — Саҳнада қайси ролларни чин дилдан ўйнагансиз?

Ф.Р: — Актёр, актриса учун ролнинг яхши-ёмони бўлмайди. Асосий сир ижрочида. Ижрочисининг яхши-ёмони бўлиши мумкин. Лекин асарда яхши ёмон рол бўлмайди. Агар ўрнига қўйиб ўйнасангиз, ҳаммаси бўлади.

О.Н: — Саҳнада қўшиқ айтишда овоз жуда катта аҳамиятга эга-да. Ҳозирги пайтда кўп ёшларнинг овози тез ўзгарувчан. Бир пасда йўғонлашиб қолади, бир пасда бўғилиб қолади. Сизнинг овозингиз ҳар доим бир хил. Жозибадорлиги сақланиб туради. Қаерда бўлмасин таниймиз. Овозни бир маромда сақлашнинг сири нимада?

Ф.Р: — Овоз жуда нозик, буни совуқдан асраш керак. Яхши овоз бор бўлса, у йўқ бўлмайди. Овоз чархлаб турилса, нафас олганда нафас йўлларига эътибор билан қўшиқ айтилса, бу овоз ҳеч қачон чарчамайди. Ҳамиша бир хил чиқаверади.

О.Н: — Бугунги кун театрига сизнинг муносабатингиз қандай?

Ф.Р: — Хоҳлардимки, ҳозирги драматурглар кўпроқ излансин, фақат битта нарсанинг изидан қувмасин. Бўш асарларни олиб келишмасин, агар асар бўш бўлса, истеъдодли режиссёр ҳам уни яхшилаёт олмайди.

О.Н: — Қўшиқ диапазони ҳам тўғри келмайди.

Ф.Р: — Қўшиғининг тўғри келмаслигининг сабаби бор-да. Чунки биз ўйнаган пайтимизда бастакорлар эътибори бизда бўларди. Бастакор билан драматург бирга ишлашар эди.

О.Н: — Ҳар битта хонандани текшириб кўришлари керак тўғрими?

Ф.Р: — Қўшиқ беришдан олдин овозини синаб туриб чиқариш керак. Қобилият даражасини ўрганиб чиқариш керак. Бир мисол, институтда беш йил ўқиган қиз битта қизчанинг ролини ижро этолмади. Беш йил бекор ўқиган экан. Беш йил вақтни кетказгунча бошқа иш қилса бўлмайди. Нима қиласан санъат институтида ўқиб. Овози бўлмаса нима қилади. Саҳна нутқи жуда чиройли бўлиши керак. Буни ўқишга қабул қилётган пайтда текшириб кўриш керак.

О.Н: — Бугунги кун драматурглари, режиссёрлари, санъаткорларининг ҳамкорлиги илгариги даврлардаги билан тенглаша олмаяпти-да. Уларни ҳамкорлигини мустаҳкамлаш учун, шоҳ асарлар яратиш учун нима қилиш керак?

Ф.Р: — Яхши асар ёзадиган драматург ҳамёнини ўйламасдан ёзади. Яхши асар қўядиган режиссёр актёрни танлаб рол беради. Ўша ролни берадиган актёримдан шу нарса чиқадими, чиқмайди? Режиссёр рол тақсимотини тўғри қилса, у асар яхши чиқади. Шунинг учун драматург билан режиссёр бирга ишлаши керак.



ОТА ДУОСИ БИЛАН



Ўзбек миллий ижрочилик санъати анъаналарининг моҳир намояндаси, миллий мусиқий санъатимизнинг жонқуяр тарғиботчиси, фидойиси, эл севган ҳофиз ва созанда, Ўзбекистон халқ ҳофизи, Ўзбекистон Республикаси Бадий Академияси, Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг фахрий доктори Ҳасан Ражабий — 1942 йил 22 июлда, Тошкент шаҳрида беназир бастакор, созанда ва ҳофиз, миллий мусиқамизнинг улкан хазинабони, Ўзбекистон халқ артисти, академик Юнус Ражабий оиласида дунёга келди.

Уларнинг файзли хонадони композиторлар, ажойиб бастакорлар, уста созанда ва ҳофизлар, шоирлар, ёзувчилар, санъаткорлар доимо гавжум бўладиган жойга айланган эди. Бу уй хоналари бирининг тўридан дутор, танбур, най, рубоб, доира жой олган эди. Мана шу муҳит Ҳасан Ражабийда мусиқа санъатига катта қизиқиш уйғотди. Устоз санъаткорларнинг чолғу созларидаги ижролари ҳофизларнинг янгроқ гўзал овозлари уни мафтун этиб, ёлғиз қолганда турли созларда чалиб овози чарчагунча ашула айтар эди. Йиллар ўтиб унинг мусиқага қизиқиши орта борди. Негадир бу қизиқишини у отасидан яшириб келарди. Отаси буни сезган бўлса ҳам, негадир ўғлини шу соҳага ундагиси келмас эди. Кундузи мактаб кутубхонасида ишлади. Аммо мусиқага бўлган меҳри уни тинч қўймади. Шунинг учун талабалик йилларининг 3 курси бошланишидан олдин, отасидан сўраб ўтирмай, мактабдаги ишидан воз кечиб, Ҳамза номидаги мусиқий билим юртининг халқ чолғу бўлимига, Танбур мутахассислиги бўйича ўқишнинг кундузги бўлимига имтиҳонни яхши топшириб биракай иккала илм даргоҳларида ўқий бошлади ва 1967 йили буларни муваффақиятли тугатди. Талабалик йилларидаёқ радио ва телевидение орқали ўз санъатини намойиш эта бошлади. Ўзининг севимли сози — танбурни электрлаштириб овозини кучайтириб халқ чолғу оркестри жўрлигида куйлар ижро этди. Устозлари билан Ўзбекистон Давлат

филармонияси оркестрига солист сифатида қабул қилиниб 40 дан ортиқ катта шаҳарларда гастролларда бўлиб, танбури билан катта муваффақият қозонди, олқишларга сазовор бўлди. Шу билан бирга халқ ўртасида, телевидение орқали ўз сози жўрлигида ўз ашула ижролари билан кўриниб эл орасида ҳофиз сифатида ҳам танила бошлади. Ўқишлари тугагач Ҳасан Ражабий Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий тадқиқод институтининг мусиқа бўлимида илмий ходим вазифасида ишлай бошлади. Республика матбуотида ўзининг долзарб мақолалари билан чиқди. «Билим» жамиятида унинг «Шеърят ва мусиқа» номли рисоласи чоп этилди. Отаси, академик Юнус Ражабийнинг сўнгги 12-жилд: «Мусиқа меросимизга бир назар» номли китоби нашр эттирилишида фаол қатнашди. Кейинчалик мусиқанинг сеҳри уни отаси Ўзбекистон телерадиосида ташкил этган мақомчилар ансамблига етаклади ва у аввал созанда, сўнг ҳофизлик лавозимида бутун кучини бериб ишлай бошлади. Ҳам чолғучилар ансамбли билан, ҳам ҳофизлар қаторида ашулалар айтиб, яккахон ҳофиз сифатида ҳам эл ўртасида ота ўғил сифатида танилиб қолди. Чунки унинг овоз тембри худди отасининг овозини ўзгинаси эди. Кейинчалик нафақат отасининг, бошқа устоз ҳофизларнинг энг нозик қочиримлари ҳам унинг овозида мафтункор таъсирли янграй бошлади.

О.Н: — Кимларни устоз деб биласиз?

Ҳ.Р: — Энг аввало ҳофиз бўлишимда отамнинг ўрни беқиёс.

Юнус Ражабий халқимизнинг энг сеvimли ҳофизи бўлиб аллақачон танилиб бўлгани, менинг ҳам халқ ўртасида тез танилиб кетишимга сабаб бўлди. Қолаверса устоз созанда Турғун Алиматовнинг сеҳрли танбури мени оҳанграбодек ўзига тортар эди. Ботир Зокировнинг ижролари, Расул Қори Мамадалиев, Жўраҳон Султонов, Мавлуда Аъзамова, Тамарахоним, Коммуна Исмоилова, Берта Довидова сингари буюк ижрочилардан илҳомланганман. Бундан ташқари радио, телевидение орқали янграйдиган барча мумтоз ҳофизларнинг хонишини, уларнинг нолаларини ўрганиб олганим учун уларни ҳам ўз устозларим деб биламан. Буларнинг номларини ўзини неча-неча саҳифаларга ёзса арзийди.

О.Н: — Ёшлар мақом ижро этсалар нимага эътибор беришларини истар эдингиз?

Ҳ.Р: — Аввало ёш ижрочилар ўзбек мақомлари — Шашмақомга қизиқсалар, уни забт этсалар, севиб ижро этсалар қани эди. Шундайлар ҳам бор. Бундай ижрочиларни Юнус Ражабий номли мақомчилар танловида эшитганман, кўрганман, завқ олиб тан берганман. Мақом ижрочиларининг айниқса овози кучли

тембрга, кенг дапазонга эга бўлиши керак. Катта юрак эгаси, ғазалхон, масъулиятни сезадиган, катта фаҳм эгаси бўлиши керак. Раҳмдил ва меҳрибон, одамларни, табиатни севувчи, нозик таъб, завқ-у шавққа тўла, ҳар тарафлама олижаноб инсон бўлмоғи лозим. Мақом асарлари бир-бирига боғлиқ кўп қисмли циклли мураккаб асарлар бўлгани сабабли ижроси учун алоҳида эътибор талаб этади, аввало бу асарларни қайта-қайта тинглаб, унинг матнига эътибор бериш, қочирим-у нолаларини ўз-ўрнида қўллаб, уларни бачканалаштиришдан сақланиш лозим.

Ўз салобати ва назокати билан, куйи ва сўзининг мазмунига тушуниб етган ҳолда нолада уни кўрсата олиш лозим. Сўзларни аниқ, лўнда, куй ила монандлиги, инсонлар қалбига еткиза олиш, уларни хайратга солиш ҳофиз-у созанданинг асосий мақсади бўлмоғи керак. Отам академик Юнус Ражабий қилган хайрли ишларининг энг катта ютуқ томони шу бўлдики, барча мақом нота ёзувларини ёзишда уларни тузатиб, тўлдириб, қайта ишлаб, сўнг уларни ўзлари тузган ансамблдаги беназир шогирдалари ижросида гўзал, ажойиб ижро ёзувларини ҳам авлод-аждодларимизга қолдирганлар. Мана ўша нота ёзувлари ва ижроларини бирини бирига солиштириб иккисидан ҳам унумли фойдалана билиш ҳам, ўзбек мақомларининг энг ажойиб тенги йўқ ижроларини яратишда катта мактаб ролини ўйнайди. Мақом асарлари шунда тингловчини ўзига ром қилиб, дилига роҳат бахш этади, ҳатто даволайди ҳам.

О.Н: — Мақом ижроларига чет элликлар муносабати қанақа?

Ҳ.Р: — Америка, Франция, Германия, Араб мамлакатлари Ҳиндистон, Эрон, Малайзия, Япония сингари мамлакатлар мусиқа шинавандаларининг ўзбек мақомлари инсон руҳиятига жуда катта таъсир кўрсата олишлиги, шифобахш кучга эга эканлигини таъкидлашганларини эшитганман. Мақомларни ҳатто илоҳий кучга ҳам эга, агар жуда қаттиқ берилиб тингланса арши аълога кўтариб юборади дейишганини ҳам эшитганман. Мақом оҳангларини ижро этганимда уларнинг диққат кўрсата олишлиги, ва чуқур эътибор билан юрак ютиб жим тингланганларини кўриб, уларда тинглаш маданияти жуда яхши ривожланганига ҳайрон қолдим ва тасоннолар айтдим. Ўзимизда ҳам мақом асарларимизга шундай эътибор берилса қани эди, деб юбордим. Демак тинглаш маданияти дарслари боғча, мактаблардан бошлаб ҳатто институтларда ҳам давом эттирилиши, эътибор берилиши, ҳатто шундай, дарсликлар киритилиши ҳам лозим экан, дегим келди. Асли ўзи мақомлар ўзбек халқининг миллий маданий мероси ҳисобланади. Ўзбекнинг дарду ҳасрати ноласи мужассам бу асарларда.

Ҳақиқат ҳам шунда-ки мусиқа оҳанги туфайли унинг қайси бир халқга мансуб эканини ҳам билишимиз мумкин.

О.Н: — Бизда мумтоз ашула, қўшиқларни кўпчилик эшитмайди деган гаплар юради.

Ҳ.Р: — Бу фикрга мен қўшилмайман. Мақомларимизни ҳам севиб тинглайдиганлар кўп. Авваломбор айниқса бизнинг халқ мумтоз ашула ва қўшиқларни жон дилидан севади. Буни мен жуда кўп мусиқа шинавандаларидан эшитиб келаман. Ҳатто ҳозирги кунда айниқса енгил-елпи ашулалардан кўнглимиз хун бўлди, радио ва телевидение орқали жуда кўп беришади, енгил-елпи маъноси ва мазмуни саёз қўшиқлар тобора халқимизнинг кўнглига урмоқда. Мақомларимиз, классик ашулаларимизни соғиниб қолаяпмиз, классик куй ва қўшиқ, мақомларга эътибор сусайиб бормоқда. Мумтоз куй ва қўшиқларни тинглашга бўлган қизиқишни ҳисобга олиб, уларнинг тараннум этилишига кўпроқ вақт ажратилса мақсадга мувофиқ бўлур эди. Классик, мумтоз ашулаларда Навоий ғазалётига ўхшаш мураккаб тушунчали сўзлар янграйди. Баъзи сўзлар мазмунини ҳар ким ҳам тушуниб англай олмайди, албатта. Бунинг учун биз, эски ўзбек тилини, туркий, форсий, арабий тилни мактаблардан бошлаб институтларда ҳам давом эттириб, дарсликлар сифатида ўқиб боришимиз, алоҳида дарсликлар яратилиши лозим эди. Ашула сўзлари лўнда айтилгани билан мазмунига етолмай турсак бу ҳам ашула таъсирини пасайтиради. Тушуниб тингланса мумтоз ашулаларимиз тингловчилар қалбига чуқур сингиб, ўчмас из бўлиб қолади. Инсон ёши улғайган сари у куйлар, ашулалар кучлироқ таъсир этадиган бўлаверади, чунки инсоннинг ёшлик онлари кўз ўнгидан ўта бошлайди. Инсонлар ширин туйғуларга берилдилар.



САНЪАТДА САБР-ТОҚАТ КЕРАК



Абдурашид Воҳидов 1930 йил 5 февралда Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туман Шаҳанд қишлоғида туғилган. Абдурашид Шаҳанд қишлоғидаги 23-ўрта мактабда ўқиб юрган пайтларидаёқ қалбида санъатга иштиёқ туғилди. Мактабда бўладиган турли тадбирларда қатнашиб, устозлар назарига тушди. Туман маданият уйидаги тўгаракка қатнаб, кўпгина кўшиқлар ўрганди ва турли тадбирларда голиб бўлди. Фарғона педагогика институтининг Тил ва Адабиёт факультетини муваффақиятли битириб, ўз қишлоғига қайтади. Мактабда ўқувчиларга она тили ва адабиёт фанидан дарс беради. Шу билан бир қаторда туман маданият уйида ўзининг санъати билан халққа манзур кўшиқларни ижро этиб, мухлислар меҳрини қозонади. Абдурашид аканинг кўлидаги сози — дутор унга ҳамиша ҳамроҳдир. Абдурашид ака 1960 йилларда Наманганда «Олмализор гуллари» ансамблини тузиб, телевидение орқали бир неча бор концертлар беради. Россия бўйлаб, Қозоғистон, Қирғизистонларда концерт сафарларида бўлиб қайтади. Улар турмуш ўртоғи Шарифа ая билан 9 фарзандни тарбиялаб, 30 нафар набиранинг бобоси ва бувижониси бўлиб ширин ҳаёт кечирмоқдалар.

Озода Назарова: — Водий томонларда мақомни, халқ кўшиқларини ижро этадиган, «чапандоз»га ўхшаган катта-катта ашулаларни меъёрига етказиб айтган ҳофизлар кўпчиликни ташкил қилади. Наманган вилоятида қайси ҳофизлар билан ижодий ҳамкорлик қилдингиз?

Абдурашид Воҳидов: — Чустда Маҳамадхон ҳофиз, Наманганда Шап-шап Қори ака дутор билан бахшиёна йўлда ашула айтарди. Кейинчалик кўқонлик машҳур ҳофизлар Мамадали Қори, Эрка Қори, Исоқхон акалар билан ҳамнафасликда катта ашулалар айтганман. Устозларим Маъмуржон Узоқов, Жўраҳон Султонов, Орифхон Ҳотамов, Фаттоҳхон Мамадалиевлар, Расул Қори каби санъаткорлар айтган ашулаларга ҳам янги йўна-

лишда ўзим куй басталаб, дуторда ижро этганман. Орифхон акамни устозим деб биламан. Улар басталаган куйларни қайта ишлаб, айтганман.

— Ҳозир чиқаётган китобларни варақласангиз ёки шеърларни ўқисангиз, ҳаммаси севги-муҳаббат ҳақида. Бундай шеърларни дутор билан ижро этишнинг иложи йўқ. Дуторга асосан 7—8, 11 бўғинлик шеърлар тушади. Дутор ҳам сеҳрли бир чолғуда. Устозларимиз шунинг учун: «Бу сеҳрли икки тор, бу икки тор бўлгани билан ичида кўп нарсалар ёнади, бунинг ичида маъно кўп, қанча чалсанг шунча чиқаверади», деб бекорга айтишмаган. Устозим Маҳмуд Юнусов бўлиб, лақаби Маҳмуд тараша эди, дутор ҳақида шунақанги қизиқарли ҳикояларни гапириб берардилар. Дуторни қанча чалсангиз зерикмайсиз. Янги-янги куйлар чалиниб келаверади.

О.Н: — Оилангизда санъаткорлар бўлганми?

А.В: — Йўқ, лекин, отам дутор чертардилар. Сизга айтсам, отам мени 16 ёшимда уйлантириб қўйганлар. Янги уйланган кезларим, қиш пайти сандал атрофида гурунглашиб ўтирган эдик. Кутилмаганда, отам келинойингизга қараб: «Шарифахон қизим, дуторни олиб беринг», дедилар. У устунда осиглик турарди. Ўша пайтгача мен дуторни ушлаган ҳам, чалган ҳам эмасман. Отам бир оз машқ қилиб ўтирдилар-да: «Бўлмади, илиб қўя қолинг», дедилар. Шу нарса юрагимга аллақандай таъсир қилди. Отам ухлаганидан кейин уйимиздан бозоргача, бозордан уйимизгача дутор чалиб юрадиган бўлдим. Чалишни тузуккина ўрганиб олган бўлсамда, отамнинг олдида чалишга уялардим.

О.Н: — Инсоннинг ўзига бўлган ишончи нимада?

А.В: — Озодахон, ҳамма нарсага ҳам сабр-тоқат керак. Борида ҳаволаниб кетмасдан, йўғида тушқунликка тушмасдан ҳаммасига сабр қилсангиз ҳамма нарсанинг ҳисоб-китоби бор. Сабрнинг ҳам, жаҳлнинг ҳам ҳисоби бўларкан. Дилингиз билан тилингиз бир хил бўлса, юракни пок қилсангиз икки дунёда ҳам хор бўлмай, ўйлаган ниятингизга етаркансиз. Эскиларда бир гап бор: «Кўпчилик бир тишламдан нон берса тўйдиради, бир муштан урса ўлдиради», деган. Мен халққа ишонаман. У шу пайтгача эъозлаб келяпти. Шаънимга доғ тушадиган гапни эшитмадим. Ҳамиша халқимнинг ишончини оқлаш учун ҳаракат қиламан.

О.Н: — Сизнинг даврингизда қийинчилик, уруш даврлари бўлган. Кечинмаларингизни сўзлаб берсангиз?

А.В: — Гапларим ёшларга қизиқ туюлар. Отамизни уруш бошланганидан кейин ишчи батальонига олиб кетишди. Биз оилада 7 ўғил эдик, қизлар йўқ. Шунда мен ёшгина боламан.

Уйимизда 2 та сигиримиз бор эди. Отам раҳматлик: «Қийин кунларга асқотади», деб озгина бугдойни кўмиб қўйган эканлар. Шунни олиб чиқиб коримизга яратганмиз.

О.Н: — Сизни «На бўлди нигоро, асло қарамайсиз», деган машҳур қўшигингиз бор. У ашулани дуторда чиройли ижро қилгансиз. Қўшиқни XX асрда ижро қилган бўлсангиз, XXI асрга келиб ёшларимиз ижро этишяпти. Қўшиқнинг яратилиш тарихи ҳақида гапириб берсангиз.

А.В: — Бир куни Фурқат китобини очиб ўтирсам «Қарамайсиз» деган ғазал чиқиб қолди. Кечаси билан ижод қилиб шу ғазалга куй басталадим. Қўшиқни биринчи бўлиб Андижонда Ўзганда айтганман. Халқ яхши кутиб олди. Солижон ака деган киши саҳна ёнига келиб: «Халойиқ, шу одам бугундан бошлаб менинг иним», дедилар. Шу ерда неча киши бўлсангиз, концертдан сўнг уйимга боринглар, зиёфат бераман, дедилар. Ҳаммамиз ҳайрон. Мукаррама Азизова ансамблимининг бошлиқлари. Биринчи бўлиб улар, иккинчи бўлиб мен дастурни тугатдим. Ташқарига чиқсак, «400-москвич», «Победа», автобус турибди. Ҳалиги киши битта қўйни сўйиб, катта тай-ёргарлик кўрибдилар. Уларнинг Соибжон деган ўғиллари бор экан. Зиёфат пайтида менга, «Қарамайсиз» деган ашулангизни менинг ўғлимга ўргатсангиз, дедилар секин. Ўшанда бу бола 7—8 яшар эди. Кейин шу ашулани пластинкага ёзиб уларга бердим. Орадан анча йиллар ўтди. Тошкентда яшаймиз. Бир куни дарвозани кимдир тақиллатди. Чиқсам, дарвоза ёнида бир йигит турибди. Саломлашгач, «Мени танидингизми?», — деди у жилмайиб.

— Йўқ таниёлмадим, — дедим.

— Мен Солижон дўстингизнинг ўғлиман. Улар бултур бандаликни бажо келтирдилар. «Анҳор»да дадамларга атаб ош беряпман. Ёнимда турунг, деб келдим, — деди. Соибжон билан ака-ука бўлиб танишиб олдик. Кечагина радиода ўтирсам, бир қиз, бир йигит чиқиб дуэтга ўхшатиб «На бўлди нигоро»ни айтаяпти. Мусиқаси ҳам, шеъри ҳам ўзгарибди. Бироқ ният яхши. Агар шу қўшиқни устозлар билан маслаҳатлашиб яратишганда, нур устига аъло нур бўларди.



«ЎЙЛАТИБ ҚЎЙДИНГ МАНИ...»

Алижон Эркаев 1933 йил 10 октябрда Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманида туғилган. 1952 йили ўрта мактабни тугатиб, Тошкент Чет тиллар институтининг немис тили факультетига ўқишга киради. Алижон ака институтни муваффақиятли тугатиб, Тошкент педагогика институти ва Тошкент Давлат маданият институтларида чет тили, мантиқ, бадиий ижод, фалсафа, миллий менталитет каби фанлардан дарс берди. Ҳозирда Тошкент Давлат маданият институтида ишлаш билан бирга ажойиб қўшиқлари билан халқимизга хизмат қилиб келмоқда. Ўзбекистон халқ ҳофизи Алижон Эркаев — фалсафа фанлари номзоди.

Озода Назарова: — Алижон ака, айтинг-чи, етук хонанда бўлиб турган пайтларингизда нима сабабдан илмий ишларга берилиб кетдингиз?

Алижон Эркаев: — Раҳмат! Жуда ўринли савол бердингиз. Мен илмга, аспирантурага кириб келаётганимда санъаткорлар ҳам, қўшиқ шинавандалари ҳам, мухбирлар ҳам шу саволни беришган. Чунки ўша пайтда мен машҳур эдим. У вақтларда илмга қадам қўйиш оғир, олим бўлишни ният қилганим учун барча қийинчиликларни енгишга ҳаракат қилдим. Ўзингизга маълум элга танилгандан сўнг тез-тез телевизорга чиқиш керак. Мухлисларнинг тўйларига бориш керак. Бола-чақа боқиш ва ҳоказо. Аммо ёшларга пухта билим бериш учун ўз фанингни назарий жиҳатдан чуқур билишинг керак. Шунда сен бераётган дарс ҳам, қилаётган ишларинг ҳам пухта бўлади. Онажоним ёшлигимда «Рустами дoston», «Алпомиш», «Юсуф ва Зулайҳо», «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин» дostonларини ёддан айтиб берардилар. Уларни тинглаб қалбимда адабиётга беқиёс муҳаббат уйғонган. Бир куни ашула айтганимда ёнларига чақириб: «Болам, сенда ёқимли овоз бор экан. Нега менинг олдимда айтмас эдинг?» — дедилар. Шунда мен: «Онажон, сал истиҳола қилардим», дедим.

Улар бўлса: — Йўқ болам, овозинг сеникимас, халқники, — дея таъкидладилар. — Сен бу овозинг билан халққа хизмат қилишинг керак, — дедилар. Ўша гаплари ҳамиша қулоғим остида жаранглаб туради. 1969 йили фалсафа фанлари номзоди бўлдим. Орадан бир йил ўтмасдан доцент бўлдим. Икки касбни баравар олиб боришнинг қийинчилигини ҳамма ҳам тушунади. Одатда, санъаткорлар концертларга борса, кейин тўйиб ухлайди. Менда ана шу ҳаловат йўқ эди. Ярим кечаси концертдан қайтгач, ҳам эрталаб соат 8да институтга дарсга борардим. Бунинг учун эрталаб 6 да туриб, ўқийдиган маърузамни кўздан кечирардим. Агар бир марта саёз лекция ўқисангиз кейинги сафар талабалар ҳурмат қилишмайди. Ҳар кирганингизда янги-янги мавзуларни замона билан боғлаб, болаларга муаммо бўлган нарсаларнинг ечимини топиб, маъруза қилсангиз, улар орасида ҳурматингиз бўлади. Биз ашула айтган пайтларимизда телевидениеда қўшиқларимиз ёзиб олинмасди, ҳар бири жонли ижро этиларди. Шу жонли эфиргача биз сахна ортида 3—4 марталаб репетиция қилиб, кейин чиқардик. Бизни биргина Ўзбекистон эмас, бутун Ўрта Осиё кўрарди. Ҳар бир ашулани машқ қилиб, сўзларини пухта ёдлашимиз керак. Ҳозирги техника тараққиётини қаранг. Сиз бормасангиз ҳам фонограмма олиб бораверишади. Ҳозирги ҳофизларга бу жиҳатдан анча енгил деб ўйлайман. Сира ёдимдан чиқмайди. Сирдарёда оилам билан дам олаяпман. Опангиз, бола-чақалар билан. Юқоридан Алижон Эркаев «Дилбаримсан» ва «Фарзона» қўшигини айтсин, деган қўнғироқ бўлди. Телевидениедан чопар келиб, бу хабарни етказди. Яна бир ҳафта дам олишим керак, дея эътироз билдирдим. «Ака, бормасангиз бўлмайди. Шу бугун кечқурун 8 яримда қўшиқ айтишингиз шарт», — дейишди улар унамасдан. Халқ олдидаги жавобгарлигим, телевидениега бўлган ҳурматим учун ўз вақтида етиб келиб қўшиғимни айтдим.

Кўраяспизми, икки касбни қўшиб ютқазганим йўқ. Эстетикадан дарс бераман. Бу санъатнинг иккинчи бўлаги. Агар дингиз юксак бўлса, иш тажрибага эга бўласиз. Гўзаллик нима? Нафосат нима? Матн танлашингизда бу қўл келади. Матннинг маъносини ҳам, бадиийлигини ҳам яхши тушунасиз. Баъзи шоирлар менга саёз шеърлар ҳам тутқазिशган. Уларни қайтариб, берганман.

О.Н: — Алижон ака, педагог касби ҳамма замонларда муҳим рол ўйнаган. Ёшлигингиздан педагогликка қизиққан экансиз. Оилангиз ҳам педагоглар оиласи экан.

А.Э: — Ҳаммамиз ўқитувчи, оиламиз ҳам, қизларим ҳам, мен ҳам...

О.Н: — Санъаткорлик билан педагогликнинг муштараклик томонлари нимада, фарқи-чи?

А.Э: — Яшанг, шу саволни берганингиздан хурсандман. Чунки педагоглик ўзи қийин касб бўлса, санъаткорлик ҳам қип-қизил машаққат. Алижон Эркаевга нима зарил экан, ўзини қийнаб. Битгасини қилаверсалар бўлмайдами, деганлар ҳам бўлган. Мен бу фикрга қўшилмайман. Чунки педагогика ҳам, санъат ҳам инсонни тарбиялайди. Қўшиқ ҳам тарбиялаши, мумкин. Бугунги кунда миллий менталитет ҳам янги фан. Ҳар бир миллатнинг ўзига хос томонлари — у санъатда бўладими, турмуш тарзидами, кийинишидами, урф-одатларидами, динию адабиётида бўладими, ҳамма жабҳаларида ўзига хос томонларини тушунтириб беради. Демокриманки, бугунги кунда мен ёшларни нафақат педагогика орқали балки, санъатим орқали ҳам тарбиялаяпман. Баъзан одамларнинг дидига мос келмайдиган қўшиқларни куйловчи санъаткорлар ҳам йўқ эмас. Чунки матнлари тутуриқсиз, бадий жиҳатдан пухта бўлмаган шеърлардан умри қисқа қўшиқлар қилиняпти. У овозга тушадими-йўқми, қатъи назар, чет эл мусиқасига сўз қўйиб, юмалоқ ёстиқ, хом ҳатала айтишлар ёшларимиз онгини бузади.

Шундай қўшиқларни ёшлар айтганда мени кечирсинлар-у, бир оз ранжийман. Биз умуман халқимизни, қолаверса, ёшларимизни, ўзимизнинг пухта, мукамал мақомларимиз билан, куйларимиз билан тарбиялаб боришимиз керак. Умрбоқий қўшиқларни яратиш ва уларни куйлаш ҳар бир ҳофизнинг жавобгарлик иши, деб тушунаман.



ДОИРА САДОСИ БИЛАН



Раҳима Мазоҳидова 1930 йил 8 март куни Қўқон шаҳридаги Дегрезлик маҳалласида Мусоҳон Тўра табиб оиласида дунёга келди. Унинг отаси ўз даврининг зиёлиларидан бўлиб, Ҳақим табиб номи билан ҳам машҳур бўлган. Онаси Маъфура-хон опа дутор чертиб, ашула айтганлар. Раҳимахонимнинг онаси дуторда куйлаганида қулоғида қолган «Тановар», «Муножот» нолалари уни санъатга ошно қилиб қўйди. Раҳимахоним 8-синфни битириб, Қўқондаги Муқимий номли артелда тикувчи бўлиб ишлади. «1941 йилларда, — эслайди Раҳима опа, — одамлар қўшиқ куйлаб жангга кирганлар. Қўшиқ куйлаб боғлар бунёд қилганлар. Ватанни ҳам қўшиқ айтиб қўриқлаганлар».

Озода Назарова: — Санъатга қачон ва қандай кириб келгансиз?

Раҳима Мазоҳидова: — Оиламизда санъаткорлар бўлмаган, лекин ўзим жуда ҳам қизиққанман. 9 ёшимдан қўшиқ айтганман. Қариндош-уруғларимиз бунга тиш-тирноғи билан қарши бўлишган. Келишмовчиликларга қарамасдан танлаган йўлимдан қайтмадим. Санъатимга, қўшиқ куйлашимга қаршилик қилмайдиган йигитга турмушга чиқаман, дердим. Чунки қўшиқсиз яшолмасдим.

О.Н: — Санъатга кириб келганингизда неча ёшда эдингиз?

Р.М: — Аввал тўғарақларга қатнашиб, қўшиқларим билан вилоятда 1-ўринларни олгандим. Лекин ишимдан кетмадим, атласимни тўқийвердим. Шунда директоримиз, атласни ҳамма тўқийди, лекин қўшиқни ҳамма айтолмайди. Буёққа юр, деб тўғри театрга олиб келдилар. Мен, хўжайнимнинг розилигини олишим лозим, десам, хўжайинга ҳам шу ердан иш топаман, дедилар.

О.Н: — Бу Қўқон театрида бўлганди, шундайми?

Р.М: — Ҳа, 1957 йил эди. Келгач, кетма-кет 10 та ашула айтдим. Муаммосиз ишга қабул қилишди. Шундай қилиб театр-

да концертлар бўлаверди, мен куйлайвердим. Бу ҳам омад. Ҳуна-
римдан хурсандман. Қайси соҳада бўлмасин, меҳнат қилсангиз
кам бўлмайсиз. Ҳозиргача тинчиганим йўқ. Шогирдларимга куйлар
басталаб бераман.

О.Н: — Нечта фарзандингиз бор?

Р.М: — 4 та қизим, 1 та ўғлим бор.

О.Н: — Оилангизда санъаткорлар борми?

Р.М: — Дилшоджон неварам санъат йўлига қадам қўйган. У
23 ёшда, яхши актёр.

О.Н: — Бастакорлар билан ҳам қўшиқлар ёзганмисиз?

Р.М: — Ёзганман. Муроджон Акбаров билан бирга ёзган-
миз.

О.Н: — Республика бўйлаб сафарларда бўласиз. Бу оғирлик
қилмайдими?

Р.М: — Бундай сафарлар менга куч бағишлайди. Халқ ора-
сида юрганимдан хурсандман.

О.Н: — Қайси давлатларда бўлгансиз?

Р.М: — Қўқонлик қизлардан қўшиқ дастасини тузгандим.
Улар билан аввал Чехословакияга бориб, ҳарбийларга концерт
қўйиб берганмиз.

О.Н: — Ижодкорнинг ютуғи нимада деб ўйлайсиз?

Р.М: — Ҳалол меҳнатда. Астойдил тер тўксангиз, ютуқ сиз-
ники бўлаверади.

О.Н: — Раҳима опа, эстрада йўналишида куйлаётган ёшлар-
римиз кўпайиб кетган. Уларнинг ижодини қандай баҳолайсиз?

Р.М: — Яхши савол. Хонанда қизларимиз мендан хафа бўлиш-
масин-у, телевизорда шим кийиб қўшиқ айтишяпти. Томоша-
бин, аёллар, қизларимиз қадди-қоматига ярашган узун кўйлак-
ларда саҳнага чиқишса бўлмайдими, дея эътироз билдиришади.
Тўғри эътироз. Негаки, халқимиз, ёшларимиз кўпроқ санъат-
кордан андоза олади. Уларга ўхшашга интилади. Шундай экан
«юлдуз»лар саҳнага миллий кийимда чиқиб, одоб билан қўшиқ
сўзларини бузмасдан айтишлари керак. Ражиссёрлар ҳам бунга
бефарқ бўлмаслиги шарт. Санъатда саҳнанинг ҳурмати халққа,
тингловчига ҳам ҳурмат дегани. Хонанда саҳна одобида тинг-
ловчидан ҳар томонлама устун бўлсин.

О.Н: — Ўзингиз ҳам уларга танбеҳ берганмисиз?

Р.М: — Ҳа, чеккага олиб гапираман. Қулоқ солишмайди.
Мен устоз сифатида айтаман. Хоҳ қилишсин, хоҳ қилишма-
син, ўзларига ҳавола. Аммо бир кунмас-бир кун панд еб қоли-
шади.



ЧАНГЧИ АЁЛ ЖАСОРАТИ



Ҳар бир санъаткорнинг меҳнати гулга ўхшайди. Гул гунчалайди, очилади, атрофни, кўзни яшнатади. Ҳар бир санъаткорнинг ҳам гуллаш, гуркираш фасли бор. Бундай гуллаш айёми замирида қанча меҳнат, машаққат, матонат, уйқусиз тунлар, илҳом ва завқ бўронлари, кўнгилнинг изғиринли, ифорли ва офтобли лаҳзалари бор. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, моҳир созанда Фазилат Шукурова ҳам ана шундай заҳматкаш санъаткорларимиздан. У 1946 йил 13 июлда Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон туманидаги Пайшанба қишлоғида туғилган.

Фазилат опа мактабда ўқиб юрган пайтлариданоқ санъатга меҳр қўйди. Мусиқа ўқитувчиси Ҳаким ака Қувондиқов эса қизиқувчан шогирдига рубоб чалиб, қўшиқ айтиш сирларини ўргатди. Ўрта мактабни муваффақиятли битирган ёш қизалоқни отаси Шукурулло ака санъатга бўлган иштиёқи туфайли Самарқанд шаҳридаги мусиқа билим юртига ўқишга олиб келади. Билим юртида устозларидан чанг, рубоб ва бошқа созларни ҳам қандай созлаш ва чалиш усулларини тезда ўрганиб олган Фазилат Шукурова кейинчалик «Гулбаҳор ва Тановор», «Венгерча рақс», «Лезгинка», «Уффори санам», «Ишонма», «Лазги», «Қиличбозлар рақси» каби чанг созида ижро этилган мусиқий асарлар яратди.

Қаҳрамонимизнинг айниқса бошқалардан ажралиб турадиган яхши бир хислати бор. У республикамиздаги биринчи чангчи созанда аёл, шу билан бирга моҳир созанда Фозил Харратовнинг севимли шогирди, ўз ишининг ҳақиқий фидойисидир. Унинг бахти ҳам шунда.

Шу маънода Фазилат опага бир неча саволлар билан мурожаат қилдик:

Озода Назарова: — Фазилат опа, чанг созининг бошқа асбоблардан фарқи бор. Шу созни олиб юриш Сизга мушкуллик туғдирмайдими?

Фазилат Шукурова: — Ҳақиқатдан ҳам бунинг қийинчилик томонлари бор, яъни хотин-қизлар чанг созини олиб юриши

қийинроқ. Чанг катта, оғир соз саналади. Симлари 75 та бўлиб, ҳар бирини биттадан созлаш жуда мураккаб. Яна бир қийин томони, ҳар бир симидаги созни адашмасдан чалишни ўрганиш керак. Аввало, чангни чала олиш учун дастлабки заҳматларни енгиб ўта билиш лозим. Менинг устозларим бу борада яхши тавсиялар беришди. Улардан биринчиси, Самарқанддаги мусиқа билим юртидаги устозим Исмоил Жобиров эди. Ана шу домлам менга ўз меҳрини бериб, ўз дарсини қизиқтириб ўтардилар. Кейинчалик Тошкент Давлат Консерваториясида устозим — Фозил Харратовдан сабоқ олдим.

О.Н: — Чанг асбобини ясаб бўлиб, чалиб юрганда ёрилиб кетиши мумкинми?

Ф.Ш: — Устозим Фозил Харратов «Ўзинг пастда ўтирсанг ҳам, созингни кўрпачага қўй» деб кўп айтардилар. Фанердан ясалган чангни филофи бор эди, унинг ичини духобалар билан ўраб, оёқларини йиғиштириб жойлар эдик. «Совуқ жойга қўйиш керак эмас, сози тушиб кетади. Сув тегса, албатта, у ёрилади, авайлаш керак» дер эдилар устозларимиз.

О.Н: — Фазилат опа, сиз чангдан бошқа созларни ҳам чала оласизми?

Ф.Ш: — Албатта! Ёшлигимдан рубоб чалишни ҳам ўрганганман. Мусиқа билим юртида қўшимча дарслар бўлар эди. Шу ерда най чалишни ўрганганман, дутор чалишни ҳам ўргатишган.

О.Н: — Фазилат опа, халқимиз ҳар бир санъаткорнинг оиласига қизиқишган. Сизни оилангизда, назаримизда, санъаткорлар кўпроқ. Оилангиз ҳақида ҳам икки оғиз гапириб берсангиз.

Ф.Ш: — Бизнинг оиладаги ҳаммамиз фақат санъат билан яшаймиз. Санъат билан кун кўрамыз. Умр йўлдошим Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист — Қаҳрамон Комилов. Улар ҳам бир неча йил Дони Зокиров номидаги оркестрда ишладилар.

Катта қизим ҳам консерваторияни битирди. 1-синфда ўқиб юрган пайтларидан мусиқа билим юртига бергандим. Иккинчи қизим ҳам ёшлигидан фортепиано чалади. Ўғлим ҳозир консерваториянинг овоз режиссёрлиги бўлимининг охири босқичида ўқимоқда. Бу йил битириш арафасида.

О.Н: — Энди мухлисларимизга ўзингизнинг тилаklarингизни билдирсангиз.

Ф.Ш: — Аввало, барча қатори, юртимиз мана шундай доимо тинч бўлишини хоҳлайман. Мухлислар, халқимиз омон бўлсин. Санъаткорларнинг барчасига омад, муваффақият тилайман.

О.Н: — Фазилат опа, мазмунли суҳбатингиз учун сизга ҳам миннатдорчилик билдираман. Халқимиз ардоғидаги инсон бўлиб юриш доим сизга насиб этсин!



ЗАҲМАТ ОРТИДАГИ МУВАФФАҚИЯТЛАР



Деҳқонбой Ҳусанов Жиззахнинг Равонлик қишлоғида 1937 йил 20 августда туғилиб вояга етган. Деҳқонбой аканинг санъатга бўлган қизиқишини сезиб қолган акаси эндиликда халқимизнинг таниқли ёзувчисига айланган Оқилжон Ҳусанов уни Тошкентдаги Ҳамза номли мусиқа билим юртига ўқишга олиб келди. Билим юрти тадбирларида Деҳқонбой Ҳусанов ширали овози билан қатнашиб эътибор қозонди. 1960 йили билим юрти аъло даражада битирган Деҳқонбой Ҳусановни Ўзбекистон радиоси Дони Зокиров номли халқ чолғу оркестрига созанда лавозимида ишга таклиф қилдилар. Деҳқонбой Ҳусанов созандалик билан бир қаторда устозлари Д. Зокиров, К. Жабборов, Юнус Ражабий, Ф. Содиқов, Саиджон Калоновлардан кўплаб кўшиқлар ўрганиб мунтазам фойдаланиш учун радио фондига магнит тасмаларига тушира бошлади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Холисхон Қодирова, Малоҳат Дадабоева, Ҳадя Юсуповалар бирга ижро этган дуэтлар Деҳқонбой Ҳусановга, айниқса, шухрат келтирди. Имомжон Икромов, Юнус Ражабий, Орифхон Хотамовлардан ижод сирларини ўрганган бўлса, Ўзбекистон халқ артисти Эргаш Йўлдошев унга устозлик қилди ва биргаликда янги-янги кўшиқлар ижро этишди. Устоз Жўраҳон Султонов кўшиқларини ижро этиб, эл орасида танилди.

Озода Назарова: — Санъат оламига кириб келишингиз қандай кечган?

Деҳқонбой Ҳусанов: — Мен бошқаларга ўхшаб, ёшлигимдан ўзимча кўшиқлар айтиб юрган эмасман. Акаларим Солижон, Оқилжонлар эса санъатга қизиқиб радиодан, потифондан эшитган нарсаларини ўзларича хиргойи қилиб юришарди. Онамизнинг жуда чиройли овози бор эди. Аллаларни маромига етказиб айтардилар.

О.Н: — Авлодларингизда санъаткорлар бор экан-да?

Д.Ҳ: — Албатта бор. Машҳур санъаткорлар бўлмаса ҳам, санъат оламига қизиққан одамлар. Тоғаларим катта ашулалар айтишган. Ўша пайтларда шароит йўқлиги туфайли акаларим санъаткор бўлолмаган. Оқилжон акам санъат институтини битириб, пойтахтда қолган эди. У киши мени Тошкентга, Ҳамза билим юртига олиб келди, у ерда мендан, ашула айтганмисан, деб — сўрашди.

Мен, Маҳмуджон Ғофуровнинг қўшиқларини куйлаб юрганимни айтдим.

— Қани, эшитайликчи? — деди улар.

Бир оз ийманиб туриб, Зайнаб Полвонова айтган қўшиқни хиргойи қилиб бердим.

— Анча дуруст-ку, — дейишди ва билим юртининг хор дирижёрлик бўлимига ўқишга қабул қилишди. Шундай қилиб 1954 йилда санъат оламига кириб келганман. Ўша пайтларда Комилжон Отаниёзов, Султонхожи акалар ўқишни битираётган пайтлар эди. Мен санъат ўқув даргоҳига кириб келганимдан бахтиёр эдим. Ўқишга берилиб кетдим. Балки, астойдил қилган меҳнатим санъаткор бўлишимга сабабчи бўлгандир.

О.Н: — Санъатдан бошқа яна қайси соҳаларга қизиқасиз?

Д.Ҳ: — Ўрта Осиё тарихига жуда қизиқаман. Кўп тарихий китобларни муталаа қиламан. Соҳибқирон Амир Темур ҳақида Бўрибой Аҳмедовнинг асарларини такрор-такрор ўқийман. Янги замон кишиси сифатида техникага қизиқаман. Фазаларни таҳлил қиламан. Ўзим ҳам оз-моз қалам тебратиб тураман.

О.Н: — Ҳаётда қандай инсонларни қадрлайсиз?

Д.Ҳ: — Бир сўзли, ваъдасида турадиган одамларни.

О.Н: — Бировларнинг қўшиғини ижро этиш билан оригинал қўшиқ орасида қандай фарқ бор?

Д.Ҳ: — Бундан беш-олти йил аввал Обиджон Асомов билан учрашиб қолдик.

— Обиджон, — дедим. — Бизнинг энг яхши қизиқчиларимиздансиз, битта лекини бор. Сизларда муаллифлар кам. Саъдулла Сиёев, Олим Қўчқоров, Анвар Обиджон каби ҳажвчилар билан ҳамкорлик қилсангиз репертуарингиз бойиган, ҳажвчилар эса бир асар қилиб берса нур устига аъло нур бўлар эди. Негаки, қизиқчилик фақат кулдиришдан иборат эмас, фикрлашга ўргатиши ҳам керак. Кулгу орқали инсонларни йиглата билиш лозим.

Қўшиқчиликда ҳам худди шундай. Ўзим ёзган куй билан мутахассислар ёзган куй орасида катта фарқ бор. Мазмун биринчи ўринда туриши зарур. Ҳозирда устоз кўрган санъаткорларимиз камайиб кетаяпти. Санъат ўйинчоқ эмас. Хоразмда бир

гап юради. «Ўйинни ўйин қилма!». Санъатни ўйин қилиш керак эмас. Санъатда ҳар бир қадамни билиб босиш керак.

О.Н: — Янги давр санъаткорлари ҳақида қандай фикрда-сиз, уларга тилақларингиз?

Д.Ҳ: — Президентимизнинг, эстрада ёшлар учун керак, санъатга йўл беришимиз лозим. Аммо уни миллийлаштириш керак, деган доно фикрларига амал қилиши шарт. Бунинг учун эса ёшлар, албатта, устоз кўриши керак. Санъат пойдевори мустақкам бўлса, умри узоқ кўшиқ яралади. Устоз санъаткор Турғун Алиматовнинг ижроларини эшитсангиз роҳат қиласиз. Барча ёшлар улар каби устозларнинг этагини маҳкам тутишларини истардим.

О.Н: — Санъат соҳасида 50 йил хизмат қилибсиз. Ҳаётингиздаги энг оғир дамларни эслайсизми?

Д.Ҳ: — Инсоннинг лойини қораётганда Оллоҳ сўраган экан: — Қанча ғам, қанча ёруғ кун бўлди?

Эликка элик қилдик, деганларида, ғам лойини кўпроқ кўшинлар, деган экан. Инсонда, ёруғ, хушнуд кунлари бўлгани билан бирга ғам-аламли кунлари ҳам бўлади. Ота-она вафот қилганида бир куюндик. Устоз Эргаш Йўлдошев вафот қилганларида қаттиқ ғам чекдим. Ота-онанинг ўлими фарзандлар учун мерос. Лекин отангдай улуг устозни йўқотиш жуда ҳам изтиробли экан.



БУЛБУЛНИ ЛОЛ ҚИЛГАН ХОНАНДА

Турон заминининг суюкли фарзанди Олмахон Ҳайитова Хоразмнинг Хонқа туманида 1940 йил 6 мартда туғилган. Ўн беш ёшидан қўлига тор олиб, шўх-шодон қўшиғи, Аллоҳ берган истеъдоди билан ўзининг йўлини топиш учун айтим ва чертим услубларини, юракка ором бахш этадиган оҳангларни ахтара бошлади. Қўшиқнинг асл маъносига алоҳида аҳамият бериб, ҳар бир сатр маъносини тингловчига аниқ етказиш ижрочидан юксак маҳорат талаб этади. Олмахон опа қўлига тор олиб, эл хизматида бўлганига ҳам 45 йил тўлибди. Бу йилларда у Муҳиддин Қори Ёқубов номли республика давлат филармониясидаги етакчи гуруҳ ансамблига раҳбарлик қилди. Ҳозир «Ўзбекнаво» концерт бирлашмаси Хоразм вилояти бўлимига раҳбарлик қилиб келмоқда. Хонанда ҳамон ўзининг изланишини давом эттириб, санъат сирларини ёшларга ўргатиб келаётир. Хоразмнинг буюк сиймолари Мадраҳим Шерозий, Ҳожихон ва Нурмат Болтаев, Комилжон Отаниёзов, Маткарим ҳофиз Бобожонов, Бола бахши Абдуллаев ва бошқаларнинг ижро этган ашулаларини, Хоразм мақомларини шогирдларига ўргатмоқда. Халқ уни эъзозлайди, санъатини севади. Хонишларини барча ишини бир четга суриб, жон қулоғи билан тинглайди, «Ўзимизнинг Олмахон қўшиқ айтсин-да», — деб қувонади. Олмахон нафақат Ўрта Осиёда балки 30 дан ортиқ хорижий мамлакатларда ҳам бўлиб, ўз санъати билан улар қалбини забт этди. «Санъаткор аёлга ҳамиша қийин. Оилада бола-чақага қараш, уй-рўзғор юмушларига улгуриш, гастрол сафарларида юриш, аёл кишини чарчатиб қўяди. Қўлимга 1954-йили 7-синфда ўқиб юрган кезларимда тор олган бўлсам, ўшандан буён торим қўлдан тушгани йўқ. Худога шукурки, овозим жойида, соғлигим яхши. 4 фарзанднинг онасиман, 12 та набира, 1 та эваранинг бувижонисиман», — дейди Олмахон опа. Турмуш ўртоғи Руслан ака билан ширин ҳаёт кечиришмоқда. Олмахон Ҳайитованинг хизматлари муносиб тақдирланиб, унга 1966 йилда

«Хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони, 1992 йил 9 апрелда Президентимиз фармонига биноан «Ўзбекистон халқ артисти» унвони берилди. Қорақалпоғистон Республикасида 1993 йилда ўтказилган Ўзбекистон маданияти кунлари муносабати билан эса «Қорақалпоғистон халқ артисти» фахрий унвонига мушарраф бўлди. Олмаҳон опанинг «Онам дерман», «Ўзбекистон гуллари», «Найлайн», «Олма отдим», «Кўнглимдаги ёр билан» каби кўшиқлари халқимиз қалбида абадий муҳрланиб қолган. Ўнлаб қиз-жувонлар «Олмаҳон» бўлиб куйлашга жазм этишди. Кўплари унга тақлид қилишди, ашулаларни Олмаҳон бўлиб куйлашга уринишди. Лекин барибир Олмаҳон бўла олмади. Сабоби, тақлид бошқа, табиий ва илоҳий овоз билан ижро қилиш йўли, услуби бошқа.

Озода Назарова: — Санъаткорлик касбининг ахлоқ-одоби ўз қонун-қоидалари бор. Санъаткор унга амал қилса, обрў-эътибор қозонади. Ҳозирги пайтда шу қонун-қоидаларга амал қилиняпти, деб айтиш мумкинми?

Олмаҳон Ҳайитова: — Авваламбор, санъаткор танти бўлиши керак, халқни ҳурмат қилиши, камтарин бўлиши керак. Мана шу муқаддас саҳналарга рисоладагидек кийимда чиқиб, ҳаё ва ибони сақлаган ҳолда куйлаши лозим. Биз шу халқнинг олқишлари билан Олмаҳон бўлганмиз. Халқ олқишласа, ҳурмат қилса санъаткор жуда узоқ яшайди. Санъаткорликнинг бир қоидаси бор. Санъаткор жуда ҳам ҳаёли, покиза инсон бўлиши керак.

О. Н: — Олмаҳон опа, устоз сифатида ёш ижрочиларнинг ижро усулларига нима дейсиз?

О.Ҳ: — Ҳозир санъаткорлар жуда кўпайиб кетди, кўзингизни очирмаяпти. Ҳозир компьютер деган нарса чиққан. Ашула айтмайдиган санъаткорни ҳам ашулачи қилиб қўяпти. Ёшларимиз компьютерга суяниб қоляпти. Енгил-елпи ижрога ўрганишди. Булар юракдан айтаётгани йўқ.

О.Н: — Сизни элга танитган илк кўшиғингиз ёдингиздами?

О.Ҳ: — 3-синфда ўқиб юрган пайтларимда тўгаракка қатнашар эдик. У ерда Бибиҳон деган мусиқа ўқитувчимиз раҳбар эди. Бибиҳон опа бир куни ёнларига чақириб, «Олмаҳон, буёққа кел. «Тонг отмасдан уйғонибди» деган битта шеър бор. Шуни ашула қилиб айт», дедилар. 1956 йилда шу ашула билан мени фестивалга таклиф қилдилар. Тошкент стадионида айтдим. Ашулани айтиб бўлганимдан кейин республика радио уйида меҳнат қиладиган София Бухараева деган опа раҳбарларимиздан жавоб олиб, мени радиого олиб келди. Ашулани магнит лентасига ёздириб олди.

О.Н: — Ўзингизга ўхшаган шогирдларингиз борми?

О.Ҳ: — Энди Озодахон, ўзимга ўхшаган шогирдларим кўп. Мен билан бирга юриб, менинг қилган меҳнатларимдан сабоқ олиб, халққа яхши хизмат қилаётган Оғабек Собиров, Султонпошша Ўдаевалар бугун ўз мухлисларига эгалигини кўриб қувонаман.

О.Н: — Олмаҳон опа, чет эл сафарларида жуда кўп бўлгансиз. У ерда санъаткорлар билан ижодий учрашувлар бўлганми?

О.Ҳ: — Америкага 3—4 марта борганмиз. Ўша ерда ўзимизга ўхшаганлар билан, ўзимизнинг ўзбеклар билан учрашиб концертлар қўйганмиз. Халқ бизни яхши кутиб олган. Мана Францияда, Англияда, Германияда, Исроилда бўлганмиз.

О.Н: — Олмаҳон опа, умрингизни ярмидан кўпроғини санъатга бахшида этдингиз. Тақдирингиздан мамнунмисиз?

О.Ҳ: — Озодахон, мен тақдиримдан жуда мамнунман. Чунки озми-кўпми халқимга хизмат қилдим, меҳрини қозондим.



ЛАПАР АКТЁРЛИКНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ



Гулшод Отабоева 1939 йил 3 майда Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманидаги Оқилон маҳалласида дунёга келади. 1958 йилда Қорақалпоғистоннинг Беруний туманидаги Алишер Навоий номи мактабда ўқиб юрган кезларида Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат кўшиқ ва рақс ансамбли учун саралаш конкурси бўлади. Шунда Гулшод русча, арабча кўшиқлар куйлаб, украинча рақсга тушиб, танловда ғолиб чиқади. Келишган, оқила қизга ансамблда ишлайдиган устозларидан Лизахоним Петросованинг назари тушди. Санъат муаллимаси Лизахоним Гулшодга кўшиқ айтиб, рақсга тушиш ва бошқа миллат санъатларидан наъмуналар ўргатди. Бердақ номи ансамбл жамоаси шу йили Тўрткўл туманида меҳнаткашларга ўн кун мобайнида концерт беради. Ўшанда Гулшод Отабоева афғонча «Туро дийдам» лапарини айтиб дастлабки синовдан ўтди. Гулшодхон ҳар бир ашулани тез ўрганиб, ижро эта билиши, одоби, ахлоқи, устозларига ҳурмати сабабли ансамблдаги санъаткорларнинг назарига тушади. 1960 йилда Гулшод Отабоева Тошкент Давлат консерваториясининг хор-дирижёрлик факультетига ўқишга кириб, устози Ўзбекистон халқ артисти Ботир Умиджоновдан санъат сирларини ўрганди. 1965 йилдан ўзбек ашула ва рақс ансамблида ўз иш фаолиятини давом эттирди.

Озода Назарова: — Гулшод опа, ўзингиз мухлис сифатида қайси кўшиқчиларни тинглайсиз? Қайси санъаткорларни қадрлайсиз?

Гулшод Отабоева: — Мен ҳамма санъаткорларни яхши кўраман. Кўпроқ кўҳна, устозларимиз ижро этган ўлмас санъат намуналарини эшитгим келади. Ашулалар яратилади, машҳур бўлади, орадан кўп ўтмай эсдан чиқади. Лекин ҳақиқий санъат асарларини қайси даврда эшитсангиз ҳам бугун айтилгандек, сизни ҳаяжонга солади. Мен бу билан ёш санъаткорларни эшит-

майман, демоқчи эмасман, мана, Юлдузхон Усмоновани яхши кўраман. Биласизми, мен уни нима учун яхши кўраман, мен 40 йил санъат соҳасида ишлаган бўлсам орзу қилардим, қачон бизнинг ўзбеклардан чиққан ашулачи дунёга машҳур бўлади деб. Мана шундай санъаткорлардан биттаси Ботир Зокиров бўларди. У Парижга бориб ашула айтганда бутун халқ оёққа туриб олқишлаган. Лекин ўша пайтда ҳозирги продюсерлар бўлмаганди. Техникаям ривожланмаган, ҳозирги кундагидек реклама йўқ эди. Гастроллар фақат қардош республикалардагина ўтказиларди. Чет элга чиқиш қийин эди. Лекин мағрурланиб айтмоқчи бўлган гапим Тамара опа, Қори Ёқубов иккаласи биринчи бўлиб Парижда, кейин Лондонда чиққан бўлса, кейинчалик Тамара опа бутун дунёни кезган. Айнан лапар санъати билан бутун дунёга ўзбек санъатини машҳур этган. Юлдузга қайтсак, дунёнинг энг тараққий этган мамлакатларида бизнинг миллий ашулаларимизни куйлаяпти. Бу билан фахрлансак арзийди.

О.Н: — Мусиқа коллежида дарс бераётган экансиз, санъатга чанқоқ шогирдларингиз ҳақида икки оғиз тўхталиб ўтсангиз. Уларнинг лапар санъатига қизиқишлари қандай?

Г.О: — 1994 йил нафақага чиққанимда Маданият коллежида менга лапар синфини очиб беришди. Бу бошқа вилоятларда йўқ. Дарс бериш осон эмас. Сиз 40 дақиқа вақт ичида ўзингиздаги бор имкониятни ишга солиб, талабаларга йиллар мобайнида орттирган тажрибаларни бор маҳоратингиз билан етказиб беришингиз керак. Талабанинг Аллоҳ берган овози бўлса, эшитиш қобилияти яхши бўлса, мусиқанинг нозик қирраларини тезда илғаб олади. Рақсда эса бу нарса анча қийин кечади. Шу 40 дақиқа билан чекланиб қолмасдан кўшимча машғулотлар ўтаман. Қизларимизнинг ўзлари олдимга келиб, билмаганларини сўрашади. Уларга ўргатишдан чарчамайман. Мана, бир неча йилдан бери анъанага айланиб қолди, десам ҳам бўлади. Бир йилда бир маротаба қизларимизнинг ҳисобот концертини ўтказамиз. Бир ярим соат вақт ичида қизларимизнинг ўзлари даврани олиб боради, ашула айтишади, рақслар ижро этишади. Умуман олганда, талабаларда лапар жанрига қизиқиш катта. Мендан кўпчилик журналистлар, мухлислар кўп маротаба, нимага лапар жанри йўқ бўлиб кетяпти, деб савол беришади. Эҳтимол улар ўша Тамара хоним, Қори Ёқубовларнинг, балки менинг ҳам камтарин ижодимни кўз олдиларига келтириб, шундай фикрга боришса, ажаб эмас. Мен «Шодлик» рақс ансамблида ишлаган вақтимда 3 та ёш қизни лапар айтишга ўргатиб, саҳнага чиқишга тайёрладим. Биттаси турмуш қуриб ўзи билан ўзи овора, қолган икки шогирдим Инобат Нейматова ва Шо-

ҳиста Парпиевани томошабинлар яхши танишади. Дуэт форма-сида уларни саҳнага чиқардим.

О.Н: — Лапар жанрида куйлаш яккахон ижрочиликдан анча мураккаброқ саналади. Сиз буни қандай изоҳлайсиз?

Г.О: — Сиз ҳаваскорликдан профессионалликка ўтганингиздан кейин саҳна томошабиндан юқори туради. Саҳнанинг ҳам ўз қонун-қоидаси бор. Сиз оддий бир ашула билан саҳнага чиқсангиз кимдир ўргатиб туради. Юришни, куйлашни, саҳна қонун-қоидасини. Лапарда бу нарса анча бошқача, уни мух-лисга етказиб бериш учун саҳнавий кўриниш талаб қилинади. Керак бўлса, ижрочи лапар ижро этиш мобайнида икки-уч хил ҳолатда, яъни ролга, образга кириб ижро этади.



АДАБИЁТНИ СЕВМАСА ...

Санъат майдонига яхши умидлар, яхши ниятлар билан кириб келаётган ҳар бир хонанданинг ўз орзуси бор. Ҳар бир хонанда ўзига йўл танлайди, кетаётган йўли олис, нотаниш, табиийки, у кетаётиб одамлардан манзилга бориш йўлларини сўрайди. Бири тушунтириб беради, иккинчиси йўлда йўлдош бўлишдан чўчимайди. Ҳар бир шу йўлни танлаган санъаткорнинг етук ижрочи бўлиб етишиши осон эмас, деб ўйлайман. Ёш санъаткорда ҳали етарли билим йўқ, унда фақат эзгу ҳавас бор, холос. У йўл кўрсатувчига муҳтож. Ўз ниятига астойдил эришиш, ҳар бир санъаткорнинг ҳаракатига боғлиқ. Нуриддин ака ҳар гал торини кўлига олганда шуни дилдан ҳис қилади, жўшқинроқ, янада серавжроқ куйлагиси келади. Чунки у болалиқдан интилган ниятига эришди. Нуриддин Ҳамроқулов ёшлигидан куй-кўшиққа ўч эди. У Андижондаги ўрта мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ дилида умид гунчалари чечак отган эди. Тўй базмларда санъаткорларнинг ёнидан жилмас, улар ижро этаётган ашула ва мусиқаларни бутун вужуди билан тинглар эди. Ана шу юксак иштиёқ уни санъат майдонига етаклаб келди.

Озода Назарова: — Нуриддин ака, санъатга муҳаббат сизга қондан ўтган. Сиз учун бу энг муҳим, энг яхши нарса. Шулар ҳақида гапириб берсангиз.

Нуриддин Ҳамроқулов: — Аждодида санъаткор йўқ бўлса, санъаткор чиқмайди, деб айтишади. Лекин суриштирсангиз, шуларнинг ҳам аждодида бирор иқтидорли одам ўтган. Бизнинг ҳам аждодимизда мендан олдин санъаткор бўлмаган. Бироқ мен ёшлигимдан кўшиқ айтишдан бошқа нарсани тасаввур қила олмас эдим. Лекин, бир нарсани айтишим керак, онам раҳматлик жуда оҳанги бор одам эдилар. Санъаткор бўлгандан кейин, оқ-қорани ажратгандан кейин ўйлайсиз экан. Мана, энди бизнинг фарзандимиз санъаткор бўлди. Унинг санъаткор бўлиши табиий. Чунки санъат унинг қонида бор. Англагани,

эсини таниб кўргани мен ва торим. Тинимсиз меҳнатим. У чинакам санъаткор бўлиш учун жуда кўп меҳнат қилиш лозимлигини юракдан англаб ўси.

О.Н: — Дастлабки кўшиқларингизни ўрта мактабда ўқиб юрган пайтларингизда айтган экансиз.

Н.Х: — Ёшлигимда мактабда ўқиб юрган пайтларимизда Фахриддин Умаров янги кўзга кўринган, эл севган санъаткор бўлиб танилаётган вақтлари эди. 1958-60 йиллар эди. Маҳалламиздаги бир-икки оилалардагина телевизор бўлар эди. Ўшанда телевизорда Фахриддин Умаров чиқадиган бўлсалар, каттаю кичик ўша хонадонга йигилиб, телевизор томоша қилардик. Менинг жуда зеҳним тез эди, «Азиз ватаним» деган кўшиқларини икки-уч марта эшитганимдаёқ ёдлаб олган эканман.

О.Н: — Асл миллий куй-кўшиқларни сиз қандай тушунасиз?

Н.Х: — Миллий кўшиқ деганимизда бу миллатнинг эзгу орзу-умидлари, миллатнинг ўзининг оҳанги, ўзининг куйи. Йиғида ҳам бор, Ёр-ёрда ҳам, ҳатто аллада ҳам бор ўша оҳанг. Ёр-ёрда ҳам ҳақиқий миллий одамларнинг юрагидаги оҳузори бор. Тасаввур қиладиган бўлсангиз, мақомларда ўтмиш аёлларимизнинг, ота боболаримизнинг оҳу-зори бор. Шунинг учун миллийлик ҳар бир миллат вакилининг қалби тубидан чиқадиган миллий оҳанг. Миллийлик акс этмаган оҳанг, бу бегона оҳанг. Ўзимизники эмас. Аралаш оҳанглар дейилади. Ҳозирги ёшларга келадиган бўлсак, ёшларнинг ҳаракати яхши. Лекин халқнинг юрагидан жой олиш ҳар кимга ҳам насиб қилавермаган. Ишонаман, ўқиб, изланиб, меҳнатдан чўчимаса, ҳозирги ёш хонандалар орасидан ҳам яхши-яхши хонандалар, яхши-яхши ҳофизлар чиқади, чиқмай иложи йўқ.

О.Н: — Ёшларимиз мақомни эстрада жанрида куйлашяпти.

Н.Х: — Эстрада ҳақида кўп гап бўляпти. Ёшларимиз катталарга, устозларга маъқул бўлишга ҳаракат қилиб мақом ашула айтишга уринаяпти. Бироқ мақомни замонавий асбоблар ёрдамида ижро қилишяпти. Бу аслида ёмон эмас. Севара Назархон бир мўғулча кўшиқни шунақа чиройли айтибди. Маза қилиб эшитдим. Эстрада жанрига солган. Жуда яхши. Овоз бўлса, имконият бўлса, удаласа бўлади. Ёшларимизнинг бу соҳадаги уринишини қўллаб-қувватлаш, ёрдам бериш керак, деб ўйлайман.

О.Н: — Кейинги пайтда баъзи хонандаларимиз кўшиқнинг мазмуни, матнига эътибор бермаяпти. Масалан, аёллар ижро этган кўшиқларни, эркак хонандаларимиз ижро этиб чиқишяпти. Буларга сиз қандай қарайсиз?

Н.Ҳ: — Аввал сўзларнинг мазмуни ҳақида гаплашайлик. Сўзларнинг матнига келганда, кейинги даврларда ёшларимизда умуман шеъриятга, газалга, матбуотга, китобга, газета, журнал ўқишга эътибор сусайиб кетди. Умуман ўқимаяпти, деса ҳам бўлади. Ўқиса, ўзининг аниқ фанларини ўқийди. Физикани, математикани, тарихни, геометрияни. Агар шунга тааллуқли бўлса. Олим бўлганда ҳам, академик бўлганда ҳам адабиётчи бўлмаса, у одам ҳеч нарсага эриша олмайди. Нимага деганда, инсонни инсон қилиб шакллантирадиган нарса бу — адабиёт. Адабиётни билмай туриб, у катта олим, катта арбоб бўла олмайди. Маънавий етук инсон бўлолмайди. Шеъриятга нафақат ёшларимиз, бизнинг кўпчилигимиз десак ҳам бўлади, умуман кам қизиқиб қолдик. Натижада ёшларимиз орасидан чиққан, ҳозирги шеъриятни тушунмаган болалар ашулачи бўлиб қоляпти. Энди қаранг, шеъриятнинг фарқига бормаган одам, қандай қилиб, яхши шеър топа олади. У шеърдан руҳланмаса, роҳатланмаса...

О.Н: — Эндигина санъатга қадам қўяётган ёш хонанда илтимос, мен сизга шогирд тушмоқчиман. Менга санъатнинг сирларини ўргатсангиз, деб ҳузурингизга келса. Устоз сифатида унга қайси қўшиқларни айтишни таклиф қилар эдингиз?

Н.Ҳ: — Ҳамма ҳам биринчи ўздан катта қўшиқчиларнинг қўшиқларини айтиб шаклланади. Биз ҳам бирданига ўзимизнинг қўшиғимизни топа олмаганмиз. Биз ҳам катта бўлганимизча гоҳ Таваккал аканинг қўшиқларини, гоҳ Ориф аканинг қўшиқларини айтиб, овозига ўхшатиб ҳам айтганмиз. Санъаткорнинг кўп изланиши самараси сифатида, ҳофиз сифатида пишиб етиладиган даври бўлади. Ана ўшанда ўзининг қўшиқларини айтади. Ҳар қандай ёш санъаткор ижодини, албатта, бошқа ҳофизнинг қўшиғи билан бошлайди, — деган бўлардим.

О.Н: — Сиз санъаткорликни Андижон вилоятидаги драма театрида бошлагансиз. Шу ўринда бир савол пайдо бўлади, муסיқий театр актёри учун овоз муҳимми, драматик ижроми?

Н.Ҳ: — Бу жуда мураккаб савол. Роль ўйнаш бу қўшиқ айтиш эмас. Қўшиқ айтиш дегани эса роль ўйнаш деган гап эмас. Роль ўйнайдиган актёр, шу ролни ижро этиш учун у кўп нарсани билиши керак. Асарни ўрганиб чиқиши керак. Режиссёрнинг нияти нима? Ўша асар, ўша образ томошабинга нима беради? Уларнинг ҳаммасини ўйлаб таҳлил қилиши керак. Ундан кейин роль ўйнайди. Мен демоқчиманки актёр ички туғёнини қўшиқ билан беради.



ЭЗГУ НИЯТ ҲАМ САОДАТДИР



Ҳадя Юсупова 1933 йил Наманган шаҳрида таваллуд топган. Ўқувчилик йиллариданоқ Наманган вилоятида ўтказилган ёш ҳаваскорлар кўригида, Тошкент шаҳрида ўтказилган ёш ижрочилар ва Москва шаҳрида ўтказилган VI жаҳон ёшлари фестивалида қатнашиб совринли ўринларни эгаллади. Бу эса унинг келажаги учун, санъат сирларини чуқур ва пухта ўрганиш учун кенг имкон берди. Ҳ. Юсуповани 1957 йили Ўзбек Давлат филармониясига ишга қабул қилишди. 1959 йили Ҳадя опа ҳаётида икки қувончли воқеа бўлди. Москвада бўлиб ўтган Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадасида қатнашиб, соврин олди. Иккинчиси Тошкент Давлат санъат институтига ўқишга кирди. Институтда ўқиш билан бир қаторда Муқимий номидаги мусиқали драма ва комедия театрида ишлай бошлади. Бу икки санъат даргоҳи Ҳадя опанинг етук санъаткор бўлишида жуда катта аҳамият касб этди.

Озода Назарова: — Ҳадя опа, ёшлигимда, биламан устоз санъаткорлардан иборат бадиий кенгаш аъзолари бўларди. Улар холис баҳо бера олар эдими, ҳар бир ижро этилган янги кўшиққа? Кўшиқларга?!

Ҳадя Юсупова: — Бир кўшиқни бир марта олиб кирганингизда дарровгина маъқулламас эди. Унинг матнларини, унинг сўзи билан куйи мослигини, ҳамма-ҳаммасини текшириб, муҳокама қилиб кўришарди. Бу кўшиқ халққа нима беради, хонанда шу кўшиқни яхши ижро эта оладими, бастакор куйни қандай басталаган, кўшиқ бошқа куйларга ўхшаб қолмаганми, шу томонларини синчиклаб ўрганиб чиқарди. Устозларимиз шундай зукко эдики, янги кўшиқ қайси бастакор кўшиғидан олинганлигини даров сезиб олишарди.

— Қизим, мана бу кўшиғингизнинг мана бу ери нариги кўшиғингизга ўхшаб қолибди, шунинг учун бадиий кенгашдан ўтмади, деб огоҳлантиришар эди. Ҳақиқатдан ҳам баъзан

бир қўшиқнинг қаеридир аввалги бир қўшиқ оҳангига ўхшаб қолар эди. Бастакор қўшиқнинг ўша жойини бошқатдан ишлар, шундан кейингина янги қўшиқ эфирга кетар эди. Шунинг учун ҳам бу устозларнинг қўшиқлари «Олтин мерос»дан жой олган.

О.Н: — Биринчи ўрганган қўшигингиз?

Ҳ.Ю: — Илк бор ўрганган қўшиқларим Миртемирнинг «Бир гўзал» ёки Саида Зуннуова қаламига мансуб «Ёр билиб». «Ёр билиб»да дуторчилар жўр бўлганлар. Қанча дуторчиларга ўргатдилар. Ўша пайтда зўр дуторчилар бор эди. Орифхон Қосимов, Зокиржон Обидов, Маҳмуд Юнусовларнинг олдига тушадиган дуторчи йўқ эди. Оркестрда Дони ака алоҳида чалдириб, машқ қилишардию, лекин биронта созанда чалган дутордан кўнгиллари тўлмагани учун ўзлари чалганлар. Бу жуда мунгли қўшиқ бўлди. Сўзлари ҳам жуда ҳазин, халқ қандай қабул қилар экан, деб мен жуда ҳам хавотирда юрдим. У пайтлар мақомчилар йўқ эди. Оркестрда ҳамма устозлар ишлашар эди. Ана шу оркестрда ишлаб юриб, анча-мунча қўшиқлар ёздим. Шунда ҳамма санъаткорларни йиғиб, уларнинг ичидан овози яхшиларини йиғиб, мақом ансамблини ташкил қилиш учун танлов ўтказилди. Мана, шу 6 мақомни Юнус ака бошчилигида хонандаларга ўргатиб, магнит тасмаларига, пластинкаларга ёзиб, радио орқали эшиттириб, телеэкранларда кўрсатсак, биз келгуси авлодга ҳам ўрнак бўлардик, деган фикр бўлди. Ният эзгу бўлгани учунми, ишларимиз юришиб кетди. 1958-59 йилларда мақом ансамбли очилди. 30 нафардан иборат гуруҳ пайдо бўлди. Созандалар ҳам мақом куйларини маҳорат билан чалишарди. Уларга Фаҳриддин ака Содиқов раҳбарлик қилардилар. Мақомни олдин дуторда, алоҳида-алоҳида ўрганиб, кейин биргаликда ижро этар эдик. 6 мақомни ўрганиб, олдин фондга радиога ёздик, кейин ишга шўнғиб кетдик.

О.Н: — Ҳадея опа, сиз эл назарига тушган хонандасиз. Қўшиқларингизни мухлислар ҳануз севиб тинглайди. Бунинг сирини мада деб биласиз?

Ҳ.Ю: — Энди, бир қўшиқни тайёрлаб, халққа олиб чиққунча қанча қийинчиликларни бошдан кечирасиз. Ҳар томонлама меҳнат қиласиз, югурасиз, еласиз. Ўзингизга ёқмагунча ижро эта олмайсиз. Ўзингизга ёқса, уни халқ эшитади. Шундай қўшиқлар бўлгандирки, халқ эшитади.

О.Н: — Ҳадея опа, сиз фақатгина хонанда бўлиб қолмасдан театрларда актриса бўлиб ҳам ишлагансиз. Театрда ишлаган пайтларингизда театр соҳасини чуқурроқ ўрганишингизга турмуш ўртоғингиз ҳам ёрдам берганми?

Ҳ.Ю: — Албатта, санъаткор аёл учун оила биринчи ўринда туради. Менинг умр йўлдошим бир умр менга кўмакчи бўлиб келганлар. Менга ҳар томонлама ёрдам берганлар. Мен рус тилини билмас эдим. Рус тилида ўқилган лекцияларни тушунмасдим. Ўртоқларимнинг дафтарларини олиб келиб кўчириб ўтирар эдим. Шунда турмуш ўртоғим, чарчаганларига қарамасдан, ўшаларни битталаб ўқиб, тушунтириб, ёрдамлашиб ўтирдилар. Демокриманки, санъаткорни ҳаётда биринчи ўринда турмуш ўртоғи, иккинчи ўринда ўзининг меҳнати, элга танитади.



ЭСТРАДА БОР БЎЛСИН

Ориф Алимаҳсумов ўзбек мумтоз мусиқа ижрочилари Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Карим Зокиров, Комилжон Отаниёзов, Ортиқхўжа Имомхўжаев, Орифхон Ҳатамов, Фаттоҳхон Мамадалиев, Ҳалима Носирова, Берта Давидова, Шокиржон Эргашев, Сирож Алимовлар қаторида ўзига хос ижрочилик мактабини яратган, мумтоз мусиқа меросимизни бойитишда салмоқли ҳисса қўшган забардаст санъаткорлардан биридир. Ўзбекистон радиосининг «Олтин фонди»да унинг 500 дан ортиқ мумтоз ва халқ услубида айтган ашулалари сақланмоқда. Агар бир ашулани ўрганиб, уни тингловчига манзур қилиш учун қанчадан-қанча машқ ва изланишларни, қайта-қайта машғулотларни кўз олдимизга келтирадиган бўлсак, юқоридаги рақамларда мужассам бўлган меҳнатни тасаввур қила оламиз.

Орифхожи ака ўзига ҳам, шогирдларига ҳам ўта талабчан эдилар. Шу боис унинг ижросидаги ашулалар барчага бирдай манзур ва севимлидир. Ҳофиз сўз танлашда ҳар бир сўзнинг маъносига, ижро этганда сўзларнинг тўлиқ талаффуз этилишига алоҳида аҳамият берардилар.

Озода Назарова: — Орифхожи ака, аввало ўзингиз ҳақингизда сўзлаб берсангиз.

Орифхожи Алимаҳсумов: — Мен Тошкент шаҳрининг Бешёғоч даҳаси, Кўкмачит маҳалласида дунёга келганман. 782-мактабнинг 7-синфини шу ерда битирдим. Бирдан уруш бошланиб қолди. Акаларим урушга кетиб қайтмади. Рўзғор ташвиши бизга қолди. У пайтлар одамлар жуда оқибатли эди. Бир-бирининг ғам-ташвишини баравар тортарди. Худога шукур, биргалашиб, уруш балосини ҳам, унинг кулфатларини ҳам енгиб ўтдик. Аввало, 1957 йилда ўзбек радиосида бир қанча санъаткорлар билан иш бошладик. Юнус Ражабий ҳамда Дони Зокировларнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан бу ерда

халқ чолғу оркестри ташкил қилинди. Мен оркестрда устозлар раҳбарлигида 1957 йилдан 1986 йилгача ишладим.

О.Н: — Албатта, ҳар бир санъаткорнинг ўз устози бўлади. Шогирд учун уларнинг кўп меҳнатлари сингади. Сизнинг устоз санъаткор бўлишингизда қайси устозларингизнинг хизматлари катта?

О.А: — Ўзбек санъатининг отаси Юнус Ражабий ўз тарбиясига олди. 1959 йилгача Халқ чолғу оркестрида Дони ака Зокировнинг қўлларида ишладим. Бўш вақтим бўлса, чиқиб Юнус ака билан баъзи-баъзи нарсаларни кўриб, пишитиб боришликка тўғри келди. 1959 йилда Юнус ака Москвадан хурсанд бўлиб қайтдилар. Чунки мақом ансамбли тузиш ҳақида махсус қарор чиқибди. Биз ансамблнинг 14 аъзоси мақом устида тинимсиз ишладик. 6 мақомнинг мукамал нусхасини беш йил ичида магнит лентасига ёзиб бўлдик. Ундан кейин уни кечалари соат 2 дан тонгги бешга қадар (трамвайлар қатнови тўхтаган пайтда), ўша вазирликнинг бешинчи қаватидаги студияда пластинкаларга туширдик. Шу тариқа пластинкаларимиз халқимизнинг мусиқий захирасидан ўрин олган.

О.Н: — Радиода илк бор ижро этган қўшиғингизни эслайсизми?

О.А: — 1959 йилда Фахриддин ака Содиқов мақом ансамблига бош бўлиб ўтдилар. Мен илк бор у киши яратган қўшиқ билан эфирга чиққанман.

О.Н: — Мақом ашулаларининг ичида бир хислат бор-да. Бунда «Бу жоним сендан айлансин! Дод-эй, вой-дод-эй!» — деган нолалар қўшиб айтилади. Шуларнинг сабаби нимада?

О.А: — Булар ашуланинг юракка тез таъсир қилишига ёрдам беради. Қўшиқнинг ўзига яраша мавқе топишига сабаб бўлади.

О.Н: — Ҳозирги ёшларимиз мақом ашулаларини кўпроқ эстрада жанрида айтишяптида. Сиз бунга қандай баҳо бера-сиз?

О.А: — Эстрада ҳам бор бўлсин, бу ҳам санъатимизнинг бир тури. Аммо, эстрадага солиб айтилган мақомнинг бирор қўшиғи ҳозиргача мукамал ижро этилгани йўқ. Лекин шу йўл билан бўлсада ёшларга етказилаётган экан, уни ёмон десак инсофдан бўлмайди.



ИЛДИЗИ ТЕРАН БЎЛСА ...

Муסיқанинг етти пардаси орасида етти минг олам сеҳри бор. Унинг чорак, нимчорак пардаларидаги қочиримлар инсоний изтироблардан, садоқатдан, боланинг онага, онанинг болага меҳру муҳаббатидан сўйлайди. Муסיқа ижрочилик санъатининг сеҳри ва қудратиدير. Ўзбек лирик хонандаси, моҳир ижрочи, такрорланмас овоз соҳиби Хайрулла Лутфуллаев ана шундай муסיқа сеҳри билан яшаётган ва ижод қилаётган санъаткорлардан биридир.

Хайрулла Лутфуллаев 1945 йил 25 октябрда Тошкентда ишчи оиласида дунёга келди. Отаси Асатилла Лутфуллаев косиб бўлиб, онаси Тўлабуви ая уй бекаси бўлган. Амакиси Убайдулла катта ҳофиз бўлиб, дутор чалиб қўшиқ айтган. Қўшиқ инсон қалбининг доимий ҳамроҳидир. Санъаткор қалбидаги ҳислари, тугёнларини шўх ва қувноқ куй-қўшиқларида тараннум этади. Хайрулла Лутфуллаев қўлидаги сози — торга жон бағишлаб куйлайдиган санъаткор. Санъатга бўлган қизиқиш Тошкентдаги 24-ўрта мактабни тугатган Хайруллани Охунбобоев номли шаҳар маданият уйига етаклади. Бу ерда у санъатнинг сеҳрли ва мураккаб қирраларини ўрганди. Кейинчалик Тошкентдаги Ҳамза номидаги муסיқа билим юртининг халқ чолғу асбоблари бўлимига ўқишга кирди. Най, ғижжак, рубоб, фортепиано асбобларини нота билан чалиш йўлларида таҳсил олди. Ёш хонанда билим юртини тугатиб, Тошкент Давлат консерваториясига ўқишга кирди. Ҳамид Раҳимов, Сулаймон Тахалов, Абдусалом Маликов, Аҳмад Одилов сингари меҳрибон устозлардан таълим олди.

Озода Назарова: — Хайрулла ака, сиз «Баҳор» халқ рақс ансамблида бир неча йиллар фаолият юритдингиз. Дунё кездингиз. Сизни ҳаяжонлантирган, дилингизга муҳрланиб қолган гастрол сафарлари ҳақида гапириб беринг.

Хайрулла Лутфуллаев: — Мукаррама Турғунбоеванинг таклифи билан мен «Баҳор» ансамблига келиб, у ерда 30 йил фаолият юритдим. Мақтаниш эмасу, мен «Баҳор» билан бутун ер шарини кезиб чиқдим, десам янглишмайман. Кўп жойларда бўлдик. Концертларимиз ниҳоятда олқишлар билан ўтар эди. Чунки, ҳамма жойда миллий санъат қадрланади. Доирамизнинг овозини эшитиши билан барча томошабин, миллатидан қатъий назар, завқ билан рақсга тушиб кетарди. Концертдан кейин биз билан суҳбатлашишга интилишарди. Мен 1970 йилда биринчи марта хорижий давлатлардан Сурия ва Ливанда бўлганман. Араб томошабинларига бизнинг қўшиқ ва рақсларимиз жуда манзур бўлган. Албатта, гастрол сафарларида юришнинг ҳам ўзига хос муаммолари бўларди. Қийинчиликлардан биттаси, бугун битта шаҳарда бўлсак, эртасига ярим тунда соат 3—4 ларда туриб бошқа шаҳарга кетишга тўғри келар эди. Санъатнинг нонини ейиш осон эмас.

О.Н: — Қўлда торни кўтариб юриш ҳам битта қийинчилик.

Х.Л: — Албатта. Мен битта нарсани кўп такрорлардим: «Мени сен десангизлар ҳам, созимни сиз, деб айтинглар».

О.Н: — Ҳозир ёшларимизнинг ҳаммаси мини дискка ўтиб олишган. Сизларнинг даврингизда ўзбекона усулларда жонли куйлашарди-да.

Х.Л: — Ҳатто, микрофонсиз айтардик. 1973 йилда Мукаррама опа раҳбарлигида Чимкент вилоятига гастрол сафарига борганмиз. Биринчи концерт куни микрофон ишламай қолди. Зал тўла одам. Опа аста ёнимга келиб сўрадилар: — Ўғлим, энди нима қиламиз?

— Микрофонсиз айтаман, — дедим.

— Баракалла, ўғлим, — дедилар. Шундан сўнг суҳандон чиқиб эълон қилди. «Микрофон ишламаяпти, навбат Хайрулла Лутфуллаевга, илтимос жим ўтириб эшитинглар», деди. Шундай қилиб мен бир ярим соат микрофонсиз қўшиқ айтганман, концерт берганман.

О.Н: — «Баҳор» рақс ансамблида устоз Мукаррама опанинг меҳрибончилиги, Сизга муносабати билан боғлиқ бўлган қизиқ воқеалардан айтиб беринг.

Х.Л: — Яллага рақс тушишни Мукаррама опа ривожлантирдилар-да. У киши қўшиқ ҳам айтардилар. Илгарилари ҳамма раққосалар куйга ўйнашарди. Яллага кам рақс тушишарди. Опа раҳматлик, ўзлари яхши кўрган рақсларига мос яллани ёдлаб олиб, ҳофиз билан дилдан бирга куйлаб туриб, рақсга тушар эдилар.

О.Н: — Биринчи айтган қўшиғингиз?



Х.Л: — Биринчи айтган қўшиғим, мени элга танитган ўша машхур қўшиқ — «Мен севаман, сен сеvasанми?» деб номланди.

О.Н: — Ҳозир маданият институтининг қайси факультетида дарс беряпсиз?

Х.Л: — Фольклор ижрочилик факультетида устозларимиздан мерос бўлган қўшиқларни талабаларимизга ўргатиб келаямиз.

О.Н: — Сизга қўшиқчилик сирларини ўргатган устозингиз ким?

Х.Л: — Озодахон, яхши биласиз, ёшлигимизда ҳали магнитофон йўқ эди. Мен халқнинг оғзига тушган қўшиқни радиодан икки мартаба эшитиб, ёдлаб олар эдим. Ўша ижрочини эса биринчи устозим, деб билар эдим. Таваккал Қодиров, Фахриддин Умаровларнинг 90 фоиз қўшиқларини худди ўзидек қилиб айтардим. Эҳтимол, шунинг учун ҳам ҳофизимиз мени, менинг биринчи шогирдим, деб айтганлар. Демак, Фахриддин ака — устозим. Кўпгина мумтоз қўшиқларни ўргатган Орифхон Ҳотамовнинг ҳам «Дебоча» қўшиғини айтганман. Уйларига бориб ўрганганман. Демак, Орифхўжа ака ҳам менинг устозим.

О.Н: — Сизнингча, санъаткор қандай бўлиши керак?

Х.Л: — Санъаткор миллий урф-одатларни бутун халққа танитадиган инсон бўлади. Санъаткор, энг аввало, маданиятимизга эътибор бериши керак. Саҳнада, албатта, ўзбекона кийим-кечакда чиқиши керак. Ўзлимизни, маданиятимизни танитишимиз лозим.

О.Н: — Ҳар қандай қўшиқ хонанда, шоир, бастакор ҳамкорлиги натижасида юзага келади. Ҳозир яратилаётган қўшиқларга сиз қандай баҳо берасиз?

Х.Л: — Қўшиқ пайдо бўлиши учун фақат яхши шеър бўлиши, ёки фақат хонанданинг ширали овози, ёки сайроқи сози бўлиши камлик қилади. Бунинг учун қўшиқнинг учала томири ҳам бақувват бўлиши, учаласи бир-бирига мужассам бўлиши керак.

Ҳам хонанда, ҳам шоир, ҳам бастакорнинг фикри битта жойдан чиқса, ўшандагина халқнинг дилида қоладиган қўшиқ яралади.



ҚҶШИҚ — ҚАЛБ ЭҲТИЁЖИ



Абулқосим Тўйчиев 1921 йил 10 июлда Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Гулбозор маҳалласида Мулла Тўйчи ҳофиз оиласида дунёга келди. Санъаткор оиласида ўсиб улғайган Абулқосим ўрта мактабни тугатиб, мусиқа билим юртининг халқ чолғу асбоблари бўлимида ўқиди. Бу ерда Ўзбекистон халқ артисти уста Олим Комилов қўлида таҳсил олди. Устоз унга доира чалиш, қўшиқларга усул бериш, баланд, паст авж пардаларида жўр бўлиш сирларини ўргатди. Зеҳни ўткир Абулқосим ака 1936 йилда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик опера ва балет театрига ишга таклиф этилиб, устозлари Лутфихоним Саримсоқова, Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғунбоева, Галия Измаилова, Бобораҳим Мирзаевлардан ижро маҳорати, саҳна ҳаракатларини кунт билан ўрганди.

Озода Назарова: — Санъат соҳасини танлаганингиз учун ўзингиздан хурсанд бўласизми?

Абулқосим Тўйчиев: — Албатта. Мен отам Тўйчи ҳофиз изидан борганим — ота ўғил бўлганимдан фахрланаман. У киши умрларини охириларигача шу радиода ишлаб келганлар.

О. Н: — Янги асрда ижод қилаётган актёрлар ва артистлар ҳақида қандай фикрдасиз?

А.Т: — Яхши фикрдаман. Айниқса, мақом ижрочилиги. Неча марта йўқолиб, неча марта қоқилиб, қанча нарсалар бўлмади. Энди, ҳозир Юнус Ражабий қанчадан-қанча ажойиб овозли хонандалар билан мақом ноламизни тирилтирди. Қолаверса, бу борада Абдуҳошимнинг ҳам хизматлари катта. Абдуҳошим ноламиз билан иккаласини тирилтирганига мен аминман. Яна у кишининг нарсаларини олиб келиб, ёш қизларимиз авж қилади. Укаларимиз ҳам шунақа авж қиладики, у бу соҳада ижод қилганларнинг ҳаммасини эслатиб туради. Худди, улар ўйлаганидек, улар бошқатдан тирилганидек, бунга сабабчи мақом

ансамбли. Шунда ишловчи коллективлар. Қолган ансамблларнинг ҳам ҳаммаси яхши. Буларнинг яхшилигида, қойилмақом қилиб ижро қилишда устозларнинг руҳи ёр бўлганида, деб биламан.

О. Н: — Кўпни кўрган ва билган устоз сифатида айтингчи санъаткорнинг қадр-қиммати нима билан ўлчанади?

А.Т: — Қадр-қимматнинг баҳоси йўқ. Санъаткор ҳақиқий санъаткор бўлиши учун 25 йил керак. Озгина овози бўлса, ҳофиз бўлиб, икки-уч йилда дарров билиниб қолади. Созанда бўлиш учун эса 5—10—25 йиллаб ишлаган инсоннинг меҳнати қадрини ҳеч нарсага тенглаш мумкин эмас. Шунинг учун буларни эъозлашимиз керак. Халқимиз бизни эъозлаяптими, демак биз уларга хизматда бўлишимиз керак. Мен устоз санъаткорларнинг хизматида бўлганман. Яъни, Тамарахоним, Мукаррамахоним, Олимқори, Пўлатжон ака... Отаниёзий, Комилжон ака, Файзулла Хўжаев, Акмал Икромовларни мен ёшлигимдан кўрганман.

О. Н: — Бир қараганда санъаткорлар кўпайиб, ҳамма санъаткор бўлиб кетаётганга ўхшайди. Санъаткорнинг кўпайиб бораётгани сизнингча, ниманинг натижаси, ниманинг аломати?

А.Т: — Энди, баъзан санъатга кира олмаганлар, санъатни тушунмайдиганлар, улар қойил қилаяпти-ку, мен қойил қилолмайманми, дейдиганлар бор. Ундан ҳеч нарса чиқмайди. Худо бергани бор, уларга биз ҳеч нима дея олмаймиз. Уларга омад тилаймиз. Шунинг учун бундай санъаткорлар кўпайсин. Айниқса, ёшларнинг ичида. Кеча Маъмуржон аканинг таваллуд кунида бир аёл «Бир келиб кетсин»ни айтди. Маъмуржон аканинг битта авжи бор эди, иккинчи авжи қўшиб кетди. Шунга ўхшаган ёшларимиз кўпайсин.

О.Н: — Мазмунли умрингиз давомида нималардан меҳмурувват кўргансиз?

А.Т: — Дадамиз сўзлаб берган бир воқеани хотирамда яхши сақлаб қолганман. Граммофон эндигина чиққан даврлар экан. Граммофонда айтилган Тўйчи Ҳофиз қўшиғини Бухоро Амири эшитиб қолибди ва ўз одамларига Мулла Тўйчини топиб келишни буюрибди. Унинг одамлари ҳофиз ва унинг шогирдини топиб, Бухорога олиб борибдилар. Айрим сабабларга кўра Амир саройда бўлмаганлиги сабабли уларни 20 кун бир жойда сақлаб туришибди. Шунда жонидан тўйиб кетган Муллатўйчи ва унинг шогирди девордан ошиб тушиб, қочишибди, йўлда кетаётсалар маҳаллада тўй бўлаётган экан. Бу Файзулла Хўжаев хонадонидаги тўй экан. Хонадон эгалари Тўйчи ҳофизни яхши кутиб олиб, қўшиқ айттиришибди. Воқеа яна Бухоро амирининг қулоғига етиб, уларни орқага қайтаришни буюрибди.

Саройга қайтаётганларида йўлда Муллатўйчи шогирди бўлган танбурчига тамбур тори узилиб кетмаслиги учун янгисига алмаштириш лозимлигини айтибди. Лекин танбурчи бу ишни бажармабди. Саройга келганларида сўнг бир хонага киритиб ашула айтишни буюрибдилар. Хонада ҳеч ким йўқ экан. «Қора кўзим», «Дугоҳ», «Сегоҳ», «Чоргоҳ»ни ижро этишибди. Ҳамон хонага ҳеч ким кирмабди. Шунда улар «Мирзо Давлат» ялласини айта бошлаганларида ногаҳон танбур тори узилиб кетибди. Бу ҳолдан аччиқланган Тўйчи ҳофиз шогирди бўлмиш танбурчи йигитнинг бошига патнис билан бир уриб, кўшиқ ижросида давом этибдилар. Шу вақт хона тўридаги парда тўсатдан очилибди-ю, қарасалар парда ортида Амир ўтирганлиги маълум бўлибди. Амир Муллатўйчига қарата: «Мулла ака, роса бопладингиз-ку, ашула айтиш олдидан шогирдни патнис билан урадиларми, — дебди. Шунда Муллатўйчи: «Ие, Сиз ҳали кўриб ўтиргандингизми: мен танбур тори узилиб кетгани учун урдим», — дебдилар. Амир: — Ҳа, мен айнан шунисини кўрдим», — дебди ва эгнидаги зарбоф тўнни ечиб Муллатўйчи ҳофизга кийдирибди.

Ана шу воқеани хотирлар эканман, менинг ҳам халқ орасидаги обрў-этиборим, ҳурмат-иззатим жуда баландлигидан, доимо эл эъзозида бўлиб келаётганлигимдан руҳланиб кетаман. Бу эса ўз ўрнида мен учун энг азиз туйғудир.



ХАЛҚҚА ҲАМОН ХИЗМАТДАДУРМАН

Ватаннинг равнақиға, халқнинг фаровонлигига кимдир яратган кашфиёти, кимдир обод қилган боғи, хайрли ва эзгу иши билан ўз ҳиссасини қўшади. Яна кимдир Худо юқтирган ноёб истеъдоди билан юрт донғини дунёга таратади, одамлар қалбидан чуқур жой олади. Элнинг эъзозиди, эътибориди доимо хизматга шай турадилар. Халқимизнинг суюкли санъаткори, Ўзбекистон халқ артисти Ортиқ Отажонов ана шундай инсонлар сирасига киради.

Озода Назарова: — Ортиқ ака, санъаткорнинг ёши улғайгани сайин мумтоз ашулаларга маҳлиё бўлиб боради. Сиз ҳам бугун кўпроқ мақом йўналишидаги қўшиқларни ижро этаяпсизми?

Ортиқ Отажонов: — Албатта, нафақат санъаткорлар балки оддий инсонлар ҳам ёши улғайгани сари хазин мумтоз қўшиқларга эҳтиёж сезиб боради. Боиси у қўшиқларда дард бор. Маънавий эҳтиёжингизни қондирадиган оҳанг, салоҳият бор. Мен устоз санъаткорлар ижро этган қўшиқларни узоқ ўрганганман. Мароқ билан тинглаганман. Бугун давраларда мендан мухлислар ўша қўшиқларни ижро этиб беришимни сўраса, жон дилим билан куйлаб бераман.

Ёшларимиз мақом йўлида қўшиқ куйлаяпти. Улар орасида истеъдодлилари кўп, аммо баъзан қўшиқнинг авж пардаларида бузиб юборади. Бундай кезде кўнглим ранжийди. Айниқса, миллий эстрада деб мумтоз қўшиқларни бузиб куйлаётганларни, бир кунда қўшиқ яратаётганларни айтмайсизми? Аслида яхши қўшиқ бир кунда яралмайди. Йиллар тафтида тобланиб кейин қўшиққа айланади.

О.Н: — Саҳна маданияти нима? Бугун ёшларимиз бу ақидага амал қиляптими?

О.О: — Саҳна муқаддас... Бу ҳикматни улуғ санъаткорлар суҳбатларда кўп бор тилга олишади. Ҳиндистонга гастрол сифари билан борганимизда ҳинд санъаткорларининг саҳнага

оёқяланг бўлиб олиши ва чиқиш олдидан қўлларини юзларига суртиб дуо қилишларини кўриб ҳайратланганман. Бу ҳақида улардан сўраганимда, шу саҳна орқали халқнинг қалбига кириб борамиз, шу саҳна орқали улар бизга баҳо беришади. Шу саҳна орқали ўзлигимизни англаймиз, демак, бу табаррук жой, деб жавоб беришган. Бугун ёшларимизнинг баъзилари бу ақидаларга амал қилмаётганликларини халқимиз яхши билишади. Бизга ҳам бу ҳақида кўп айтишган. Аммо бу қоидаларни тартибга соладиган мустасадди ташкилотлар бор. Мусиқали клиплар бу бошқа жиҳат. Унда ўзига эп билган хонанда қанча кийинса кийинсин. Саҳнада эса санъаткор халқ билан юзма-юз кўришади.

О.Н: — Сўнгги пайтларда мумтоз қўшиқлар билан замонавий қўшиқлар омухталаниб бормоқда. Бу ҳақида фикрингиз...

О.О: — Қуш уясида кўрганини қилади, деган халқимизнинг ажойиб бир нақли бор. Қўшиқларни бу тарзда қайта яратиш асосан ёшларимиз томонидан амалга оширилмоқда. Яъни Консерватория, Маданият, Санъат институтлари талабалари бўлган ё энди таҳсил олаётган ёшлар хунук қилиб айтганда қўшиқларни омухталаштиряпти. Демак, ана шу даргоҳларнинг ўқитувчилари бунинг учун қайғуриши лозим. Бугун ёшларимиз яратаётган клипларни томоша қилсангиз дунё эстрадасига тақлидни кўрасиз. Айниқса, турк, араб мусиқаларига мажбурлаб тиқилган ўзбек сўзларидан иборат қўшиқлар ҳамма ёқни босиб кетди. Куйлагиси келса, ўша қўшиқни асл ҳолида ижро этсин. Маромига етказиб айтса, мухлислар ҳам миннатдор бўлади. Юқорида айтганимдек ёшларимиз орасида истеъдоддилари кўп, аммо уларга тўғри ижрони ўргатишимиз керак.

О.Н: — Ортиқ ака, Сизни қайси қўшиқчилик мактаби ўзига мафтун этади. Фарғона-Тошкент йўналишими, Бухоро-Самарқанд ёки Хоразми?!

О.О: — Менга қўшиқчилик мактаби деб ажратиш унчалик ёқмайди. Боиси қўшиқчиликка кириб келаётган ҳар бир ёш барчасини бирдек ўрганиши лозим. Буларнинг барчасида устозларимиз юрак кўри билан яратган мактаблари бор.

О.Н: — Устозларингиз ҳақида...

О.О: — 1958 йилдан буён ижод қиламан. Комилжон Отаниёзов, Назира Юсупова, Коммуна Исмоилова, Эркинбой Бекжоновларнинг қўшиқларни эшитиб катта бўлдим, ўргандим. Кейин Хоразмдан Тошкентга келдим. Устоз Комилжон Отаниёзовга шогирд бўлдим. Устознинг менга айтган бир гапи ҳеч ёдимдан кўтарилмайди: «Хоразмда юрганингда томчи эдинг, Тошкентга келиб денгизга қўшилдинг». Яратганга шукр, кам бўлмадим.

О.Н: — Халқимизнинг қалбидан чуқур жой олган «Умр ўтар, вақт ўтар» қўшиғининг яратилиши тарихи ҳақида гапириб беринг.

О.О: — Хоразмда Отажон Худойшукуров билан бирга Латиф деган дўстимизнинг тўйларида хизматда бўлганмиз. Ўшанда бир ёқимли куй яратиб илҳом билан юрган эдим. Тўйда Отажон ака бу қўшиқни бошқача, узун темпда ижро этиб қолди. Менга қўшиқ сўзлари ёқди. Тошкентга келиб севимли шоиримиз Омон Матжондан ушбу шеър чоп этилган китобини олдим. Кейин қўшиқ яралди. Биринчи бор 1981 йил Янги йил базмида ижро этганман. Барчага бирдек маъқул келган...

О.Н: — Оилангиз ҳақида...

О.О: — Болалигимизда қийинчилик кўриб катта бўлганмиз. Санъатда эл назарига тушиб олгунимизгача ҳам кўп заҳмат чекканмиз. Комилжон устоз доим уқтирардилар: «Тўйга борсанг, инсоф билан ол», деб. Мана шу меҳнатлар билан болаларимни улғайтирдим. Катта қизим ТошМИ(собик)да, катта ўғлим Зокиржон мактабни олтин медаль билан тугатиб Тошкент ирригация институтида, Хосиятхон қизим Халқ хўжалиги институти(собик)да таҳсил олди. Улуғбек ўғлимни халқимиз яхши билишади. Кароматхон ҳозир 42 ёшда АҚШда ўз соҳаси бўйича ишлаб юрибди. Яқинда уни Нью-Йоркда бир ансамблга чақириб тайёр куйларга қўшиқ айттиришибди. Дискда ёзиб бизга ҳам жўнатибди. Ҳайрон қолдим. Зайнаб Хонлорованинг, Барно Исоқованинг, Насиба Абдуллаеванинг, ҳатто Гулсанам Мамазоитованинг қўшиқларини ҳам ижрочиларга ўхшаб маромига етказиб куйлаган. Улуғбек, «опам аввал бошда санъатни танлаганларида биз бу соҳада юрмасдик», деди ҳайратланиб.

Яна Хоразмда 83 ёшли табаррук онам борлар. Тез-тез бориб дуоларини олиб тураман. Мени бир кўрсалар анча тетик юрадилар.

О.Н: — Бахтингизга онангиз доимо соғ бўлсин. Мухлисларингизга тилақларингиз...

О.О: — Қалбимизда халқимизга тилақларимиз бисёр. Соғомон бўлсин, яхши кунлари, қувончларга тўла дақиқалари кўп бўлсин. Бизни ардоқлаган элимизнинг яхши кунларида доимо хизматга шай турайлик.



КЎШИҚ ХАЛҚҚА МАНЗУР БЎЛСИН



Қувондиқ Искандаров 1930 йилда Хоразм вилоятининг Хазорасп туманида туғилди. Санъатга жуда эрта меҳр қўйган Қувондиқ ўрта мактабни 1947 йилда битириб, машҳур ҳофиз Хожихон Болтаевга шогирд тушди. Устозидан ашула айтиш сирларини, мураккаб ижро услубларини ўргангач, катта ҳофизлар билан ҳамнафасликда мумтоз ва замонавий кўшиқлар ижро эта бошлади. Хоразм санъаткорларга бой маскандир. Шу ерда униб ўсган Қувондиқ Искандаров Урганчдаги Огаҳий номидаги театрда устозлари — Ҳожихон Болтаев, Озоджон Жабборов, Нурмат Болтаевлардан Хоразмча кўшиқ айтиш сирларини ўрганишга киришди. Хоразм суворалари ва мақомлари, Хоразм дostonларидан кўшиқлар ижро эта бошлади. У хонандалик санъатини моҳирона эгаллаб, халқнинг ҳурмат ва эътиборига сазовор бўлди. 1950 йилда вилоят марказидаги Хоразм маданияти уйида раҳбар бўлиб ишлади. Бир неча кўшиқ-кўрик танловларида қатнашиб голиб чиқди. Сўнгра у Тошкентга республика радиосига келиб «Чапандози сувора» ва «Қизларжон» ашулаларини илк бор магнит тасмасига туширди. 1958 йилда эса Тошкентда Комилжон Отаниёзов раҳбарлигидаги Хоразм халқ ашула ва рақс ансамблида ишлай бошлади. «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» дostonидан «Ишқинг йўлига», «Саётхон ва Ҳамро» дostonидан «Сарви Санобар», «Ширин жонимсан», «Савти сувора». «Феруз-2» каби бир қанча катта ва мураккаб кўшиқларни ижро этди. Кўшиқ киши қалбининг таржимонидир, дейдилар. Ижрочи инсон кўнглини қитиқловчи, оромини олувчи, юрак сўзларини баён этувчи кўшиқларни куйласа, тингловчисини беихтиёр сеҳрлаб қўяди. Қалбига ғулув солади, ўйлантиради, қувонтиради.

Озода Назарова: — Кўшиқ айтиш жараёнида сиз қайси ижрочиларни ўзингизга устоз деб биласиз?

Қувондиқ Искандаров: — Мен биринчи бўлиб Озоджон Жабборовни ўзимга устоз деб билганман. У киши, овозимни тинглагач, бу болани Огаҳий номидаги мусиқали театрга ўқишга юборинглар, дедилар.

О.Н: — Ўша пайтда неча ёшда эдингиз?

Қ.И: — 17—18 ёшларда эдим. Шу дуо билан Огаҳий театрига бордим. Ҳожихон Болтаевга шогирд бўлдим.

О.Н: — Сиз шеърларни саралаб айтасиз. Ҳозирги ёш хонандаларимиз қўшиқ қилиб айтаётган шеърларга муносабатингиз?

Қ.И: — Устозларнинг айтган ашулалари кишининг эътиборини тортади. Мен классик, мазмундор шеърларни ахтараман. Китоб жавонимда 50—60 нафар шоирнинг китоблари бор. Шу китобларни ўқиб, дидимга мос шеърни танлайман. Шогирдларимни ҳам шунга ўргатаман.

О.Н: — Сиз мақом, халқ қўшиқларини, дostonларни жуда қиёмига етказиб куйлайсиз. Бунга қандай қилиб эришгансиз?

Қ.И: — Хоразм ашулачилигини мукамал ўрганиб олганимдан бўлса керак. Радио орқали эшитиб, камида 300—400 ашулани ёд олганман.

О.Н: — Мана, ёшлар кетидан эргашиб эстрада йўлида Ўзбекистон халқ артисти Фуломжон Ёқубов, Ўзбекистон халқ артисти Ортиқ Отажонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Султонпошша Ўдаева қўшиқ куйлашапти. Уларнинг ҳозирги репертуарларига қандай қарайсиз?

Қ.И: — Буларнинг ижроси ёмон деёлмайман. Чунки улар ўзига хос куйлашади, миллийликни сақлашга ҳаракат қилишади. Бор энди, такрорланишлар, бошқалар. Айрим қўшиқчилар икки оғиз сўзни такрорлайверишади.

О.Н: — Демак, ёшларимиз шу хонандаларимиздан ўрнак олса арзийди, тўғрими?

Қ.И: — Албатта.

О.Н: — Ўзбек қўшиқчилик санъатида сизни бугун нималар ташвишга солади, нималардан қувонасиз?

Қ.И: — Мени ташвишга соладиган нарса ашулачиларимиз барча жанрларда ижод қилса. Бир тўйга қарияларимиз ҳам келади, ёшларимиз ҳам келади. Шуларга мос ҳолда қўшиқ айтса, мен бундан хурсанд бўламан.

О.Н: — Тез-тез хаёлингиздан қандай фикр ўтади?

Қ.И: — Ишқилиб қўшиқларим халққа манзур бўлсин-да, деб ўйлайман.



ДАРДЛАРГА ДАВО ҚЎШИК



Ўзбек миллий қўшиқчилиги тараққиётига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган хонанда, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, Ўзбекистон халқ артисти Коммуна Исмоилованинг дилтортар қўшиқлари ҳамиша кўнгилларни хушнуд қилган. Атоқли санъаткорлардан таълим олиб, ижод қилиб келаётган ҳассос санъаткор. Ҳозирда қатор шогирдлар етиштираётган табаррук устоз.

Озода Назарова: — Коммуна опа, аввало, санъат соҳасига кириб келган илк одимларингиз ҳақида гапириб берсангиз?

Коммуна Исмоилова: — Санъат соҳасига келганимга 60 йил бўлди. Санъатга кириб келишимнинг қизиқ тарафи шундаки, мени — Хоразмдаги Максим Горький мактабининг 9-синф ўқувчисини тўғридан-тўғри Санъат институти қошидаги 6 ойлик муаллимлар курсига беришган. Курсни битирув оқшомига Тошкентдан Гавҳар опа Раҳимова раҳбарлигидаги хотин-қизлар ансамбли бориб қолди. Улар урушда иштирок этишган экан. Ўзларининг ижодларини, урушда бўлган пайтларини гапириб беришди. Мен синфком эдим. Қурбон Умаров постановкасидан ашула айтиб ўтирган эдим. Меҳмонхонага кетаётган санъаткорлар тасодифан менинг хиргойимни эшитиб қолишган. Кейин директор ҳузурига кириб, бир қиз ашула айтяпти, шу қизни кўрсам бўладими, деб сўрашибди. Дарҳол мени чақиртиришди. Мен уришсалар керак деб, қўрқиб кетдим.

Директор: — Бу Гавҳар опа, сенинг қўшиқларингни эшитишга келибди, — дедилар. Гавҳар опа мендан: сен санъатни севасанми, олиб кетсак, кетасанми, деб сўрадилар.

— Ота-онам рухсат берсалар, майли кетаман, — дедим. Амаким ўқишинг нима бўлади, деб койидилар. Аммо, мен санъатни яхши кўраман, деб сўзимда туриб олдим. Шунда Гавҳар опа амакимнинг қўлига иккита билет тутқазиб, концертга боришимизни айтишди. Концерт тугаганидан кейин менинг уйимга борадиган бўлишди. Онам хурсанд, бироқ отам рухсат берма-

яптилар. Ўша пайтлари ўқийман деганларни ҳамширалик қилишга олиб туришган эди. Бўйим узун бўлганлиги учун отам, бу ҳамшираликни эплайди, дедилар. Онам санъатни танласин, деб турибдилар. Хуллас, Гавҳар опа отамни ҳам кўндирди.

О.Н: — Коммуна опа, уруш йиллари фронтга юборилишингиз, албатта, ўз-ўзидан бўлмаган. Бунинг устига жуда ёш бўлгансиз.

К.И: — Урушга кетишдан олдин Пушкин паркиннинг ёзги саҳнасида санъат усталарининг концерти бўлди. Қори Ёқубов, Ҳалима Носирова, хотин-қизлар ансамбли бор эди. Ўша концертдан кейин шу қиз яхши кўшиқ айтади деб, мени ҳамма мақтаган. 5 ноябрь куни Днепрга бордик. Ундан кейин Киевга.

Концертга борганимиздан кейин аскарлар хурсанд бўлишди. Сизларни кўрдик, энди ўлмаймиз деб, руҳий кўтаринкилик билан жангга киришди. Шу бўйи биз Берлингача бордик. Берлиндан яна Моринвергга қайтиб, йўлланма оламиз, деб борсак, Гавҳар опа Собир Раҳимов билан учрашдилар. Билсак, Собир Раҳимов ярадор бўлган экан. Ҳаммамиз жуда ташвишландик. Мана шундай оғир кунларни бошдан кечирганмиз. Шундай оғир кунларда яна битта ёқимли учрашув бўлиб ўтди — ҳарбий фронтда мерган қиз Зебо Фаниева билан учрашдик. Зебо Фаниева ўқишни битказгач, уйга қайтмасдан она юртим учун хизмат қиламан, деб икки ойлик снайперлик курсида ўқийди ва урушга кетади. Бир тепаликни ишғол қилиш пайтида командирга ўқ тегади. Аскарлар командирни ташлаб кетмоқчи бўлади. Шунда Зебо Фаниева байроқни олиб олға югуради. Бундан ҳижолат аскарлар ҳам олға интилишади. Шундай қилиб тепалик қўлга киритилади. Ана шу жангда Зебо Фаниева жуда қаттиқ жароҳатланади. Ўнг оёғидан ажраб, ногирон бўлиб қолади. Биз бу пайтда штабда эдик. Шунда Гавҳар опа, ўзбек қизи катта жасорат кўрсатди, шу воқеалар асосида бир кўшиқ яратинглар, деди. Бобораҳим Мирзаев шеър ёзди. Фахриддин ака Содиқов мусиқа басталади. Мен шу кўшиқни ўрганиб, айтдим. Кўшиқ эрталаб тайёр бўлди. «Зебо» деган ашулани бориб айтдик. Шундай ёш қуйилиб келяптики, ҳеч кўзини очолмайди-да, шўрлик Зебохон. Шу кўшиқ унга жуда яхши фойда берди. Шунинг учун ҳам айтишар экан, санъат, кўшиқ касални ҳам соғайтиради, деб.



КАДРИНИ КАДРЛАБ



Нафиса Тўхтаева 1942 йил 9 мартда Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида таваллуд топган. У 54-ўрта мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ санъатга иштиёқи баланд эди. Мактабда, маҳаллада, туманда бўлиб ўтадиган байрам тантаналарида Нафисахон, албатта, ўзининг кўшиқлари билан қатнашиб, барча ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳурматига сазовор бўлган.

Нафисахон санъаткорлар оиласида вояга етган. Отаси Қудрат Тошхўжаев машҳур найчи бўлган. Муқимий номидаги мусиқали драма театрида ва цирк концерт бирлашмасида яккахон созанда бўлиб ишлаган. Онаси Ҳалимахон Исматова эса Ўзбекистон радиоси қошидаги мақомчилар ансамблида хонанда эди. Опаси — халқ ардоғидаги хонанда ва актриса, Ўзбекистон халқ артисти, Муқимий номидаги мусиқали драма театрида ишлаб келаётган Наимахон Пўлатовадир. Укаси — Қобилжон Исматов «Ўзбекконцерт» бирлашмаси қошидаги Тўхтасин Жалилов номли халқ чолғу оркестрида етук созанда — доирачи бўлиб ишлайди. Санъатнинг давомийлиги, табиатнинг тантилиги шу бўлса керак.

Нафиса Тўхтаева илк бор мусиқа ўқитувчиси Тўлаган Умаровдан ашулалар ўрганди. Туман, вилоят ва республикамизда бўлиб ўтадиган «Санъат саодатимдир» кўрик танловларида қатнашиб, бир неча марта ғолибликни қўлга киритди. «Ашула ўқитувчимиз мактаб деворий газетасига мени мақтаб ёзгани ёдимда. Ўшанда ҳамма, назаримда, менга қараётгандек, ҳамма мени табриклаётгандек эди», — деб болалик дамларини эслайди Нафиса опа. Санъатга бўлган қизиқиши сабабли мактабни тугатиб, ҳозир мусиқа коллежи номи билан юритиладиган Ҳамза номидаги билим юртига ўқишга келди. 1959-йилда мусиқа коллежининг халқ чолғу асбоблари бўлимига кириб дутор мутахассислиги бўйича таҳсил олди. Коллежда ўқитувчиси Санъат опадан дутор чалиш сирларини ўрганди. 1961 йилда Нафиса

опа коллежни аъло баҳоларга битирди. Шу йили у Муҳиддин Қори Ёқубов номидаги филармония қошидаги Тўхтасин Жалилов номли халқ чолғу оркестрида хонанда ва созанда бўлиб иш фаолиятини бошлади. Оркестрга Ўзбекистон халқ артисти Саид Алишев раҳбарлик қилар эди. Нафисахон яккахон созанда сифатида дутор жўрлигида оркестр билан «Дуторим», «Шафоат» куйларини, хонанда сифатида эса «Саодатларга», «Ўзбекистон гуллари», «Етти қиз», «Вафодоримга» каби кўп-лаб ашулаларни ижро этди.

Оркестр жамоаси билан Россия, Украина, Белорусь, Тожикистон, Қозоғистон, Туркменистон бўйлаб гастрол сафарларида бўлиб, ўзининг санъатдаги маҳоратини намойиш қилди ва халқ олқишига сазовор бўлди. Нафисахон 1978 йилдан бошлаб Ўзбекистон радиоси қошидаги Юнус Ражабий номли мақомчилар ансамблида хонанда бўлиб иш фаолиятини давом эттирди. Бу ансамблда устозлари Фахриддин Содиков, Коммуна Исмоилова, Берга Давидова, Турғун Алиматов, Орифхон Ҳотамов, Очилхон Отахонов ва Эсон Лутфуллаевлардан мақом сирларини ўрганди ва радионинг олтин фондига 50 дан ортиқ қўшиқларни магнит тасмасига туширди. Шулардан «Соқиномаи савти ушшоқ», «Ироқ соқиномаси», «Дугоҳ таронаси», «Баёт-II», «Қашқарчай савти сарвиноз», «Соқиномаи савти калон», «Не наво соз айлагай», «Бахт қушимидинг», «Савти чоргоҳ», «Уффори ушшоқ» каби халқимизга манзур бўладиган ажойиб қўшиқлардир.

Озода Назарова: — Ҳаётингизда қайси дамларни соғинч билан хотирлайсиз?

Нафиса Тўхтаева:— Албатта, болалик дамларимни. Мактаб сахнасида куйлаган қўшиқларимнинг завқи қалбимда бир умрга муҳрланиб қолган, десам асло муболаға эмас.

О.Н: — Санъаткорнинг санъатдаги қадри қандай бўлиши керак?

Н.Т: — Санъат йўлларининг баланд-пастидан ҳамиша дил ва тил бирлигида ҳалол меҳнат билан равон қадам ташлаган санъаткорларгина юксак қадрга эга бўла олади. Мен ҳамиша санъатимни қадрлашга интилиб яшаганман.

О.Н: — Куй ва қўшиқ сеҳри сизга нималар бахш этади?

Н.Т: — Кўнглимдаги ғуборларни ювиб, халқимизнинг кўнглига яқин қўшиқларни яратиш завқини бахш этади.



НОЁБ ОВОЗЛАР ХАЗИНАБОНИ



Таниқли ҳофиз Зокиржон Султоновнинг кўп йиллик хонандалик фаолияти — ўз хонишлари билан тингловчилар қалбига оташ ва нур бағишлагани бир томон бўлса, филофонист сифатидаги хайрли иши иккинчи тараф бўлиб, уни олқишларга кўмади. Зокиржон ака хазинасида 1877 йилда ўзбек ҳофизларининг қўшиқлари ёзилган пластинка, 1990 йиллар бошида Истамбул, Рига, Лондонда тайёрланиб ҳар бири 32 минг 200 сўмга баҳоланаётган Бухоро Амири кўшиқчиси Леви Бобоҳонов, Ҳожи Абдулазиз, Ҳожи там-там, Абдулла Авлоний, Шарқийларнинг қўшиқлари, Файзулла Хўжаев нутқи, аёл ҳофиз Бинохон Ая Ёқубова овози ёзилган ноёб ленталар сақланмоқда. Буларнинг ҳам ҳар бирининг ўз тарихи бор. Халқ Мукарама Турғунбоевани раққоса сифатида билади. Зокиржон Султоновнинг бисотида эса Мукарама опанинг 6 та кўшиғи ёзилган пластинкаси бор. Гавҳар опа Раҳимова билан биргаликда «Пахта», «Ойижон», «Кўнгил» каби кўшиқларни маромига етказиб ижро этган. Бундан ташқари, Зокиржон Султонов машҳур халқ артисти Тамарахонимнинг қаламига мансуб мактубни ардоқлаб сақлайди. Тиниб-тинчимас Зокир ака чарчаш нималигини билмайди. Янги асарлар ва пластинкага ёзилган ажойиб кўшиқлар билан Радио фондини бойитиб келмоқда. Зокиржон аканинг шогирдлари Умар Отаев, Рўздат Қаюмов, Абдуқодир Юсупов ва санъат йўлида изланаётган шогирди Марям Саттаровадек истеъдодлардир. Зокир ака — мусиқага, кўшиққа эҳтиёж сезган ва бутун кучини ҳамда иқтидорини унга бағишлаган ҳофиз, санъатимизнинг чин фидойиси ва заҳматкаши, биринчи филофонист.

Озода Назарова: — Зокиржон ака, 45 кунда катта Фарғона канали қурилди. Бу жуда улкан тарихий воқеа. Бу нафақат қурувчиларнинг қахрамонлиги, бу бутун санъаткорларимизнинг қахрамонлиги эди. Канал қурувчиларини бундай улуг ишга руҳлантира

олган санъаткорларнинг ҳиссаларини сиз ўз кўзингиз билан кўргансиз. Шулар ҳақида гапириб берсангиз?

Зокиржон Султонов: — Бизни 1939 йилда Катта Фарғона канали соҳилига пионер лагерига олиб боришди. Бу ерга Ўзбекистоннинг барча санъаткорлари, хонандалари келган эди. Мукаррама опа, Юсуфжон қизиқдан тортиб... Фарғона каналини қуришда санъаткорларнинг ҳиссалари катта. Чунки, бир дақиқа тинмасдан ашула айтиб, куй чалишиб, ўйин-кулги билан меҳнаткашларни кўнглини кўтариб туришган.

О.Н: — Зокиржон ака, хонанда сифатида кимларни устозим, деб биласиз?

З.С: — Эргаш Йўлдошев, Ҳабибий домла, Зокиржон Эргашевлар билан ҳамкорлик қилдим, улар тарбиясини олиб, кам бўлмадим.

О.Н: — Сир эмас, сиз энг бой санъаткорлардансиз. Бебаҳо уй-музейингизга эгасиз. Бу ер қўшиқчилик санъатининг олтин хазинасига айланган, нодир овозлар ёзилган ноёб пластинкалар бор.

Шу ноёб пластинкаларни йиғиш фикри қандай туғилган?

З.С: — Менинг биринчи пластинкаларим Лондонда ёзилган. Унда 1877 йилда ёзилган овозлар бор. Ригада, Америкада ёзилган пластинкаларни, «бойлигим»нинг кўпини Латвия пойтахти Рига шаҳридан олиб келганман. Нимага десангиз, мен 1972 йилда Мисрга бордим. У ердаги бозорлардан Мулла Тўйчи, Мулла Шожалил, Ҳамроқулқори, Собирхон Бобошариповлар айтган ашулаларнинг пластинкаларини топиб, харид қилдим. Бу ноёб овозлар иккита мусиқий альбом бўлди.

Э, хуллас, ҳар бир одамнинг ўз яхши кўрган одати бўлади. Ҳозирги тилда «хобби» дейишади. Лекин бу меҳнатимни хобби дейиш ҳам, унчалик тўғрима. Тўғриси, ноёб овозлар ёзилган пластинкаларни йиғишга бўлган меҳрим баланд. Устоз ҳофизларга чексиз ҳурматим сабаб бўлгандир. Ахир мен, бу оламга кирганимдан буён неча-неча булбул нафас ҳофизларимиз ҳаётдан ўтиб кетишди. Аммо уларга қўшилиб, уларнинг санъати, маҳорати ҳам унутилиб кетишини истамасдим. Чунки улар халқ мулки, санъатимизнинг бебаҳо хазинаси, тарихи. Улар ҳақида келажак авлодимиз билиши, улардан ўрганиши керак ахир. Ану шу эзгу ният йўлида шу ишга киришдим. Бунга ҳам аслида устоз ҳофизимиз Жўрахон Султоновнинг қўллаб-қувватлашлари сабаб бўлган. «Зокиржон, жуда савоб ишни бошлабсан. Ҳали вақти келади, халқимиз сени бу ишинг учун саватдаги нонни бошига кўтаргандай эъзозлайди», деб дуо қилгандилар.

Музейимдаги экспонатларим жуда тарихий.



«БУЛБУЛЧА»ДА 40 ЙИЛ



«Булбулча» болалар ансамбли бадийи раҳбари Шермат Ёрматов билан суҳбат

Озода Назарова: — Шермат ака, бугунга келиб ўйлаб қўйган орзуларингизнинг қай бири рўёбга чиқди, қайси бири армон бўлиб қолди?

Шермат Ёрматов: — Биласизми, жуда кўп мамлакатларга гастрол сафарларига борганман. Югославия, Туркия, Конго, Финляндия каби жуда кўп мамлакатларга бордик. Собиқ Иттифоқнинг деярли барча республикаларида бўлдик. Буларда турли конкурслар, фестиваллар, танловларда қатнашиб келдим. Москвада бир неча бор бўлдим.

Туркия сафарига борганимизда 23 апрель «Жужуқлар» байрами дейилар экан. Болалар куни, айнан турк болаларининг куни экан. Ҳамма боласини етаклаб, байрамларда, майдонларда, театрларда дам оляпти. Биз шу фестивалга борган эканмиз. Бу анжуман жаҳоншумул халқаро фестивалга айланиб кетган экан.

Ушалмаган орзуларим шундан иборатки, шу кун болалар байрами бўлса. Кимдир 1 июнь бор-ку, деб хитоб қилган жойи ҳам бўлган. Ахир 1 июнь — халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни. Бу фақат ўзбек болаларининг куни эмас-ку. Ногиронлар, болалар уйларида тарбияланаётган болаларни ҳимоялаш, уларга озгина меҳрибонлик кўрсатиш учун бутун дунё байрам қилади. Ўша куни болаларни эъозлаб ҳаммамиз ҳам, мен ўзим ҳам «Булбулча» билан 2—3 та болалар уйида концерт бериб келаман. Лекин, соғлом болалар 1 июнь куни мактабда имтиҳон топширади. Мен жуда хоҳлардимки, ҳукуматимиз раҳбарлари бир кунни байрам қилиб белгилашса, катта байрам қилиб, биз ҳам бутун дунёни чақирсак. Агар улар бизнинг юртимизга келса-чи, ҳаваси келиб кетади. Бориб кўриб келдик ҳаммасини, биздаги юрт, биздаги жой, биздаги ажойиб бозорларимиз, чиройли кўчаларимиз, саҳналаримиз у ерларда йўқ. Ҳамма шароит бор. Биз фақат уни эъозлаб, майли, икки йил-

да бир марта, майли, тўрт йилда бир марта ёки ҳар йили бир кун белгиланса, жаҳон фестивалига айланиб кетиши мумкин. Битта орзум шу.

О.Н: — Ҳар йили Мустақилликни байрам қиламиз. Шу даврларда ижодингиздаги ўзгариш ҳақида нима дея оласиз?

Ш.Ё: — Мустақилликнинг 1-йилидан бошлаб 15-йилгача «Булбулча» катта майдонда ўзининг янги-янги қўшиқлари билан чиқди. Биринчи йили хотирамда бор, фольклор қўшиқлардан терма қилгандим. Ундан кейин «Булбулча» билан куйламаган ҳофизлар қолмади. Ҳар йили Наврўз байрамида ҳам, Мустақиллик байрамида ҳам битта қўшиғим кетади. Бу мен учун бахт.

О.Н: — Шермат ака, инсонда қизиқиш ва интилувчанлик бўлмаса санъатга, ўз соҳасида бахтга эришолмайди дейишади. Чунки санъат соҳаси ўта инжиқ, мураккаб соҳа. Шунда санъаткордан нима талаб қилинади? .

Ш.Ё: — Санъаткор ҳам бир инсон. Қалби бор, юраги бор. Унинг ҳам қўпол гапирганда, нафси бор. Баъзида санъаткорларимизга унча эътибор бермайдиган жойларга ҳам учраб қоламиз. Ҳа, яллачи-да, ашулачи, деган сўзларни ҳам эшитиб қоламиз. Майли, айтаверсин. Лекин, санъаткор халқнинг инжиқлигини кўтара олади. Масалан, театр институтини битирган моҳир актёрларнинг ҳаммаси ҳам роль ўйнай олмайди-ку. Лекин, санъатда юриш энг нозик иш. Агар кичик хатоликка йўл қўйсангиз, бир зумда бутун республикага тарқалиб кетади. Агар санъаткор ўз касбининг фидойиси бўлса, унча-мунча гапга эътибор бермасдан, бор вужуди билан касбини севиб, бир умр шу соҳада ишлайди. Шундагина мен уни ҳақиқий санъаткор дейман. Бошқа гап йўқ.

О.Н: — Санъаткорнинг қадр-қиммати нима билан ўлчанади?

Ш.Ё: — Аввало, Оллоҳ унга санъат нуқтаи назаридан маҳорат берган бўлиши керак. Жуда кўп санъаткорларни билман, жуда зўр овози бор, ажойиб маҳорати бор-да, ўзини тута билмайди халқнинг ичида. Сал димоғдор бўлиб қолган, чўнтагига бир-икки сўм пул тушгандан кейин. Халқ уни икки кунда назардан тушириб юборади. Ўз устида ишлаб, камтарин бўлган, ҳар доим халқини ўйлайдиган, оиласини ўйлайдиган пок виждонли санъаткорларни халқ икки қўллаб кўтариб юради.

Мен шунақанги санъаткорлар ичида улғайганман. Аброр Ҳидояттов, Шукур Бурхонов, Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғунбоевалар билан бир неча бор суҳбатларда бўлганман. Ҳамма-ҳаммаси мени жуда ҳурмат қилишарди. Шермат, сиз

қандай қилиб шунча болалар билан ишлайсиз, деб. Мен оддий муомалам билан, дейман. Ҳеч қачон болага бақирмайман. Керак бўлса бағримга олиб, асал ўғлим, асал қизим, деб эр-калайман. Биласизми, 99-мактабда ишлаганимда, ўқувчиларим мени троллейбус бекатида кутиб оларди-да, портфелимни ҳаммаси 5 қадамдан санаб олиб кўтариб кетарди мактабгача. Атрофимни ўраб олишарди. Ҳозир ўйлаб қарасам, бундан катта бахт бўлмаса керак инсон учун.



САНЪАТ ТУБСИЗ ДЕНГИЗДИР

Фотима Баратова 1933 йилда Қўқон шаҳрида таваллуд топган. Болалигидан санъатга иштиёқманд қиз мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ туман, вилоят босқичларда ўтказилган қатор танлов ва анжуманларда иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритиб келган. Ундаги юксак қобилиятни сезган устозлари Қўқондаги Ҳамза номидаги театрға ишлашга таклиф этадилар. Бу даргоҳда Ўзбекистон халқ артисти Муроджон Аҳмедов, Карим Зокиров, Пўлатой Раҳмонова, Занжирали Мирзатовлардан санъат сир-синаотларини ўрганган. Консерваторияда ўқиб юрган кезларида эса Аҳмаджон Одилов, Гавҳархон Раҳимова ва Асад Азимовлар қўлида таҳсил олди. Театрда ишлаш жараёнида кўплаб образлар яратди. Халқимизнинг сеvimли санъаткорига айланди. Ҳозирда 7 нафар набира, 2 нафар эварларнинг ардоғида кексалик гаштини сурмоқдалар.

Озода Назарова: — Фотима опа, кўшиқ куйлашни қачон бошлагансиз?

Фотима Баратова: — Бу менинг юрагимга онам алласидан кирган бўлса керак. Онам раҳматли Бобораҳим Мирзаевнинг мухлиси эдилар. У кишининг кўшиқларини гоҳ йиғлаб, гоҳида кувнаб эшитардилар. 4—5 ёшларимдан кўшиқ хиргойи қилиб юрганман.

О.Н.: — Болалигингиздаги ширин хотиралар билан ўртоқлашсангиз.

Ф.Б.: — Болалигим кўпроқ пахта далаларида кечган. Кенг пахтазор, дўстлар, дугоналар... Буларнинг ҳам ўзига яраша гашти бор. Доим иштиёқ билан пахта терардик. 1 сўм, 2 сўм учун ёниб ишлардик. Раис мақтаган куни биз учун байрам. Баралла кўшиқ куйлаб юраверардик.

О.Н.: — Сиз театрда рол ижро этиб юрган кезлар томошабиннинг муносабати қандай эди?

Ф.Б: — У кезларни эсласам, дилим яйраб кетади. Ўша давр одамлари театрга ёпирилиб келарди. Спектаклни ҳам сидқидилдан — берилиб томоша қиларди ва тингларди. Ўша даврда санъаткорларга анча қийин эди. 4-5та қўшиқни айтганимиздан кейин юзимиз қизариб кетарди. Ҳозир санъаткорларни, қўшиқчиларни кўриб, «уларга мазза-я», дейман. Микрофонда мириқиб қўшиқ айтади.

О.Н: — Ҳозир ҳам театрларга тушиб турасизми?

Ф.Б: — Албатта, кўнгил ҳеч қаримас экан. Яқинда Қўқон театрига тушдим. Ёшларни танқид қиладиган жойлари анчагина экан. «Тоҳир ва Зухра»ни томоша қилиб, тўғриси, ачиндим. Муқимий номидаги театрга тушиб бир оз қувондим.

О.Н: — Фотима опа, бахт деганда сиз нимани тушунасиз?

Ф.Б: — Менинг назаримдаги бахтим — санъатим. Шу ёшимда ҳам қўшиқларимни ёддан биламан. Хиргойи қилиб бераману, қарилигим туфайли талаффузим келишмайди-да. 72 ёшимда ҳурмат қилиб сиз мени сўраб турганингизнинг ўзи ҳам мен учун бахт.

О.Н: — «Феруз»ни, «Баёт»ларни маромига етказиб куйлагансиз. Бунинг учун сизга ташаккур. Энди оилангиз ҳақида гапириб беринг.

Ф.Б: — Ҳаётим, умр йўлдошим Комилжон Баратов бўлганлар. 4 қизим, 1 ўғлим бор. Икки қизим ортимдан эргашиб санъатга меҳр қўйганди, оилавий шароитлари тўғри келмай бу йўлдан воз кечди. Лекин набираларимни, албатта, санъаткор қилиш ниятим бор.

О.Н: — Ниятларингизга эришишингизни биз ҳам тилаб қоламиз. Мазмунли суҳбат учун эса ташаккур!



ХАЛҚ НАЗАРИДАГИ САНЪАТКОР

Орифхон Ҳотамов 1925 йил Жиззах шаҳрида туғилган. Орифхон ака оиласи 1936 йили Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳрига, кейинчалик эса Тошкент туманига кўчиб ўтишади.

Ўрта мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ санъатга қизиққан ўспирин дастлаб найни, кейинчалик эса ғижжак чалишни машқ қила бошлайди. Мактабни тугатиб Ҳамза номли мусиқа билим юртида таҳсил олади. 1956 йили Ўзбекистон радиосига сато чолғувчиси сифатида ишга қабул қилинди. Ушбу даргоҳда баракали ижод қилади. Ҳофиз умрининг охиригача ҳам Юнус Ражабий номидаги «Мақом» ансамблида меҳнат қилди.

Озода Назарова: — Орифхон ака, ижодий фаолиятингиздаги энг бахтли дақиқалар ҳақида гапириб берсангиз?

Орифхон Ҳотамов: — Аввало, менинг бахтли кунларим эл севган санъат аҳллари даврасида меҳнат қилганимдир. Муҳиддин Қори Ёқубов ансамблига ишга келган вақтларим, Муқимий номли мусиқали драма театрида Тўхтасин ака Жалилов раҳбарлигидаги фаолиятим, буларнинг бариси қувончимга қувонч қўшган. Дони Зокиров, Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқовлар даврасида ўсиб, улардан олган билимларимни шогирдларимга ўргатаётганимдан бахтиёрман. Устозларимнинг ўғитларига амал қилиб кам бўлмаганимга шукрона айтаман.

О.Н: — Сиз нафақат хушовоз ҳофиз, балки машҳур бастакор сифатида ҳам халқимизга танилгансиз.

О.Х: — Аввало, ўтган устозларимни Оллоҳ раҳматига олган бўлсин, Жўраҳон ака, Дони ака, Фанижон ака каби кўплаб устоз бастакорлар қаторида юриб оз-оз ўрганиб, ўзим ҳам бастакор бўлиб қолибман. Малоҳат Дадабоева, Ҳадяхон Юсуповлар билан ҳамкорлик қилиб, менда ҳам бастакорлик қирралари бунёдга келибди. Бундан хурсандман. Дони Зокировнинг ансамблида кўп йиллар ишладим. У киши катта устоз эдилар. Кўпинча савияси паст қўшиқларни унга кўрсатишга уялар эдим.

Бу масъулият мен учун мукаммал асарлар яратилишига туртки бўлди. Ўша дамларда яратилган «Кўрмадим», «Топмадим», «Айлагач» деган ашулаларни ҳали ҳам халқимиз севиб эшитади. Ҳеч ким бирон жойини ўзгартиргани йўқ. Бунинг сабаби шуки, бизда бастакорлик мактаби яхши шаклланган эди.

О.Н: — Яратган куйларингиз халқимиз дилидан чуқур жой олганлигининг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

О.Х: — Менинг устозларим ҳақиқий санъаткор эдилар. Уларнинг маҳорат мактабидан олган билимимиз, улар кашф этган булоқдан сув ичганимиздан бўлса керак.

О.Н: — Басталаган қўшиқларингизни маромига етказиб, кўнглингиздагидек қилиб айтган шогирдларингиз сифатида кимларни кўрсата оласиз?

О.Х: — Бекназар Дўстмуродов, Маҳмуджон Йўлдошев, Маҳмуд Тожибоев, Маҳбуба Ҳасанова, Матлуба Дадабоеваларнинг номини тилга олгим келади. Қолаверса, Саодат Қобулова, Ориф Алимаҳсумов, Эргаш Йўлдошев каби моҳир санъаткорлар ҳам ижро этишган. Афсуски, ҳозирги кунда айрим ёшлар қўшиқларимизни бузиб ижро айтишяпти. Қўшиқ айтишгани яхши, аммо йўли ва ижроси бузилгандан кейин унинг қадри йўқолади.

О.Н: — Танқидлардан хулоса чиқарган кўплаб ёш хонанда-созандалар дутор ва танбурга ҳам ўтишди. Сизнинг ижодингизда шулардан кўнгил тўлмаган жойлари ҳам борми?

О.Х: — Энди айрим санъаткорларнинг қўшиғини эшитиб туриб, кўнгил тўлади, деб бўлмайди. Аммо, миллий созларни даврага қайтганининг ўзиёқ қувончли ҳол. Қўлига танбур ушлаган ёш созанда ёки бастакор ўқиб, ўрганишдан чекинмаса, албатта, камчилик ва нуқсонларини пайқаб, тузатиб олади.

О.Н: — Мақом факультетида дарс бераётган экансиз.

О.Х: — Ҳа. Кичик-кичик нарсаларни ўргатаяпман. Менинг битта ичим ачийдиган жойи шундаки, ҳозирги ёшлар орасида мақомни Матлуба Дадабоева билан Маҳбуба Ҳасанова каби айтадиганлар кам. Мен бу икки хонандага Жўрахон ака, Маъмуржон аканинг ижро йўлида айтишни 22 йилдан ортиқ вақт мобайнида ўргатганман.

О.Н: — Санъат йўли сермашаққат, шундай эмасми?

О.Х: — Ҳар бир касбнинг ўзига хос мураккаб томонлари бор. Шунингдек, санъат йўлининг ҳам. Халқнинг кўнглини олишдек оғир вазифани бўйнингга олдингми, буни оқлаш учун сидқидилдан меҳнат қилиш керак. Ана шунда санъаткор ҳеч қачон халқ назаридан қолмайди.



МИНГ ЙИЛЛАРГА МУХРЛАНГАН ҚЎШИҚ

Ўтган асрнинг 60-йиллари эди. «Мақом» ансамблининг бадий раҳбари, академик Юнус Ражабий радио уйининг йўлагидики икки қўлида овоз ёзиб олиндиған магнит тасмалари билан студияға шошиб келатган 25 ёшлардағи бир йигитни тўхтатиб:

— Болажоним, анчадан бери кузатиб юрибман, ҳаракатларинг дуруст кўринади. Биз мақомчилар «Шашмақом»ни бошидан охиригача тасмага ёзмоқчимиз. Шунга қўмақлашсанг, — деб қолди.

Йигит шундай буюк устознинг таклифидан боши осмонга етди. Бироқ, бир нарса уни ўйлантириб қўйди. Ўзбек халқи мусиқасининг гултожи бўлган — «Шашмақом»ни тасмага ёзиш осон иш эмас. Бунинг устига овоз ёзиш техникаси ҳам талаб даражасида эмас. Миллатнинг катта мусиқа бойлигини кўнгилдагидек ёзиб, келажак авлодга қолдириш анча меҳнат талаб қилишини у юракдан ҳис қилиб турарди.

Набижон Ҳасановни ана шу нарса ўйлантириб қўйди. У тез орада бир фикрга келди. Бу мусиқа асарини, албатта, янги усул, яъни стерео усулида ёзиш шартлигини радионинг раҳбарларига тушунтира олди. Шундан сўнг собиқ бутуниттифоқ радиосида эндигина йўлга қўйилган стерео услубини ўрганиш учун сафарга отланди.

Озода Назарова: — Наби ака, хабаримиз бор, овоз ёзишнинг бу янги турини ўзлаштириб сафардан қайтдингиз, кейин нима бўлди?

Набижон Ҳасанов: — 1962 йил сафардан қайтганимдан кейин аппаратларнинг биттасини стерео ёзувига мослаштиришга Радио уйининг раҳбарлари ёрдам беришди. Муҳандисларимиз керакли қисмларни топиб беришди. Шундай қилиб биттагина овоз ёзиш аппарати стерео ёзувига мосланди. Лекин, кутилмаганда жиддий муаммо чиқиб қолди. Стерео эшиттиришлари ёзув-

ларига ўтиш учун ҳукуматнинг махсус қарори керак экан. Биз ҳам бир амаллаб бунинг бошқа йўлини топдик. Стерео ёзувларига аввалдан рухсат этилган «Моно» индексини қўйиб эфирга беравердик. Стерео ёзувларига ўтишга эса орадан бир неча йил ўтгачгина рухсат берилди.

О.Н: — Стерео усулида ёзиш нима дегани?

Н.Ҳ: — Буни содда қилиб тушунтирадиган бўлсам, оқ-қора расм бор-ку, бу «моно», рангли расм стерео. Демак, ҳажм, ранг қўйилади, қанчадир ўзгаришлар киради.

О.Н: — Наби ака, Сиз тасмага ёзиб олинадиган асарларни янада эшитимли бўлиши учун қанақадир янгиликлар ҳам киритар экансиз. Тўғрими?

Н.Ҳ: — Тўғри, кўп машҳур ҳофизларимиз овозларини мен ёзганман. Ўзим санъаткор бўлганим учун ёзув пайтида яхши ижро бўлса, завқланиб кетаман. Шу ёзувларнинг бирида устоз Фахриддин Умаровнинг кўшиқларини ёзаётганда шундай завқланиб кетдимки, хаёлимда янги бир фикр туғилди. Ҳофиз овозларига акс-садо (эхо) бергим келди. Афсус, ҳали бунақанги аппарат йўқ эди. Буниям иложини топдим. Ертўлада каттагина бўш хона бор эди. Шу хонага сим тортиб, радио карнайни ўрнатдик. Бир дона микрофон қўйдик. Ҳофиз овози ёзилганда овозларини шу бўш хонада жаранглатиб, микрофондан керагича қисмини олиб, ёзилаётган овозга қўйдим. Кўшиқ бир жарангдор бўлдики, уни эшитиб, ўзим ҳам завқланиб кетдим. Шу кундан бошлаб ҳамма овозларга озгина акс-садо қўшиб ёза бошладик.

О.Н: — Радиода эшитиб тураммиз. Созанда бир кўйни икки чолғуда ижро этади. Бу Набижоннинг иши, дейишади. Бунга қандай эришгансиз?

Н.Ҳ: — Бир куни студияда созанда Турғун Алиматовни кўриб қолдим. Қўлларида танбур, ёнларидаги стулда эса дутор турибди. Икки мусиқа асбоби ва бир созанда. Мен ҳайрон бўлдим. Шунда миямга бир фикр келиб қолди. Бир созанданинг ўзи билан икки ёки ундан ортиқ асбобда янгича ансамбл тузиб кўргим келди. Шу тўғрида Турғун акага айтганимда, қандай бўлар экан, деб иккиланди. Ёзувни эшитиб кўрсак, гўё бир ажойиб, олий даражадаги ансамбл ижросидаги мусиқа пайдо бўлибди. Ёзув бадий кенгашдан ўтди. Бироқ яна муаммо пайдо бўлди. Қандай қилиб, биргина Турғун ака чалди, деб эълон қиламмиз-у, бир неча асбоб овози чиқади. Эфирга бериб бўлмайди, дейишди. Бир неча вақт эфирга берилмай ҳам турди. Шунда раҳбарларимиздан бири: «Шундай ажойиб мусиқани эфирга беринглар, халқ эшитсин, эълони бўлмаса ҳам, май-

ли, эшитувчининг ўзи ким чалганини билиб олади, ахир бу Турғун Алиматов-ку», дедилар.

О.Н: — Наби ака, радиодаги кўпгина драматик асарларнинг матнини ҳам магнит тасмасига сиз ёзгансиз. Қўшимча жуда кўп шовқинлар, қушлар овози, ёввойи ҳайвонларнинг овози, техник овозлар... Демак, қанчадан-қанча шовқинлар керак бўлади, эшиттиришларга. Буни қандай уддалагансиз?

Н.Ҳ: — Керак бўлса кечалари кўчага чиқиб, тоғларда, сой бўйларида, дала-даштларда юриб, туширганман.

О.Н: — Қаерларга боргансиз?

Н.Ҳ: — Паркентга чиққанман. Ана шу жойда янтоқнинг шамолдаги тебраниши овозини ёзганман. Кундузи ёзиб бўлмаган, чунки сал нарида машиналар ўтиб турибди. Шунда ўша ерда ётиб, кечаси ёзганман.

О.Н: — Сувларнинг шовқини, қушларнинг сайрашлариничи?

Н.Ҳ: — Сувларнинг оқишини ҳам, қушларнинг сайрашларини ҳам Паркентдаги тоғларга чиқиб ёзардим. Чунки, шаҳарнинг ичида бунақанги овоз танлаш имконияти йўқ. Шовқинларни қўлда махсус мосламалар тузиб, шулар билан чиқарардим. Мисол, бир жойда тоғнинг қулаб кетгани бор. Тоғни қулатиб бўлмайди-ку, катта тошни олиб думалатиб, яна бир думалатиб, 2—3 думалатиб, бир-бирига қўйиб, яна думалатиб, тоғнинг думалаб кетганини ясаганман.

Қаловини топсанг қор ёнади. Агар одам ўз касбини астойдил севса, изланишдан, янгиликлар яратишдан эринмайди, чарчамайди. Эҳтимол, ана шу меҳнатларимиз учун ҳам бугун эл ҳурматига сазовор бўлгандирман.

САНЪАТ — МАЪНАВИЯТ ЎЗАГИ



Рўзимбек Муродов 1928 йил 21 мартда Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл туманидаги Оқошли қишлоғида таваллуд топган.

Рўзимбек оға «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Гўрўғли», «Бозиргон», «Хирмондали» каби жуда кўплаб дostonларни маҳорат билан ижро этиб, шинавандалар эътиборини қозонган. Маҳоратли бахшиларимиздан бири Рўзимбек Муродов бир неча давлатларда гастрол сафарларда бўлиб, ўзбек бахшичилик санъатини дунёга танитди. Халқ артистлари Тамарахоним, Ҳалима Носирова, Саодат Қобулова, Адиба Мирзаева, Фозил Ҳарратов, Аҳмаджон Одилов ва Раҳима Ҳакимова каби санъаткорлар билан бир сафда ижод қилган.

Озода Назарова: — Рўзимбек оға, дostonчилик соҳасига қадам қўйган илк паллаларингиз ҳақида билмоқчи эдик.

Рўзимбек Муродов: — Менинг ота-боболарим бахши ўтган. Шунинг учун ҳам дoston эшитиб, тилим чиққан, дея оламан. У вақтларда радио-телевидение йўқ эди. Бахшилар тонг отаргача қиссахонлик қилишган. Мен 5—6 яшар бола кўрпани тагида ётиб, бедор дoston тинглаганман. Таъсирчан жойларида йиғлаб юборардим. Бу дostonлар дил-дилимга бор бўйи, салобати билан жо бўлиб қолган.

О.Н: — Қайси дostonларни кўпроқ тинглардингиз?

Р.М: — «Гўрўғли» дostonидан «Бозиргон», «Хирмондали», «Ошиқ ғариб ва Шоҳсанам» бизни энг севимли дostonларимиз эди. Бундаги куйлар бутун ўзбек халқининг бойлиги деса бўлади. Куйга туширилмаган ғазал йўқ. «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам»да Ошиқ Ғарибнинг онаси кўр бўлиб қолган, шунда ижро қилинадиган «Болама ўхшайди овозинг санинг» деган кўшиқни телевизорда берилиб айтаётиб, ўзим хўнг-хўнг йиғлаганман.

О.Н: — Энг биринчи қайси дostonни ёд олгансиз?

Р.М: — «Ошиқ Фариб ва Шоҳсанам» достонини.

О.Н: — Достонларнинг келиб чиқиш тарихи ҳам катта бир кинога, катта бир асарга ўхшайди...

Р.М: — Жуда тўғри, ҳаммасининг ўз тарихи бор. Достончиликнинг бизда икки йўналиши бор. Қашқадарё, Сурхондарё бахшилари достонни дўмбира чалиб ижро этади. Хоразм достончилигида куй, мусиқа асосий рол ўйнайди. У кўпроқ ансамбл билан айтилади, мана «Болама ўхшайди» гижжак, дутор, доира каби созлар иштирокида айтилади. Достоннинг матни қисқа бўлади. Бир кечага мўлжаллаб олинади. Бу достонни Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанднинг айрим туманларида ёпиқ овозда куйлашади.

О.Н: — Аввал достонлар қайси мусиқа асбоби жўрлигида куйланган?

Р.М: — Қашқадарё, Сурхондарё йўналишида дўмбира. Қорақалпоқда ҳобиз билан айтилган. Асосан, очиқ овозда айтади, туркманлар, қорақалпоқлар, ўзбеклар, озарбайжонларда бахшилиқ анча ривожланган.

О.Н: — Ёпиқ овозда қандай куйланади?

Р.М: — Томоғида куйланади.

О.Н: — Достончиликнинг халқимиз маънавий ҳаётида туганган ўрни ва аҳамияти ҳақида сўзлаб берсангиз.

Р.М: — Достончилик халқ ижодиётининг, маънавиятимизнинг ўлмас ўзаги ҳисобланади. Бу асос деган сўз. Унинг тарбиявий ҳиссаси кўп. Минг йиллик тарихига эга бу достонлар. Бу осмондан тушган эмас. Бизнинг ота-боболаримиз яратган буюк тарих бахшилар тилида ҳозиргача жаранглаб келмоқда.

О.Н: — Рўзимбек оға, достончилик мактабларининг қайси бири ривожланиб бормоқда, ёшлар ҳақида нима дея оласиз?

Р.М: — Бизнинг асосий бойлигимиз бўлмиш достонларга ҳам ёшлар қизиқади, лекин, бу қатъий тарғиб қилинмаган. Ёшларимизга эскилик бўлиб кўринади, ёшлар замонавий кўшиқчилик дейсизми, эстрада йўналишини маъқул кўришяпти. Достонларни кўпроқ ёши улуғ кишилар севиб тинглашади, онахонлар, отахонлар таъсирланиб эшитишади. Мана мен, масалан, ўзим ижро қилиб, ўзим йиғлайман. Достон ижрочи бахшининг, созанданинг ўзига ёқсагина тингловчига ҳам маъқул бўлади. Мен халқимиздан миннатдорман. Бизни севиб эшитишади, ҳурмат қилишади.

О.Н: — Сиз Маданият институтида бир неча йилдан бери дарс бериб келаяпсиз. Шогирдларим деб кимларни айта оласиз?

Р.М: — 8 та талаба бахшилиқни ўрганишди. Достонни сўзлари билан айтишни йўлга қўйдим. Кейинги йилда шу талабаларни

қатор ўтказиб, бир-бири билан айтишиб, 1 соатлик асар қилиш ниятим бор.

О.Н: — Институтнинг дostonчилик, хор жамоаси, оркестр каби ҳар хил кафедраси бор. Одатда, ўқув йили охирида концерт дастурлари бўлади. Ёш талабалар олдида концерт қўйишади. Сиз ҳам шундай концерт дастурларини тайёрлаганмисиз?

Р.М: — Албатта. Имтиҳонда кўрсатишди. Маҳорат билан кўрсатишди талабаларимиз. Республикада хизмат кўрсатган артист Тельман Ҳасанов шу даргоҳни битирган. Дирижёрликдан ҳам, ғижжакда ҳам биздан таҳсил олган. Жасур Расултоев, Файзулла Ибрагимов, Қаҳрамон Назировларни тилга олгим келади.

О.Н: — Машҳур созанда, ажойиб ғижжакчилар-ку...

Р.М: — Скрипкадан қийин асарларни ғижжакда чалган. Ҳамма ҳайрон қолган. Скрипкада куй чалиш осонроқда, ғижжак бир оз қийин. Биз улардан миннатдормиз, улар биздан миннатдор.

О.Н: — Ҳозир қандай ишлар билан бандсиз?

Р.М: — Эътибор Охунова билан урушга бағишланган дoston яратганмиз. Бир ёқда «Кунтуғмиш», «Ражаб ўғли», «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Гўрўғли», «Бозиргон» ҳаммаси ёзилган. Радиода ҳам, пластинкада ҳам бор. Улар, олтин меросимиз. Уларни асраш, келажак авлодга етказишимиз зарур. Қаҳрамонлик, ватанпарварлик, чин муҳаббат ҳақидаги, маънавият ҳақидаги бу дostonлар миллатимиз хазинасидир.



САНЪАТКОР СЕРҚИРРА БЎЛАДИ

Бугун биз ҳикоя қилаётган санъаткорлар умр бўйи халқнинг «Топган тутганингга баракот берсин», деган дуосини олиб келаётган камтарин, хушмуомала, меҳрибон, ишлаётган жамоасида ҳам, яшаётган маҳалласида ҳам халқ севган хонандалар — Ўзбекистон халқ ҳофизлари ака-ука Ваҳобовлар.

Улар ўз меҳнати, ширин сўзи билан танлаган касбидан баракот топиб келишяпти. Обрў-эътиборли давлат миқёсидами, маҳаллаларникими, қандай тадбир бўлмасин, уларни таклиф этишади.

Маълумки, водий инсонлари қадимдан санъатга, аскияга, ҳазил-мутойибага мойилдирлар. Андижон вилоятининг Балиқчи туманида туғилиб, вояга етган Исмоилжон ва Исроилжонлар ана шундай муҳитда ўсишди. Қалбларидаги ашула айтишга бўлган ҳавас уларни ҳаваскорлар тўғарагига етаклади. Туман, вилоят ва республика кўрик-танловларида фаол иштирок эта бошладилар. Бу кўрикларда биринчи даражали дипломлар, совриндор ўринларни олишга сазовор бўлишди. Бу муваффақият санъат фидойиларини янгидан-янги ютуқлар сари етаклади. Ўрта мактабни тугатгач, 1967 йили Ўзбекистон Давлат Консерваториясида сабоқ олишдек бахтга муяссар бўлишди. Ана энди санъатнинг мураккаб қирраларини кунт билан ўрганишга киришдилар. Ўзбекистоннинг машҳур санъаткорларидан сабоқ ола бошлашди. Кўшиқчиликка бўлган чексиз ҳавас, билимга чанқоқ қалб эгалари Исмоилжон ва Исроилжон ўқиб ўрганишдан чарчашмади. Кундан-кун билимлари чуқурлашиб, ижрочилик маҳоратлари ортиб борди. «Вафо айланг», «Кўзларинг», «Сен бўлмасанг», «Раъно гулим», «Сени ўйларман», «Онахонлар», «Ширин забоним» каби кўшиқлари талабалик йилларидаёқ радиодан янграб, тингловчилар эътиборига тушди.

Озода Назарова: — Авлодингизда ҳам санъаткорлар ўтганми?

Исмоил ака: — Бобокалонларимиздан катта ҳофизлар ўтган экан.

Исроил ака: — Дадам раҳматли айтиб берардилар. Шу ота-боболардан катта бир ҳофиз бўлган. Бобомизнинг донғини эшитиб, Фарғонанинг узоқ-узоқ жойларидан, шу кишининг кўшиғини эшитайлик деб, олис йўл босиб келишаркан.

Исмоил ака: — Янги ишга келганимизда Юнус акам раҳматли, суҳбатлашиб ўтириб, сизлар Андижонни қаеридансизлар, дедилар. «Балиқчи туманиданмиз», дедик. Устоз ўйланиб турдиларда, Маматхўжа Эшонхўжаевни танийсизларми, деб сўрадилар. Ликопча билан чийиллаб ашула айтаётган пайтимизда, у киши келиб пешонамиздан ўпиб қўйганлар, дедим аста.

— «Ҳа, Маматхўжа акадек ҳофиз йўқ. У кишининг юртидан бўлсангиз, сиз ҳам кам бўлмайсизлар», — деб дуо қилдилар.

Исроил ака: — Ёшлигимизда соз чалишни билмас эдик, болаларча чийиллаб, бор овозимиз билан кўшиқ айтганда, одамларнинг ҳаваси келиб, бизнинг фарзандларимиз шундай бўлсин, деб орзу қилишарди.

Фаттоҳхон ака Мамадалиев, Одилжон ака Юсупов, Маматхожи Эшонов, Зокиржон Султонов каби қатор санъаткорлар бор. Бир дарёдан сув ичиб катта бўлган ушбу устозларимиз билан фахрланамиз.

Исмоил ака: — Ёшлигимиздан Фаттоҳхон ака, Набижон акалар билан бирга фестивалларга борардик. Ажойиб нарсаларни чалиб берар эдилар, биз эса уни дарров илиб олардик. Бир ҳафта, икки ҳафта ўтгандан кейин ўзларига айтиб берсак, мана шундай қилиб, айтиб юрсангиз, келажакда ўзингизга яхши бўлади, дер эдилар, хурсанд бўлиб.

О.Н: — Иккалангиз ҳам Ўзбекистон халқ ҳофизисиз. Санъат соҳасига дастлаб қадам қўйганингизда шундай юксак унвонга сазовор бўламиз, деган фикр хаёлларингизга келганми?

Исроил ака: — Инсон ҳамиша келажакка интилиб, эзгу-умид билан яшайди.

О.Н: — Сизларни ижодингизда мумтоз мусиқа, мақом кўшиқчилиги асосий ўринни эгаллайди. Кўшиқчиликни бошқа жанрларида куйлашга қизиқиш бўлганми?

Исмоил ака: — Биз ўқишни битираётган 1973 йили Консерваторияда «Мақом» кафедраси очилган. Биз ана шу факультетда ўқиш жараёнида мақом санъатини ўрганиб, ҳам ашула, ҳам вокал факультетини битирганмиз. Бир қизиқ воқеа эсимга келиб қолди. Талабалигимизда консерватория биносида катта концерт ўтказилиши керак. Ушбу концертда биз опералардан ариялар айтишимиз керак эди. Изральян Георгий Семёнович

деган арман — устозимиз бўлар эди. Мулладўст ариясини биринг, бошқанг эса Ҳидоятхон ариясини ижро этасизлар, деди. Ака-укалар рангимиз оқариб кетди. Ота-онамининг ҳам опера санъатига иштиёқмандлиги йўқ эди. Домла, илтимос айтмай қўя қолайлик, дедик. Домланинг жаҳли чиқиб кетди. Сиз ўзингизни ҳар бир жанрда синаб кўришингиз зарур. Шундай экан, операни айтасиз, деди. Шу тариқа опера ҳам айтганмиз.

О.Н: — Маҳоратли ака-ука ҳофизлар устозлардан йўл-йўриқ олишга зерикишмас, ҳар қандай танловларда, санъатнинг барча соҳасида ўзларини синаб кўришар эди. Уларнинг ижро маҳорати ҳозирги ёшлар учун катта бир мактаб.

Ака-ука Ваҳобовлар куй ҳақида, шеър матни ва қандай қўшиқ яралиши ҳақида ҳам кўп баҳслашиб туришарди. Яхши ижро йўлларини устозлардек бўлиш орзусида маҳорат мактабларини эринмасдан ўрганишарди. Уларнинг нияти келгусида Ориф ҳожи Алимахсумов, Орифхон Ҳотамов, академик Юнус Ражабий, Ортиқхўжа Имомхўжаев, Комилжон Отаниёзов, Маъмуржон Узоқов каби устоз ҳофизлар изидан бориб, шуларга ўхшагиси келарди.



ЯХШИ ШЕЪР — ЯХШИ ҚЎШИҚ...



Юртимизда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Исмоилжон Фуломовнинг қўшиқлари кириб бормаган хонадон бўлма-са керак. Ҳатто, у қардош халқлар диёрида ҳам бир неча бор ўз санъати билан хизмат қилган. «Исмоилжоннинг дастлабки саҳнага чиққан даврларини биламан, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов. — У Тошкент санъат институтида таҳсил олиб юрган кезлариданоқ ўз истеъдоди билан мухлисларнинг эътиборига тушган. Айниқса, ёш хонанда ўзбекча, туркча, озарбайжонча ва бошқа қўшиқларни маҳоррат билан куйлади. Ўшандаёқ Исмоилжон ўз овози, ўз ижро усулини намоён қилган эди. Бу албатта, санъаткорнинг тинимсиз изланиши, ўз услубига сайқал бериб, халқ кўнглидан жой олишидир. У баъзи санъаткорлар каби енгил йўлдан бормади. Аввало, қўшиқ учун шеър танлашни, ҳар бир мисра устида тер тўкишни ўрганди. Исмоилжон ҳамиша қалбдан ёниб куйлайди»...

Озода Назарова: — Исмоил ака, кўп йиллардан бери санъат соҳасида ишлаб келяпсиз. Шу кунларда нима билан бандсиз?

Исмоилжон Фуломов: — Шу кунларда Ички Ишлар Вазирлиги Куролли кучлар бош бошқармаси шахсий таркибида ёшлар билан ишлаш бўлимида иш олиб боряпман.

О.Н: — Жуда яхши, ёшлар билан ишлаш бўлими деганда нималарни назарда тутса бўлади?

И.Ф: — Бошқармада ҳарбий қисмлар, аскарлар бор. Ҳарбий қисмдаги аскарлар билан маънавий-маърифий дарсларни ўта-миз. Уларга миллий санъатимиз, тарихимиз, тарихий инсонларни таништирамиз.

О.Н: — Сизнинг «Турон юлдузлари» ансамблида ҳам фаолият юритганингиздан хабаримиз бор.

И.Ф: — Ички Ишлар Вазирлигининг «Турон юлдузлари» ашула ва рақс ансамбли 1992 йили ташкил топган. Устозимиз

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Икромжон Бўронов ансамблнинг ташкил топишида жуда катта ёрдам берганлар. Ташкил топган кунидан мен шу ансамблда бадиий раҳбар бўлиб ишлаб келдим. Ҳозир ҳам шогирдларимиз ушбу ашула ва рақс ансамблида ишляпти. Қўлимдан келганча ёрдам бериб келаяпман.

О.Н: — Ўзимнинг орзуимга эришдим, деган фикр туғилди-ми?

И.Ф: — Мен санъат соҳасида орзуларимга эришдим, деб айтаман. Нима деганда, санъат орқали дунёни кездим, бир қанча Европа давлатларида бўлдим. Ҳаммаси санъат туфайли бўлди, кўпгина шогирдлар тайёрладим. Шогирдларим саҳнага чиқиб, кўшиқ ижро этганда, меҳнатим бекорга кетмаганини билдим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Авазбек Олимов, Дилшод Бойхонов, Зокиржон Тўйчиев, Азимжон Муллахонов, Равшан Комилов, «Садаф» гуруҳи, Азиза Йўлдошева, Машкура Эргашева каби бир қанча шогирдларим бор.

Давлатимизга минг раҳмат, бизнинг санъат соҳасида қилган меҳнатимизни тақдирлашди. Бундан кейин ҳам қўлдан келганча яхши хизмат қилишга ҳаракат қиламан.

О.Н: — Ўзбек мусиқа санъатининг бугуни ва келажаги ҳақида фикрингиз?

И.Ф: — Ҳозирги кунда «беллашув» кўрсатувлари ташкил қилинди. Ўзбек миллий эстрада санъатида ҳам янгиликлар бўляпти. Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов, устоз билан биргаликда шуни ташкил қилдик. Ўзбек эстрада хонандалари саҳнада жонли ижро этиши, созандаларнинг жонли ижро этиши, албатта, катта ютуқ деб ҳисоблайман.

Бизнинг санъаткорларга Оллоҳ қандайдир куч берганми, буларнинг кучлилиқ томонлари жуда ҳам кўп. Ютуғи жуда кўп. Хонанда, созандалардан илтимос қилардим иложи борича кўшиқни жонли ижро этиб, жонли куйларни кўпроқ яратишса, ўзбек санъати янада бойирди. Келажак ҳам яхши бўлар эди.



САҲНА — ТАРБИЯ МАКТАБИ



Саҳна — инсон юзига кўзгу тутувчи даргоҳ. Минглаб нигоҳлар ана шу кўзгуга қадалган. Бу шундай кўзгуки, инсон унга қараб ўзлигини англаб етади. Уни чуқурроқ англатиш эса рол ижро этаётган актёрнинг ижро маҳоратига боғлиқ. Демакки, актёрлик илоҳий истеъдоднинг меваси ҳисобланади.

Бугун сизга суҳбатлари, дил изҳорларини тақдим этмоқчи бўлганимиз халқимизнинг севимли санъаткорлари, Муқимий номидаги мусиқали драма театрининг хушовоз хонанда ва моҳир актёрлари Суръат Пўлатов ва Наима Пўлатова бўладилар.

Ўзбекистон халқ артистлари Суръат ака ва Наима опалар бир неча йиллик фаолиятлари давомида юздан ортиқ образларни яратиб халқимиз дилидан жой олган моҳир санъаткорлардир. Улар ҳаётда ҳам, саҳнада ҳам қўшқанотдирлар. Бу икки санъаткор биргаликда яратган «Нодирабегим» драмасидаги Юсуф ва Розик, «Қизил дуррачали нозик ниҳолим» драмасидаги Асал ва Бойтемир, «Жоним фидо» драмасидаги Фазилат ва Ғанижон, «Навоий Астрабодда» драмасидаги Гулруҳ ва Усмонали каби қаҳрамонлар ҳали узоқ йиллар элнинг, томошабиннинг ёдида сақланажак. Санъаткор сифатида уларнинг энг юксак фазилати бу — фидойилик ва театрга бўлган чексиз муҳаббатлари. Яна бир жиҳати шундаки, улар куйлаган кўплаб ашулалар Ўзбекистон радиосининг «Олтин фонди»да сақланмоқда.

Суръат ака ва Наима опа оилада ҳам фарзандларининг меҳрини қозонган, меҳрибон падари бузруквор ва волидаи муҳтарамадир. Беш фарзанд, ўн икки набира ва икки нафар эваранинг ардоғида тотли ҳаёт кечирмоқдалар.

Бугун бу икки моҳир санъаткорга айрим саволлар билан муурожаат қиламиз.

Озода Назарова: — Наима опа, Сиз онасиз, шу билан бирга қайнона... Театрда «Суперқайнона», «Суперқайнона 2» асарлари саҳнага қўйилди. Ушбу спектакллар ҳақида фикрингиз.

Наима Пўлатова: — Мазкур асарлар, менимча, халқнинг маданий ҳордиқ олиб, мириқиб кулиши учун яратилган. Бу спектаклда қайнона жуда ўжар. Ахир қайноналар бу театрда гушиб ўжарликни олиб кетмайди-ку...

О.Н: — Драматик асарда бўлган воқеалар талқин қилинганми?

Наима Пўлатова: — Йўқ, менимча, бу бўлган воқеа эмас. Ҳозирги замон келинлари бошқача. Спектаклдаги каби қайноналар билан бугунги келинлар бир кун ҳам яшамайди. Театр эл учун устоз вазифасини ўтайди, шунинг учун биз халққа кўпроқ тарбиявий аҳамиятга молик асарларни яратиб, намойиш этишимиз зарур.

О.Н: — Суръат ака, намойиш этилаётган асарларда қўшиқ куйлаш жараёни, умуман, қўшиқларнинг мазмун моҳияти борасида нима дея оласиз?

Суръат Пўлатов: — Бизнинг ёшлик йилларимиз, «Нурхон», «Азиз Санам», «Равшан ва Зулҳумор», «Тоҳир ва Зухра», «Нодирабегим», «Фарҳод ва Ширин» каби асарлар саҳна юзини кўрган кезларга тўғри келади. Бу асарларнинг барчаси мусиқали драма жанрига тўлақонли жавоб берган. Ҳозир яратилаётган асарларнинг кўпчилиги ана шу талабларга жавоб бермайди.

О.Н: — Театрда микрофонсиз қўшиқ куйлаш зарур. Бу ўз-ўзидан ижрочидан юқори диапазонда, аниқ ва равон ижрони талаб қилади. Сизнинг бу борада устозларингиз кимлар? Шу билан бирга бугунги кун ёшлари ҳақида ҳам фикр билдирсангиз...

Наима Пўлатова: — Институтда ўқиб юрган давримизда Ўзбекистон халқ артисти Раззоқ Ҳамроевдан ижро сирларини ўрганганмиз. Сўз талаффузи, саҳна нутқи каби билимларни профессор Лола Хаджаевадан олганмиз. Бугун ўзимиз ўқитувчимиз. Олийгоҳда талабаларга дарс берамиз. Афсуски, кўпчилик ўқитувчиларнинг ўзи ўтаётган дарсидан бохабар эмас. Театрда борган ёшларни синовдан ўтказсангиз, талабга жавоб бермайди. Айниқса, нутқ борасида.

Суръат Пўлатов: — Мен кўксимни кериб айтишим мумкин... Нега? Боиси санъатимизнинг буюк дарғалари Маннон Уйғур, Наби Раҳимов, Назира Алиева, Тошхўжа Хўжаевлар менга санъат сир-саноатларини ўргатган. У даврларда микрофон деган нарсаларнинг ўзи бўлмаган. Бугун замон тараққий этиб кетди. Ёшларимиз қўшиқ куйлаганда, албатта, микрофонга суяниб қолди. Кузатиб туриб биламиз театрда рол ижро этаётган ёшларнинг кўпчилигининг овози саҳна охирига етиб бормайди. Бунинг оқибатида эса томошабин театрни тарк этади. Театрда ҳаракат билан сўз уйғун бўлиши керак...

О.Н: — Театрда кимларни овози юқори диапазонли актёрлар сирасига киритасизлар?

Суръат Пўлатов: — Меҳмонали Салимов, Дилмурод Узоқов, Отабек, Абдуғани Рўзиев каби актёрларнинг овози ўзига хос. Яна айтиш мумкинки, Мирзо Азизовнинг овози юқори диапазонда.

Наима Пўлатова: — Қизлардан қўшиқ ижросини қойил қилиб маромига етказадиганлари кўп. Зулайҳо Бойхонова, Меҳрихон Бекжонова, Мақсуда Отажонова... уларнинг барчаси эл ардоғидаги санъаткорлар. Аммо, айтиш керакки, уларнинг ҳам ёшлари улғайиб боряпти. Энди театрга кириб келаётган ёшларда бу каби овозларни учратмаяпмиз. Лекин биз қараб турганимиз йўқ. Истеъдодлар ўз-ўзидан кашф қилинмайди. Уларни сайқаллаш ҳам зарур. Институтдаги талабаларимиз орасида ана шундай овоз соҳиби-ю соҳибалари кўплаб топилади.

О.Н: — Сизларга жуда кўпчилик ҳавас билан қарашади. Узукка кўз қўйгандек, бир-бирингизга муносибсиз. Бирга ижод қиласиз, ҳаммаслак иш юритасиз. Бахтлиман, деб баралла айта оласизларми?

Наима Пўлатова: — Албатта. Халқнинг ардоғидамиз. Фарзандларнинг, набираларнинг ардоғидамиз. Бундан улкан бахт бўлмаса керак?!

Суръат Пўлатов: — Бизнинг шу даражага эришишимизга жуда кўпчиликнинг ёрдами синган. Устозларнинг, меҳрибон яқинларимизнинг. Биз ҳам кимгадир яхшилик, эзгулик улаша олдикми, демак бахтлимиз.

О.Н: — Мазмунли суҳбат учун сизларга раҳмат. Ҳеч қачон ана шу бахтиёрлик сизларни тарк этмасин!

*PS: Суҳбат 2004 йилда ёзиб олинган.
Маҳоратли санъаткор Суръат ПЎЛАТОВ
2006 йилда вафот этган.*



ОРЗУЛАРИМ — ҚАНОТИМ

*Инсонга икки нарса қанот бўлади,
Бири ақл-идрок, иккинчиси — орзу.*

Шулар борки, инсон баланд тоғларни, гўзал гулшанларни кезиб ўтади, сермашаққат қийинчиликларни ўз меҳнати билан енгиб, орзу қилган ниятига етади. Сухбатдошимиз Алижон Ҳасанов ана шу машаққатли йўлни босиб ўтган ҳофизларимиздан. Алижон Ҳасанов асли буюк санъаткорлар етишиб чиққан Олтиариқ туманининг Полосон қишлоғидан. 1936 йил 21 январда Шокиржон ака ва Қумрихон опа оиласида дунёга келган. У ўрта мактабда ўқиб юрган даврида устози моҳир созанда Қори Отабоевдан танбур чалиш сирларини ўрганди. Устоз санъаткорлар Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқовларни ўз устози, деб билди. Давраларда улар билан бирга юриб, кўшиқ куйлаш сирларини ўрганди. Алижон аканинг интилишлари зое кетмади. Санъатда ўз овозига эга бўлган санъаткор Алижон ака 1957 йил Москвада жаҳон ёшлари VI фестивалида қатнашди. 1959 йил Ўзбекистон адабиёти санъати ва маданияти декадасида қатнашиб бир неча мукофот ва совринлар билан қайтди. 1958 йил Тошкент Давлат Консерваториясининг ашула вокал бўлимига ўқишга кириш билан бирга Республика радиосига ишга таклиф қилинди. Устоз санъаткорлар Дони Зокиров, Юнус Ражабий, Фахриддин Содиқов, Фанижон Тошматов, Саиджон Калонов, Комилжон Отаниёзов ва Комилжон Жабборовлар билан бирга ижод қилди, ўсди. Консерваторияни битиргач, шу даргоҳда ўқитувчи бўлиб қолди. Сўнг Муҳиддин Қори Ёқубов номли филармонияга ишга таклиф қилинди. Ва шу йиллардан бошлаб у Ўрта Осиё бўйлаб, чет элларда, ҳамда Ўзбекистоннинг барча вилоят ва туманларида концертлар бериб, ўз санъатини намоиш қилди.

Тиниб-тинчимас Алижон ака фаол меҳнат қилиш билан бир қаторда илм бобида ҳам катта изланишларни давом эттирди. 1972 йил Қори Ёқубов номли Педагогика институтига сирдан ўқишга кирди. Санъат сирларини, унинг илмий асосларини,

санъатнинг инсон руҳиятига таъсирини пухта эгаллади. Мактаб ўқувчилари учун бир қатор қўлланмалар яратди. «Санъат байрамлари ва нафосат», «Муסיқа ва тарбия», «Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ» номли рисоалар ёзиб, мактаб ўқувчиларига тақдим этди.

Озода Назарова: — Қўшиқчилик оламига кириб келган ёшлик йилларингизни бир эсласангиз?

Алижон Ҳасанов: — Мен қўшиқчилик оламига кириб келган ёшлик пайтларим урушдан кейинги 45-йилларда бошланган. Қишлоғимизда тадбир бўлганда отамизнинг ошналари мени таклиф қилишиб, қўлимга отамиздан қолган дуторни беришди. Улар менга: Отанг яхши дутор чалар эди. Ашула айтарди. Ўзи колхозда раис бўлиб ишлаган бўлсалар ҳам, ашулани дутор чалиб, яхши айтардилар. Санъаткорни ҳурмат қилар эди, деб дуторни тутқазишди. Шу ерда бир жуфт қўшиқни қўлимдан келганча айтдим. Шу-шу қишлоғимизга танилдик, кейин туманларга, кейинчалик вилоятларга танилиб, шу соҳани эгаллаб кетдик.

Мен туғилганимда отамиз Тошкентга келиб Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқовларни айтиб олиб кетишган экан. Хуллас, жуда катта базм қилишиб, халқнинг олдига мени кўтариб олиб чиқиб, Жўрахон ака, устоз, мени ҳам ўғлим сизга ўхшаб юрсин, сиздек ашулачи бўлиб юрсин, деб яхши ният қилган эканлар.

О.Н: — Аввал қўшиқларнинг маъноси ҳам бор эди. Ҳозирги шеъриятга қараганда, илгариги шеъриятдаги фарқ нималарда кўринади?

А.Ҳ: — Биз ижод қилган даврда микрофонлар бўлмаган, ҳамма халққа ижрочиларнинг жонли овози воситасида етказиб берилган. Ҳосил байрамларида ҳофизлар асосан катта рол ўйнаган. Радио, телевизор бўлмаган. Энди, ҳозир ҳаваскор шоирларимиз ҳам, ҳофизларимиз ҳам кўпайиб кетди. Оддий сўзларни ҳам, оз-моз беўхшов сўзларни ҳам куйга солиб, қўшиқ қилиб айтишяпти.

О.Н: — Мақом ижро этувчи ҳофизларнинг ҳозирги пайтдаги ижросидан қониқасизми?

А.Ҳ: — Мақом ижро қилувчи ҳофизлар ҳақиқий ҳофизлар ҳисобланади. Мақом санъатимизнинг энг мураккаб жараёнидир. Уларда даромад, буромад, катта авж, ўрта авж, қайтув, шунга ўхшаган жойлари бор. 4—5 та бўлимларга бўлиб айтилади. Битта ашулани битта ашулачи ижро этиши қийин. Дунёнинг ҳеч қайси давлатида мақомдек мукаммал санъат йўқ.

Ҳозирги ёшлар минидискка ёзиб олиб ижро этавердилар. Уларнинг устози ҳам йўқ, ўзлари шеър, ўзлари куй басталаб

айтиб юришаверади. Устозга бориб, сизни шу қўшиғингиз менга ёқиб қолди, мен ижро этмоқчиман, ёки айтдим, хатоларини кўриб беринг, десалар, ўша устоз хурсанд бўлади. Ўша устоз уни дуо қилади.

О.Н: — Сиз бир неча йил ҳофизлик қилдингиз. Ҳофизлик санъати сизга нима берди?

А.Ҳ: — Ҳофизлик санъати менга жуда катта бахт берди. Ҳофизлик санъати илҳомини Оллоҳ берар экан. Кўп инсонларнинг кўнглини олдим.

О.Н: — Энг сеvimли, кўнглимдаги ашулани айтдим, деб ўйлайсизми?

А.Ҳ: — Мен айтган ашулаларимдан розиман. Ўзим астойдил ижро этганман. Лекин қўшиқларимни эшитган инсон маза қилдим, деса, мен учун муҳуми шу.



«МИЛЛИЙЛИК УФУРИБ ТУРСИН»



Тоҳир Ражабий 1946 йил 9 майда Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманида «Чақар» маҳалласида буюк санъаткор Юнус Ражабий оиласида дунёга келган. Болалигидан санъатга, хусусан, мусиқага иштиёқманд Тоҳир Ражабий Глиэр номидаги мусиқа мактабида, ундан сўнг Тошкент Давлат консерваториясида таҳсил олган. Талабалик йилларидаёқ Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри оркестрида фаолиятини бошлаган.

Консерваторияда Тоҳир Ражабий устозлари Бўрибой Мирзаҳмедов, Муҳаммадjon Мирзаев, Салоҳиддин Тўхтасинов ҳамда отаси Юнус Ражабийдан санъат сирларини ўрганган.

Бугунги кунда санъаткорнинг 150 дан ортиқ кўшиқлари ва ижро этган куйлари Ўзбекистон Радиосининг олтин фондидан жой олган. Тоҳир Ражабийнинг юксак иқтидори ҳукуратимиз томонидан юқори баҳоланиб, 1989 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвони билан тақдирланган.

Озода Назарова: — Тоҳир ака, сиз ўзбек санъатининг буюк дарғаси Юнус Ражабийнинг фарзанди эканингизни халқимиз яхши билади. Табиатан отангизга ўхшаш томонларингиз нима-ларда намоён бўлади?

Тоҳир Ражабий: — Оилада фарзанд албатта, ё онасига, ёки отасига ўхшайди. Кўпчилик менинг кўринишимни отамга ўхшатишади. Кейин отам жуда пазанда бўлганлар. Агар қаерда бўлсалар, ҳам овқат тайёрласалар ҳам, бутун меҳрини бериб ишга киришганлар. Бу жиҳатдан бир оз менга ҳам отамдан юққан. Отам шахматни ҳам маромига етказиб ўйнаганлар. Мен ҳам ушбу спорт турига қизиқаман.

О.Н: — Сизнингча, мумтоз услубда куй ижро этиш осонми ёки ҳозирги замонавий услубдаги куйларни-ми?

Т.Р: — Аслида, бу иккала услубнинг ҳам ўзига яраша қийин ва енгил жиҳатлари бор. Созанда қай бир услубда куй ижро этмасин ўз ишига меҳр, завқ-шавқ билан ёндошиши зарур.

О.Н: — Тоҳир ака, мусиқа йўлида ёшларнинг қизиқиши, изланиши сизни қониқтираяптими?

Т.Р: — Албатта, ёшларимизнинг мусиқа, қўшиқ ижро этишда иштиёқлари ёмон эмас. Уларнинг бу изланишларини рўёбга чиқаришда мамлакатимизда шарт-шароитлар ҳам етарли. Масалан, бизнинг талабалик йилларимизда институтда анъанавий факультетлар мавжуд эмасди. Мана бугун ёшлар «Шошмақом»ни дарс сифатида ўрганишяпти, миллий халқ чолғу ансамбллари барпо этиляпти. Бу ҳам улар учун катта имкониятлар йўлидир.

О.Н: — Тоҳир ака, сиз жуда кўп устозларга шоғирдсиз. Улар ҳақидаги таассуротларингиз билан ўртоқлашсангиз.

Т.Р: — Консерваторияда ўқиб юрган кезларимда Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрига ишга таклиф қилишганида мен бажонидил рози бўлганман. 20 ёшимда ўша даргоҳга ишга кирдим. Бу мен учун катта синов эди. Раҳматли устозим Салоҳиддин Тўхтасинов мени кўп бора қўллаб қувватлаган. Катта-катта майдонларда концерт берган пайтларимизда «Тоҳир, сен куй ижро этасан», деб саҳнага чиқариб юборардилар. Бу масъулиятни астойдил уддалашга ҳаракат қилганман. Энг катта устозларимдан бири албатта, отам. Якка тарзда куй ижро этишни ўргатган устозим Муҳаммаджон Мирзаев бўладилар.

О.Н: — Оркестр санъатини ривожлантириш учун нималарга кўпроқ эътибор қаратиш лозим деб ўйлайсиз?

Т.Р: — Бу катта жамоа бўлгани учун, оркестр серқирра бўлмоғи керак. Оркестр жуда кенг изланувчанликни талаб қилади. Бир ҳолатда чекланиб қолмасдан, қардош халқлар мусиқаларини ўрганиш ва ижро этиш зарур. Айтиб ўтишим жоизки, ўзига хос миллийлик уфуриб турган оркестр — Дони Зокиров номидаги халқ чолғулари асбоблари оркестри. Унинг янада равнақ топиши учун янада кўпроқ изланишимиз керак бўлади. Халқона куй ва қўшиқларни оркестрда қайта ижро этишни йўлга қўйишимиз, шинавандаларни оркестрга бўлган муҳаббатини қозона оладиган даражага келтиришимиз зарур.

О.Н: — Сизга қайси бастакорларнинг яратган куйлари ёқади?

Т.Р: — Энди санъатга кириб келган ва ижод қилаётган бастакорлар ҳақида сўз айтолмайман. Санъатимиз дарғаларига айланган Тўхтасин Жалилов, Комилжон Жабборов, Дони Зокиров, Набижон Ҳасанов, Саиджон Калонов каби санъаткорларнинг мусиқалари менинг жону дилим. Бу борада улар ўзига хос мактаб яратиб кетганлар.

О.Н: — Санъатнинг қадри нима билан белгиланади?



Т.Р: — Санъатнинг қадрини белгилайдиган жиҳатлар кўп. Аввало, санъат инсоннинг ўзида мужассам бўлмоғи керак. Камтаринлик ва изланувчанлик санъаткорни юксалтиради. Ўтган 25 йил ичида 20та яхши камончилар етишиб чиқди. Мен хурсанд бўлдим. Аммо ана шу йиллар ичида 5 нафар бўлса ҳам рубобчи етишмабди. Бу ачинарли ҳолат, албатта.

Оврупо мусиқа асбобларига қизиқиш кундан кун ортиб борапти... Ўзимизнинг яхши усталар яратган турли хил ажойиб миллий чолғу созларда ижро этганга нима етсин.

О.Н: — Тоҳир ака, фарзандларингиздан сизнинг йўлингизни танлаганлари борми?

Т.Р: — Катта ўғлим Моҳир менинг ва бобосининг йўлини танлади. Имкон қадар кўмаклашдим, ўқитдим, ўргатдим. Ҳозир ёнимда, бирга ишлаймиз.

О.Н: — Мазмунли суҳбат учун сизга ташаккур. Ҳали кўплаб асарлар яратасиз, шоғирдларга устозлик қиласиз, бир сўз билан айтганда, санъат йўлида толмайсиз, деган умиддамиз.



ФАРЗАНДЛАРИМ КАМОЛИМ МЕНИНГ

Санъаткор касби ўта мураккаб. Шу сабабли минг-минглаб ёшлардан санокли санъаткорлар етишиб чиқади. Санъаткор бўлишнинг машаққатларига чидай олмай бу касбни тарк этиб кетганлар ҳам анчагина. Соҳанинг ёзилмаган қонун-қоидалари бисёр. Бу қоидаларга амал қилганлар етук санъаткор бўлиш бахтига муяссар бўладилар. Ана шундай санъат вакилаларидан бири Ўзбекистон халқ артисти Ёркиной Ҳотамовадир. Ёркиной Ҳотамова фақат хонанда бўлибгина қолмай, театр актёри ҳамдир. Аминмизки, актёрнинг вазифаси хонандага нисбатан анча мураккаб. У ҳам образ яратади, ҳам ашула айтади. Гоҳ қувноқ, гоҳ ғамгин, гоҳида эса шиддатли тимсолларга айланади.

Ёркиной Ҳотамова айна пайтда Юсуфжон Шакаржонов номидаги Фарғона вилоят театрида самарали меҳнат қилиб келаётир.

Озода Назарова: — Ёркиной опа, сизнинг санъатга кириб келишингиз тасодифми?..

Ёркиной Ҳотамова: — Йўқ, мен асли санъаткор оиласида дунёга келганман. Отам Фанижон Ҳотамов Фарғона театрида 40 йилдан зиёд мусиқа раҳбари бўлиб ишлаганлар. Онам Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тамарахон Ҳотамова ҳам шу даргоҳда 45 йил фаолият юритган. Демак, кўриниб турибдики, мен театр билан, санъат билан ёнма-ён улғайганман. Улар билан биргаликда бола образларини яратганман. Мактабни тугаллагандан сўнг ушбу театрда «Равшан ва Зулхумор»да Зулхумор, «Тоҳир ва Зухра» да Зухра каби бош ролларни ижро этдим. Кейин мени Ўш театрига ишга таклиф қилишди. Ўн йилдан зиёд у ерда фаолият юритдим. 60—70 га яқин роллар ижро этиб, «Қирғизистонда хизмат кўрсатган артист» унвонини қўлга киритдим. Ҳозир эса Фарғона вилоят театрида фаолият юритмоқдаман.

О.Н: — Сиз изланувчан, интилувчан хонандасиз. Қайси бастакорлар билан кўпроқ ижодий ҳамкорлик қилаяпсиз?

Ё.Ҳ: — Мен кўплаб улуг санъаткорлар, бастакорларнинг маслаҳатлари, ўгилларини олганман, улар билан ҳамкорликда ишлаганман. Устозлар мендан ҳеч қачон ёрдамларини аямаган. Масалан Комилжон Жабборов, Фахриддин Содиқов, Тилаш Хўжамбердиев, Коммуна Исмоилова, Малоҳат Дадабоевалар шулар жумласидан.

О.Н: — Ижодкорнинг ютуғи нимада, деб ўйлайсиз?

Ё.Ҳ: — Санъатга бўлган юксак иштиёқда ва қатъий интизомида.

О.Н: — Айтинг-чи, аёл сифатида ижодингиз оилавий муҳитингизга таъсир қилмайдими?

Ё.Ҳ: — Албатта, бу борада кўп қийинчиликларни бошдан кечирганман. Болаларимни кичкиналигида гастролларга ўзим билан олиб борардим. Лекин касбини севган, уни ардоқлаган киши барчасига улгуради. Турмуш ўртоғим ҳам санъаткор бўлгани боис мени тушунадилар.

О.Н: — Мамлакатимиз миқёсида нишонланадиган кўплаб тадбирларда иштирок этгансиз...

Ё.Ҳ: — Ҳар йили нишонланадиган «Наврўз», «Мустақиллик» тантаналарида ўз ижодим билан иштирок этиб келаман. Халқимизни байрамона куй-қўшиқлардан баҳраманд қилиб бориш бизнинг вазифамиз.

О.Н: — Мақом ашулаларини ижро этганмисиз?

Ё.Ҳ: — Ижро этганман. Масалан, «Самарқанд ушшоғи», «Муножот»ни кўп ижро этганман. Радио фондида 30 дан ортиқ қўшиқларим ёзилган.

О.Н: — Фарзандларингиз ҳам санъат йўлини танлаганми?

Ё.Ҳ: — Ҳа, Баҳромжон ва Баҳодиржонлар мумтоз ашулаларни маромига етказиб айтишяпти. Уларнинг ашулаларини эшитиб дилим яйрайди. Ёшлик йилларимни эслайман.

О.Н: — Ёрқиной опа, ана шу фарзандларингизнинг камолини кўриб юриш сизга насиб қилсин, мазмунли суҳбат учун ташаккур!



ЯХШИЛАРГА ЁНДОШИБ

Ҳотам Ҳожиёв 1945 йил 10 январда Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Бўзбозор маҳалласида таваллуд топган. Отаси Одилжон ака оддий ишчи — шофёр бўлиб ишлаган. Онаси Ҳидоятхон ая уй бекаси бўлганлар. Мулла Тўйчи Ҳофиз, Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султоновлар Одилжон ака хонадонининг доимий меҳмонлари эди. Шу боис бўлса керак, ёш Ҳотамжоннинг қалбида санъатга бўлган иштиёқ эрта уйғонган. Уларнинг кўмаги билан санъат соҳасига кириб келди. Ҳотам Ҳожиёв 1963 йилдан буён Муҳиддин Қори Ёқубов номидаги «Шодлик» ашула ва рақс ансамблида фаолият юритиб келмоқда. Оилали, Авазхон ая билан 9 фарзанднинг ота-онаси, 13 набиранинг севимли бобоси ва бувижониси бўлиб ширин ҳаёт кечирмоқдалар.

Озода Назарова: — Ҳотамжон ака, назаримда мумтоз ашулалардан кўра эстрада қўшиқчилигининг мухлислари кўпроқ. Сиз эстрада йўналишида ҳам ижод қилганмисиз.

Ҳотам Ҳожиёв: — Йўқ! Бу йўналишда ижод қилмаганман. Лекин Ботир Зокировнинг ашулаларини яқиндан биламан. У кишининг қўшиқларини кекса ёшдагилар ҳам мириқиб тингларди. Бу чин маънодаги миллий эстрада эди. Ботир Зокиров овозининг ўзига хослиги, ёқимли ноласи эстрада қўшиқчилигимизни юқори поғоналарга олиб чиққанлиги муболаға эмас.

О.Н.: — Кўпчилик санъаткорлар пойтахтга борсам, машҳур бўламан деб ўйлайди. Сиз бу фикрга қандай қарайсиз?

Ҳ.Ҳ.: — Бўлмаган гап. Ҳеч қачон машаққат, риёзат чекмасдан халққа машҳур бўлиш мумкин эмас. Таваккал Қодиров, Муроджон Аҳмедовлар нега шундай қилмаган?! Истеъдод бўлса, ҳамма жойда ҳам машҳур бўлиш мумкин. Истеъдодингиз юқори бўлса, радио-телевидениенинг ўзи сизни излаб топади.

О.Н.: — Қўшиқчилик санъатининг ривожига, сизнингча, нима етишмаяпти?

Ҳ.Ҳ: — Мамлакатимизда нафақат санъат соҳасида, барча соҳадаги истеъдодлар учун шарт-шароитлар, имкониятлар яратилган. Санъатга кириб келаётган ёшларимизнинг чет эл куйларини ўғирлаётгани, енгил-елпи матнларни мусиқага жойлаб, қўшиқ айтаётгани бир оз тўсқинлик қилипти. Шунини биламанки, халқ ҳақиқий асарни ўзи саралаб олади.

О.Н: — Фақат овознинг ўзигина санъаткор учун етарли, деб ўйлайсизми?

Ҳ.Ҳ: — Фақат овоз билан санъаткор бирор муваффақиятга эришиши қийин. Негаки, билим бўлмаса, ҳаракат, иштиёқ бўлмаса, ижодкорнинг юрагида дарди бўлмаса, у мухлис қалбига етиб бормайди. Тингловчининг қалбидан жой ола билиш учун тинимсиз меҳнат қилиш зарур. Машаққат, заҳмат чекиш лозим.

О.Н: — Инсон ҳамиша омад билан бирга юрмайди. Шундай кезларда ўзингизни қандай юпатасиз?

Ҳ.Ҳ: — Мен 42 йилдан буён санъат соҳасидаман. Хизмат юзасидан бир қанча давлатларда бўлдим. Дала-даштда микрофонсиз, қоронғу залларда ҳам концерт берганман. Юрт кўрдим, одамларни кўрдим. Танлаган касбим менга Оллоҳнинг берган неъматини бўлса керак, деб ўйлайман. Доимо ўз ҳаётимдан рози бўлиб яшайман.



САНЪАТКОР БЎЛИШ ЮКСАК ОРЗУИМ ЭДИ

Олимжон Орифжонов 1946 йил 24 августда Наманган шаҳрида таваллуд топган. Мусиқа муаллими Мамасиддиқ Азизов ёш Олимжондаги санъатга бўлган иштиёқни кўриб, қўшиқчилик алифбосини сидқидилдан ўргатди. 1960 йил Андижонда бўлиб ўтган «Куйланг, ёш хонандалар» қўшиқ фестивалида қатнашиб, 1-ўринни қўлга киритди. Ушбу танлов Олимжон Орифжонов учун катта санъат дарвозасини очиб берди. 1963 йили ўрта мактабни аъло баҳоларга тугатган Олимжон Жиззах шаҳридаги Юнус Ражабий номли театрга ишга боради. 1985 йилда Тошкент Давлат Маданият институтига ўқишга киради. Устозлари Бахтиёр Сайфуллаев, Ўзбекистон халқ ҳофиси Фахриддин Умаровлардан санъат сирларини ўрганadi.

Озода Назарова: — Болаликдаги орзулар беғубор бўлади, албатта. Олимжон ака, ана шу беғубор ва улкан орзуимга эришдим, деб ўйлайсизми?

Олимжон Орифжонов: — Инсон ҳеч қачон орзуларига тўлиқ эриша олмайди. Болалигимда радиодан Комилжон Отаниёзов қўшиқларини лол бўлиб тинглардим. Уларга ҳавас қилардим. Энг яхши кўрган қўшиқларимни доим хиргойи қилиб юардим. Наманган шаҳридаги марказий истироҳат боғида Фахриддин Умаров бир неча бор концерт берган. Одам кўплигидан ёки чипта йўқлигиданми... Афсуски, биз болалар эшикдан кира олмас эдик. Кейин ўртоқларим билан дарахтга чиқиб концерт томоша қилардик. Чин кўнгилдан устозларга ҳавас қилганман, улардек санъаткор бўлишни орзу қилганман. Мана шу орзуларимнинг қайсидир поғоналарини забт этдим, десам муболаға бўлмайди.

О.Н: — Бугунги кунда қайси бастакорлар билан ҳамкорлик қиляпсиз?

О.О: — Ҳозирда Шавкат Мирзаевнинг қўшиқларидан фойдаланяпман.

О.Н: — Айрим санъаткорлар халқимизга манзур бўлган қўшиқ куйларига бошқа бир қўшиқ матнини қўйиб куйлашмоқда. Масалан, «Муножот»ни...

О.О: — Бу бастакорларимизнинг чин кўнгилдан ишламаётганидан, ижод қилишга эринаётганидан бўлса керак. Сиз айтаётган қўшиқлар вақтинчалик. Улар бир марта ёнади ва тез ўчади. Аввалги пайтларда шоир, бастакор, хонанда баҳамжиҳат ишлаган. Бугун ҳамма аравасини бир ўзи тортаяпти.

О.Н: — Бугунги кун тингловчисига қандай қўшиқ зарур, деб ўйлайсиз?

О.О: — Аввал санъаткорларнинг кўтарилиши учун, унинг санъаткор бўлиши учун, элга танилиши учун маълум бир вақт, истеъдод, залворли меҳнат керак бўлган. Санъаткорларни саралаш қай тарзда эканлигини билмайман, лекин улар бугунгидек кўпчиликни ташкил этмасди. Барчасининг ўзига хос услуби, ўзига хос овози бор эди. Ҳозир-чи, ҳаммаси бир-бирига ўхшаш. Бир-биридан ажратолмайсиз. Ҳаракатлари-ю, услуби ... ҳаммаси бир хилдек туюлаверади. Бугунги кун тингловчисига ҳам «Тановар»лар, «Муножот»лар керак. Майли улар замон билан уйғунлашган бўлсин. Айниқса, ёши улуг тингловчиларимиз ўша мумтоз қўшиқчиларимизни қаттиқ соғиниб қолишган. Яқинда бир жойга бордим. Аниқроғи, тўйга. Ҳозир «бирров-бирров»лари чиқибди. Бунда санъаткорлар кетма-кет кириб келаверишар экан. Албатта, уларнинг чўнтагида «мини диск». Нима ҳам бўлди-ю, «аппаратура»си ишламай қолди. «Санъаткор»ларнинг кўпчилиги қайтиб кетишди. Бу уят эмасми? Хўш, замон талаби деб фонограммада қўшиқ айтаётган экансан, санъаткор деган номни олган экансан, жонли ижрога ҳам тайёр тур! Шунда бироз бўлса-да номингни оқлаган бўласан.

О.Н: — Олимжон ака, ижодингизнинг қайси даврини кўпроқ эслайсиз?

О.О: — Мен шуни биламанки, ушбу касбни танлаб адашмадим. Қайтадан дунёга келсам ҳам санъаткорликни танлардим. Халқимга умр бўйи хизмат қилардим. Мен учун ижодимнинг барча даври ўзига хос ва азиз.

О.Н: — Ўзбек мусиқа санъатининг бугуни ҳақида нима дея оласиз?

О.О: — Бугунги қўшиқчи ёшларимиз миллийлигимиздан бутунлай йироқ йўналишда ижод қиляпти. Менимча, улар замонавий қўшиқчиликда миллийлигимизни акс эттирса, акс эттирганда ҳам юксак маҳорат билан ёндошса кўнгилдагидек бўларди. Бугун аксарият хонандаларимиз санъаткор бўлсам кўп пул топаман деб қарашади чамамда. Шу боисдан улар кўпайиб бораёпти.



О.Н: — Санъатнинг меъёри борми?

О.О: — Санъатнинг чеки-чегараси йўқ. У ўлчанадиган нарсаси эмас. Бу чексиз уммондек бир гап. Қанчадан-қанча соҳир овоз соҳиблари келиб кетди. Бу биздан кейин ҳам давом этаверади.



СОҲИР ОВОЗ СОҲИБИ



Озода Назарова: — Ўткир ака, узоқ йиллик тажрибангиздан келиб чиқиб айтинг-чи, қайси санъаткорлар билан ишлаш мароқли?

Ўткир Сиддиқов: — Республикамиздаги ҳамма санъаткорлар билан ишлаганман десам, лоф бўлмайди. Чунки, мени, концерт дастуримизни олиб боринг, дея ўзлари таклиф этишади. Ўша дастурни, албатта, сидқидилдан олиб боришга интиламан. Агар санъаткор ўз ижросига уста бўлса, юракдан куйласа, дастурни томошабин яхши қабул қилади. Мен ҳам шунга яраша ҳаракат қиламан.

О.Н.: — Кўшиқлар қанча жонли куйланса, шунча олқишлар ёғилаверади. Гулдасталар, олқишларнинг ўзи ҳам санъаткорга руҳ бағишлайди, илҳом беради.

Ў.С.: — Гапларингиз ўринли. Ўзим ҳам сахнада бирон монологни ижро этадиган бўлсам, давомли қарсақлардан илҳомланаман. Шундай қувониб кетаманки, худди ёшариб кетгандек бўламан. Ўзингиз ҳам буни, албатта, ҳис қилгансиз, Озодахон. Гулларни кўриб хурсанд бўламан. Мухлисларга раҳматлар айтгим келади.

О.Н.: — Санъаткор учун биринчи галда халқнинг олқиши энг катта мукофот.

Ў.С.: — Албатта. Ҳар бир санъаткорни аввало халқ севсин, ҳурмат қилсин.

О.Н.: — Бошловчи, конференсьелик санъати соҳибни қандай бўлиши керак?

Ў.С.: — Озодахон, аввало «конференсье» сўзи французча бўлиб у ёқимли, ақлли, комил суҳбатдош деган маънони билдиради. Одатда, ҳар қандай концертнинг нутқ, сўз билан боғлиқ қисми бошловчининг зиммасида бўлади. Томошабинни концерт бўйлаб, яъни мусиқа, кўшиқ, рақслардан иборат гўзал салтанатининг нурафшон йўллари томон етаклайди. Унга раҳ-

барлик қилади. Ҳар бир санъаткорни ва унинг ижросини томошабинга таништиради, тақдим этади. Конферансье бу меҳрибон, очиқкўнгил, очиқ чеҳрали мезбондир. Чунки биз мезбон сифатида мухлисларни кутиб оламиз, уларни кузатамиз. Шу билан бир қаторда қўшиқ, рақс салтанати бўйлаб саёҳатга йўллаймиз. Бир сўз билан айтганда, комил суҳбатдош бўла олишимиз лозим.

О.Н: — Ўткир ака, сизнинг даврингиздаги санъаткорлар билан бугунги қўшиқчилар ўртасида қандай фарқ бор. Мухлислар орасида-чи?

Ў.С: — Бизнинг давримизда, XX асрдаги концертларни айтмоқчиман, фақат жонли ижро бўларди. Ҳозирги пайтда кўп концертлар фонограммада ижро этилаяпти. Масалан, ўзим опера ва балет театрида «Кармен» операсини бундан 5 йил олдин тинглаган эдим. Яқинда бугун у қандай куйланаётган экан, деган хаёлда театрга бориб «Кармен»ни тингладим. Ўша вақтдаги ижро этилган «Кармен» билан ҳозирги пайтда ижро этган санъаткорнинг фарқини англадим. Ҳамма маззаси жонли ижрода бўлса керак.

О.Н: — Бугунги кун бошловчиларидан кимларнинг ижоди тилга олишга арзийди? Сизнингча, бошловчи, бир киши бўлгани яхшими ёки икки киши?


Ў.С: — Ҳозирги кунда телевидение суҳандонлари ҳам концерт дастурларини олиб боришяпти. Уларнинг сўзамоллиги менга ёқади, ҳаракатлари катта. Энди дастурни олиб борганда ўша концертнинг мавзусига, мазмунига қараб уни улаб боришимиз керак. Мана, шундагина концерт дастури ўзининг юқори даражасига эришади. Менимча, очиқ концертларни бир бошловчининг олиб боргани дуруст.

О.Н: — Кутилмаганда, кайфиятингиз йўқ пайтда Сизга даврани олиб боришни таклиф қилишса қандай йўл тутган бўлардингиз?

Ў.С: — Энди концерт дастурининг эълон қилиниши, уни олиб бориш бизнинг кайфиятимиз билан боғлиқ эмас. Масалан, мени кўчадами, уйдаи кимдир кайфиятимни бузган бўлса ёки кайфиятим бўлмаса буни концерт дастурига асло алоқаси йўқ. Чунки биз ҳам актёрмиз. Бошловчилик бизнинг касбимиз. Шундай экан, биз вазифамизни бажаришимиз шарт. Бир лаҳзада кайфиятимизни кўтариб саҳнага чиқишимиз лозим. Томошабиннинг кўнглини кўтариш, бизнинг вазифамиз, нима учун ёмон кайфиятимиз уларга таъсир қилиши керак. Саҳна буни хоҳламайди. Саҳна биздан катта маҳорат талаб қилади. Ана шу маҳоратимизни ишга солишимиз лозим.



БИЗНИ МУСИҚА УЛҒАЙТИРДИ



Фулломжон Ёқубов 1950 йил 1 мартда Тошкентнинг Кўкча даҳасида дунёга келган. Ундаги истеъдод, кўшиққа бўлган ўзгача меҳр ўқувчилик кезларидаёқ ўз мухлислари қалбидан жой олишига сабаб бўлди. Шу боис мактабни эндигина тугатган Фуломжон Ёқубовни 1967 йил Муҳиддин Қори Ёқубов номидаги Ўзбек Давлат Филармонияси қошидаги ашула ва рақс ансамблига таклиф этишди. У фаолиятини давом эттириш билан бирга 1968 йилда Тошкент Давлат Санъат институтининг мусиқали драма факультетига ўқишга кирди. Олий даргоҳда устозлари Шоҳида Маъсумова, Саттор Ярашевлардан сабоқ олди. Институтни тугатиб, Жиззах вилоят мусиқали драма театрида фаолият юритди. Театр Фуломжон Ёқубовга катта мактаб вазифасини ўтади.

Хонанда 1974 йилда яна Ашула ва рақс ансамблига қайтиб келди. Сеҳрли овоз соҳиби ўзининг дилтортар кўшиқлари билан халқ қалбидан жой олди. Фуломжон Ёқубов бугун ҳам қизгин ижод билан банд.

Озода Назарова: — Фуломжон ака, нега сиз айнан кўшиқчилик касбини танлагансиз? Бошқа соҳада ҳам ишлашингиз мумкин эди-ку!

Фулломжон Ёқубов: — Аниқ эслолмайман бу соҳага қачон кириб келганман. Лекин бу қизиқиш беихтиёр ўзидан-ўзи бўладиган нарса эмас. Ҳеч ким бу нарсага мажбур қилмайди. Балки гўдакликдандир, балки сал каттароқ бўлгандан кейиндир, балки радиодан эшитиш таъсиридадир ёки ўзи атрофидаги мусиқаларни эшитиш таъсиридандир. Бу қизиқишимни кўрган онам (раҳматли) ўқишинг керак, деганлар. Мактаб билан бир қаторда мусиқа мактабига ҳам қатнаганман. Айтадилар-ку, «Астойдил йиғласанг, сўқир кўздан ёш чиқар» деб. Шунинг учун, астойдил ҳаракат қилганимдан қулоғимга чалинган кўшиқлар ҳали ҳам ёдимда турибди. Шунинг учун мусиқа бизни улғайтирди.

О.Н: — Санъат соҳасидаги устозларингиз кимлар? Уларнинг қайси бири ҳақида кўпроқ фахрланиб гапирасиз?

Ғ.Ё: — Илк бор, менинг қўлимга рубоб тутқазган устозим — Фулом Қўчқоров. Ўша кезларда рубобнинг сиру асрорларини тушунтирган устозим Фуломжон ака бўлади. Ундан кейинги устозим Фахриддин ака бўладилар.

Чунки, уларнинг қўшиқлари қулогимизда бўлган. Ўша пайтда уларнинг қўшиқларини ижро этардим. Шунинг учун қўшиқчилик борасидаги устозим Фахриддин ака деб биламан.

О.Н: — Мана, сиз икки йўналишда куйлайсиз. Ҳам халқ қўшиқларини, ҳам замонавий эстрада йўналишларида куйлайсиз. Айтинг-чи, бу икки йўналиш бир-бирига ҳалақит бермайдими?

Ғ.Ё: — Йўқ, ёшлигимда мен эстрадага ўтганимда, ўзимни синаб кўриш учун ўтганман. Чунки Ботир Зокировни яхши кўрардим. Уларнинг қўшиқларини тор ва рубоб жўрлигида айтсам, деган ниятларим ўша пайтда ҳам бўлган. Шу орзу барибир қўймади. Бу қизиқиш мени эстрада йўналишида қўшиқ айтишга олиб келди. Мен ўзимни эстрада қўшиқчисиман, деб даъво қила олмайман. Лекин, менга ҳеч ҳалақит қилгани йўқ. Чунки, халқ куйини юрагида яхши сақлаган одам ўзбек эстрадасини ўзбекча нолалар билан айтса бўлаверади, деган фикрим бор. Шунинг учун ҳар бир «Мақом» айтаётган ёки халқ йўлида қўшиқ ижро этаётган йигит-қизлар бемалол эстрада йўналишида айтса бўлади, деган фикрга қўшиламан.

О.Н: — Ўзбек эстрада жанрида куйлаётган Насибaxonни биласиз, Юлдуз Усмоновани айтса бўлади...

Ғ.Ё: — Албатта. Улар ҳам халқ йўлини жуда яхши билган. Улар ҳам ўзбекни дардини бера олади. Шунинг учун халқ бугун вужуди билан қабул қилиб олди.

О.Н: — Ўзбек ёшлари куйлаяпти, кўплари негадир туркчага тақлид қилади...

Ғ.Ё: — Мен бунга жуда қаршиман. Туркчанинг ўзини айтсин. Унинг мусиқасини олиб, кўр-кўрона қўшиқ куйлаш тўғри келмайди. Чунки, бу бизни бошқа ёққа етаклайди. Мусиқани бузади. Ёшларни ҳам бузади. Чунки, энди мусиқани эшитаётган одамнинг қулогига туркча мусиқа киради. Мен туркчани ёмон демайман, аммо туркчани ўз сўзи билан туркча қилиб айтсин... «Ҳозир туркча ашула бошланади», дейди-да, кейин ўзбекча сўз чиқади тагидан. Ёки бўлмаса ҳиндча ёки европача мусиқа чалинади-да, тагидан ўзбекча сўз чиқади.

О.Н: — Сиз ҳар доим жонли айтасиз? Нимага бугун ёшлар фонограммадан фойдаланишади?

Ғ.Ё: — Катта стадионларда, байрамларда фонограммасиз бўлмайди. Чунки, 1000—2000 нафардан зиёд киши қатнашади, уларга овозни етказишнинг иложи йўқ.

Лекин, кичик концертларда умуман ишлатиш керак эмас. Чунки, бу жонли мулоқот, эшитувчи билан жонли мулоқот бўлиши керак. Бир хил пайтда овозингиз ишлайди, бир хил пайтда жуда ҳам чиройли айтгингиз келади. Бугун айтганингизни эртага бошқачароқ қилиб, авжларини қўшиб, одамлар ёқтирадиган қилиб айтишингиз мумкин.

О.Н: — Бугунги саҳна ҳаёти борасида жуда катта тажрибага эга санъаткорсиз...


Ғ.Ё: — Энди, биласизми, инсонни кўнгли тўлиб қолса, ҳамма нарса тугайди. Қачонки, бўлди, ўзимга яхши, ёки бўлмаса, яхши бўлмаса ҳам шу ижродан мамнунман деса, жуда ҳам янглишган бўлади, деб ўйлайман. Чунки, бу санъат таги кўринмас нарса.

Қанча ичига кираман деса умрининг охиригача ҳам унинг тубига етмаган бўлса керак. Янгилик чиқаверади. Шунинг учун мен етилдим, ёки бошқа гапларни айтиш, ҳеч кимга тўғри келмаса керак, деб ўйлайман.

О.Н: — Фуломжон ака, санъаткор сифатида ўзбек қўшиқчилик санъатининг бугуни ва эртаси ҳақида нима дея оласиз?

Ғ.Ё: — Энди, ўзбек санъати жуда ҳам кенг, мазмунли, инсонга малҳам бағишлайди. Ҳозир айтилганми ёки юз йил олдинги халқ қўшиқларими, ёки «Мақом»ними, ҳаммасини эшитса, одам ором олади. Шунинг учун мен ўзбек мусиқасидек бой мусиқа йўқ, деб ўйлайман.

Чунки, ҳамма айтилган қўшиқларни олиб, секин-секин эътибор берсангиз, бу айтилган қўшиқларда авжлар, қочиримлар, буларнинг барчаси моҳирона, илоҳий уйғунлаштирилган. Балки, ҳамма учун ўзининг санъати яхшидир. Лекин, юрагимизнинг қат-қатига кириб кетгани учун жуда ҳам юксакдир.



«ҲАМ ОЛИМ, ҲАМ САНЪАТКОР»

Ҳожиакбар Ҳамидов 1949 йил 3 октябрда Тошкент шаҳрининг Дўмбиробод маҳалласида дунёга келган. Оила аъзоларининг барчаси санъатни яхши кўришар экан. Амакилари Муҳаммаджон ва Абдуқаюмлар халқ кўшиқларини яхшигина ижро этишган. 6—7 ёшларида Ҳожиакбар уларнинг кўшиқларини болаларга хос завқ ва ҳавас билан тинглар эди. Унинг санъатга бўлган қизиқиши айти шу паллалардан бошланган бўлса, ажаб эмас. Ҳ. Ҳамидов мактабда ташкил этилган тўгаракка қатнашиб ашула айтиб юрар эди. 1967 йилда Тошкент Давлат педагогика институтининг тарих факультетига кечки бўлимга ўқишга кириб, 1970 йилда уни муваффақиятли тугатади. Иш фаолиятини дастлаб катта лаборант, кейин тадқиқотчи бўлиб давом эттиради. Кундузи аспирантурада таҳсил олади. 1985 йилда эса санъатга оид «Ўзбекистонда бадиий ҳаваскорлик санъатининг ривожланиши» мавзусида илмий тадқиқот олиб бориб номзодлик диссертациясини ёқлайди. Олим-санъаткор хуш овози билан халқимиз қалбидан муносиб жой олган.

Озода Назарова: — Ҳожиакбар ака, ҳозирда Тошкент давлат иқтисодиёт университетиде талабаларга дарс берапсиз. Бир томондан сабоқ, иккинчи томондан халқ хизматига шай туриш сизни шошириб қўймаяптими?

Ҳожиакбар Ҳамидов: — Гапларингиз жуда тўғри. Шундай кишилар борки, Худо берган умрини 50 йилми — 60 йил ёки ундан ортиқ яшаб, бир соҳада ўртамиёна меҳнат қилиб ўтиб кетадилар. Инсонда бор бўлган лоқайдлик илллати доимо унинг буюк яратувчанлигига қарши бўлиб келган. Мен ўз ҳаётим тажрибамдан шу нарсага амин бўлдимки, инсон ўзи хоҳлаган, севган соҳага меҳр бериб унга фидолик кўрсатса, албатта, ким бўлиши ва қандай ишда ишлашидан қатъи назар, ўз қадрини топади, эътиборга сазовор бўлади. Болалигимдан китобга меҳрим баланд эди. Китоб ўқиб чарчаган вақтларимда кўлимга рубоб олиб кўшиқлар айтардим. Ҳар икки соҳада тинимсиз фаолият

олиб бориш менга кўплаб ютуқ ва имкониятларни инъом этиб келмоқда.

О.Н: — Овозингизни кўпчилик устозингиз Фахриддин Умаров овозига ўхшатишади. Устозингизнинг санъатда топган йўлингиздаги ҳиссаси ҳақида нима дея оласиз?

Ҳ.Ҳ: — 1950 йилларда ўзбек кўшиқчилиги санъатига янги ўзбек лирик кўшиқчилигини олиб кирган санъаткор устозим Фахриддин Умаров десам, асло янгилишмайман. Мен ўзимнинг докторлик илмий ишимда қадимги даврдан ҳозиргача бўлган даврлар мусиқачилиги ҳақида тадқиқот олиб борганман. Устоз яратган бу йўналиш кўплаб санъаткорларимизга мактаб ролини ўтади, дейишим мумкин. Мана, халқимизнинг сеvimли санъаткорлари Фуломжон Ёқубов, Шерали Жўраев, Жўрабек Набиев, Жўрабек Муродов, Камолиддин Раҳимов, Хайрулла Лутфуллаевлар билан суҳбатлашганингизда улар ўз йўналишларини топишларида бу инсоннинг хизмати катта эканлиги ҳақида айтиб ўтадилар. Овозимни устозимнинг овозига ўхшатишганидан мен беҳад бахтиёрман. Зеро, уларнинг қайсидир хислати, фазилати ўзимда бор экан, мен бу инсон қошида доимо таъзимдаман.

О.Н: — Суҳбатимиз давомида ўзбек миллий мусиқа маданияти, йўналишлар ҳақида тўхталяпсиз. Номзодлик ва докторлик илмий ишларингиз ҳам айнан шу мавзуга яқин бўлган экан. Шу ўринда сиздан ёшларимиздаги эстрада жанрига бўлган катта иштиёқ ва бунга сизнинг муносабатингизни билмоқчи эдим.

Ҳ.Ҳ: — Мен шу ўринда халқимизнинг кўнгили мулкига, қалб кўрига айланиб кетган мақом жанри ҳақида икки оғиз тўхталмоқчиман. XII—XIII асрларда, яъни бундан 700—800 йиллар илгари мақом шаклланиб бўлган, лекин унинг асослари эраимизнинг бошларига бориб тақалади. Бу ҳақда алоҳида суҳбатлашамиз. Кўрдингизми, шу даврлар мобайнида мақом яшаб келмоқда. Халқимизнинг буюк санъаткорлари унга сайқал бериб, бойитиб келган. Ишонамизки, бу жанр ҳали минг йиллар оша, ундан ҳам кўпроқ яшаб, халқимизнинг сеvimли жанрига айланиб қолаверади. Энди эстрада жанрига тўхталадиган бўлсак, ўзини эстрада хонандаси, деб таништирадиган кишиларга «эстрада нима?» — деган саволни бериш керак. Луғатларга мурожаат қиладиган бўлсангиз, унинг асл маъноси бу — саҳна дегани. Асло енгил-елпи кўшиқ, дегани эмас. Афсуски, маъноси саёз, мантиқсиз матн, ижролар билан саҳнага кириб келаётганлар кўпайиб кетмоқда. Майли, кўпайсин, аммо мусиқачилигимизга, асрлар давомида сайқалланиб келаётган меросимизга шикаст етказмасдан. Эшитиб қоламиз, тўрт қатор шеърни

қирқ марта такрорловчи қўшиқ яратибди. Лекин бу ижрочи қанақасига санъаткор бўлсин. Уни оддийгина қилиб қўшиқчи, деб атасак ҳам бўлаверади. Мусиқалар ҳар хил халқники. Бу нима дегани?! Тўғри, улар ичида оз бўлсада ўз овози, ўз йўналиши билан ижод қилаётганлар ҳам бор. Бир тайинли қўшиқ яратиш учун ўзбек мусиқа асбоблари, ўзбекона руҳ, миллийлик камлик қиляптими? Мусиқа асбобларимизни дунё ўрганаётган кезларда, биз бу нарсага бепарво бўлмаслигимиз керак. Санъаткор деган сўзнинг асл маъносини, унинг буюклигини доим ҳис қилиб туриш керак.



ДАРДИ ЙЎҚДАН СОЗАНДА ЧИКМАЙДИ



Ўлмас Расулов 1951 йил 12 январда Сурхондарё вилоятининг Денов туманида таваллуд топган. Санъатга ихлоси баланд бўлажак ҳофиз 1958-67 йиллар Бухоро шаҳридаги 24-махсус мактабда таҳсил олади. Сўнгра Бухоро мусиқа билим юртида, халқ чолғу оркестрининг ғижжак сози бўйича устози Ҳикматилла Неъматовдан санъат сирларини ўрганди. Билим юртидан сўнг Ўлмас Расулов Ўзбекистон Давлат Консерваториясининг халқ чолғу оркестри бўлимига ўқишга киради.

У дунёнинг бир қанча давлатларида гастроль сафарларида бўлган.

Ўлмас Расулов турмуш ўртоғи хонанда Мавлуда Самандарова билан 2 ўғил, 1 қизни тарбиялаб вояга етказдилар.

Озода Назарова: — Ўлмас ака, санъатга илк қадам қўйган кезларингиз борасида, устозларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз?

Ўлмас Расулов: — Санъатга кириб келишим мен туғилган, униб ўсган муҳит билан жуда боғлиқ. Олис Денов туманидаги қишлоқлардан бири... У ернинг одамлари ҳақиқий санъатнинг ихлосмандлари. Қишлоқ аҳлининг ярмидан кўпи ашула айтарди, рақс тушарди ё бўлмаса чолғу асбобларидан бирини маромига етказиб чаларди. Яна бир қизиқ томони шундаки, 1958 йилдан Бухорода махсус мактаб интернатида ўқий бошладим. Бу масканда ҳам худди шундай муҳит ҳукмрон. Ўқитувчиларнинг даярли барчаси ё ашула айтарди, ё шеърни қойилмақом қилиб ўқиб берарди.

Мана шулар мени санъатга етаклади. Қишлоғимизда Уста Ҳамроли бува бўлардилар. Маҳоратли уста эдилар. Шу одам менга илк бор кичик қутичага тахтани михлаб, сим тортиб дупор ясаб берганлар. Ўшандан куй чиқаришга ҳаракат қилганман. Кейин менга жаранглайдиган нарсалар жуда ёқарди. Ариқсойлардаги сувнинг шовуллаши ҳам. Мен болалигимда, 3—4 ёшимда ожиз бўлиб қолган бўлсам ҳам ҳеч қийналмай ариқлардан балиқ ушлардим. Ўша балиқнинг ҳаракатини сезардим.

Кейин онамизнинг доим хиргойи қилиб юришлари... Раҳматли дадамизни Муҳаммад Содиқ дейишарди. У киши барчамизни ўзлари яхши кўрган ҳофизларининг исмлари билан атардилар.

О.Н: — Оилада неча киши бўлгансизлар?

Ў.Р: — 10 нафар эдик. Беш ўғил, беш қиз.

О.Н: — Уларнинг ичида санъаткорлар борми?

Ў.Р: — Укаларим бу йўлни танламадилар.

О.Н: — Устозларингиз ҳақида...

Ў.Р: — Мактабда илк бор ғижжакни ушлатган мухтарам устозимиз Нуриддин Аминжонов. У киши машҳур ҳофиз бўлганлар. Профессional санъатга кириб келишимда Ҳикмат ака Неъматовнинг хизматлари катта бўлган. Улар бизнинг ёзувимиздаги нотани ўрганиб, кейин бизга айтиб турганлар. Бухоро Давлат мусиқа билим юртида Маъруфжон Тошпўлатов, Нажмиддин Насриддинов, Аминжон Исматов, Ҳамид Абдуллаев, Качанновскаялар мусиқа сирларидан сабоқ беришди. Ўзбекистон Давлат Консерваториясида Обид Холмуҳаммедовдан дарс олдим. Кейин «Шарқ анъанавий ижрочилик» кафедраси очилди. Бу ерда Фахриддин Содиқов, Маҳмуджон Муҳаммадиев, Илҳом Тўраев, Исҳоқ Ражабийлардан таҳсил олдим.

О.Н: — Бугун кўшиқларнинг ғализ матнларини эшитсангиз ўзингизни кўярга жой тополмай қоласиз. Сизнингча, шеър ва куйнинг мутаносиб бўлиши учун нималарга эътибор бериш керак?

Ў.Р: — Шеър шоирнинг дарди. Куй бастакорнинг... Уни етказиб бериш учун ҳофизга, хонандага худо берган овоз ва туғма иқтидор керак. Шунда кўшиқ кўнгилдагидек чиқади.

Мен шоирларимиздан Ҳалима Худойбердиеванинг шеърларига кўп эътибор қаратаман. Ҳалима Аҳмедова, Зебо Мирзаевани ўқийман.

Шеърнинг равон бўлиши кўшиқнинг маромига етишини таъминлайди. Шарқ мамлакатларида кўшиқлар шундай яратиладики, у одамларнинг ёдида қолади. Чунки уларнинг матнларида халқ орасида кўп қўлланиладиган сўзлар ишлатилади. Туркларда, эронларда бунини кузатиш мумкин. Улар нақорат ёзишда ҳам юксак маҳорат билан ёндошадилар. Нақорат бутун бир шеърнинг, кўшиқнинг моҳиятини англатади. Энди куйга келсак, нолани ҳар ким қилиши мумкин. Машрабда бир чиройли мисра бор:

Дема, танбур ноласини қўл ташлаганда тордин,

Балки келмиш бу тарона суннати Жаббордин.

Демакки, мусиқа юқтирилган бўлиши керак. Бунинг учун дард керак. Дарди йўқдан созанда чиқмайди. Ўша ёр дарди,

Тасаввуфона дард... Ёр — Ватан, Ёр — рафиқамиз, Ёр — Аллоҳ таолонинг жамоли...

О.Н: — Ўзбек санъатининг ўзига хослиги нимада?

Ў.Р: — Халқимиз мусиқий меросининг бойлиги жиҳатидан дунёдаги қадим халқлар билан бир қаторда туради. Достонларнинг ўзи иккита мактаб. Сурхондарё, Қашқадарё ва ҳозирги пайтда Булунғур мактаби ҳам дейилади. Бу халқ оғзаки ижодидаги гўзалликни қаранг... Шундай бой меросга эга халқнинг хонандалари бугун компьютерда мусиқа ёзиб ўтириши фожеа. Улар яна ўзини бастакор, деб аташади. Бастакор кўриб ўрганади. Юриб ўрганади. Мусиқанинг ҳар қатламига кириб бориши керак. Мусиқа тўлиқ маънода уммон бўлса, бастакор унда гаввос мисоли сузиши лозим. Сув остидаги дуру жавоҳирларни териб халққа тортиқ этиши керак.

О.Н: — Ёш мақом ижрочилари ҳақида нима деёласиз?

Ў.Р: — Албатта, улар орасида истеъдодлилари кўп. Ўзларининг мухлислари, тингловчилари бор. «Шарқ тароналари» фестивалининг жорий қилиниши ёш мақомчилар учун имконият эшикларини очиб берди. Фестивалда дунёнинг кўплаб давлатидан вакиллар қатнашади. Мақомчилар халқимиз санъатининг юксак қирраларини кўрсата олишлари керак. «Шарқ тароналари» Насиба Сатторова каби кўплаб истеъдодларни кашф қилди, ҳали яна кашф қилади.

О.Н: — Ўлмас ака, мазмунли суҳбат учун раҳмат!



ДИЛЛАРГА ОРОМ БЕРИБ...

Дилором Қаюмова 1950 йил 3 февралда Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани Қоратош маҳалласида дунёга келган. Отаси Омон ака савдо ходими бўлиб ишлаган. Онаси Башорат ая эса уй бекаси бўлиб, 3 қиз ва 1 ўғил тарбияси билан шуғулланган. Дилоромнинг бобоси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, машҳур танбурчи ва ҳофиз Шоқаюм Шобаротовдир. Дилоромга санъаткорлик касби аслида бобосидан ўтган бўлса керак.

Озода Назарова: — Дилором опа, санъат олами жуда кенг. Бу оламда нимадан ташвишланасизу, нимадан кўпроқ қувонасиз?

Дилором Қаюмова: — Санъатни жуда катта боққа ўхшатаман. Унда ҳар хил гуллар ўсади. Ҳозир санъаткорларимиз жуда кўп. Бунинг учун биз шукур қилишимиз керак. Бизнинг санъатимизга қизиқадиган истеъдодли ёшлар жуда кўп.

Ҳақиқатан ҳам ёшлар санъаткор бўлиб, халққа манзур бўлай деб ҳаракатда юришибди. Буларга мен фақат оқ йўл тилайман. Лекин, гуруч курмаксиз бўлмайди, деган гаплар бор. Санъатни бизнесга айлантираман, деган маънода йўқ овозларини компьютер орқали бор қилиб, енгил-елпи қўшиқлар айтаётган ёшларимиз ҳам бор. Лекин, бундайлар сараги саракка, пучаги-пучакка чиқади деганларидек, тез ёниб-тез ўчишади. Чинакам овоз соҳибларигина узоққа боради. Буларга яққол мисол — мана, Коммуна опам. Коммуна опам шу даврга қадар эъзоздалар, ҳурматдалар. Икки оғиз ашула билан, жонли ижролари билан давраларни қиздириб, хурсанд қила оладилар. Буни мен тан оламан ва қойил қоламан. Ёшларимизга ҳам шундай бахт тилайман. Санъатдаги умрлари узоқ бўлишини хоҳлайман. Бунинг учун эса, меҳнат қилиш керак. Ўзимизнинг мумтоз қўшиқларни ўрганишдан бошласа, истеъдод пойдеворини мустақкам қурса, ўзини эстрада йўлида синаб кўрганда ҳам хато қилмайди, элга ҳам манзур бўлади.

О.Н: — Санъаткорнинг элга танилиб, машхур бўлиб кетишига кўпроқ нималар сабаб бўлади?

Д.Қ: — Аввало, Аллоҳ берган истеъдод. Ундан кейин яхши устоз топиш керак. Ўзига хос, ўзи ҳам, куйи ҳам мос қўшиқ яратиб, ўшанга мос ижро йўлини топган санъаткор узоққа боради. Чунки у ўзининг йўли билан элга танилади. Қўшиқни юракдан, берилиб куйласагина атрофдагиларга бориб етади. Ана шундай ўз қўшиғига эга санъаткорлар тезда танилиб, ҳурмат-эътибор қозонади. Бундан ташқари, муомала, кийиниш маданияти, ҳамма-ҳаммаси жойида бўлиши керак.

О.Н: — Айрим хонадаларнинг ўзи шеър ёзипти, ўзи мусиқа яратяпти. Уларнинг муаллифлик ҳуқуқи ҳимоя қилиняптими?

Д.Қ: — «Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин», — деган ҳикмат бор. Биз ижод йўлимизни бошлаганимизда, қўшиқ матнини фақат атоқли шоирлар ёзишарди. Машхур устоз композиторларимиз Дони Зокиров, Фаҳриддин Содиқов, Комилжон Жабборов, Сайфулдин Йўлдошев бизда мусиқа раҳбари эдилар. Ҳаммасининг ўз йўли бор эди. Куйнинг тарала бошланишидан оқ мухлислар бу фалончининг мусиқаси, ўлан йўли, деб тан олишарди. Ҳозир нимагадир хоҳлаган одам ўзи куй ёзиб, ўзи шеър ёзиб таниляпти. Шунинг учун ҳам ҳозирги замонавий қўшиқларимизнинг умри қисқа бўляпти, шекилли. Чунки пухта ишланмаган, ҳақиқий профессионал томонидан яратилмаган, хом, чала-чулпа аралашмани диди нозик тингловчи қабул қилмайди.

О.Н: — Санъаткор аёлдан оила мустақамлиги учун нималар талаб этилади?

Д.Қ: — Жуда оғир савол. Мен ўзимнинг бошимдан ўтгани учун сизга гапиряпман. Аллоҳга беҳисоб шукур, 3 ўғил, 3 келин, 7 набирамиз бор. Турмуш қурганимизга 33 йил бўлибди. Турмуш ўртоғим мени тушунадиган, ҳамнафас яшаган инсон бўлгани учун шукур қиламан. Барибир оилада аёлнинг, айниқса, санъаткор аёлнинг масъулияти жуда катта. Чунки оилада ҳар доим эркакнинг ҳурмати жойига қўйиш, вақтида овқати тайёр, кир-чири ювилган бўлиши керак. 3 та ўғил парвариш қилиб, менинг уйқусиз тунларим жуда кўп бўлган. Кир-чирларни ювиб, намлигида дазмоллаб, эрталаб мактабга, боғчага, ишга улгурар, ҳаммасини тайёр қилиб, ўзимга гап тегдирмасликка ҳаракат қилардим. Чунки, ҳар қандай эркак ҳам «Эпласанг ишлагин, эпламасанг ишингни йиғиштир» — дейишга ҳақли-да. Ўша гапни эшитмаслик учун тунларни бедор ўтказиб ҳаракат қилганман. Балки, оилада менга ёрдамчи қизим бўлмагани учун ҳам бир оз қийналгандирман.

О.Н: — Турмуш ўртоғингиз ҳам санъаткор. Фарзандларингиз орасида санъаткорлик касбини танлаганлар ҳам борми? Оилангиз ҳақида гапириб берсангиз?

Д.Қ: — 1971 йилда «Шодлик» ашула ва рақс ансамблига ишга борганимда, ҳали институтни тугатмагандим. Хўжайиннинг айтишларича, улар мени зимдан кузатиб юрган эканлар.

О.Н: — Қаерда учрашгансизлар?

Д.Қ: — Шу ансамблда. «Жуда кўп кузатганман. Кейин оғиз очишга қарор қилганман», — деганлар. Чунки у киши ҳам бир умрлик ёр танлаган бўлса керак-да. Бўлмаса, уларга ишқивоз қизлар жуда ҳам кўп эди. Кўркам, бўйлари баланд, чиройли йигит эдилар.

О.Н: — Фарзандларингиз-чи?

Д.Қ: — Жуда кўп гастролларда бўлдик. Кўп қийналган пайтларимиз бўлди. Шунда бу киши, «Фарзандларимиз бошқа касб қила қолсин, бизга ўхшаб қийналиб юришларини истамайман», дедилар. У пайтларда 1-2 ойлаб гастрол сафарларида юрардик-да. Чамадон кўтариб, кўп юртларни кўрдик. Кўрганимизга шуқр қиламиз. Катта ўғлимиз Алишер ҳуқуқшунос бўлди. Ўртанча ўғлимиз Олимхон «Шарқшунослик» институтининг халқаро муносабатлар факультетини битирди. Кичик ўғлимиз Шерзод Молия институтини битириб, Миллий банкимизда фаолият олиб бормоқда. Ҳаммалари уйли-жойли. Набираларимдан энг каттаси санъатга қизиқади. Ҳамма болаларим ҳам қобилиятли эди-ку, лекин дадаси қўймади. Лекин, набирам Аҳроршер Одилов 5 ёшидаёқ 2000 йилда Тоҳир Содиқов «Ниҳол» мукофотини олаётганида, кичик бўлиб саҳнага чиқди. У пайтда набирам «Томоша» фольклор гуруҳига қатнар эди. Шундан кейин унда санъатга қизиқиш жуда ҳам кучайди. Шунда биз уни Успенский номидаги академик мусиқа мактабига бердик. Ҳозир унинг кетидан синглиси Рухсора Одилова ҳам ўша ерда 1-синфда ўқияпти. Фортепьяно бўйича шуғулланишяпти улар. Худо хоҳласа, улар санъаткор бўлишади.

О.Н: — Мана, Дилором опа, анча ёшга кирдингиз. Аммо ҳамон сафардасиз. Мана шу даврнинг, умрнинг, шуҳратнинг ўткинчилиги алам қиладими?

Д.Қ: — Даврнинг, умрнинг, шуҳратнинг ўткинчилиги, Озодахон, алам қилмайди. Чунки, бу дунёнинг ўзи ўткинчи, бу дунёда ҳаммамиз меҳмонмиз. Давр ҳам, омад ҳам келади. Барибир кейин бир кун кетади. Армон деган масалага келсак, озгина армоним бор... Орзуларимга келсам, деярли барчасига эришдим.



МЎЪЖИЗА СОҲИБИ



Таниқли бастакор Абдуҳошим Исмоилов 1952 йил 9 июнда Фарғона вилояти, Қува шаҳрида туғилган. Ўрта мактабни тугатгач, Фарғона шаҳридаги мусиқа билим юртига ўқишга кирди.

Абдуҳошим 1972 йилда билим юртини тамомлагач, ҳарбий хизматга чақирилди. Омадни қарангки, бу ерда хушовоз хонанда Икромжон Бўронов раҳбарлигидаги ҳарбий оркестрга таклиф этилди. Қадимдан ҳарбийлар қўшиқ куйлаб жангга отланганлар, қўшиқ куйлаб боғ-роғлар яратганлар.

Ёш Абдуҳошимнинг назарида куй ҳам, қўшиқ ҳам мўъжиза. Шу ажойиб мўъжизаларни яратиш учун оркестрда бутун вужуди, қалб қўри билан ишлаб, тез орада кўзга ташланиб қолди.

Ҳар бир бастакорнинг ўз йўналиши бор. Миллий мусиқаларни жон дилидан севган Абдуҳошимнинг ҳам мусиқа соҳасида ўз йўли бор. Янги истеъдодни бир кўришдаёқ пайқаб оладиган устоз санъаткор Юнус Ражабий 1974 йили уни Ўзбекистон радиоси қошидаги мақомчилар жамоаси сафига қабул қилди. Мана, 30 йилдан ошибдики, Абдуҳошим шу даргоҳда ишлаб келмоқда. У устозлар даврасида ўсди, улғайди, камол топди. Ҳозирда «Мақом» ансамблига раҳбарлик қилмоқда. 300 дан ортиқ куй ва қўшиқлар яратиб, бир қанча шогирдларига ўргатди, устозлик қилди. Бу ансамбль унинг бутун вужуди ва қалбидан жой олган. Жамоа билан самарали ишлаб, мақом тарихини тинмай ўрганиб, унинг ҳар бир тўпламини магнит тасмасига туширди, пластинкаларга ёздирди. Яна қанча куйлар, янги-янги қўшиқлар, куйлар яратиш устида тинмай изланишлар олиб бораётир.

Озода Назарова: — Абдуҳошим ака, созанда, аниқроғи, ғижжакчи бўлишингизга нима сабаб бўлган?

Абдуҳошим Исмоилов: — Умуман, санъат ҳар бир инсон қалбини ларзага келтира оладиган, вужудини титратадиган инсон юрагига ҳаво орқали эмас, руҳ орқали етиб борадиган мўъжиза.

Озодахон, бувамиз, онамнинг дадалари уста Расулжума бобомиз санъаткор бўлганлар. Устозларим — Абдуқодир найчи, Юнус Ражабий, Дадахўжа Сатторхўжаев, Фанижон Тошматов, Саиджон Қаландаровлар бувамнинг шогирдлари бўлган.

Бу ҳақда Дадахўжа ака билан Фанижон ака кўп гапиришарди. «Сенинг бувангнинг уйида кўп бўлганмиз. Сени бувангдан кўп нарса эшитганмиз». Фанижон ака «Сени тоғанг бор эди. Бувангни ўғли — Комилжон, улар билан мен театрда ишлаганман», — дерди ҳурмат билан.

Жуманазар Бекжонов раҳматлик яна бир тоғам Омон акани кўп эсларди. Демак, санъатга, куйга, созга меҳр менинг қонимда бўлган.

Умуман, бувамизнинг 11 фарзанди бўлган. Бир куни бувамизникидан ғижжакларини ўғирлаб келдим. Орадан 3-4 кун ўтгач бувам уйга келиб, онамга «Менга қара қизим, шу сени маҳаллангдан ўғри чиқибди. 2—3 кундан бери ғижжаким йўқ» дедилар, менга қараб қўйиб. Шунда онам: «Дадажон, қозонда бўлгандан кейин чўмичга чиқади-да, қонда бор-да. Ўғри олдингизда ўтирибди» деб ҳазиллашдилар.

Ўша пайтда бувамиз 90—91 ёшларда эдилар. Ана шунда дуо қилдилар: «Ўғлим, шу касбга қизиқибсан-да». Ғижжакка ишқибозмисан?» — деб сўрадилар. «Ҳа» — дедим. «Рубоб чалардинг-ку?» — дедилар. «Негадир, жудаям ғижжак чалгим келяпти» — дедим.

«Унда, болам гап бундай, ҳамон ғижжакчи бўладиган бўлсанг биринчи қиладиган ишинг шу бўлсинки, созни асло нопок қўлга олма. Энди сенинг ҳалол ризқинг — сени, оилангни боқадиган, сени элга танитадиган бир нон».

Бу бувамнинг менга берган оқ фотиҳаси эди. Худога шукр, бу насиҳатдан четга чиққанамиз йўқ.

Бу соз — мўъжиза. Ғижжакнинг қулоғига бойланган совуқ сим иссиқ қалбли одамларни тебратадиган соз. Ундан ташқари 4 та сими бориб қадаладиган жойи сенинг қалбингга жуда яқин туради. Сенинг панжанг ғижжакни тепа пардасини ушлагандагина ўша қалб билан, юрагинг билан тортишув гўзаллашади. Мана, баъзилар айтишадики, ошни иложи борича қўлда энг, қошиқда еманг. Чунки, қўлнинг учигаги маззани сезадиган нуқталар ҳам роҳат олади. Инсоннинг организмга қўй ёғидан бўлган ошни фойдаси тегади деб, ош қўлда ейилган. Қўлларда жозоба, мўъжиза бор. Ана шу, қалбингга яқин келганда, қўлинг-

даги мўъжизалар уйғунлашиб, рўпарангдаги шинавандани тебратадиган ғижжак бу. Шу мўъжизанинг эгаси бўламан десанг, буни биринчи ўзинг учун чал. Сен чалаётган ғижжагингни куйидан руҳинг маст бўлиб, мазза қилсин. Сен мазза қилганингни кўрган рўпарангдаги шинавандалар ҳам мазза қилади, деган эдилар.

О.Н: — Энди менда битта савол туғилди. Мана ғижжакни жон-жаҳдингиз билан чаласиз-а. Чалганингизда мусиқанинг авж нуқтасида шундай бир илҳом келадики, ўзга оламда юргандек бўлиб кетасиз?

Бу энди табиий ички туйғуми ёки томшабинни завқлантиришга бўлган ҳаракатми?

А.И: — Бу ички туйғу. Бу ҳамма вақт ҳам келавермайди. Илоҳий жозибали туйғу. Баъзан дилга бир куй келадики, буни ўзимга сингдиrolмайман. Буни чиқариб, чалиб, мухлислар эътиборига ҳавола қилганимдан кейин енгил нафас оламан.

О.Н: — Сиз устозсиз. Ўзбекистон Халқ артистисиз, сизни халқ артисти даражасига кўтарган устозларингиз ҳақида тингловчиларимизга бир-икки оғиз сўзлаб берсангиз.

А.И: — Устоз отангдек улуғ бўлади. «Баёт»ни мен Юнус акамни қўлларига келганимда ўрганган эдим. У киши «Баёт»ни айтиб берди. Уни ўргангач бувамга бориб «Баёт»ни хиргойи қилиб бераман», дедим. «Ия, яхши-ку, қани», — дедилар.

Хиргойи қилдим. Бувамлар «жуда чиройли олибсан-ку, жуда ўзи бўляпти-ку. Қани қолган авжларни ҳам чал-чи?» дедилар. Мен энди куйни атайлаб бузиб чалдим. Энди бувамнинг хиргойисини эшитмоқчийдим-да. Шунда бувам: «Тўхтат, бунинг бошқача варианты ҳам бор», — дедилар. Жўрахон Султонов айтган вариант.

Бувам Содирхон ушшоқ ижро қилган, тожикча вариантини айтдилар, — Форсийча... Жомийга Навоийнинг мухаммасини айтдилар. Бу санъатнинг кичик бир учқуни. Шундан келиб чиқадики, миллий мусиқаимизнинг қирралари кўп, оҳанглари гўзал. Шунинг учун устозларимни ҳурмат қиламан.

Саволингизга келсак, ютуқларимда устозларимиз хизмати беқиёс.

Бир куни Таваккал Қодиров: «Болам, анча бўлди, запись қилмаганимга. Бир запись қилишим керак», дедилар. Бажонидил рози бўлдим. Студияда истеъдодли овоз режиссёри Анвар Тожиев билан бирга, албатта.

Таваккал акамдан нима ёзамиз деб сўрадим. «Кичик бир лапар. Уни лапар сифатида ҳам, классик қўшиқ сифатида ҳам айтиш мумкин», дедилар. Бу «тановар» дедим. «Э, тановар»ни мингтаси айтган, дедилар ҳафсаласи пир бўлиб. — «Тановар»ни

ижро қилишдан олдин кўз олдингизга Мукаррама Турғунбоевани келтиринг».

— Мукаррама опа бошига рўмолни дол қўйган, беқасам тўнда, ўсма-сурмалар жойида. Кулоқларининг ёнида гажак. Бўйларини ғоз тутиб, саҳнага «Тановар» рақсига чиқиб келяпти. Опанинг шу хиромининг ўзи сизга илҳом бермайдими? Гўёки, опа сизнинг олдингизда жонли ҳолатда ўйинга тушяптилар. Қаранг, Неъматжон Қулабдуллаев қандай гўзал қилиб айтган. Нега энди сиз... — деб қитиғига тегдим.

— Бўлди, бўлди, эй, айтаман.

Ана шу «Тановар» мумтоз бўлиб қолди. Таваккал акамнинг ижролари бетакрор ижро бўлиб қолди. Бўлмаса халқона тўйларда, концертларда ҳар хил ҳолатларда айтилиб юрилаваради. Менимча, мумтоз қўшиқ-куйларимизни дуч келган ҳаваскор ҳар тарзда ижро этиб, қадр-қимматини йўқотиб қўйяпти. Ёшлардан илтимос қилардимки, бирорта қўшиқни, миллий қўшиқни айтишдан олдин, синчиклаб ўрган, меҳнатдан қочма. Сен санъатни қандай азиз тутсанг, сени эл эъзозлайди.



МАҚОМ — ДУРДОНА АСАРЛАР ЖАМЛАНМАСИ



Султонпошша Ўдаева 1956 йилнинг 20 ноябрида Хоразм вилоятининг Янгибозор қишлоғида туғилган. Хонанда ўқувчилик давларидаёқ Янгибозор қишлоғидаги «Наврўз» ансамблида иштирок этган. Ҳозирда Муҳиддин Қори Ёқубов номидаги ўзбек концерт бирлашмасининг яккахон хонандаси. Туркия, АҚШ, Корея, Югославия, Озарбайжон каби бир қанча чет мамлакатларда гастроль сафарларида бўлган. Турмуш ўртоғи Сафарбой ака билан икки фарзандни тарбиялаб вояга етказдилар.

Озода Назарова: — Ўзингизни санъаткорлар ичида омадли, деб ҳисоблайсизми?

Султонпошша Ўдаева: — Албатта, болалигимдаёқ менга санъатни тушунадиган, уни қадрлайдиган инсонлар рўбарў келди. Масалан, ўрта мактабда директоримиз... У киши мени кўп бора қўллаб-қувватладилар.

О.Н: — Сизни қайси кўшиқчилик мактаби ўзига мафтун этади?

С.Ў: — Менимча, уларнинг барчаси ўзига хос. Мақом — дурдона асарлар жамланмаси. Фольклор йўналиши ҳам ўзига хос. Бугун эса эстрада жанри ривожланиб борапти. Булардан ташқари қардош халқлар мусиқа санъатига ҳам қизиқаман. Озарбайжон, турк, форс ҳинд кўшиқларини яхши кўраман.

О.Н: — Санъаткор бўлмаганингизда қайси касбни танлар эдингиз?

С.Ў: — Ўқитувчи бўлардим. Мусиқа фанидан...

О.Н: — Бугунги кунга қадар энг яхши кўшиғимни ижро этдим, деб ўйлайсизми?

С.Ў: — Инсон ёши улғайган сари ўтган давридаги камчиликларини англаб бораркан. Ёшлигимда ижро этган кўшиқларимдан кўнглим тўлмаганлари ҳам бор. Эндиги кўшиқларим

сара қўшиқлар сифатида халқимиз кўнглида қолса деб умид қиламан.

О.Н: — Сиз санъаткор одоби деганда нимани тушунасиз?

С.Ў: — Одамлар санъаткорга ҳавас билан қарайди. Ундан ўрнак олади. Шундай экан, санъаткор ҳар жиҳатдан бошқаларга ўрнак бўла олиши керак. Кийиниши, юриш-туриши, гапирётган гапи, муомала маданияти юксак даражада бўлса бу санъаткорнинг ютуғи.

О.Н: — Репертуарингиздаги халқимизга манзур бўлган «Оқ илон, оппоқ илон» деб бошланган қўшиғингизнинг яратилиш тарихи ҳақида тўхталсангиз.


С.Ў: — Бир куни шоира Зулфия Мўминовадан «Оқ илон, оппоқ илон» деб бошланган халқ қўшиғини эпиграф қилиб бир шеър ёзиб беришини илтимос қилдим. Зулфияхон дарду ҳисларини қўшиб ажойиб шеър яратдилар. Шу йўсинда халқимизга манзур бир қўшиқ дунёга келди. Мамлакатимизнинг қай бир гўшасида сафарда бўлмайин мухлислар ушбу қўшиғимни такрор айтишимни сўрашади.

О.Н: — Санъаткор учун оила муҳимми ёки ижод?

С.Ў: — Ҳар бир аёлнинг бахти ва орзуларининг рўёби оила билан. Аёлнинг кўрки ҳам оила билан. Менимча, санъаткор аёл учун аввало оила муҳим.



ТАСМАГА ТУШГАН ОВОЗЛАР



Овоз режиссёри — бу мусиқани тўла тушунадиган, микрофонда созларни бир-бирига ҳамоҳанг қилиб ёзиб оладиган, овоз ёзиш техникасини тўла ўзлаштириб, унинг барча имкониятларидан самарали фойдаланадиган мутахассисдир. Овоз режиссёрининг эшитиш қобилияти ниҳоятда кучли ва сезгир бўлиши талаб этилади. Масалан, симфония, оратория, оперетта, мусиқали драма сингари кўп созлар иштирок этадиган асарларда ҳар бир чолғунинг асосини аниқ эшита оладиган овоз режиссёригина асарни сифатли ёзиб олиши мумкин.

Ана шундай касб усталаридан бири Анвар Тожиевдир.

У Тошкент шаҳрида туғилган. Отаси — Ўзбекистон халқ артисти Жўра Тожиев биринчи устози бўлган. Отасининг ёрдамида 6 ёшдан бошлаб, 30 дан ортиқ бадиий фильмларда болалар ролларига овоз берди, радио асарларида қатнашди.

Озода Назарова: — Анвар ака, радио эфирларда янграётган мусиқа, қўшиқлар қўйингки, эшиттиришларни ёзиб олишни овоз режиссёрисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бунга, албатта, режиссёр керак, бошқарувчи керак. Мана, сиз кўп йиллардан бери овоз режиссёри бўлиб ишляяпсиз, радио орқали мусиқа тарғиботига ўз ҳиссангизни қўшяпсиз. Бу касбни ўргатадиган даргоҳ борми?

Анвар Тожиев: — Бу соҳага кириб келишим жуда қизиқ бўлган. Мен 6 ёшимда ҳозирги Миллий театримизни тепасида «Ватан» кинотеатри бўларди. Шу ерда кечаси фильмлар дубляж қилинарди. Рус тилидаги фильмларни ўзбек тилига таржима қилишарди. Болалар образига овоз бериш учун мени жалб қилганларида ҳали ҳарф танимасдим. 6 ёшимда микрофоннинг олдида турғазиб қўйиб, «у дейсан, бу дейсан» деб Борий Ҳайдаров, Собир ака Искандаров деган режиссёрлар сўз ўргатарди.

Ўша пайтда режиссёр Ўлмас ака Мусаев, Роза опа Фатхидиноваларнинг хатти-ҳаракатлари, югуриб-елишларига ҳавасим келган, шекилли, режиссёрлик касбига меҳрим ортди. Мактабни битиргач, отам мени граммофонга ёзиш студиясига олиб бордилар. Наби ака Ҳасановга шогирдликка бердилар. Чунки, адамлар радиода эртак, спектакллар ўқиганда Наби акам ёзардилар. Уларнинг хулқ-атвори ёққанми, Наби аканинг артистларга муомаласи яхши эди. Шу бола ўхшасин, шунинг касбини ўргансин, деб мени олиб келдилар. Шу ўғлимни сизга тарбияга бердим, касбингизни ўргансин, деб айтдилар. Наби акам дарров хурсанд бўлиб, «Ие, ўзим энди ўрганияпман-ку, ҳали менда ҳам шогирд бўладими?!», деб ҳижолатомуз қабул қилдилар.

Игорь Вияцептовни эса иккинчи устозим десам бўлади. Ундан дарс олдим. Унинг курсларида ўқидим. Ҳар йили «Мелодия» фирмасининг конкурси бўларди. Шунда овоз режиссёрининг ишини баҳоловчи «Йил бўйи ким зўр ёзув қилган» деган маънодаги конкурс бўларди. Мен ана шу танловда қатнашишга жазм қилдим. Совринли ўринни олдим.

Консерваториянинг доценти Абдурахим ака билан «Дугоҳ», «Сегоҳ» мақомларининг мусиқали қисмини «Мелодия» фирмасида ишладим. Бутун соз, ҳар бир товуш устида ишладим. Ленинградда танловда қатнашдим. У ерда атоқли бастакорлар Пахмутова, Став Наймон, режиссёрлардан ташқари бошқа санъат вакиллари ҳам ўтиришарди. Мақомда бунақанги товушларнинг берилиши, қўшналарнинг садосини эшитиб, жуда ҳам ҳайрон бўлишди.

Став Наймон келди-да, Пахмутова билан гаплашди. «Бу қандай асбоб, ахир бу илоҳий товуш-ку» деб қўшнай овозидан лол қолишди. Мен 2 та қамишни пуфласа, шунақа товуш чиқаради, дедим. «Йўғ-е, қамишдан шу овоз чиқса, қандай ёздинг», — деб мени сўроққа тутишди. Хуллас, ушбу танловда 1-ўринни олиб келдим. Мен касбимни жуда яхши кўраман. 1-муваффақиятим шу бўлган.

Ундан сўнг танловларда қатнашишга чўчимайдиган бўлдим. ЮНЕСКОнинг Мўғилистон пойтахти Улан Баторда ўтказилган мусиқа танловига мусиқашунос олим Отаназар Матназаров Ўзбекистон халқ ҳозифи Фаттоҳхон Мамадалиев билан бирга мени ҳам олиб боришди. Фаттоҳхон ака бу танловда мен магнит тасмасига ёзиб олган «Дарди дилим» кўшигини ижро этиши керак эди. Бутун дунёдан хонанда-ю созандалар иштирок этишган бу танловда ҳар бир куй ва кўшиқни тўлиқ ижро этишнинг ҳам, тинглашнинг ҳам имкони йўқ эди. Шу боис,

ҳакамлар қўшиқларнинг асосан авж пардаларини эшитишга қарор қилишибди.

«Дарди дилим»нинг ҳам қисқа жойини эшитган, танлов ҳайъати шу ашулани бошидан охиригача эшитамиз, дейишибди ва бу асар 1-ўринга лойиқ топилибди.

Ундан кейин фильмлар учун анча мусиқалар тайёрладим. «Мунис онам» бадиий фильмининг овоз режиссёри бўлдим.

О.Н: — Кўпгина фильмларда дубляжда қатнашгансиз-а?

А.Т: — 30 га яқин фильмларда қатнашганман. Баъзи фильмларда роль ҳам ижро этганман. «Стадионда учрашамиз» фильмида Наби Раҳимовнинг ўғиллари Ўткирни ўйнаганман. Ёқуб Аҳмедов, Луяков каби машҳур актёрлар қатнашган «Фурқат» фильмида Садриддин Айний образини режиссёр Йўлдош Аъзамов менга топширган эди.

Овоз режиссёри касби жуда қизиқ, биз ҳозир консерваторияда ёшларга бу касб сирларини ўргатаймиз. Бунинг қизиқ томонини ҳам, техникавий томонини ҳам яхши билиш керак. Хушмуомала бўлиши ҳам керак. Куйни, хонандани, овозни эшита билиши, ижрочини ўзига ишонтира олиши ҳам керак. Баъзи ҳофизларга секин-аста ўргатиш керак. Булар касбимизнинг машаққатли томонлари.

О.Н: — Сиз пультада ўтирасиз, ёнингизда овоз ёзишга кўп овозли камера оркестри келади. Хор, болалар хорлари келади. Шу барча жамоа аъзоларининг овозларини ёзишда оҳангини эшитишга қандай эришасиз? Овоз режиссёрида мусиқа билими бўлиши шартми?

А.Т: — Албатта шарт. Кейин пультага ўтирганимда кўзим ожиздек бўлиб қолади. Биласиз, кўзи ожиз кишининг қулоғи ниҳоятда яхши эшитади. Бутун диққатимни шу ишга жалб қиламан. Кейин ҳар бир мисраларни кичик ёш боладек қабул қиламан.

Биттасини кўтариб, ғижжакнинг ўзини тўлиқ сошлаб оламан, кейин найга ўтаман. Кейин ғижжак билан қўшнаини битта товушга келтиришим керак. Шуларни ҳаммасини букет қилиб олиш керак. Буни жуда аниқ қилиб белгилаш керак.

Энг муҳими, режиссёрнинг юраги тўғри уриши керак. Шунда у ҳар бир оҳангни ўз ўрнида илғаб олади.



МАҚОМНИНГ «ИЛДИЗИ» БАҚУВВАТ

«Теран томир» тароналар халқимизнинг бебаҳо санъат ганжинасига айланган. Бугунги кунда мумтоз кўшиқларимизни маромига етказиб ижро этиб, мухлислари меҳрига сазовор бўлган ширали овоз соҳиби, хонанда Маҳмуджон Йўлдошев 1953 йилнинг 11 августида Андижон вилоятининг Избоскан туманида таваллуд топган.

Халқимизда «Бўлар бола бошидан маълум» деган ҳикмат бор. Маҳмуджонда ҳам кўшиққа меҳр болалигидан бошланган. Бу меҳрни унинг мурғак қалбига мусиқа муаллими Ҳайдаржон ака Раҳимов солган. Оёқ-қўли чаққонгина болакайдаги мусиқий салоҳиятини пайқаган Ҳайдар ака у билан алоҳида шуғулланди. Рубоб чалишни эринмай ўргатди, кўшиқ айттириб, маҳоратини синаб кўрди. Мактабдаги тadbирларга уни фаолроқ бўлишга ундади. Шундан сўнг Маҳмуджон қишлоқдаги, туман миқёсидаги байрамларда кўшиқ айтадиган бўлди. «Марҳабо талантлар» танловида устозлар назарига тушди. Мактабни тугатгач, 1972 йили Маҳмуджон Йўлдошев Андижон шаҳридаги Тўхтасин Жалилов номли мусиқа билим юртини мавафқиятли битириб, мактабда мусиқадан ўқувчиларга сабоқ берди. 1979 йилда эса уни Андижон давлат филармониясига ишга таклиф қилишди. Филармонияда у яккагон хонанда бўлиб фаолият юритди. Маҳмуджоннинг маҳоратли хонанда бўлиб етишишида устозлари Ўзбекистон халқ ҳофизлари Орифхон Ҳотамов, Эсон Лутфуллаев ва Абдуҳошим Исмоиловларнинг хизмати беқиёс.

Маҳмуджон Йўлдошев ижрочилик фаолияти мобайнида юздан ортиқ кўшиқларни магнит тасмасига ёзишга муяссар бўлди.

2000 йилда «Ўзбекистон халқ ҳофизи» деган юксак унвон соҳиби бўлди. Бу унинг камтарин меҳнатига халқимиз, ҳукуматимизнинг берган юксак баҳоси эди. М. Йўлдошев шу кунларда мақом ансамблида ёшларга устозлик қиляпти.

Озода НАЗАРОВА: — Бизга маълумки, «Мақом»ларимизнинг аксарияти мумтоз шоирларимизнинг шеър ва ғазаллари асосида яратилган. Замондош шоирларимизнинг ғазалларидан ҳам мумтоз ашулачиликда фойдаланса бўладими?

Маҳмуджон Йўлдошев: — Мақомчилик жуда узоқ тарихга бориб тақалади. Шунинг учун мақомлар мумтоз шоирларнинг ғазалларига мослаб басталанган. Аслида «Мақом» танбур пардасида яратилган.

Энди ҳозирги замон шоирларининг ғазаллари тушадими, деган саволингизга, аруз вазнида ёзилган ғазалларни танлаб, чиройли, мумтоз мақом куйларига мослаб айтса бўлади. Масалан, Эркин Воҳидовнинг ғазалларида куйланган ўзимнинг «Шашмақом»да айtilган «Соқиномалар»им бор. «Талқин», «Талқинча», шуларга вазни тўғри келса, ғазалларнинг маъноси ҳам чуқурроқ бўлса, нур устига нур бўлади.

О.Н: — Ижро овоз пардаларига ҳам қарайдими?

М.Й: — Албатта-да.

О.Н: — Масалан, баъзилар овоз пардалари етса-етмаса ҳам куйлайверишади. Баланд пардада эмас, паст пардада ҳам куйласа бўлар экан-да?

М.Й: — Албатта. Овоз пардага урадиган бўлиши шарт эмас. Бу тонер, баритон, барс дейилади. Ўша баритон овозда айтadиган қўшиқчи укаларимиз ҳозир сероб.

О.Н: — Ёшларимиз «мақом» ашулаларини эстрада йўлига солиб айтишмоқда. Сиз бунга қандай қарайсиз?

М.Й: — Битта томони бор. Чинакам мақом ҳидини бериб турадиган қилиб ижро этолса, майли айтсин. Бузиб ижро этилган қўшиқ эстрада йўлида айтиладиган бўлса, айнан ўшандай чиқмайди, шира бермайди. Мусиқани ҳам ўзимизнинг миллий асбоблардаги каби чала олмаса, барибир чиқмайди. Масалан, гитаралар... Улар ҳақиқий юрагимизга тегадиган созлар эмас. Майли, ёшлар айтяпти, ҳавас қилиб, яхши кўриб айтяптими, бу яхши. Фақат бузмасдан, ҳеч бўлмаганда хонанда овозининг ҳидини бериб айтсин. Халқни манзур қилиб куйласа, биз қарши эмасмиз.

О.Н: — Ҳозирги кунда «мақом» ижрочилари етарли деб ўйлайсизми?

М.Й: — Минг шукрки, бугун ҳақиқий «Мақом» ижрочиларини топса бўлади. Мақом талабларини юракдан ҳис қилиб куйлаётган қизларимиз, йигитларимиз бор. Фақат, афсуски, мақомларимизнинг, мумтоз қўшиқларимизнинг «реклама»си — тарғиботи камроқ бўляпти. Мумтоз қўшиқчилигимизнинг, ма-

қомнинг илдизи бақувват. У ҳеч қачон йўқ бўлмайди, бундай дейишга ҳеч кимнинг ҳаққи ҳам йўқ.

О.Н: — Мақом санъатининг келажагини — қандай тасаввур қиласиз?

М.Й: — Юқорида айтиб ўтдим, «Мақом»нинг илдизи бақувват. Чунки ҳар бир ўзбек «Мақом», классик мусиқаларимиз ижро этилаётганда бефарқ бўлмайди, берилиб тинглайди. Ёшингиз ўтиб борган сари мумтоз қўшиқларимизга мойиллик сезилиб борилаверар экан. Ўзликни танишимиз шу бўлса керак.



ВАТАНГА ПАЙВАНД ДИЛИМ



Матлуба Дадабоева 1955 йил 15 октябр куни Наманган вилояти, Чуст туманида таваллуд топган. Матлуба 1973 йилда Тошкент Давлат Санъат институтининг мусиқали драма факультетига ўқишга кириб, 1978 йилда уни муваффақиятли битиради. Ўқиш билан бир қаторда Ўзбекистон радиоси қошидаги Дони Зокиров номли халқ чолғу оркестрида ишлайди. Оркестрда бир неча кўшиқларни ўрганиб, радиода ва теле экранлар орқали ўз санъатини намойиш этди. 1980 йилда Матлубахонни Юнус Ражабий номли мақом дастасига ишга таклиф қилишди. Бу ансамблда у устозлари Коммуна Исмоилова, Турғун Алиматов, Орифхон Алимаҳсумов, Орифхон Ҳотамов, Абдуҳошим Исмоиловлардан бир неча кўшиқларни ўрганиб ва мақом куйларини маромига етказиб ижро этди ҳамда радио олтин фондига ёздирди. Матлуба Дадабоева Франция, Белгия, Дания, Швейцария, Индонезия, Ҳиндистон каби мамлакатларда ўз маҳоратини намойиш этди.

Озода Назарова: — Матлубахон, кимларни ўзингизга устоз деб биласиз?

Матлуба Дадабоева: — Тингловчиларим ҳам яхши билишадди, менинг мукамал фикр юритишга ўрганишимда, санъатнинг сирларини мукамал ўрганишда, мукамал ижрочи бўлиб етишимда устозлик қилган инсон марҳум Орифхон ака Ҳотамов, ҳамда Ўзбекистон халқ артисти Дони Зокиров бўлган. Дони ака ҳам, Орифхон ака ҳам энг покиза инсонлар бўлишган. Бизга нафақат кўшиқчиликда, ҳаётда ҳам ўзимизни қанақа тутишимизни ўргатиб кетишди. Ҳозир устозларим Мустафо Бафоев, Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов улар билан биргаликда ишляпмиз.

О.Н: — Сиз мақом кўшиқларини ҳам маромига етказиб куйлайсиз. Бу осон бўлмаса керак ?

М.Д: — Албатта, осон эмас. Бунинг устида кўп ишлаш керак. Аввало, кўшиқнинг матнини чуқур тушуниб олиш керак.

Қўшиқчи нима деяётганини халққа тушунтириб, етказиб бериши керак. Ашула юракдан айтилса, айтаётган қўшиқ, шеър матнини тушуниб етса, мен ўйлайманки, ўша қўшиқ халққа тез етиб боради.

О.Н: — Ҳозир сиз ижро этган қўшиқларингизда шеър матни, мусиқа жанри, ижро услубларига қандай қарайсиз?

М.Д: — Баъзан ранжиб қоламан, радиода ёки телевидениеда айрим хонандаларимиз, айрим қўшиқларни куйлаганда сўзни хато талаффуз қилишади. Ваҳоланки, битта сўзнинг ўзи қўшиқ мазмунини бузиб ташлайди. Шунинг учун биринчи навбатда нима қилиш керак, аввало, қўшиқ матни билан яхшилаб танишиб, ўрганиб чиқиш керак. Тушунмаганларини сўрашлари керак.

О.Н: — Репертуарингиз жуда ҳам ранг-баранг. Ижро этган қўшиқларингиздан, куйларингиздан кўнглингиз тўладими?

М.Д: — Айримларидан тўлмайди ҳам. Ватан ҳақидаги қўшиқларимдан доим кўнглим тўлади. Нимага деганда мақом қўшиқлари ўзи бир меросга айланган. Уларга ҳеч тегиб бўлмайди. Мақом менинг жони дилим, мақом менинг қонимда бор, деб ўйлайман-да. Шунинг учун мақомни меъёрида ижро этдим, деб ўйлайман. Баъзида бастакорларимиз қўшиқ ёзиб, менга тақдим қилганларида менга ўша қўшиқнинг матни ёқмайди, нимадан-дир кўнглим тўлмайди-да. Ёки ўша пайтда қанақадир кўнглим тўлмасдан айтаман. Қўшиқчининг ўз характери бўлади, лекин характеримга мос тушмаган қўшиқларим ҳам бор. Бу, албатта, ёшлик даврларимда, гўрлик пайтларимда ижро этган қўшиқларим. Ўшалардан кўнглим тўлмаган.

О.Н: — Эстрада жанрида ҳам куйлаб кўрганмисиз?

М.Д: — Эстрадада куйлаганман. Қаҳрамон Комилов мусиқаси билан бир қўшиқ айтганман. «Шўх тароналар» деган. У ҳам ёмон эмас, яхши ижод қилса бўлади. Албатта, ижодкор серқирра бўлиши керак. Эстрада асло чет эл мусиқасини олиб, унга сўз қўйиб айтиш эмас. Мана, Ботир ака Зокиров, Муҳаббат Шамаевалар айтган миллий эстрада қўшиқларимизни қаранг. Уларни эшитган сайин эшитгингиз келаверади.

О.Н: — Абдулла Қодирий номидаги Тошкент маданият институтида ҳам ишлар экансиз, қўшиқчиликнинг қайси турини талабаларга ўргатмоқдасиз?

М.Д: — Йиллар ўтиб, ўзим ҳам устоз бўлиб қолибман. Устозларимдан нимаки ўрганган бўлсам мен ҳам талабаларга шу нарсаларни ўргатайман. Албатта, ўша ўзимизнинг анъанавий қўшиқларимиз, ота-боболаримиз куйлаб кетган қўшиқларни фарзандларимизга ўргатишга ҳаракат қиляйман. Келажакда мақомчи бўлиш ниятидагиларга мақом йўлларини ўргатиб борап-

ман. Ажаб эмас, келажакда ёшлар мақомчи бўлиб, мақом ансамблларида ишлашса, мен ўзимни жуда ҳам бахтиёр деб ҳисоблар эдим.

О.Н: — Томошабин ёки тингловчининг мақомга бўлган қизиқишини қайси йўллар билан орттириш мумкин?

М.Д: — Авваламбор, радио, телевидениеда тарғибот йўли билан. Радиода бундай эшиттиришлар жуда ҳам кўп кетяпти. Телевидениедаги «Олтин мерос», «Оҳанграбо» каби кўрсатувлар халқимизга маъқул. Бундай кўрсатув ва эшиттиришлар кўпроқ бериб борилса, айти муддао бўларди.

М.Д: — Юқорида айтиб ўтдим, «Мақом»нинг илдизи бақувват. Чунки ҳар бир ўзбек «Мақом», классик мусиқаларимиз ижро этилаётганда бефарқ бўлмайди, берилиб тинглайди. Ёшингиз ўтиб борган сари мумтоз қўшиқларимизга мойиллик сезилиб борилаверар экан. Ўзликни танишимиз шу бўлса керак.



ОТ ИЗИНИ ТОЙ БОСАР

Абдуллажон Ғофуров болалик даврларида Ғуломжонга эр-гашиб маданият уйларидаги тўғарақларга қатнаша бошлаганида санъатга ихлос қўйган эди. Бу ихлос уни енгил саноат институтини тамомлаб, мутахассислик дипломини олганда ҳам тарк этмади. Қалби, вужуди санъатга берилгани учун шу соҳа йўлидан кетди. Илгарилари ҳаваскор сифатида машҳур ҳофизлар ижро этган ашулаларни хиргойи қилиб юрган бўлса, энди бу ишга жиддийроқ киришди. Акасининг ёрдамида бошқаларга ўхшамаган, уларга тақлид қилмаган ҳолда ўз овози билан ашула айта бошлади. У, аввало мумтоз ва замонавий шоирларнинг шеърлари билан айтилаётган ашула ва қўшиқларнинг матнига эътибор бера бошлади. Тўғри талаффуз шеърнинг маъносига етиб, уни ижро этиш, тингловчида чуқур таассурот қолдиришини англаб етди. Ижод даврида бунга қунт билан амал қилди. Натижада у ижро этган ашулалар халққа манзур бўла бошлади. Саҳнага чиққанида ўзини тута билиши, ички маданияти, ҳар бир сўзнинг тингловчиларга тушунарли бўлиши, ижро услуби унга ҳурмат келтира бошлади. Қарангки, 1975 йилда ўтказилган Республика бадий ҳаваскорлар танловида қатнашиб, ғолиб бўлди. Ана шундан сўнг унинг санъатга бўлган ҳаваси янада ортди. Қунт ва қизиқиш билан изланишда бўлди, мумтоз ва халқ қўшиқларини яна-да эътиборли, пишиқ-пухта ижро этадиган бўлди. Номи тилга тушиб, ихлосмандлари кўпайди. Бу йиллари ўзи Зангиота тумани маданият уйида бадий раҳбар бўлиб ишлай бошлади. Ёшларга устозлик қилиб, санъат сирларини ўргатди. Мутахассислиги бошқа бўлганлиги сабабли санъатга оид китобларни кўп ўқиди. Мумтоз ашулалар билимдони Ўзбекистон халқ ҳофизлари Орифхон Ҳотамов, Фаттоҳон Мамадалиевлар билан тез-тез учрашиб, улардан ижрочилик маҳоратларини ўрганди. 1980 йили республика «Мақом» кўрик танловида қатнашиб, унинг ҳам ғолиби бўлди. Энди Абдулла-

жон озарбайжон, тожик тилларида ҳам ашулалар айтиб, репертуарини кенгайтирди. «Интилганга толе ёр», дейди доно халқимиз. Абдуллажон интилди, ҳаракатда бўлди. Тинмай изланди, ўз билимини ошириш устида ишлади, ашула айтишдан чарчамади. Натижада бу соҳани мукамал ўзлаштирди. Унинг санъатидан радио ва телевидение орқали минглаб радиотингловчилар баҳраманд бўла бошлади. Абдуллажон Ғофуровнинг ўгли Абдусамад ҳам отаси йўлидан бориб, унинг касбини эгаллади. У ҳам ҳозирги пайтда отасига ҳамоҳанг бўлиб, концертларда фаол иштирок этиб келаётир.

Озода Назарова: — Аввал созанда эдингиз, энди кўшиқ куйлаяпсиз?

Абдуллажон Ғофуров: — Гапингиз тўғри, ўша даврларда мен созанда эдим. Доирани яхши чалар эдим. Устозларимдан Ғулломжон ака Ҳожикүлов, Ғаттоҳжон ака, Орифжон ака, Эшмат Ҳайдаров, Турғун Каримов деган ҳофизлар билан ҳамкорлик қилганмиз. Шу давргача ўша устозлар мактабини ўрганиб, ўзимиз ҳам ҳофизлик даражасига етиб келяпмиз.

О.Н: — Санъат соҳасига қизиқишингизга оилавий муҳит сабабчи бўлганми?

А.Ғ: — Оиламизда санъаткорлар бўлмаган-у, лекин онамиз билан отамиз санъатни жуда яхши кўрардилар. Ўша даврда Ортиқхўжа Имомхўжаев, Маъруфхўжа Баҳодиров деган устозларимизни жуда ҳурмат билан эшитишарди. Ният қилган эканлар, менинг фарзандларим ҳам шуларнинг қаторида яхши санъаткорлар бўлсин, деб. Худога шукур, мана шу кунларга етиб келдик.

О.Н: — Сизни телеэкранларда, радиода, байрам тадбирларида кўшиқ айтганингизни кузатаман. Доимо кўлингизда танбур, тор, миллий мусиқа асбоблари ҳамда ғижжак созида акангиз Ғуллом ака Ғофуров жўрлигида кўшиқ айтасизлар. Нима учун кўпроқ миллий оҳангда кўшиқ куйлашни ёқтирасизлар?

А.Ғ: — Инсон ўзининг тарихини, адабиётини билмагунча, албатта, яхши кўшиқчи бўлмайди. Шунинг учун биз ёшлигимиздан ўша мактабни ўрганиб келдик. Ҳозиргача ҳам ўрганияпмиз. Орифжон акам, Жўрахон акам, Маъмуржон акам бутун юлдуз санъаткорларнинг кўшиқларини ҳаммасини ўрганиб келяпмиз. Ўша даврларда уларга жўравоз бўлиб юрдик.

О.Н: — Абдуллажон ака, кўшиқ ижро этишингизда овоз жуда катта аҳамиятга эга. Овозни бир маромда сақлаб юриш учун нималарга эътибор бериш керак?

А.Ғ: — Авваламбор, Худо берган овоз бўлиши керак. Озгинагина Худо берган экан беҳисоб шукур, шу овоз билан халқ-

қа хизмат қилиб келяпмиз. Овозни бир маромда сақлаш учун пок юриш керак. Биринчидан, иссиқ-совуқлардан эҳтиёт қилиш керак. Қолаверса, баланд пардали ашулаларни тўсатдан айтиш керак эмас. Нарвонга қандоқ чиқса, овозни ҳам шундай авайлаш керак.

О.Н: — Халқ кўшиқларимиз жуда кўп. Уларда кўпроқ «вой-дод-е», «ўргилсин қулинг», «оҳ, жоним сендан айлансин» деган иборалар ишлатилади-да, бунинг боиси нимада?

А.Ғ: — Кўшиқ кўпроқ сўз талаб қилади. Шу жойга нимадир керак бўлса, ўша нарса ўрнига тушиши керак. Ана шунда чиройли чиқади. Масалан «Ёввойи тановар»да «Жон ука, вой-дод ука», деган жойлари бор. Чапани сўзлари бор.

О.Н: — Халқ тилидан олинган демоқчисиз-да?

А.Ғ: — Шуларни ёшларимиз айтиши керак. Ўйноқи яллаларимиз кўп. Шуларни топиб, устозлардан сўраб ўрганишса, ёмон бўлмайди. Миллий кўшиқларимиз жуда бой. Биздаги бойлик бошқа халқларда йўқ.

О.Н: — Ҳозирги энгил-елпи кўшиқлар бугун бор, эртага йўқ. Халқ кўшиқларимиздан «Муножот»бир неча йилдан бери сақланиб келинаяпти. Ўша сиз айтган «Дугоҳ», «Сегоҳ», «Чоргоҳ»,

А.Ғ: — Булар ҳеч қачон ўлмайдиган кўшиқлар.

О.Н: — Сиз қайси устоз ҳофизларимиз ижро этган кўшиқларни ёқтирасиз?

А.Ғ: — Устозларимиздан Юнус Ражабий, Орифхон Ҳотамов, Фаттоҳхон Мамадалиевларнинг мактабларидан фойдаланаман. Аёл ҳофизларимиздан Зайнабхон Полвонова, Саодат Қобулова опамизнинг санъатларидан фойдаланиб келганмиз. Шуларни севиб тинглаганим учун фойдасини кўряпман.

О.Н: — Мана, ёнингизда фарзандингиз сиз билан бирга танбур, дутор чалиб кўшиқ айтяпти. Буни кўриб ҳавасим келди. Бу ҳам сизнинг фарзандингизга санъат соҳасида ўтган таъсирингиз бўлади.

А.Ғ: — Ўғлим Абдусамад доимо ёнимда бирга юради. Жуда хурсандман. Классик мақомларимизни ўрганияпти. Касби шифкор. Лекин, менинг ёнимда санъат сирларини ўрганияпти.

О.Н: — Абдуллажон, ҳозирги кунда «Беллашув», «Айтишув», «Оҳанграбо» каби томошабинлар билан жонли учрашувлар ташкил этилмоқда. Бунга сизнинг фикрингиз қандай?

А.Ғ: — Бу яхши нарса, беллашув бўлиши керак. Устозим раҳматли Фаҳриддин Содиқов, ашулани бир-биринглардан яхши айтаман деб қизганиб айтинглари, дер эдилар. «Айтишув» эмас, «Беллашув» деганига мен кўшиламан.

О.Н: — Олдин «Айтишув» кейин «Беллашув» бўлди-да.

А.Ғ: — Ҳа, «Айтишув» Хоразм воҳасида кўпроқ бўлади. Бизнинг Фарғона водийимизда «айтишув» бўлади, беллашув санъатимизнинг ўсишига ёрдам бўлади. Ҳофизлар чиройли айтишга ҳаракат қилади. Бу ёшларимиз, ўзимиз учун ҳам бир синов. Халқ кимнинг кимлигини билиб олади.



ЧУСТИЙ ДУОСИНИ ОЛИБ

Маҳмуд Тожибоев 1957 йил 25 ноябрда Фарғона вилояти, Қува туманидаги «Болалик қайрағоч» қишлоғида дунёга келган.

Ёш Маҳмуджон буваси Давронбой ҳофиз билан катта базму жамшидларда, боғлардаги байрамларда қатнашиб юрди. Танбур ва рубоб чалишни ҳам буваси ўргатди.

1977 йили ўрта мактабни аъло баҳоларга тамомлаб, Тошкент маданият-оқартув техникумидаги халқ чолғу оркестри бўлимида ўқиди. 1979 йил эса Ўзбекистон Давлат Консерваториясидаги «Шарқ мусиқа»си кафедрасига ўқишга кирди. Устозлари Ўзбекистон халқ артисти Ориф Алимаҳсумов, халқ артисти Саодат Қобулова, Ўзбекистон халқ ҳофизлари Фаттоҳхон Мамадалиев, Орифхон Ҳотамовлардан қўшиқ айтиш сирларини ўрганди.

«Танбур билан бирга сато чалишни нота асосида пухта эгаллаш учун Ўзбекистон халқ артисти Турғун Алиматовга шогирд тушдим», — дейди Маҳмуджон Тожибоев.

Озода Назарова: — Сизни ижрочилик санъатида «халқ ҳофизи» даражасига етказган устозларингиз ҳақида гапириб берсангиз.

Маҳмуд Тожибоев: — Устозларимдан бир умр қарздорман. Чунки, биринчи навбатда мени «Мақомчилар» ансамблига ишга таклиф қилган Очилхон ака Отахонов, Ориф ака Алимаҳсумовлар менга Консерваторияда дарс берган. Менга нафақат санъат борасида, инсонийлик борасида ҳам тарбия берган Очилхон акамдан, ансамблда санъатнинг нозик сирларидан сабоқ берган марҳум Орифхон Ҳотамов ва Фаттоҳхон Мамадалиевлардан умрбод миннатдорман. Худо раҳмат қилсин. «Мақомчилар» ансамблида ишлаганимда қанча таълим бердилар. Тожикистон халқ ҳофизи Маъруфхўжа акам Баҳодировдан, ҳамма-ҳаммаларидан бир умр миннатдорман. Чунки, мени «халқ ҳофизи» даражасига мана шу одамларнинг панд насиҳатлари, тарбиялари етказди.

О.Н: — Куйлаш маданияти нимаю, санъаткорнинг мухлис олдидаги бурчи нимада деб ўйлайсиз?

М.Т: — Оврупа билан шарқ ижрочиларининг куйлашдаги ўзини тутиши тубдан фарқ қилади. Оврупа санъаткорлари саҳнавий хатти-ҳаракатларда жазава ҳолатига тушиб қолишади. Бизнинг миллий ижрочилигимиз намоёндалари озгина кўзини юмиб, тебраниш билангина ҳиссиётларини намоён қилади.

О.Н: — Кийиниш маданияти ҳақида ҳам сўз юритсак.

М.Т: — Кийиниш маданияти ҳам муаммо. Чунки Оврупача кийиниб миллий кўшиқ айтсангиз ярашмайди. Ёинки миллий либос кийиб туриб, Оврупача хатти-ҳаракатлар қилинса ҳам ярашмайди. Чунки шарқ билан ғарб алоҳида дунё. Алоҳида деганимизда у бошқа, бу бошқа одам дея ажратиш эмас, балки ўзига хос анъаналар, ўзига хос ҳаракатлар кўзда тутилади. Шунинг учун ўзбек халқида ҳам ҳеч кимдан кам бўлмаган ва ҳамма халқлардан ажралиб турадиган ўзига хос, мос кийим-кечакларимиз, миллий маданиятимиз, куй-қўшиқларимиз бор. Шуларни биз доимо фахр билан таъкидлаб, кўз-кўз қилиб кўрсата олишимиз керак.

О.Н: — Эрталабки ош беришаётганда, албатта, мақомчилар кўшиқ айтишади. Ушбу давраларда ҳам тортишувлар бўладими?

М.Т: — Воқеалардан бири, мен Консерваториянинг 1-курсиде ўқиб юрган пайтларимда Эски шаҳарлик оғайнимиз тўй қилиб қолдилар. У пайтлар мен эндигина тетапоя қилиб келаятган санъаткор эдим. Эрталабки ошда жуда кўп санъаткорлар йиғилишган. Шоолим ва Шоокабар Шожалилов, ака-ука Сўфи-хоновлар, Умаржон Отаев, Муҳаммаджон Каримов, тожикистонлик машҳур ҳофиз Маъруфхўжа Баҳодиров... Уларнинг ҳаммаси ҳовли бурчагидаги катта чорпояда савлат тўкиб ўтиришибди. Мен секингина пойгоҳга ўтирдим. Кейин ўша давра яримлаб қолганида мени таклиф қилган Муҳаммаджон аканинг оғайниларидан бири келиб, шу укам ҳам бир нарса айтсинлар, деди. Минг бир истиҳола билан куйладим. Шунда Шоолим ака Шожалилов:

— Сендан Андижоннинг ҳиди келяпти, болам, ўша тарафлик эмасмисан? — деди.

— Йўқ, мен фарғоналикман, устоз, — дедим. Умар акам:

— Қани, яна бир жуфт ашула айт-чи, — деб яна ашула айттирдилар. Шундай қилиб менинг ижромга устозлар томонидан катта эътибор бўлди. Улар кўнглимни кўтариб, бу бола миллий санъатимизга танбур чалиб ашула айтиб кириб келяпти. Бунинг руҳини кўтарайлик, дейишганди. Эртасига Консерваториянинг 50-хонасида ўтирсам, Шоолим акамлар кириб келяптилар. Менга қараб:

- Шу ерда ўқийсанми, эртага нима қиласан?, — дедилар.
- Устоз, пешингача дарсим бор, кейин бўшман, дедим.
- Дарсингдан чиққинда, Чорсуга бор. ГУМни биласан-а?
- Ҳа, биламан.

— Ўша ерга, албатта, танбурингни олиб бор, — дедилар. Қўлимга танбуримни олиб айtilган жойга бордим. Улар газета ўқиб ўтирибдилар. Биргалашиб чойхонага бордик. Чойхонада алоҳида бир чорсухона бор экан. Шу ерда ўн беш чоғли улуг-улуг одамлар ўтиришибди. Мен ҳам бир чеккага ўтирдим.

— Булар бизнинг шогирдимиз, — дея мени таништирди устоз. Кейин ош олиб келишди. Бундай ширин ошни умримда емаганман. Тўрда ўтирган одам Чустий домла эканлар. Даврада Кулоҳий домла, Акбархон ака деган шинаванда одамлар ҳам ўтиришарди. Улар ҳар жума намозидан кейин эски шаҳардаги чойхонада ош ейишар экан. Азизлардан дуо олиш учун мени чақиртирган эканлар.

— Қани, болам, бир ашула айтиб бергин, — дейишганида, ҳаяжонланиб «Гиря»ни айтиб бердим. Чустий домла кўзойнақларини кўтариб бир оз қараб турдиларда, «менинг қошларим қаёққа кетди десам, сиз олган экансиз-да», дея ҳазил қилдилар. Кейин, қани бир дуо қилайлик, умрингдан, ризқингдан барака топ болам, илоҳим санъатимизда, ашулачилигимизда яхши ўрин олиб, халқимиз олқишига сазовор бўлгин, деб дуо қилдилар. Ўша даврадаги дуо бежиз кетмаган экан, мана, халқимиз ўртасида обрў-эътиборга сазовор бўлиб юрибмиз.



«ҚУШ УЯСИДА КЎРГАНИНИ ҚИЛАДИ»



Раҳматжон Қурбонов Хоразм воҳасининг фарзанди. У 1959 йил 20 сентябрда Хоразм вилоятининг Хива шаҳрида таваллуд топган. Ўрта мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ: «Мен катта бўлсам, албатта, улуғ устозларга ўхшаган санъаткор бўламан. Ва халқимизнинг яхши кунларида, тўю томошаларида ўзининг санъатим билан хизмат қиламан», деб ният қилиб қўйган. Яхши ният ярим давлат деган нақлга асосан, Раҳматжон Хивадаги Матёқуб Харратов номидаги мусиқа билим юртида ҳам ўқиб санъатдаги ижодининг илк даврини бошлади. 1979 йилда Тошкентга келиб, Консерваториянинг «Шарқ» кафедраси «Вокал ҳамда мақом» бўлимига кириб ўқиди. Улуғ устозлар, Ўзбекистон халқ артистлари Насим Ҳошимов, Ҳалима Носирова, Саодат Қобуловалардан таълим олди ва уларнинг сеvimли шогирдлари қаторидан жой олди. Ўқишни имтиёзли диплом билан битириб, ўзи ўқиган даргоҳда бир неча шогирдларга санъат сирлари, қўшиқ ижро этиш ва ўзбек мақомларининг сир-асрорларини ўргатиш бўйича таълим бера бошлади. Шулар қаторида шогирдларидан Машрабжон Эрматов, Эркин Рўзиматов, Марям Сатторова, Насиба Сатторова, Юлдуз Усмонова, Абдулхай Каримов каби кўплаб санъаткорлар бугунги кунда халқ артисти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар бўлиб, элимизга ўзининг санъати билан хизмат қилиб, ўз ўрнига эга, халқ ардоғидаги санъаткорлардир.

Озода Назарова: — Раҳматжон, инсон ижод соҳасига кириб келиши учун нимадир туртки бўлади. Сизга нима туртки бўлган? Ўзбекистон радиоасидаги илк қадамларингизни эслай оласизми?

Раҳматжон Қурбонов: — Асли, менинг отам ўтган асрнинг 57-йиллари Комилжон устозлар билан келиб, ҳозирги «Лазги», у вақтларда «Хоразм» ансамбли деб юритилган, шу ансамблнинг пойдеворини ўрнатган. Кейинчалик Тошкентда ижод

қилганлар. Қолаверса, отам санъаткор бўлганликлари сабабли бизнинг хонадонимизга, жуда кўп устоз санъаткорлар ташриф буюрганлар. Қўлларини олганман. Уларнинг кўзларига кўзим тушган. Уларнинг суҳбатларини тинглашга ҳаракат қилганман, ёнларида ўтирган, бевосита суҳбатларини тинглаганман. Уларнинг ўз оғзи билан, ўз овози билан айтган ашулаларини, хонишларини, ўзгача талқин билан куйлашларининг гувоҳи бўлиб катта бўлганман. Шу муҳитда ўсганим сабабли санъат йўлини танлаб, 5 ёшимда кўшиқ айта бошлаганман. Ҳозир, Худога шукр, Республикамиздаги «Лазги» ансамблида ишлаб, элимизга хизмат қилиб келяпмиз.

О.Н: — Санъаткор бўлишингизга отангиз Худойберди Қурбонов сабабчи бўлган экан.

Р.Қ: — У киши дунёдан ўтиб қолдилар. У киши фарзанд тарбиясига алоҳида этибор билан қараганлар. 13 та фарзанд бўлсак, ҳаммамизни ҳам уйли-жойли қилиб, ўзлари оддий инсон бўлсалар ҳам, ҳамма юмушни, масалани жой-жойига қўйганлар. Оиламизда тарбия масаласи жуда катта бўлган. Отамизнинг ҳурматини ҳамма фарзандлар жойига қўйганмиз. Ажаб эмас, бизни фарзандларимиз ҳам тўғри йўлларни танлаб, ҳаётда ўрнини топиб, халқимизга хизмат қиладиган ажойиб инсон бўлсалар.

О.Н: — Ҳозир эстрада йўналишида ҳам, мақом йўналишида ҳам куйлаётган ёшларимиз кўп. Уларнинг ижросига сиз қандай қарайсиз?

Р.Қ: — Ҳозирги ёшларнинг санъатига ҳам тўғри қараш керак. Чунки, юқорида айтганимдек, қуш уясида кўрганини қилади. Бизнинг давримиздақа устозларни кўрмагани учун, кўлига тушмагани учун, кўплар магнит тасмалари орқали ўрганади. У ерда сўзлар қанақа кетган. Бир оз устоз кўрмагани билиниб қолган. Қолаверса, мақомларни ҳамма ҳам тушуниб етмайди. Мақомларни подшо саройида санъат даражасига қўйишган, яъники, оёқ ости бўлмасин деб. Энди санъатнинг ўзи ҳам поғоналарга бўлинади. Достонлар ҳам борки, уларни қалъадан ташқаридаги деҳқонлар эшитган. Яъни уларда бўрттирма гаплар. Масалан, «Гўрўғли» дostonида мингта аскар билан битта ўзи курашибди, деган, ёки жуда баҳайбат бўлган, дарёнинг бир икки томонига оёғини қўйиб, одамларни, туяларни ўтказиб берган экан... Ёки «Алпомиш» тўғрисидаги бўрттирма гаплар. Шу нарсаларни кўтара олган, шу нарсаларни ҳазм қила олган деҳқон халқ. Шаҳарда оддий халқ, масалан, «Тановар»га ўхшаган, «Муножот»га ўхшаган ёки халқчил нарсаларни тинглаган. Халфалар, лапар йўллари энди сарой аҳли, илм аҳли мақомларнинг сўзлари

ҳам, ўзлари ҳам мураккаб бўлгани учун, мақом даражасидаги қўшиқларни тинглаган. Ҳозир энди аралашиб кетди.

О.Н: — Юқорида халфалар ҳақида гапирдингиз.

Р.Қ: — Халфалар — бу аёллар санъати бўлган. Ҳали айтганимдек, поғоналарга бўлинади, деганимдай, аёлларнинг санъати бўлган, эркакларнинг санъати бўлган. Энди, агар «Сувора»лардан, «Мақом» санъатидек куйламаса, аёл санъати билан кун кўриб юрибди, деб, бу санъаткорнинг камчилиги ҳисобланган. Албатта, шу касбнинг нонини ейман деган одам ўзининг имкониятларидан келиб чиқиб, қани имкониятим шу нарсаларни куйлашга етадими, деб ҳаракат қилиши керак. Бунинг учун паст овоз бўлса ҳам, бир-икки тон тушириб бўлса ҳам, куйлаш мумкин. Энди ҳозирги ёшлар эринчоқ бўлиб кетган. Ҳозирги ёшлардан мухаммас, яъни бир банднинг ўзида 5 қатор сўзи бор, 2 бандида 10 қатор сўз бор, 4 банд айтаман дейдиган бўлсангиз, 20 қатор сўзи бор. «Сувора»ларда камида 8-9 банд айтиладиган жойлари бор. Бу камида 50, 50 дан ошиқроқ сўзлар бўлади-да. Уларни ёдлашга кўплари эринади. Ундан кўра кичик-кичик нарсаларни айтиб, тўйларда тирикчилигини қилиб юришибди кўплари. Санъат учун ҳам хизмат қилиш керак. Майли, тўйларда нонингни топ, лекин мен санъат учун нима қилдим, деган саволни бериб яшаш ҳам керак.

О.Н: — Масалан, «Феруз»ни олсак, 3 та катта авжга бўлинади. Баъзилари 1 та авж билан тугатиб қўя қолади.

Р.Қ: — Қадимда қабул қилинган қарор бежиз бўлмаган. Мана шу «Феруз»га ўхшаган мумтоз куйлар, мақомлар йўқолиб кетмасин, оёқ ости бўлмасин, ҳар кимларнинг қўлига тушиб, пала-партиш ижро этилмасин, деган мақсадда ўша пайтда фармон чиқарилган. Кимки, мумтоз куйларни «Мақом» куйларини, «Мақом» йўллариини бузиб айтадиган бўлса, жавобгарлик белгиланган тортиш, жарима соладими, ёки бошқа жазо берадими, ишқилиб жавобгарликка тортилган. Энди чамамда бизларда ҳам шундай қарорлар қабул қиладиган вақтлар ҳам келиб турибди, дейман.

О.Н: — Раҳматжон, сизнингча қўшиқнинг инсон ҳаётидаги аҳмияти ва ўрни нимада?

Р.Қ: — Инсон ҳаётида қўшиқнинг ўрни катта. Қўшиқ, қўшиқ деймиз, бу гапнинг маъноси қўшиқ, яъни куй билан сўз вобасталиги деган маънони беради. Энди, қўшиқнинг ҳаётдаги ўрни, албатта, қайси маънодаким, руҳият билан боғлиқ. Инсоннинг руҳиятига таъсир қилади, гўзаллик оламига етаклайди. Бу ерда ҳам руҳи тетик бўлган инсон ҳар бир нарсага қодир

бўлади. Қўшиқ бизга мадад, далда бўлади. Бу қўшиқнинг ичи-
да йўлдан адашган инсонларнинг йўлини очадиган қўшиқлар
ҳам бор. Ғамгин бўлиб ўтирган инсонни, йиғлатиб, кўз ёш
қилдириб, шу дарддан халос қиладиган қўшиқлар ҳам бор. Мана
қаранг, 7 та товуш: до, ре, ми, фа, соль, ля, си. Буларни
қўлингиз билан ушлаб бўлмаса, бу ерда чолғулар бир сабабчи.
Қаранг, шу 7 та товушдан бутун дунё ўзининг миллий куй-
қўшиқларини яратади. Бошқа миллатларда ҳам худди шундай.
Бу ҳам Аллоҳнинг қудрати. Айтганимдек, 7 та товуш бутун
дунёни эгаллаб, бутун дунёни ҳам рақсга туширади, ҳам йиғ-
латади, ҳам кулдиради, ҳам тўғри йўлга солади. Мен шундай
тушунаман.



КҮНГИЛ ТОРЛАРИДАН ТАРАЛАР НАВО



Аллоҳ ҳар бир инсонга умр бахш этар экан, уни чексиз табиий имкониятлар билан сийлайди. Бу имкониятларни амалга ошириб, рўёбга чиқариш, ундан тўқис фойдаланиб, узоқ ва соғлом ҳаёт кечириш инсоннинг ўзига ва у яшаётган муҳитга боғлиқдир. Бу имкониятларни ишга солиб, маънавий баркамолликка эришиш инсондан жуда кўп меҳнат ва изланишлар, ирода, иқтидор ва машаққат талаб этади.

Бугунги суҳбатдошимиз Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, бастакор Алишер Икромовдир.

Алишер Икромов 1962 йил 9 июнда Тошкент шаҳрида зиёлилар оиласида дунёга келган.

Мустақиллик туфайли Алишернинг ижод имкониятлари янада кенгайди. У басталаган кўшиқлар «Ватан», «Она юрт», «Муҳаббат» ёшларнинг қалб эҳтирослари билан тўлган кўшиқлардир.

Ҳар бир кўшиқ ўзига хос мазмун, ижро усули, мусиқий оҳангдорлиги мужассамлашган ҳолда юқори салоҳият билан тараннум этилади. Булар Алишернинг бастакорлик борасидаги ўзига хос ижро услубидан дарак беради.

Алишер Икромовнинг кўп йиллик самарали ижоди инobatга олиниб, давлатимиз томонидан 2005 йилда у Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби унвони билан тақдирланди.

У оилада меҳрибон ота ҳамда сеvimли ёрдир. Турмуш ўртоғи Муҳаббатхон билан икки фарзандни тарбиялаб, ширин ҳаёт кечириб келишмоқда.

Озода Назарова: — Алишержон, нима учун айнан санъат йўлини танладингиз?

Алишер Икромов: — Биласизми, ижодий фаолиятим қизиқарли воқеадан бошланган. Ҳеч қачон мусиқачи бўламан деб ўйламаганман. Кичик бола эдим, телевизор, кейин пластинкалар эшитиб, юрардим. Мусиқалар менга ёқарди. Мен магнито-

фонга ўхшаб, копировка қилиб, вақти келганда қўшиқларни айтардим. Менинг ота-онам шу қизиқишни сезиб, Успенский номидаги мактабга олиб келган. Мактабга борсак, имтиҳонлар тугаган экан. Биз ўша пайтда Тошкентда эмас, сал четроқда яшаган эдик. Кейин мен (5 ёшли бола) фортепяно учун мусиқа басталагандим. Шуни чалиб бердим. Кейин менинг қобилиятимни текшириб, имтиҳонсиз қабул қилишган. Тасодиф ҳаётимда муҳим ўрин тутган. Ҳеч қачон ўйламагандим мусиқачи, дирижёр бўламан деб.

О.Н: — Ижрочилик маҳорати бўйича қайси бир санъаткорни ўзингизга устоз деб биласиз?

А.И: — Энди, ўзимга ёқадиган санъаткорлар беҳисоб. «Қиличбозлар» рақсини, «Спартак» катта балетини яратган дирижёр ва бастакор Арам Хачатурян. Кейин устозим Тихон Хренников, Александр Зацепин, у жуда кўп киноларга мусиқа ёзган. Зацепин билан шахсан таниш бўлганман. Ҳозир у киши 80 ёшни қаршилади. Франция ва Россияда яшайди. Мен бахтлиман, талабалик пайтимда шу инсон билан ҳамкорлик қилганман.

Ўзимизнинг ўзбекистонлик санъаткорлардан раҳматли Ботир Зокиров, «Ялла» ансамблининг бадиий раҳбари Фаррух Зокиров. Кейин миллий санъатимиз вакилларидаан Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиеванинг ижодини юксак баҳолайман.

О.Н: — Кўплаб хонандалар билан ижодий ҳамкорлик қиласиз. Қай бирларининг ижро услуби сизга ёқади?

А.И: — Албатта, кўп машҳур бўлган хонандалар менга шогирдликка тушган. Масалан, энг таниқли санъаткоримиз Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонова эстрада санъати бўйича мендан дарс олган эди. У ҳам кўп интервьюларида шу нарсани айтади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулбаҳор Сулаймонова менда ўзининг ижодий эстрада фаолиятини бошлаган. Муҳаббат Ғофурова, Козим Қаюмов ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шоҳбоз Низомиддинов. Булар менинг қўшиқларимнинг биринчи ижрочилари ҳисобланади.

О.Н: — Сиз яратган ижодий асарлардан кўнглингиз тўлганлари ҳақида гапириб беринг.

А.И: — Энг ўзимга ёққан асарлардан «Интизор кутдим» деб номланган қўшиқ, Нуриддин Аминжонов шеърига басталанган. Унда Юлдуз ёш қиз эди, Консерваторияда ўқир эди.

Бу кўшиқни 20 йил аввал ижро этган. Кейин Ўзбек Миллий академик драма театри учун Гофур Фулом пьесаси асосида «Шум бола» деган мюзикл яратган эдим. 1993 йилда яратганман. Энг катта асарим бор. Бу Навоий номидаги опера ва балет театрида намойиш этилган «Буюк Темур» операси. Бу асар 1996 йилда ижро этилиб, Соҳибқироннинг 660 йиллигига қўйилган эди. Кейин Ўзбекистон телевидениесида «Темурий маликалар» деган балетни мен ўзим Юлдуз Исматова билан ҳамкорликда яратгандим. Шу асарларимдан жуда кўнглим тўлган.

О.Н: — Оилангиз, фарзандларингиз ҳақида гапириб берсангиз?

А.И: — Мен қизларимга ҳеч қачон мусиқачи бўласан, деб айтмаганман. Хоҳласанг ёрдам бераман, деганман. Икковининг ҳам мусиқага қизиқиши бор. Лекин, профессионал даражада ўқимаган. Ҳозир катта қизим — студент. Санъат институти журналист театршунос бўлимида. Унга танлаган касби ёқади. У ҳам мусиқали театр бўйича мутахассис. Озгина нотага ўргатган эдим. Унга шу нарса анча ёрдам беряпти. Лицензия ёзади янги премьераспектаклларга. Кичик қизим мусиқали драмага қизиқиши бор. Лекин, кўпинча математика билан шуғулланади. Ҳозир кўпчиликнинг қизиқиши репга бўляпти. Мен ўзим чиройли кўйларни яхши кўраман. Француз эстрадасига қизишим катта.


О.Н: — Ҳар бир жойга борсангиз, туманларда ҳам ўзининг эстрада ансамбли бор. Ўзбекона кўшиқлари бор. Эшитсангиз маза қиласиз. Лекин, шулар чиқа олмаяпти.

А.И: — Кўп сабаблари бор. Биринчидан, кўпчилик Тошкентга келгани эринади. Чунки, ўзининг овоз ёзиш студияси бор, вилоятдаги телевидениеси бор. Нима қиламан Тошкентга бориб, дейди. Йўл харажатлари ҳам қиммат. Лекин, мен ишлаган пайтимда вилоятлардан жуда кўп қобилиятли болаларни чиқарган эдим. Ўйлайманки, секин-секин ҳаммаси йўлга тушиб кетади. Вилоятларда жуда қобилиятли ижрочилар бор.

О.Н: — Алишержон, ҳозирги кунда қандай янги асарлар устида ишляпсиз?

А.И: — Ҳозирги пайтда Шекспирнинг «Ромео ва Жульетта» асари асосида асар яратяпман. Бу опера театрида саҳналаштирилади. Шу театр санъатини ҳурмат қиламан. Жуда кўп театрлар учун асарлар яратганман. Қўғирчоқ театри учун, вилоятлардаги театрлар учун мусиқалар. Фарғона, Андижон вилоятлари театрлари учун спектакллар яратганман. Мен ўйлайманки, ҳали ўзбек театрлари ҳамма имкониятларини кўрсатмаган.

Дунё миқёсида ажойиб актёрларимиз бор. Уларда, мисол учун, шунақа Москва артистларига ўхшаган реклама бўлганда ўйлайманки, бутун дунёда бизнинг санъаткорларимиз рейтинги ошиб, тан олишарди.



***САНЪАТИМ –
БАХТИМ МЕНИНГ***





УСТОЗ ДУОСИНИ ОЛИБ

Замира Суюнова 1957 йил 24 ноябрда Қашқадарё вилояти Китоб туманида туғилган. «Мақтабда ўқиб юрган кезларимда эл оғзига тушган лапарларни, халқ кўшиқларини ўзимча хиргойи қилиб юрар эдим,— деб эслайди хонанда. Отамнинг ўзлари санъат шайдоси бўлгани учун ҳам 11 ёшимда опам билан икковимизни Тошкентга Глиэр номли мусиқа мактабига олиб келди. 1975 йилда шу мусиқа мактабини муваффақиятли битириб, Тошкент Давлат Консерваториясининг хор-дирижёрлиги факультетига ўқишга кирдим».

Озода НАЗАРОВА: — Сиз илк бор ижодингизни дуторчи қизлар ансамблида бошлагансиз. Суҳбатни ана шу кезлардан бошласак.

Замира СУЮНОВА: — III курслигимизда янги ташкил этилаётган «Дуторчи қизлар» ансамблига таклиф қилишди. 1979 йилдан яъни ансамбл ташкил қилингандан буён шу ердман.

О.Н.: — Ансамблингиз халқ орасида машҳур бўлди, хонанда қизларнинг бир нечтаси етук санъаткор бўлишиб, юксак унвонлар олишди. Бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

З.С.: — Дуторчилар ансамбли ўз ижодий фаолиятини бошлаганда, кўп асарларни, ўзбек халқ кўшиқларини Фанижон Тошматовнинг ўзлари ўргатар эдилар. Энди у кишининг сандиги жуда тўла эди-да. Бисотлари деб куламыз. У неча сандиқ экан, деб ҳазиллашиб ҳам кўяр эдик. Муваффақиятимизнинг биринчи омили ўша асрлар мобайнида халқимиз қалбида яшган кўшиқларни ижро этганимиз бўлди, деб ўйлайман. Албатта, кейинчалик Сайфи Жалил, Абдуҳошим Исмоилов, Қахрамон Комилов, Мутал Бурҳонов каби замонавий бастакорларга ҳам мурожаат қилганлар. Ушбу кўшиқлар ансамблимиз дастуридан жой олган. Энди ўзимиз ҳам устозимиз изидан бориб, бу анъанани давом эттирдик.

О.Н.: — Сизга кўпроқ қайси санъаткорларнинг кўшиқлари ёқади?

З.С: — Ўзимга ўхшаган, мени йўлимда ижро этаётган санъаткорларни мисол қиламан-да. Биз кўпроқ Маъмуржон Узоқов, Жўраҳон Султонов, Коммуна Исмоилова, Берта Давидова, Саодат Қобулова, Шерали Жўраев, Нуриддин Ҳамроқулов, Камолиддин Раҳимов каби устозларимизнинг қўшиқларини маза қилиб эшитамиз. Бизнинг давримизда ҳам истеъдодли созандалар, машҳур ҳофизлар, қўшиқчилар жуда кўп. Насиба Сатторова, Юлдуз Усмонова, Насиба Абдуллаевалар ижросидаги қўшиқлар барчага бирдай манзур бўлади.

О.Н: — Келажакда қандай қўшиқларни куйлашни орзу қиласиз?

З.С: — Санъаткор бир жойда тўхтаб қолмаслиги, доимо изланишда бўлиши лозим. Ҳозир консерваторияда талабаларга дарс бераётган устозмиз, аммо умримизнинг охиригача ўзимиз ҳам барибир устозлардан ўрганаверамиз. Қўшиқларга келсак, аввало, ўзбек халқ қўшиқлари, мумтоз, классик мақом қўшиқларини айтгим келади. Ҳаттоки эстрада, симфоник, хор, ўзбек халқ чолғу ансамбли жўрлигидаги қўшиқларни, умуман, ҳамма жанрда ижро этиш яхши деб ўйлайман. Охириги пайтларда кўпроқ мақом қўшиқларини ҳам ўрганияпман, ҳам ўргатяпман.

О.Н: — Замираҳон, сиз яккахон хонанда сифатида танилгансиз. Ҳозирги фаолиятингиздан қониқасизми?

З.С: — Унчалик қониқмайман. Нимагаки, ҳали дилимдаги жуда кўп қўшиқларни куйлаганим йўқ, деб ўйлайман. Тажрибангиз ошгани сари аввалги ижодингизга назар солар экансизда, камчилигини кўравераркансиз. Чунки тажриба ошгандан кейин ҳар бир оҳангга сал эҳтиёткорроқ бўлиб ёндашар экансиз. Ўша ўзим айтган қўшиқларни яна ҳам бошқачароқ куйлагим келаверади.

О.Н: — Сизни санъат соҳасидаги қандай муаммолар ўйлантиради?

З.С: — Бу ҳаётда муаммосиз нарсанинг ўзи йўқ. Ҳамма нарса осон ечилаверса, унинг қизиги бўлмаса керак. Жуда кўп истеъдодли ёшларимиз бор. Уларга шароитлар яратиб берилса, яхши бўларди. Тўғри, кўп танловлар ўтказилади. Ушбу танловларда ҳақиқий истеъдод эгалари танланса, хурсанд бўлардим. Дуторчилар ансамблидаги фаолиятим, ҳозирги консерваторияда ишлашим — иккови ҳам бир хил, десам бўлади. Чунки ансамблда ишлаганимда устозим Фанижон Тошматов ёнларида қўлимдан келганича қизларга ёрдамлашишга ҳаракат қилардим. Ҳозир ҳам талабаларга устозимдан ўрганган халқ қўшиқларини, қолаверса, мақомларимизни ўргатяпман.

О.Н: — Ижодингиз билан нималарга эришдингиз?

3.С: — Санъаткорлик касбини танлаганимдан бахтиёрман. Санъат туфайли кўп дўстлар орттирдим. Ҳатто турмуш ўртоғимни ҳам топишимга санъатим сабабчидир. Халқимизнинг дуолари сабаб озми-кўпми обрўим ошганидан, қўшиқларим элга манзур бўлаётганидан хурсандман.



«САЛЛАМНО» ДАН СЕЛ ҚИЛИБ



Тожибар Азизова 1964 йил 10 апрелда Андижон вилоятининг Жалолқудуқ туманида таваллуд топган.

Турмуш ўртоғи — халқимизнинг севимли актёри Мирза Азизов билан 2 нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказмоқдалар.

Озода Назарова: — Тожибархон, оилангизда санъаткорлар бўлмаса-да санъат йўлини танлагансиз. Бунга айнан ўзингизда бўлган хоҳиш сабабми, ёки бошқа омиллар борми?

Тожибар Азизова: — Ўзим оддий ишчи оиласида дунёга келганман. Отамнинг сингиллари, яъни аммам доира чертиб қўшиқ айтар эди. Ҳозир ёшлари 80 дан ошган. Телевизорда кўрса, радиода эшитса, йиғлаб мени дуо қиладилар. Санъатга ошuftалик аммамдан ўтган бўлса ажаб эмас.

О.Н: — Ҳозир эслайсизми, аммангиз билан биргаликда қайси қўшиқни биринчи ижро этгансиз? Бу нарса инсоннинг ширин хотираларига айланиб қолади. Айниқса, инсон ўз мақсадига эришгани сайин илк қадамлари азизроқ бўлиб қолади-да.

Т.А: — Тўғри айтасиз, аммам боғчада ошпаз бўлиб ишлардилар. Сал бўш вақтим бўлди дегунча уларнинг олдига югуриб борардим. Тушлик вақтларида аммам қўлида тақсимча билан усул бериб — Тожибар ўнгга ташланг, Тожибар чапга ташланг — деб турардилар, мен рақсга тушардим. Аммам билан биринчи машқ қила бошлаган севимли ашулам «Наҳори нашта»ни ҳозирга қадар ҳам севиб ижро этаман.

О.Н: — Тожибархон, Тошкентга келиб илм ўргандингиз, оила қурдингиз. Элга танилдингиз. Санъатда ўз ўрнингизни топдингиз. Буларнинг барчасида турмуш ўртоғингиз — халқимизга яхши таниш бўлган инсон, Мирза Азизовнинг ҳам ҳиссалари бор, албатта. Мирза ака билан қандай танишгансиз?

Т.А: — Мен Тошкентга келиб дастлаб танишган инсон шу Мирза акам бўладилар. Институтда ҳам бирга ўқиганмиз. Менга кўп маслаҳатлар бериб турардилар. Озроқ хато қилсам, йўл-йўриқ кўрсатардилар. Яқин дугонам Ўзбекистон халқ артисти

Зулайҳо Бойхонова билан бирга турардик. Мирза акам бизга ниҳоятда гамхўр эди. Бунинг устига анчайин содда ва самимий йигит эканлигини билиб, Зулайҳога: — Сен шу йигитни маҳкам тутгин, сени, албатта, бахтли қиладилар, сени яхши кўради, дердим. Зулайҳо бўлса, менга эмас, сенга кўнгли бор, — деб айтарди. 3-курсни битириб, таътилга кетаётганимизда, Мирза ака менга: «Тожибархон, майлими, сизга совчи жўнатсам», — деганларида оғзим очилиб қолган. Раҳматли қайнонам жуда яхши аёл эдилар. Уйимизга совчи бўлиб бориб, очигини айтганлар, «Менинг болам Тошкентда яшайди, ўша ерда ижод қилади», — деб. Мана, тўйимиз бўлди, фарзандларимиз туғилди, ҳозиргача у киши билан ҳамфикр, бамаслаҳат иш юритаман.

О.Н: — Тожибархон, шу ўринда сизга таълим берган устозларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз.

Т.А: — Биринчи устозим Ойтожихон аммам, санъатга меҳримни уйғотганлар. Мени саҳнага олиб чиққан устозим Султоннали Акбаров, Аҳмаджон ака, профессор Асад Азимовлар. Коммуна Исмоилова ҳозиргача ҳам маслаҳатларини бериб туради. Гоҳида концертлар билан бўлиб ҳолларидан хабар ололмай қолсам, ўзлари телефон қилиб турадилар.

О.Н: — Устоз ҳолидан хабар олиш бу ўзбекона фазилат. Илоҳим, сизга ҳам устозлар йўлини берсин. Айтинг-чи, кўпроқ қандай санъаткорларни қадрлайсиз, қандай кўшиқларни эшитасиз?

Т.А: — Мен тенгдошларим Насиба Сатторова, Мариям Сатторова, Зулайҳо Бойхоноваларнинг кўшиқларини яхши кўраман. Раҳматли Орифхон Ҳотамов, Фаттоҳхон Мамадалиев кўшиқларини эшитаман. Шерали Жўраев санъатини қадрлайман. Ёшлардан Лола Аҳмедовани яхши кўраман, Ойпопук Эшонхонованинг услубини ҳурмат қиламан. Лекин ҳозирда эстрада хонандалари кўп.

О.Н: — Оилангиз — санъаткорлар оиласи. Ижодкорлар аксарият вақтини саҳнада ва саҳна ташвишлари билан ўтказишади...

Т.А: — Мирза ака менинг шу даражага етишимизда ўзимдан ҳам кўп заҳмат чеккан инсон, десам мутлақо янгилишмайман. Ҳаёт ташвишлари билан гоҳида уйга кеч келаемиз. Шундай вақтлар бўладики, бир-биримиз билан бир уйда яшаб ҳафталаб кўришмаймиз. Шунда бир-биримизга ҳазил қилиб, «Ие, сиз ҳам мана шу уйда яшайсизми?» — деб сўраб қўямиз. Концертларда иш кўпайиб кетади. Гоҳида кийимларимни унутиб қолдирсам, тезда орқамдан етиб келадилар. Бошқа юмушларда доим менга ёрдам беришга ҳаракат қиладилар. Бир хил вақтлар бўлади, уйда болалар овқат қилишни билмайди, юрак ҳовуч-

лаб уйга чопаман. Борсам, Мирза акам аллақачон фартукни тақиб олиб овқат тайёрлаб, болаларни овқатлантириб ўтирган бўладилар. Менга ҳам ҳазиллашиб, «Хоним, овқатингизни еб олинг», — деб қўяди.

Мен бир нарса деёлмайман ,халққа қанчалик танилдим, ҳурмат қозондим. Лекин барча ютуқларимни, бахтимни Мирза акам борлигида, деб биламан.



МУСИҚА — ДАРД ВА МАЛҲАМ

Шаҳноза Исмоилова 1969 йил 1 январда Тошкент шаҳрининг Шайхонтахур туманида туғилган. Шаҳноза мактабдаёқ ўзининг ширали овози, тароналари билан мухлислар эътиборини қозонганди. Доим хиргойи қилиб юрар, мусиқа сирларини яқиндан ўргангиси келар, ўз устида ишларди. Орзулари томон одимлаган Шаҳноза мактабни аъло баҳоларга тугатиб, 1985 йили Тошкент Давлат санъат институтининг мусиқали драма факультетига ўқишга кирди. Олий даргоҳда устозлари Баҳодир Назаров, Шерзод Пирматов, Темур Маҳмудов, Сафарбой Олимбоевлардан санъат сирларини ўрганди.

Озода Назарова: — Шаҳнозахон, биламизки, сизнинг оилангиз шифокорлар оиласи. Айтинг-чи, шифокорлик касби машаққатлими, санъат соҳасими?

Шаҳноза Исмоилова: — Бу саволга кўп тўқнаш келганман. Мени санъатга етаклаган нарса нима эканлигини ўзим ҳам билмайман. Бу менинг болаликдаги қизиқишим, орзу-умидим бўлса керак. Қайси касб машаққатли, деган саволга шуни айтишим мумкинки, ҳар бир соҳанинг ўзига яраша заҳматли ва мароқли томонлари бор. Ўйлаб қарасангиз, шифокорлик билан санъаткорлик бир-бирига яқин. Шифокор беморни малҳам билан даволаса, санъаткор кўшиқ билан унинг дилига ҳузур олиб қиради.

О.Н: — Оилада ота-онангизнинг дўстлари келиб қолса, сиздан ашула айтишни сўрашадими?

Ш.И: — Олдин бир нарсани айтмай. Аввалига оймлар шифокор бўлишимни хоҳлаганлар. Дадамлар бу борада тўхталмаган. Чунки у киши битта гапирарди. Йўқ десалар — йўқ, хўп десалар хўп. Баъзида шундай истеъдодим борлигидан қувониб юрардим. Тўйгами, бирор йиғингами қариндошларникига борсак, тенгқурим қатори ошхонада бўлмасдим, меҳмонларнинг олдида, уйнинг тўрида ўтирардим. Чунки уларга ашула айтиб берардим-да. Ойим бунга қарши эдилар. Танбеҳ берардилар.

Лекин, кейинчалик санъатга бўлган иштиёқимни, озми-кўпми истеъдодимни сезиб, санъат институтига ўқишга киришга рухсат беришган.

О.Н: — Шаҳнозахон, сизнингча, халқ йўлидаги ашулаларни айтиш осонми ёки эстрада йўналишидаги қўшиқларни?

Ш.И: — Мумтоз қўшиқларни куйлаган санъаткорлар эстрада йўналишидаги қўшиқларни айтишга қийналмайди, дейишадими кўпчилик. Лекин мен бу гапга қўшилмайман. Чунки эстраданинг ҳам ўзига яраша мураккаблик томонлари бор. Эстрада куйлаётган қўшиқчи, дейлик, кичик диапазонда, лекин овозни маромига етказиб чиқариб бериши керак. Мен бугун шу нарсага амин бўляпман.

О.Н: — Сиз актриса сифатида саҳналарда рол ижро этгансиз. Асосий йўналишингиз эса қўшиқчилик...

Ш.И: — Институтда мусиқали драма факультетида таҳсил олганман. Театрда роллар ҳам ижро этдим. Ижро этган ролларимни қиёмага етказиш учун астойдил ҳаракат қилганман. Устозларим бир неча бор мусиқали драма факультетида ишлашга таклиф қилишган. Мен иккиланиб қолганман. Шу орада Халқлар Дўстлиги саройидаги концертда иштирок этадиган бўлдим. Мен у ерда «Адол» тановарини ижро этдим. Қўшиқни маромига етказиб айтдим, шекилли, концертдан сўнг «Дуторчи қизлар» ансамблининг бадиий раҳбари Фанижон Тошматов аста ёнимга келиб, ансамблда ишлашга таклиф қилдилар.

О.Н: — Сиз учун театрда ишлаш маъқулми, «Дуторчи қизлар» ансамблида?

Ш.И: — Албатта, мен мусиқали театрда актриса бўлишни жуда орзу қилганман. Лекин Ўзбекистон халқ артисти Фанижон Тошматовнинг назарларига тушганимдан сўнг уларнинг таклифларини рад эта олмадим. Чунки сизу биз ишлаётган радио-телевидениенинг ўзи катта даргоҳ.

О.Н: — Шу ўринда бир савол, «Дуторчи қизлар» ансамбли, жамоа сизга нима берди?

Ш.И: — Жамоа катта лаборатория. Бундай истеъдодли, сараланган санъаткор қизлар орасида шуҳрат қозонишнинг ўзи бўлмайди. Ҳар ким ўзининг қўшиғини, истеъдодини намоён этишни хоҳлайди. Бу борада муаммоларга ҳам дуч келиб қоласиз. Ёшгина қиз бўлиб жамоага келган кезларимда домла менинг телеэкранга чиқишимга рухсат берсалар, опаларимизнинг баъзилари хафа бўлганлар. Юзимга айтган пайтлари ҳам бўлган. Йиғлаб-йиғлаб кетаверганман. Лекин бундан сираям хафа эмасман. Жамоада кўп нарса ўргандим. Устозимиз Ўзбекистон халқ артисти Замира Суюнова билан бирга ишладим. Замира

Раҳматуллаева, Озода Мадраҳимова, Раъно Бўроновалардан амалий маслаҳатлар олдим.

О.Н: — Халқлар Дўстлиги саройида берган концерт дастурингиздан кўнглингиз тўлдими?

Ш.И: — Бу борада бирор нарса дейишим қийин. Баҳони мен эмас, халқ беради. Мен халқимга ўзимни кўрсатиш, баҳслашиш учун эмас, ҳисобот бериш учун концерт бердим, деб ўйлайман.

О.Н: — Энг яхши қўшиғимни ижро этдим, деб айта оласизми?

Ш.И: — Ҳар гал қўшиқ устида ишлаганимда, хоҳ мумтоз, хоҳ эстрада йўналиши бўлсин жонимни бахшида этаман. Лекин ҳали ўзимнинг қўшиғимни топдим, деб айта олмайман.



ПОПНИНГ ПОПУК ҚИЗИ



Раъно Бўронова 1959 йил 18 декабрда Наманган вилоятининг Поп туманида таваллуд топган. Болаликдаги қизиқиш, санъатга бўлган ихлос уни 1977 йилда Маннон Уйғур номидаги санъат институтига етаклаб келди. Институтда кўпгина устозлардан санъат сирларини ўрганди. Ўқиш давомида дуторчи қизлар ансамблида фаолият олиб борди. Бугун ҳам унинг ижоди қизғин паллада.

Раънохоннинг таъбири билан айтганда, санъат унинг умри мазмуни.

Озода Назарова: — Раънохон, Сиз қўшиқни маромига етказиб куйлайсиз. Ширали овозингиз, танлаган йўлингиз бор. Яхши қўшиқни яратиш учун хоҳишнинг ўзи етарлими?

Раъно Бўронова: — Албатта, биринчи навбатда хоҳиш, истак бўлиши керак. Зўр истеъдодингиз бўлса-ю, хоҳишингиз бўлмаса, ижод қила олмайсиз. Истеъдод билан истак, иштиёқ бирлашса санъаткорнинг ижоди юксалади. Хоҳиши, иштиёқи бор одам ўз устида ишлайди, изланади. Ниҳоят халқнинг севимли санъаткорига айланади.

О.Н: — Дейлик, сизга қўшиқ келди. Шеърлари мазмунсиз, саёз. Мусиқаси ҳам ёқмайди. Сиз ижро этасизми?

Р.Б: — Мажбуран ижро этган қўшиқларим бор. Юбилей ёки бирор-бир тадбир учун куйланган қўшиқлар. Бу қўшиқлар юз-хотирчиликка асосланган.

О.Н: — Қўшиқчиликнинг, қўшиқчининг ўзига яраша масъулияти бор. Ижод йўли, услуб... Бу борада сизни қандай муаммолар ўйлантиряпти?

Р.Б: — Санъаткорнинг касби ўзи жуда нозик. Ижодкор ана шу масъулиятни ҳис қилиб, мухлисларнинг талабини қондира олса, ўз услубига эга бўлиб боради. Бугун ўзбек санъатида хурсанд бўлгулик силжиш бор. Ўзига хос овозлар санъатимизни юксалтиряпти. Албатта, гуруч курмаксиз бўлмайди. 2—3 та қўшиқ айтиб эл назарига тушаман, деганлар ҳам оз эмас. Ундайларни халқнинг ўзи саралаб олади. Мен шуни биламанки, ҳақиқий

санъаткорнинг асари ҳеч қачон ўлмайдди. Халқнинг тилида, халқнинг қалбида яшайди.

О.Н: — Сиз аёлсиз, онасиз... Бир ўғил, бир қизингиз бор. Рўзгор юмуши, турмуш ташвиши ва ижод сизга қийинчилик туғдирмаяптими?

Р.Б: — Аёл ана шу ташвишларсиз бир нарсага эришиши қийин. Санъаткор бўлиш ўзи сабр-матонатни талаб қилади. Агар бу ташвишларни енга олмас экансиз, чекинишингизга тўғри келади. Мен фарзандларим учун бугун ҳам ота, ҳам она вази-фасини ўташим керак. Шу боис бор меҳримни улардан аямай-ман.

О.Н: — Фарзандларингиз сизнинг йўлингизни танлашмади-ми?

Р.Б: — Қизим менинг изимдан келяпти. Кўпгина тилларда қўшиқ куйлайди. Яқинда Хитойда ижод қилиб қайтди. Хуллас, ундан умидим катта.

О.Н: — Раънохон, илк бор сиз фақат қизлардан иборат дуторчи қизлар дастасида ишлагансиз. Айтинг-чи, санъаткор аёлнинг бахти нимада?

Р.Б: — Барча аёлларга ўхшаб оиласида. Мен санъатни ҳеч қачон оиламдан устун қўймайман. Гарчи санъатни жон дилим билан яхши кўрсам ҳам.

О.Н: — Бугунги кундаги фаолиятингиз ҳақида...

Р.Б: — 2003 йил 4 декабрда бошимга жуда оғир мусибат тушди. Тўсатдан болаларимизнинг отажониси оламдан ўтиб қолди. Бағри кенг, меҳрибон одам эди, раҳматли. Ҳали ҳануз ўзимга келолмайман. Қизиқишларим сўнди. Ҳамма нарсага вақт даво, деб бежиз айтишмаган экан. Энди секин-секин ижодга қай-тяпман. Ҳам эстрадада, ҳам миллий қўшиқчиликда ижод қиляпман.

О.Н: — Қайси қўшигингизни севиб ижро этасиз?

Р.Б: — Бундай қўшиқларим кўп. Лекин биттасини тан олиб айтаман. Бу қўшиқ халқимизнинг дилидан жой олган, шоир Берди Раҳмат сўзи билан айтиладиган «Онажонгинам».

О.Н: — Бугун фонограмма авж олиб кетди. Ачинарлиси, баъзи бировлар улуг санъаткорларнинг қўшигини қўйиб, оғзини қимирлатади...

Р.Б: — Бу даҳшат! Номардлар шундай қилади. Эшитганман, уларнинг нони ҳалол эмас. Мард, орияти бор киши ундай қил-майди.

О.Н: — Раънохон, қайси чет эл мамлакатларида бўлгансиз?

Р.Б: — Ўрта Осиё мамлакатларининг барчасида гастрол са-фарларида бўлганман. Мен бир нарсани яхши биламан, бари-бир Ўзбекистонимиз ягона...

О.Н: — Қимматли вақтингизни аямай биз билан суҳбат-лашганингиз учун раҳмат.



ҚЎШИҚ — ҚАЛБГА, ЖИСМГА ҚУВВАТ



Сойибжон Ниёзов 1969 йил 28 октябрда Бухоро вилояти, Олот туманидаги Раҳмат Ботиров жамоа хўжалигида полвонлар оиласида туғилиб вояга етди.

Отаси Наврўз ака шу жамоада ишлаган, онаси Шарофат ая эса 7 фарзанд, 6 ўғил ва 1 қизнинг тарбияси билан машғул бўлган.

Отаси устоз санъаткорлар Ҳожихон Болтаев, Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов, Жўрахон Султонов, Орифхон Ҳотамов қўшиқларини хиргойи қилиб, ўртоқлари даврасида куйлаб юрган. Шундан бўлса керак, Сойибжон қўшиқчилик санъатини танлаган.

1985 йилда мактабни тугатган Сойибжон Бухоро шаҳар мусиқа билим юртига ўқишга киради. У устози Али Бобохонов қўл остида қашқар рубоби бўйича таҳсил олади. 1989 йилда мусиқа билим юртини битириб, Олот туманидаги мактабда ўқувчиларга сабоқ беради.

1990 йилда Сойибжон Ўзбекистон Давлат Консерваториясининг мақом бўлимига қабул қилинади. Улуғ устозлар Фаттоҳхон Мамадалиев, Орифхон Хотамов, шунингдек, Машрабжон Эрматов, Ўлмас Расуловлардан санъатнинг нозик сирларини ўрганади. Илк ижро қилган қўшиғи Ўлмас Расулов куйи билан «Ширу шакар» деб номланади. Хонанда оилада турмуш ўртоғи Муҳайёхон билан 5 нафар фарзандни тарбиялаб, ширин ҳаёт кечириб келмоқда.

Озода Назарова: — Сойибжон, полвонлик ҳам жуда улуғ касб. Сиз курашни эмас, нима учун санъат йўлини танладингиз?

Сойибжон Ниёзов: — Ҳар бир инсон касбни танлашдан олдин кимгадир ҳавас қилади, кимгадир тақлид қилиб, ҳаётда ўз йўлини топишга интилади. Санъатга кириб келишимга сабаб шундаки, бизнинг оиламизда санъатни жуда улуғлашади. Қолаверса, отамнинг улфатлари, дўстлари қўшиққа шинаванда. Шуларнинг давраларида биз уларга чой ташиб юриб, хизмат

қилиб юриб, уларнинг суҳбатларини, хиргойиларини эшитиб, ўзимизда бошқача таассурот олганмиз, шекилли. Тўғри, бобом ҳам, отам ҳам полвон бўлишган. Ака-укаларимнинг барчаси спорт усталигига номзод. Ўзим ҳам ёшлигимдан спорт билан шуғулланиб келаман. Лекин менда санъатга қизиқиш устунлик қилиб, бу борада ўз йўлимни топиб кетдим. Бунга аввало, отам сабабчи бўлган. Отам Комилжон Отаниёзов, Ҳожихон Болтаевларнинг кўшиқларни хиргойи қиларди, бу санъаткорларни ниҳоятда эъзозларди, уларга ҳаваслари келарди.

О. Н: — Айнан устозларим, деб кимларни айта оласиз?

С.Н: — Аввало, отам десам, янгилишмайман. Қўлимга чолғу асбобини бериб, ноталарни, мусиқа илмларини, санъатни ўргатган инсон қоракўллик Мухтор Норов бўладилар. Улар Мусиқа мактабимизнинг директори эдилар. Кейинчалик Бухоро мусиқа билим юртида таҳсил олдим. Бу масканда таниқли рубобчи, кўпчилик санъаткорларнинг устози Али Бобохоновдан сабоқ олдим. Ушбу таълим масканини битириб, ҳозирда отамдек бўлиб қолган, тўйларда ҳамнафас Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ўлмас ака Расулов ҳам сеvimли устозим. Қолаверса, иш фаолиятимда Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов менга устозлик қиляпти. Жуда кўп кўшиқларни ўрганиямиз, ижро этиямиз. Айнан Ўзбекистон халқ ҳофизи Орифхон Ҳотамов, Фаттоҳхон Мамадалиев кўшиқларини айтиб анча-мунча мухлислар орттирдим. Айниқса, Орифхон Ҳотамовнинг 20 дан ортиқ кўшиқларини ўрганиб, олтин тасмаларга ёзиб қўйдим. Ҳамнафасликни ҳам Орифхон Ҳотамовдан ўргандим.

О.Н: — Сиз кўпроқ жўровозликда кўшиқ куйлайсиз. Жўровозликнинг якка ижрочиликдан қандай афзалликлари бор?

С.Н: — Катта ашулани жуда ҳам мураккаб ва мукамал асар деб биламан. Якка ижро қилганингизда, имкониятингиздан келиб чиққан ҳолда хоҳлаганча ижро қилаверасиз. «Мақом» дан бирортасини олсак, овозингиз етмай қолса, ёки сизда чекланган овоз бўлса, ўша нотани олиб ташлаб ижро қилиш мумкин. Лекин, катта ашуланинг қийинлиги шундаки, бунда мусиқа бўлмайди. Сизга бир тон берилган, парда берилган. Пардада бошлаганингиздан кейин доирани ичидан чиқмасдан туриб, бир-бировини эшитиб, икки одам икки юрак битта одам бўлиб, ижро қилиш керакки, шинавандага худди бир одам ижросидек етиб борсин. Чунки, катта ашула бир-биридан уста-уст ривожланиб бораверади.

О.Н: — Демак, саҳнада санъатни мукамал билиш, одамларга ўзини кўрсата билиш, устозлардан олган билимини на-

мойиш қилиш ҳар бир санъаткорнинг вазифаси. Жўровозликда куйлашни ёқтирасизми?

С.Н: — Ҳа, албатта. Ҳозир бу санъат йўқолиб борапти. Ана шу нарсани биз олиб чиқдик. Ҳатто, Москвада дискларимиз чиқди.

О.Н: — Сўнгги пайтларда замонавий қўшиқчилик билан мумтоз қўшиқчилик омухталашяптида. Бу борада фикрингиз?

С.Н: — Бу борада ижобий фикрдаман. Бу нарсани яхши қабул қиламан. Бироқ баъзи ёшларимиз Европа оҳангларига кўпроқ қизиқиб, ўзлари сўз қўйиб, маъносиз мантиқсиз, шеърлар қўйиб айтишяпти. Буларга мен қаршиман. Насиба Абдуллаева, Юлдуз Усмонова, «Нола» гуруҳини жуда ҳурмат қиламан. Уларнинг ижросида миллий нафас, ҳидимиз сезилиб туради. Уй қуришдан олдин унинг пойдевори мустаҳкам бўлиши лозим. У кўпга боради. Шунинг учун бизнинг миллий мусиқамизни ўрганиб, кейин эстрадага қўл уришса. Ёшларимизга, замонавий эстрада ижрочиларига ҳам менинг тилагим, аввало, миллий санъатимизни яхшилаб ўрганишсин.

О.Н: — Сиз ҳозирда мақом санъатининг тарғиботидан қониқасизми?

С.Н: — Унчалик эмас-ку, нисбатан яхшироқ. Мана радио-даги қатор эшиттиришлар, телевидениедаги «Хониш», «Оҳанрабо» каби кўрсатувлар, Сафарбой ака ва Шерали Ҳожиёвлар томонидан ташкил қилинган «Беллашув»лар бу катта саҳнага чиқишга катта имкониятдир. Халқнинг олдида бурчни ҳис қилиб туриш бошқача. 1—2 йил шуни эсдан чиқармай хурсанд бўлиб юрасиз. 2—3 та танловларда қатнашган бўлсам, буни ўзимда ҳис қилдим. Мана, олайлик, «Шарқ тароналари»да чет эллик олимлар ўтирибди. Ҳайъат аъзолари 12 та таниқли санъаткор. Шундай нуфузли ҳакамларнинг олдида қўшиқ айта олган санъаткорда, албатта, ғурур пайдо бўлади.

О.Н: — Фонограммада куйлаш билан жонли куйлашнинг фарқи қандай? «Мақом»да ҳам фонограмма куйласа бўладими?

С.Н: — Телеэкранлар орқали ишлатиш мумкин. Аммо халқнинг олдида фонограмма ишлатиш фожеа билан тенг.

О.Н: — Хоразм қўшиқчилик мактабига қизиқишингиз сабаби нимада?

С.Н: — Ўзбек мусиқа санъатимизда 3 йўналиш бор. Тошкент-Фарғона йўли, Бухоро йўли, Хоразм йўли. Бухоро вилоятининг Олот туманида Хоразм йўлига жуда қизиқишади. Мен ҳам ёшлигимдан ушбу йўлда ашулалар ижро этиб келаман. Ёшлигимдан Хоразм қўшиқларини жуда севиб тинглар эдим. Комилжон Отаниёзов, Ҳожихон Болтаев, халқимизнинг олқишига сазовор бўлаётган Раҳматжон Қурбонов, Бобомурод Ҳам-

дамов. Уларнинг ижодларига ҳақиқатан ҳам тан бермасдан илож йўқ. Бухоро «Шошмақом» йўлини, Хоразм йўлини, Тошкент-Фарғона йўллари ижросини ўрганиб, устозларим назарига тушганлигим менинг бахтимдир.

Ўлмас ака Расулов Хоразм «Мақом» йўлини айтишни ўргатиб, энди Бухоро, Тошкент-Фарғона йўлларига йўналтирди-лар. Шу қўшиқларнинг ижро йўлларини ўрганиб, мақом қандай бўлади, катта ашула қандай куйланади, билиб олдим.

Абдуҳошим Исмоилов, Ўзбекистон халқ ҳофизи Орифхон Ҳотамовлар мақом қўшиқларни маромига етказиб куйлашимда устозлик қилишди.



ЯККАБОҒЛИК ЯККА ХОНАНДА



Моҳир санъаткор, мумтоз кўшиқларни ўзига хос тарзда ижро этувчи хонанда, Ўзбекистон халқ ҳофизи Бекназар Дўстмуродов. 1957 йил 15 июнда Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани Қорасув қишлоғида дунёга келди. Санъатга қизиқиш Бекназарга бобомерос бўлса керак. Бобоси Умрзоқ ота Қашқадарёнинг бахшиларидадан бўлган. «Онам Ўғилой ая чанқовуз чалганларида, ҳаммамиз маҳлиё бўлиб қолардик. Уйда Дўстмурод отам дўмбира, дутор чалиб, Алламурод акам жўр бўлиб кўшиқ айтганларида ҳаммамиз сел бўлиб тинглар эдик. Мен ҳам уларга ҳавас қилиб отамнинг ёнига ўтириб аста хиргойи қилар эдим», — дейди Бекназар. Мактабда бўладиган ҳар бир талбирга жону дили билан қатнашди. Туман, вилоятда ўтадиган концерт, фестивалларда иштирок этди. Устозлари ва оиласидагилари Бекназарга Тошкентдаги Санъат институтига ўқишга киришни маслаҳат беришди. У ўрта мактабни муваффақиятли тугатиб, 1975 йилда Тошкент Санъат институтининг мусиқали драма факультетига ўқишга кирди. Институтда Ўзбекистон халқ артистлари Ҳусан Шарипов ва Бахтиёр Ихтиёровлардай фидойи устозлар қўлида ўқиди. Санъат сирларини ўрганди. Институтни тугатиб, 1981 йилдан 1983 йилгача Аброр Ҳидоятлов номли театрда, сўнгра Муқимий номидаги мусиқали драма театрида ишлади ва бир неча роллар ижро этди. Ўзбекистон бўйлаб концерт сафарларида қатнашиб, халқ олқишига сазовор бўлди. 1988 йилда Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошидаги Мақомчилар ансамблига конкурс асосида қатнашиб, ишга қабул қилинди. Айни пайтда бу Бекназар учун улкан синов даври ҳам бўлди. Унинг кенг диапазонли овози таниқли устоз хонанда Ўзбекистон халқ ҳофизи Орифхон Ҳотамовнинг назарига тушди. Устозининг ҳар бир ўгити бир умр унинг ёдида қолди. «Болам, санъатда ҳар кимнинг ўз йўли бўлиши керак. Бу йўлда ижод қилиш оғир, аммо шарафли. Тинимсиз изланиш ва меҳнат билангина халқ кўнглига йўл топасан», — дерди Орифхон

ака. Бекназар мақом йўлини танлади. Устозлари Орифхон Ҳотамов, Фаттоҳхон Мамадалиевлар ёрдамида Ўзбекистон Радиосининг оҳанрабо тасмасига Шашмақомнинг 50 дан ортиқ қўшиқларини ёздиришга муваффақ бўлди. Устозлар ўғитига амал қилди, ўз йўлидан борди. «Сераҳбори наво», «Сераҳбори оромижон», «Орази дугоҳ», «Содирхон ушшоғи», «Гулузорим», «Айладинг-қўйдинг» каби мумтоз қўшиқларни куйлаганида, ҳар бир қўшиқ ҳолатига ҳамоҳанг ҳиссиётларини дилидан кечиради. Бекназар Дўстмуродов ўз санъати ва ажойиб қўшиқларини республикадагина эмас, Франция, Америка, Германия, Ҳиндистон каби қатор чет элларда ҳам манзур эта олган хонандадир. Давлатимиз ҳофиз санъатини юксак қадрлаб, унга 2001 йилда «Ўзбекистон халқ ҳофизи» фахрий унвонини берди. Айни пайтда Юнус Ражабий номли ансамбл хонандаси Бекназар Дўстмуродов мусиқа коллежининг анъанавий қўшиқ бўлимида дарс ҳам бермоқда.

Озода Назарова: — Санъат соҳасига кириб келишингиз ҳақида сўзлаб берсангиз?

Бекназар Дўстмуродов: — Қашқадарёда юрган кезларимда отам катта бир теракзорга қоровуллик қилар эди. Ичига кириб биринчи қўшиқларни шу теракзорда айтганман. Кенг яйловларда мол боқиб юриб, овозни баралла қўйиб қўшиқ айтиб овозимизни чархлаганмиз. Отам дутор, дўмбирани жуда яхши чалар эди. Онам ҳам чанқовузни яхши чаларди. Унинг нолалари вужудимизга худди алладек сут билан сингган. Шуларнинг таъсири бўлса керак, қўшиқчи бўлиб қолдик.

О.Н: — Сиз қатор йиллар театрларда ишлаб келдингиз, лекин мақом дастасига алоҳида меҳр билан қарадингиз. Бунинг сабаби нимада?

Б.Д: — Театрда ишлаб юрганымда Ўзбекистон халқ артистлари Бахтиёр Ихтиёров, Ҳусан Шарипов, Лутфулла Саъдуллаевлар: «Бек, сен ролни яхши ижро этияпсан, лекин актёрликдан кўра сенга ашулачилик қулайроқ, маъқулроқ», дейишди. Эҳтимол устозлар менда шу маҳоратнинг кучлироқлигини пайқашган бўлса керак. Улар маслаҳати билан мақомга келиб, ёмон бўлмадик.

О.Н: — Биласиз, эстрада хонандаларининг овоз тонлари паст бўлади, мақом қўшиқчиларининг эса 4 та октавага чиқиб кетадиганлари бор. Фақат уларни тарбиялаш керак. Булар ҳақида нималар дея оласиз?

Б.Д: — Тўғри, эстраданинг рекламаси кучли. Шунинг учун ҳам улар олдинга чиқиб олишди. Афсус, негадир миллий санъатимиз тарғиботи жуда кам.

О.Н: — Мақом дастасида қандай ижодий жараёнлар кечмоқда? Ижодингиздан кўнглингиз тўладими?

Б.Д: — Ҳозирги кунда мақом жамоамизга жуда кўп ёшлар келди. Шунча йил ишлаб биз ҳам энди-энди мақомни тушуняпмиз. Шундай экан, бу соҳада ёшларга ҳам устоз керак. Ўз вақтида Орифхон ака, Фаттоҳхон акаларнинг устозлиги билан шу даражага етдик. Энди биз ҳам қўлимиздан келганича ёшларга ўргатяпмиз.



САНЪАТ — ТЕРАН ТУШУНЧА

Оролмирза Сафаров меҳнат фаолиятини 1992 йилда Маданият институтида халқ мусиқаси ва ижодиёти кафедрасида концертмейстрлик лавозимидан бошлаган. Оролмирза 1991 йилда «Камолот-91» республика кўрик танловида ўзи яратган «Висолингга» ва «Ким учун» кўшиқларини ижро этиб, «гранпри» совриндори бўлган.

1997 йилда Марғилонда Маъмуржон Узоқов хотирасига бағишлаб ўтказилган кўшиқчилар танловида ҳам 1-ўринга сазовор бўлди. Бунда хонанда «Суратинг», «Бухоро тўлқини», «Феруз-1» каби машҳур ашулаларни зўр маҳорат билан ижро этди. 1997 йил хонанда санъатдаги хизматлари учун «Шухрат» медали билан тақдирланди. 2000 йилда эса Оролмирза Сафаровга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони берилди. Оролмирза Сафаров 1997 йилдан Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институтида ўқитувчи лавозимида ишлаб келмоқда. Оролмирзанинг ҳар хил жанрда ижро этган 30 дан ортиқ кўшиқлари радио олтин фондида сақланмоқда. «Армон», «Шафқатинг борми», «Қачон билурсан», «Соғиндим», «Сенга интилдим», «Мангу куйимсан», «Нигорим», «Кўрамен» ва «Кўнгил ярим деманг» каби сара кўшиқлари эфир орқали таралиб турибди.

Санъаткорнинг 2 ўғил ва 1 қизи бор.

Озода Назарова: — Баъзилар санъаткор учун билим муҳим эмас, дейди. Сиз устоз сифатида бунга нима дея оласиз?

Оролмирза Сафаров: — Ўша, санъаткорга билим керак эмас, деган кўшиқчи санъатни йиғиштиргани маъқул. Ўзи саводсиз бўлганига яраша... Ўзи айтаётган кўшиқнинг на мағзини, на маъносини билмаса, бемаза кўшиқлари орқасидан бошқаларни ҳам эргаштириб, нафақат санъаткорларни, балки оддий халқни ҳам билимсиз қилиб қўяди. Аввало, саводсиз хонанда ҳеч қачон санъаткор бўлолмайди, «Санъаткор» сўзининг маъноси жуда теран. Қолаверса, 3—4 та ашулани хиргойи қилган чала-

савод хонандани оғиз тўлдириб, «санъаткор» дейишнинг ўзи нотўғри.

О.Н: — Давраларда, тўйларда шуларни эшитасиз.

О.С: — Озода опа, кечирасиз-у, ўзингиз билан ҳам кўп давраларда ўтирганмиз. Кўп санъаткорларга тақлид қилганмиз. Ҳозир қўзиқориндек болалаб кетган «ҳофизча»ларнинг кўпчилиги Олий ўқув юртларидан ҳайдалиб кетган талабалар. Ёки Олий ўқув юртларига кириб олиб, ўқишни коридорда битирганлар. Ваҳоланки, шулардан Алишер Навоийнинг қачон тузилганини сўранг, билмайди. «Муножот»нинг муаллифи ким, куйини ким яратган, билмайди. Ҳақиқий санъаткорлар эса қомусий билим соҳиблари, мана, Ўзбекистон халқ ҳофизи Фаттоҳхон ака Мамадалиевни олайлик. Кучли тарихчи, яхши адабиётчи бўлган, торни, скрипкани, танбур, дуторни мукамал чала олганлар. Бизнинг адабиётда аруз вазнининг нечоғли ўрин тутишини жуда яхши биласиз. Шу вазнларни бемалол таҳлил қилиб, масалан, қайси вазн қайсинисига тўғри келишини, қайси ғазал «Дугоҳ» йўлига, қайсиниси «Сегоҳ» йўлига тўғри келишини яхши билганлар. «Насруллои»дан тортиб, «Уффорсий»-гача ижод қилганлар.

Устозим — Ўзбекистон халқ ҳофизи Маҳмуд Тожибоевни олинг. Сатони, ғижжакни, танбур каби барча миллий созларни маромига етказиб чалади. Созни ҳам саводи бор одам чалади. Санъатда ном чиқарган одам чалади. Ана шу инсон ҳозиргача изланади. Бобурни, Навоийни ўқийди. Ўша даврда ижод қилган бошқа ижодкорларни ўқиб туриб, бемалол 1—2 соат манаман деган санъатшунос, қўшиқшунослардан яхши дарс берадиган истеъдодлар бор. Савод бўлмаса, ўзининг ўтмишидан, ўзининг тарихи, адабиётидан, ўзининг қўшиқчилигини туб илдизлари қаёққа бориб тақалганлигини билмаган қўшиқчиларни қандай қилиб санъаткорлар қаторига қўшиш мумкин?!

О.Н: — Мана ҳозир мумтоз наволар дедингиз. Шу мумтоз наволар ҳақида нима дея оласиз?

О.С: — Қўшиқчилигимизда мумтоз наволаримиз жуда катта ўрин тутаяди. Ўша энг қадимги 10 мақом ва бугунги кунда мукамаллашиб 6 мақом ҳолига келган — Шашмақом жуда катта маҳорат эгалари томонидан яратилган. Ҳар битта «Мақом»нинг ижро этиладиган алоҳида кун бўлган. Коммунистик мафкурада «Мақом» сарой ашулалари сифатида қатағонга учраб, йўқ бўлиб кетиш арафасида турган пайтда фидойиларимиз уни миллий қадриятимизнинг узвий қисми деб билиб, асраб қолишди. Мустақиллик шарофати билан жуда кўп мумтоз қўшиқларимиз радиомиз фонотекасидан топилди. Устозларимиз қўшиқларини, Расул қори Мамадалиевнинг қанча қўшиғи

борлигини билиб олдик. Қўшиқчилигимизда миллий созларнинг ҳам ўзига яраша ўрни бор. Биринчи марта сизни 1976 йилда ижро этган «Шодонлигим-шодлигим» қўшиғингиз орқали таниганман. Ўша вақтда сизни Озода Баҳриева сифатида танир эдим. Мана ўзгармай келяпсиз. Гоҳо дутор, гоҳо тор, гоҳо миллий чолғулар жўрлигида қўшиқ ижро этиб, барчани хушнуд қиляпсиз. Ҳеч ким сизни бунинг учун ур-калтак қилаётгани йўқдир, тўғрими? Мумтоз наволарни, мумтоз қўшиқчилигимизни сақлаб қолиш учун телевидениеда ҳам ҳаракатлар бўляпти. Миллий театрда ташкил қилинган «Айтишув», «Хониш», «Оҳанрабо» бу борада ибратли ишларни амалга оширяпти. Булар фақатгина классика, фақатгина мотам қўшиқларини айтади, дейдиган, санъатни тор тушунадиган одамлар учун зарба бўляпти.

ВАЪДАГА ВАФО ЛОЗИМ



Машрабжон Эрматов 1962 йил 17 ноябрда Қўқон шаҳрида таваллуд топган. Машрабжон Қўқондаги 1-сонли мусиқа мактабини битиргач, Тошкентдаги мусиқа коллежида ғижжак сози мутахассислиги бўйича коллежни тугатган. Давлат Консерваториясининг «Анъанавий ижрочилик» факультетида таҳсилни давом эттирди. У ерда устоз хонандалар Ориф Алимаҳсумов, Фаттоҳхон Мамадалиев, Рўзимбек Муродовлардан таълим олди. 1986 йилда ўқишни тугатиб, Қўқон шаҳрига қайтди ва маданият уйи қошидаги ансамблда мусиқа раҳбари бўлиб ишлай бошлади. 1987 йилда 2-республика мақомчилар кўрик танловида қатнашиб, 1-даражали диплом билан тақдирланди.

Озода Назарова: — Танбур билан ижро этган ҳар бир куй, ашулангизни тингласам, кўз олдимга устоз созанда Турғун Алиматов келади. Кўнглим кўтарилади. Чунки, орамизда шундай иқтидорли инсонлар бор, яна бўлса яхши бўларди. Бу эса ёшларимизнинг ўзбек миллий чолғуларини ўрганётгани, мусиқамиз келажаги порлоқ бўлади, дегани-да. Машрабжон, миллий чолғуларимизга, кўшиқларимизга меҳр қалбингизда қачон уйғонганини айта оласизми?

Машрабжон Эрматов: — Халқимизда қуш уясида кўрганини қилади, деган гап бор. Мен ҳам эсимни таниб, илк бор кўзим тушган нарса деворда осиклик турган рубоб бўлган. Оиламизда отам санъаткор бўлганликлари учун кўп санъаткорларни ёшлигимиздан кўриб, таниб келганмиз. Ўша вақтларда бу сирли оламга қизиқишим ортган, десам хато бўлмайди. Уйимизда йиғилиб, ўзларининг ижро усуллари билан барчага манзур бўлган катта ҳофизларга ҳавас қилганман.

О.Н: — Отангиз рубоб чалиб, кўшиқ айтармидилар?

М.Э: — Аслида отам Эргашали Эрматов устоз санъаткор эдилар. Скрипка чалиб, ижро қилардилар. Ўша даврда скрипкада куй чалиш урф бўлган. Ўз даврида отамиз устоз сифатида

таърифланадилар. Шундан бўлса керак, биз ҳам отамизнинг йўлларини танлаганмиз.

О.Н: — Сизнингча, санъаткор муваффақиятга эришиши учун қандай фазилатларга эга бўлиши керак?

М.Э: — Санъаткор ҳамиша минглаб инсонлар эътиборида бўлади. «Ия, фалончи санъаткору, фалондақа кийинар экан, юриши шундай экан», дейишади. Шу боис ҳам санъаткор юқори даражада эстетик дидга эга бўлиши керак. Бунинг ичига одоб ҳам, лафзи ҳалоллигу бир сўзлилиқ ҳам киради. Мен кўп устозлар билан юракдан суҳбатлашганман. Улар ҳамиша бизга: «Лафзинг тўғри бўлсин, ваъда қилдингми, устидан чиққин», деб ўргатишган. Демак ваъдага вафо тўғри сўзликнинг исботидир.

О.Н: — Нима учун айнан мумтоз қўшиқларни ижро этасиз?

М.Э: — Сўз бошида айтдим, отамизнинг руҳини шод этиш учун Тошкентда таҳсил олдим. Ўйлайманки, чин дилдан ҳаракат қилсанг, ҳар қандай орзуингга етасан. Консерваторияда ўқиётган пайтимда Ориф Алимаҳсумов дарс берардилар. Мақом сирларини илк бор улардан ўрганганман. Худонинг меҳрибончилиги билан Фаттоҳхон Мамадалиев ишга келиб қолдилар. Улардан ижро усулларини ўргандим.

О.Н: — Мақом ижрочиларидан кимларнинг ижодини кузатасиз?

М.Э: — Эркин Рўзиматов, Маҳмуд Тожибоев, Маҳмуджон Йўллошев репертуарини кузатиб бораман. Бу санъаткорлар анъанавий ижрочилиқ йўлида ўз услубларига эга. Ўктам Аҳмедов ҳам баракали ижод қилаётган изланувчан ҳофиз.

О.Н: — Мумтоз қўшиқчиларимиз орасида рақобат бўлади-ми?

М.Э: — Рақобат бўлиши керак. Бўлмаса ижрочилиқ ўсмайди. Халқ биздан ҳамиша янги-янги қўшиқлар кутади. Кимгадир тақлид қилиб, айнан унинг қўшиғини ижро этсам бўлмайди. Ўз овозим, ўз йўлим бўлиши керак. Масалан, бир киши «Қора кўзим»ни айтса, бошқача чиқади-да. Сиз ҳам шу ашулани айтишингиз мумкин. Лекин сизнинг овозингиз бошқача.



ЁШЛАРДАГИ ИҚТИДОРНИ КЎРИБ РУҲЛАНИБ КЕТАМАН



Хуррият Исроилова 1960 йил Андижон вилоятининг Шаҳрихон шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Ўрта мактабнинг 8-синфини битиргач, Шаҳрихондаги Тўхтасин Жалилов номи билим юртида таҳсил олди. Хурриятхон ёшликда санъат бағрида ўсди. 1979 йилда мусиқа мактабини муваффақиятли тамомлаб, Тошкент Давлат консерваторияси анъанавий ижрочилик кафедрасининг мақом бўлимига ўқишга кирди. У таҳсил олиш билан бирга 1980 йилда Ўзбекистон радиоси қошидаги Юнус Ражабий номи мақом ансамблида ишлай бошлади. «Мен консерваторияда устозларим Ҳалима Носирова, Берта Давидова, Комила Аминова, Шавкат Мирзаев каби катта санъаткорлардан мусиқа танлаш, сўз устида ишлаш сирларини ўргандим. Ўзбекистон Радиоси мақом дастасида 15 йилдан ортиқ хизмат қилдим. У ерда Ўзбекистон халқ артистлари Турғун Алиматов, Орифхон Ҳотамов, Ориф Алимаҳсумов, созандалар Раҳматилла ва Қудратилла Самадов, доирачи Дадахўжа Соттихўжаевлардан овоздаги ўрта авж ва авж пардаларида куйлашни, кўшиқ танлашни ўргандим. Яқинда Ўзбекистон телевидениесида намойиш этилган Увайсий видеофильмидаги барча кўшиқларни ижро этдим», — дейди Хурриятхон.

Озода Назарова: — Хурриятхон, оилангизда ҳам санъаткорлар бўлганми?

Хуррият Исроилова: — Дадам ахён-ахёнда доира чертиб Ўринбой Нуралиев, Нуриддин Ҳамроқулов, Таваккал Қодировдек санъаткорлар билан биргаликда тўй-ҳашамларда ашула айтиб юришган пайтлари бўлган.

О.Н: — Мана мен сизнинг ижодингиз билан 25 йилдан буён танишман. Сиз кўп қиррали санъаткорсиз. Ижро йўлингизнинг қайси бири ўзингизга ёқади?

Ҳ.И: — Авваламбор, ҳар бир йўналишнинг ўзига яраша мураккаб томонлари бор. Масалан, классик кўшиқларимни севиб

куйлаётган бўлсам, оркестр жўрлигида куйлашнинг ҳам ўзига яраша маҳорати, қийинчиликлари бор. Билмадим, менда шу нарсалар ёшлигимда мужассам бўлгани учун ҳеч қийинчилик сезмайман. Ҳар бир ижро йўлим ўзимга маъқул келади. Устозларимнинг бебаҳо йўл-йўриқлари боис ҳамма қўшиқларимни яхши куйлашга интиламан.

О.Н: — Мухлислар сизни эстрада хонандаси сифатида танийдилар. Нима сабабдан мумтоз йўналишга ўтиб кетдингиз?

Ҳ.И: — Мен олдин кўпроқ телевидениеда афғон, эрон, озарбайжон қўшиқларини куйлаб чиқардим. Лекин, илк бор сахнага чиққанимдаёқ классик қўшиқлар куйлаганман. Фарғонада Фаттоҳхон Мамадалиев раҳбарлигидаги мақом ансамблимиз бор эди. Улар билан бирга Тошкентга келиб, турли кўрикларда «Мўғулчай дугоҳ», «Қашқарча», «Сараҳбор» каби классик қўшиқларни айтганмиз.

О.Н: — Ҳурриятхон, сиз билим юртларида ёшларга сабоқ берасиз. Шогирдларингиз ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

Ҳ.И: — Айни вақтда санъатим билан биргаликда мусиқа коллежининг аънавий бўлимида, шунинг билан бирга Абдулла Қодирий номидаги Маданият институтида талабаларга сабоқ бериб келяпман. Ёшлар билан ишлаш жуда қизиқарли. Улардаги қизиқишни кўриб, ўзим ҳам руҳланиб кетаман.

О.Н: — Бир неча йил радиомиз қошидаги Юнус Ражабий номли «Мақом» ансамблида ишладингиз. Ҳозир иш фаолиятингизни қаерда давом эттиряпсиз?

Ҳ.И: — «Ўзбек рақсбирлашма»сида, «Тановар» ансамблида ишляпман. Мақсадимиз рақс спектакллари тийёрлашдан иборат. Юлдуз Исматова раҳбарлигидаги «Тановар» ансамблидаги кўп спектаклларда Зебинисо, Мирзо Улуғбек образларини яратишда раққос қўшиқлар куйляпман.

О.Н: — Мақом дастасидаги иш фаолиятингиз яхшими ёки ҳозирги иш фаолиятингиз?

Ҳ.И: — Санъаткорга қайси жойда ишлашнинг фарқи бўлмаса керак. Лекин хонанданинг ўзига ҳам кўп нарса боғлиқ. Масалан, мақом ансамблида ишлаганимда фақат классик қўшиқлар ижро этганман, ансамблда эса оркестр жўрлигида қўшиқлар яратдим. Мен ансамблда ишлаганимдан жуда ҳам бахтиёрман. Сабаби, не-не устозлар билан бир дастурхон атрофида ўтириб, бир пиёла чой устида уларнинг ширин суҳбатларидан баҳраманд бўлдим. Уларнинг тўю ҳашамларига бориб, қариндош-уруғларининг ёнида хизмат қилиш бахтига муяссар бўлганман.



МУХЛИСЛАРИМ ҚУВОНЧИ — БАХТИМ



Муножотхон Тешабоева 1962 йил 29 январда Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманида таваллуд топган. Водий санъаткорларга бой макон. У ердаги санъаткорлар ўз қўшиқлари билан халқ олқишига сазовор бўлган. Муножотхоннинг отаси Турсунбой ака ҳам санъат шинавандаси эди. Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Расулқори, Эркақори каби санъаткорларнинг ашулаларини севиб тингларди. Ҳатто, уларнинг қўшиқларини ҳиргойи қилиб юарди. Муножотхоннинг мусиқага бўлган қобилиятини сезган ўқитувчиси Собир ака Асадов унга қўшиқ айтиш йўлларини астойдил ўргатди. Мактаблардаги тадбирларда ўз қўшиқлари билан қатнашиб, устоз ва ўртоқларини хурсанд қилди. Туман, вилоят, республикада бўлиб ўтадиган санъат танловларида қатнашиб, яхши кўрсаткичларга эришди. Муножотхон туман маданият уйига ҳам тез-тез бориб, бу ерда ўтадиган концертларда иштирок этарди. Устоз санъаткор Фаттоҳхон Мамадалиев, Ширмоной Ғозиевалар этагини маҳкам ушлаган хонанда қиз қалбида қўшиқчиликка бўлган меҳр янада ошди. Муножотхон 1979 йилда Тошкент Давлат Санъат институтининг мусиқали драма факультетига ўқишга кириш бахтига муяссар бўлди. Аълочи талаба устозларидан санъатнинг ноёб қирраларини ўрганди. Бахтиёр Ихтиёров, Хусан Шариповлар актёрлик маҳоратидан дарс берган бўлса, ашула айтиш сирларини Ойниса Кучликовадан, мақом жанрини устози Сулаймон Тахаловдан ўрганди. Муножотхон институтда ўқиш билан бирга 1981 йилдан бошлаб Муқимий номидаги мусиқали драма ва комедия театрида фаолият бошлади. «Гулсара» спектаклидаги Асалхон, «Лайли ва Мажнун»даги малика, «Тошкентнинг нозанин маликаси»да ўзига хос роллар яратиб, халқ олқишига сазовор бўлди. У 1983 йилдан бошлаб Аброр Ҳидоятлов номидаги театрда меҳнат қилмоқда. Театрда Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир Йўлдошев, Зайнаб Садриева, Ёдгор Саъдиев, Дилбар Исмоилова, Афзал Рафиқов каби санъаткорлар билан ёнма-ён

туриб, «Фармонбиби аразлади» спектаклида Зухра ролини, «Гўзаллар ва миршаблар» спектаклида Шаҳноза образини яратди. Театр жамоаси билан қатор туман, вилоятларда, Германия, Испания, Туркия, Саудия Арабистони, Исроил каби чет мамлакатларда бўлиб, ўз санъатини намойиш этди.

Озода Назарова: — Сизни санъат гулшанига чорлаган сабаблар нимада бўлган?

Муножотхон Тешабоева: — Дадам мактабда она тили ва адабиётдан дарс берардилар. Маъмуржон Узоқов, Ҳабиба Охунвалар, Фаттоҳхон Мамадалиевлар ижросидаги қўшиқларни хиргойи қилиб юрардилар. Шунданми 2—3-синфдан ашула айтишни бошлаганман, мумтоз ашулаларга меҳр қўйганман.

О.Н.: — Ўзингизга берилган имконият ва салоҳиятни рўёбга чиқара олдим, деб ўйлайсизми? Ниятларингизга эришдингизми?

М.Т.: — Йўқ ҳали. Биласизми, бизнинг мумтоз ашулаларимиз, мақомларимизнинг тагига етиб бўлмайди. Мен ҳали ҳеч қайсинисини... Шундай яхши кўрган ашулаларим кўпки, бир хилларига овозимнинг диапазони етмайди. Шунда ҳам амаллаб, хиргойи қилиб айтаман. Бу мумтоз ашулаларимизга эришиш учун нима қилиш керак? Ҳаракат керак, устозларнинг олдида кўпроқ бўлиш керак. Янги-янги қўшиқларни ўрганиш керак.

О.Н.: — Мана, сиз театр соҳасида ишляпсиз, кўпроқ роллар ижро этасиз. Ҳозирги даврда сизга ёқадиган асарлар борми?

М.Т.: — Ёқадиган асарлар бор. Бироқ ҳозир ҳар бир уйда DVDлар, видеомагнитофонлар, ҳатто «домашний кинотеатр»лар бор. Шу боис театрга келишдан сал тўхташди. Бироқ, спектаклни театрда кўриш, жонли мулоқотнинг ўрни, завқи бўлакча. Одамлар буни тушунишяпти. Ҳозир томошабинлар спектаклга келишяпти.

О.Н.: — Санъаткор ўзи асли қандай бўлиши керак?

М.Т.: — Санъаткор камтар бўлиши керак. Чунки, юқори баҳолайдиган ҳам халқ, пастга урадиган ҳам халқ.

О.Н.: — Мана шу санъаткорлар ичида касби туфайли оиласи нотинч бўладиганлари ҳам учрайди. Хуллас, оиласи билан келишмайди. Биласиз, санъаткорлар 1—2 ойлаб гастролларда бўлади. Сизда бундай муаммолар бўлмайдими?

М.Т.: — Бўлмайди. Чунки турмуш ўртоғим истейдодимни жуда ҳурмат қилади.

О.Н.: — Санъатдаги машҳурликка қандай қарайсиз?

М.Т.: — Ижобий. Бироқ ҳамиша эл назарида бўлиш ҳам осон иш эмас. Бу жуда қаттиқ меҳнат талаб қилади. Бунинг

учун чуқур билим, ҳозиржавоблик, шунинг билан бирга камтарлик ҳам керак. Инсон ўз касбини ҳурмат қилиб севса, масъулият билан ёндошса атрофдагиларнинг меҳрини қозона олади, деб ўйлайман. Мен санъатни бутун вужудим билан яхши кўраман.

О.Н: — Сизнингча бахт нима?

М.Т: — Бахт, нима десам экан , энг аввало ўз соҳасини яхши кўриб, шунга чин дилдан тўғрилиқ билан хизмат қилиш. Оилам тинчлиги ва мухлисларимнинг қувончини ҳам бахт, деб биламан.



ЭЗГУЛИКНИНГ ҚИЙМАТИ КЎП, АРЗОН ДЕМА...

Гулбаҳор Сулаймонова 1958 йил 3 майда Қашқадарё вилояти, Қарши туманидаги Кўчкак-Араб қишлоғида туғилган. 1975 йили Қарши шаҳридаги 1-сонли ўрта мактабни тугатиб, шу йили Қарши шаҳридаги мусиқа билим юртига ўқишга киради. У устози Надежда Бобожоновадан кўпгина санъат сирларини ўрганadi. Гулбаҳор ёшлик дамларини шундай эслайди: — Отам Омон Бозоров ҳарбий соҳада ишлаган, ўқитувчилик қилган. Онам Хуррамой мактабда 45 йилдан ортиқ ишлаб, ёшларга таълим-тарбия берган устоз, оиламизда 5 ўғил ва 2 қизнинг меҳрибон онаси эдилар. Гарчи ота-онам санъат соҳасида бўлишмаган бўлса ҳам, санъатни севишган. Раҳматли отамизнинг ҳарбий, рус ва ўзбек кўшиқларини хиргойи қилиб юришлари ҳамон қулоғим остида жаранглаб туради. Шундан бўлса керак, Даврон ҳамда Равшан акамлар санъат соҳасида фаолият кўрсатиб, Қарши маданият коллежида рубоб ва чанг соҳасида талабаларга дарс бериб келишмоқда.

Гулбаҳор билим юртини аъло баҳоларга тугатиб, 1979 йили Тошкент Давлат Консерваториясининг вокал факультетига ўқишга кирди. Консерваторияда ажойиб устозлардан таълим олади. Ўз санъати ва тиришқоқлиги билан 1989 йил республика ёшлар кўрик танловида ғолибликни кўлга киритади. Консерваторияни битиргач, 1992 йилда Гулбаҳор Республика радиоси қошидаги эстрада симфоник оркестрига ишга таклиф қилинади. У оркестрда ишлаб, бир неча устоз композиторларнинг кўшиқларини ўрганди. Гулбаҳор Сулаймонова кўплаб чет эл сафарларида, Ўзбекистонимизнинг барча вилоятларида, қардош мамлакатларда ҳам ўз санъатини намойиш қилиб келмоқда. Унинг репертуарида ажойиб кўшиқлар бор. Гулбаҳор оилада ажойиб она, 2 фарзандни тарбиялаб келмоқда.

Озода Назарова: —Қашқадарёдан Тошкентга келиш осон бўлмаган бўлса керак?

Гулбаҳор Сулаймонова: — Албатта. Машаққатсиз ҳеч нарса бўлмайди. Меҳнатнинг таги роҳат, дейишади. Мен орзу қилар эдимки, мусиқа билим юртини битириб, Консерваторияга ўқишга кириб вокал соҳаси бўйича ўқишни. Шу нарсани таъкидлаб ўтишим керак, ота-онам ўзбек қўшиқларини жуда севиб эшитишарди. Мен ҳам жуда севиб эшитардим, ижро этардим. Шу нарса радиокомитетга келишимга сабаб бўлган, десам хато қилмаган бўламан.

О.Н: — Сиз, қайси санъаткорларга ҳавас қилгансиз, устозларингиз ким бўлган?

Г.С: — Мен ҳамма санъаткорларга ҳавас қилганман. Чунки, ҳар бир санъаткорнинг ўз услуби бўлади. У яхшими-ёмонми, каттами-кичикми ўзининг «почерки» бўлади дейишади, руслар. Биласизми, уларнинг ҳар биридан ўрганадиган нарсалар бўлади. Шунинг учун мен ҳамма санъаткорларни ҳурмат қилиб, ҳавас қиламан.

О.Н: — Аёл киши учун санъаткорлик қисмати жуда оғир. Шу қисмат сизга оғирлик қилмаяпти, ҳамма имкониятларини юзага чиқаряпман, дея оласизми?

Г.С: — Биласизми, мен буни қисмат эмас, бахт дейман. Санъат — бу кураш. Ҳаётда яшаш учун курашасиз. Кураш зийнати санъатда дейишади. Санъатнинг қудрати курашда дейишади. Ҳаётни мен бир қўшиқ дейман. Туғилдинг — қўшиқ дунёга келди. Ҳаётдан кетдинг-қўшиқ тугади

О.Н: — Сиз кўп йиллардан бери эстрада соҳасида фаолият кўрсатасиз. Эстрада соҳасида кимларни ҳақиқий санъаткор, деб тан оласиз.

Г.С: — Ҳамма санъаткорларни тан оламан. Чунки, санъатда ҳаракатнинг ўзи катта нарса. Ҳаракатдан баракат дейишади. Яна мен тан оладиган санъаткор қандай бўлиши керак, ўзидан қийналганга, ўзидан ёшга, ўзи билан баробарга ён бериши ва ўзидан катталарга ақл билан ёндошган санъаткорларни. Нафақат санъатда, юриш-туришда, уйда, ҳаётда ўрнатилган санъаткорларни ҳақиқий санъаткор, деб тан оламан.

О.Н: — Санъаткор сифатида ҳаётнинг мазмуни нимада деб биласиз?

Г.С: — Ҳаётда яхши ният билан яшайсиз. Шукр қилиб яшаб келаман. Бўлаётган ишларда мен фақат эзгуликни кўраман. «Эзгуликнинг қиймати кўп, арзон дема ҳеч қачон», дейилади. Эзгулик қилиб яшайман. Ёши ўтган кишиларнинг дуосини олгим келади. Яна ҳар бир инсоннинг орзуси уни инсонлар тан олишида, деб ўйлайман.



ОРЗУЛАРИМ — ҚАНОТИМ

Зулайҳо Бойхонова 1964 йил 28 апрелда Наманган вилояти, Уйчи туманидаги Бирлашган қишлоғида таваллуд топди. Мактаб ўқувчиси Зулайҳо 1979 йили туман, вилоят «Марҳабо талантлар» кўрик танловларида қатнашиб, ғолиб бўлди. Талабалик пайтларидаёқ Зулайҳо Бойхонова Муқимий номидаги мусиқали театрда ишга таклиф қилинди.

Озода Назарова: — Зулайҳо, сиз бир неча йиллардан бери театрда ишлаб келяпсиз. Театр актёрининг ютуғи кўпроқ кимга ёки нимага боғлиқ?

Зулайҳо Бойхонова: — Театр актёрларининг ижодий тақдирини, аввало, режиссёрга боғлиқ. Мана шу театрда нечта солист, нечта актёр бўлса, ҳар бирининг тақдирини режиссёр ҳал қилади. Баъзи ижодкорнинг қотиб қолиши ҳам кўпроқ режиссёрга боғлиқ. Баъзан шундай бўлади, битта актёрга фақат ижобий ролларни бераверади. Ана шундай пайтларда актёр бир ёқлама бўлиб қолади, истеъдодининг бошқа қирралари очилмай қолади. Шу билан биргаликда у актёр қотиб қолади. Саҳнада актёр шундай бўлиши керакки, қаёққа қараб бурсанг, алюминийга ўхшаб шу ёққа бурилиб кетавериши керак. Мен мана шу театрда келиб қанча роллар ўйнадим. Албатта, ролни бизга режиссёр беради. Режиссёрлар биринчи навбатда кўшиқни қандай айтишим, кўринишим хос келадими, йўқми, шунга эътибор беришади. Чунки, мусиқали драманинг ўзига яраша қонун-қоидалари бор. Шуларга жавоб бера оламанми?

О.Н.: — Театрда салбий ролларни ҳам ижро этганмисиз?

З.Б.: — Режиссёр Маъруф Отахоновнинг «Ҳижрон» спектаклида салбий қаҳрамон Қизбоши образини яратдим. Театршуносларнинг фикрига қараганда спектаклдаги Қизбоши бош қаҳрамон бўлиб қолган. Қизбоши чиққанда саҳналар тўлиб кетган. Томошабинлар шу салбий ролимни кўриб, ёмон ҳам кўриб қолишган.

Мен ҳозирги пайтда қўшиқ айтиш билан шуғулланаман. Негаки, кўпроқ мухлисларим мендан қўшиқ кутади. Ҳозирги кунда Абдуҳошим Исмоилов билан биргаликда ишляпмиз. 12 та қўшиқ ёздик. Ҳалима Худойбердиева, Фариди Афрўз каби шоирларимиз билан биргаликда, ҳамкорликда ишляпман. Абдуҳошим Исмоилов кўпгина шоиларимизнинг шеърларига куй басталадилар. Анчагина қўшиқларимизни магнит тасмаларига ёздик.

О.Н: — Сиз кўплаб хорижий сафарларда бўлгансиз. Қайсилари сизда катта таассурот қолдирган?

З.Б: — Биласизми, ҳар бири ўзига хос. Масалан, Францияга борганимда Эйфел минорасига чиқдим. Белгиядаги бетакрор ҳайкаллар ҳануз кўз олдимда. Лекин, қандай илғор, машҳур, гўзал мамлакатда бўлманг, беш кундан кейин зерикасиз. Ўзингизнинг юртингизни, фарзандларингизни соғинасиз.

О.Н: — Санъаткорларни қандай кутиб олишади?

З.Б: — Чет элликлар миллий санъатимизни, ҳақиқий жонли ижрони яхши кутиб олишади. Қизиқишади. Улар учун ҳаммаси қизиқарли. Ўша ерлар, ўша олқишлар оғушида туриб яна бир бор ўзбек санъати шу даражада юқори савияда эканлигини юракдан ҳис қиласиз. Ўзингиз амин бўласиз.

О.Н: — Оилада санъаткор аёлнинг ўрни ҳақида гапириб берсангиз?

З.Б: — Санъаткор аёлга жуда ҳам қийин. Мен театрга биринчи кун кириб борсам, фойеда бир қанча актёрлар турган экан. Шуларнинг ичидан биринчи бўлиб, бўлажак турмуш ўртоғим келиб, исмимни сўраганлар. Тақдир экан, биз турмуш қурдик. Мана, яшаб келяпмиз. Мен қайнонамлар билан бирга тураман. Улар ҳам театрда ишлаганлар. Улар санъатни жуда қадрлайдилар. Иккита боламни катта қилишда ёрдам берганлар.

О.Н: — Демак, турмуш ўртоғингиз ҳам асли санъаткор эканлар.

З.Б: — Албатта. Улар театримиз ансамблида ишлайдилар.

О.Н: — Фарзандларингизнинг санъаткор бўлишларини хоҳлайсизми?

З.Б: — Агар Худо томонидан берилган бўлса, марҳамат. Албатта, мен уларга ёрдам бераман.



ҚОБИЛИЯТНИ ЯРАТГАН ЮҚТИРСИН...

Меҳри Бекжонова 1962 йил 1 январда Наманган вилоятининг Поп шаҳрида дунёга келган.

«Санъатга қизиқиш менинг болалик пайтларимда бошланган. Ёшлигимда мактабда байрам тадбирлари, йиғинлар менсиз ўтмас эди. «Санъат — саодатим» танловининг доимий қатнашчиси эдим. 7-синфда ўқиётган кезларим эди. Туманимизга Тошкентдан бир гуруҳ санъаткорлар концерт қўйгани келишди. Билсам, улар халқимизнинг севикли ҳофизлари Фароғат Раҳматова, Лутфихоним ая Саримсоқова, Маҳмуджон Ғофуров, Эътибор Жалилова ва Бахтиёр Ихтиёров каби ажойиб санъаткорлар экан. Улар айтган ашулалар ва спектакллардан намуналар, ижро этган ажойиб роллари менда катта таассурот қолдирди. 1979 йилда Тошкент Санъат институтига ўқишга кирдим. Бизнинг мусиқали драма курсимизга Бахтиёр Ихтиёров курс раҳбари этиб тайинланди. Хусан Шарипов, Коммуна Исмоилова ва Ойниса Кучликовалардан сабоқ олдим», — дейди Меҳри Бекжонова. 2-курс талабаси пайтидаёқ театр режиссёри Бахтиёр Ихтиёров уни театрга ишга таклиф қилди.

Озода Назарова: — Меҳрихон, мана бугун сиз эл эътиборидаги санъаткорсиз. Энди бироз орқага чекиниб, бир савол бермоқчиман. Айтинг-чи, санъаткор бўлишингизга ота-онангиз қандай қараган?

Меҳри Бекжонова: — Ота-онам, қариндош-уруғларим ҳам мендаги озгина бўлса ҳам Аллоҳ юқтирган қобилиятни сезишгани туфайли қаршилиқ билдиришмаган.

О.Н.: — Тошкентга келганингизда сизга устозлик қилганлар, деб кимларни айта оласиз?

М.Б.: — Биласизми, Озода опа, мен театрда шаклланиб, санъат сирларини астойдил, чин дилдан тўлақонли ўрганишимда энг биринчи устозим Маннон Уйғур номидаги санъат институти домлалари бўлди. 1979 йили шу масканга ўқишга қабул қилиндим. Бахтимга ўша йили мусиқали театр актёри факультетида

мени шогирд, деб тан олган Ўзбекистон халқ артисти Хусан Шарипов устозлик қилишган. Санъат институтида актёрлик маҳоратидан менга 5 йил мана шу устозларим таҳсил беришган. Қолаверса, бизнинг театримиз мусиқали театр бўлганлиги учун овоз 1-ўринда турарди. Шу овоз бўйича менга айтиш йўллари-ни, ария ва дуэтларни ўрганишимда вокал ўқитувчим Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ойниса Кучликова ёрдам берган. Биласизми, яна бизнинг бахтимиз шу бўлганки, ўша йили анъанавий ижрочилик бўлими очилган. У ерда мен ёқимли овоз соҳиблари Сулаймон Тахалов, Коммунахоним Исмоиловалардан билим олдим. Ундан кейин қобилиятимни кўриб, 1982 йил 3-курс талабаси пайтлигимдаёқ ўзлари меҳнат қиладиган Муқимий номидаги мусиқали театрга ишга таклиф қилганлар. Мана, ҳамон шу қутлуғ даргоҳда ишлаб келяпман. Қолаверса, мана шу катта саҳнага келганимда мендан олдин фаолият кўрсатган ҳамма санъаткорларни ўзимга устоз деб қабул қиламан. Театрнинг оҳанрабоси бор. Шунинг учун Муқимий номидаги мусиқали театрнинг номини эшитсам, телевизорда ҳам «Муқимий» театри деса, юрагим бир қалқиб кетади. Албатта, биринчи қадамни ким эсдан чиқаради. Ҳозир ҳам, ҳудди кечагидек ёдимда. Менга устозим Бахтиёр Ихтиёров катта спектакль, классик асар «Лайли ва Мажнун» спектаклидаги Лайли ролини ишониб топширдилар. Аввалига, «Вой, нимага менга дарров катта рол бердилар», деб юрагимга ғул-ғула тушди. Бахтиёр акамга: «Домла, нима учун бу катта ролни бердингиз, менинг қўлимдан келмайди, мен кўрқяпман», демадим. Менда Лайлининг қирраларини кўргандирларки, менга ишониб топширдилар, демак мен бунинг уддасидан чиқишим керак, деб ҳаракатга тушиб кетдим. Концертмейстеримиз Маргарита Александрова билан биргаликда туну кун машқ қилдим, овозим устида ишладим. Домламнинг ишончини оқлашга астойдил ҳаракат қилдим. Бу спектаклнинг қўйилган йили 1983 йилларга тўғри келади. Устоз санъаткор Ҳамза Умаров отам ролини ўйнаганлар. Катта-катта буюк санъаткорларимиз саҳнага чиқишган. Уларнинг ўз ишига бўлган садоқати, маҳорати мен учун катта тажриба мактаби бўлди.



АЛЛОҲ БЕРГАН ЙИГИТ

Қиличбек Тожиёв Фарғона вилояти Олтиариқ туманида 1957 йилнинг сентябрида таваллуд топди. Отаси Мусажон ака тадбиркор, онаси Анбархон ая уй бекаси, 4 қиз ва 2 ўғилни вояга етказган.

У мактаб даврларидаёқ санъатга ошно бўлди. Тумандаги ёш ижодкорлар уйида ташкил этилган Юнус Али Эминов раҳбарлигидаги «Дебоча» ансамблига қатнашди. Туман, шаҳар, вилоятларда бўлиб ўтадиган концертлар ва «Ёшлар» кўшиқ байрамларида иштирок этиб, яхшигина ютуқларни қўлга киритди. Ўрта мактабни муваффақиятли битириб, Фарғона вилоятидаги педагогика университетининг тарих факультетига ўқишга кирди.

Ўқиш билан бирга университетда бўлиб ўтадиган барча байрам-тадбирларда ўзининг санъати билан иштирок этди. У устоз ва талабалар орасида обрў-эътибор топди. 1980 йилда университетни муваффақиятли тугаллаб, мактаб ва маданият уйларида, вилоят филармониясида устоз Таваккал Қодиров, Қобилжон Юсупов, Солижон Маматов ва Зайнобиддин қизиқ сингари халқ суйган санъаткорлар билан ишлай бошлади. Улардан санъат сирларини ўрганди. Республика телевидениеси ва радиосида ўзининг сара кўшиқларини тасмага ёздириб, ширали овози билан халқ орасида танилди. Унинг ижросидаги «Тавалло», «Кўзларинг шайдосиман», «Бу дунё», «Васлинг шайдосиман», «Менга Оллоҳ бераверади» каби кўшиқлари уни элга танитди.

Озода Назарова: — Бугун ёш санъаткорларнинг саҳнага бўлган муносабати сизда қандай таассурот қолдиради?

Қиличбек Тожиёв: — Ҳозирги ёшларимизга омад тилайман. Уларни бир нарса деб айблашга менинг ҳаққим ҳам йўқ. Лекин, саҳна маданиятини сақлашни устозлардан ўрганишса, яхши бўларди.

О.Н.: — Қиличбек, давр учқур, ўткинчи, айтинг-чи, сиз вақтдан унумли фойдалана оляпсизми?

Қ.Т: — Ёш ўтган сайин ёшликда бекор кетган вақтимизга ачинар эканмиз. Аслида уларнинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланиш, кўпроқ ёзиб, кўпроқ ижод қилиш керак экан.

О.Н: — Саҳнада қўшиқ куйлаётганингизда кўпроқ кўз олдингизга нималар келади?

Қ.Т: — Қўшиқни матнига қараб, Ватан ҳақида айтсам онам, туғилиб ўсган қишлоғим, севги, муҳаббат ҳақида айтсам гўзал туйғулар кўз олдимга келади. Шундан бўлса керак, қўшиқларим ҳам ўрнига тушиб, мухлисини топади.

О.Н: — Қиличбек, анчадан буён қўшиқ айтасиз, ўз йўлингизни топиб олган устоз санъаткорсиз. Энди бемалол шогирдларингиз ҳақида сўрасак бўлади.

Қ.Т: — «Халқлар дўстлиги» саройида «Унутмоқ осонмас бизларни» деб номланган концерт ўтказдик. Хонандалар Дилшод Раҳмонов, Абдужалил Қўқонов, Қиличбек Мамадалиев — Охунжоннинг ўғли шуларни тарбиялаб, шулар билан бирга ижод қиляпмиз.

О.Н: — Ҳаётингизда, умуман, ҳар бир санъаткорнинг ҳаётида уй-оила қандай ўрин тутади?

Қ.Т: — Энг аввало уйингиз, оилангиз тинч бўлса, ижодингиз ҳам ўрнини топади. Бизни шунчалик бўлиб юришимизда оиламизнинг биздан ҳам кўпроқ меҳнати сингган. Рафиқам, дўстим — Назирахон невараларни боқиб ўтирибдилар.

О.Н: — Нечта фарзандингиз бор?

Қ.Т: — Уч фарзандимиз, 5 та набирамиз бор.

О.Н: — Ижодий жараён давомида — саҳнадами, ҳаётдами қандай қизиқ воқеалар бўлган?

Қ.Т: — Биз қўшиқни жонли ижро этамиз. Жонли бўлганидан кейин ҳар хил ҳолатлар бўлади. Қўшиқлар сўзи эсга келмай қолиши мумкин. Саҳнада кимнидир кўриб, адашиб кетишингиз мумкин.

О.Н: — Қиличбек, инсон ҳаёт йўли давомида ниманидир топади, йўқотади. Ҳаётингиз давомида топган энг бебаҳо бойлигингиз нима?

Қ.Т: — Энг бебаҳо бойлигим — фарзандларим, яратган қўшиқларим, мухлисларим.

О.Н: — Бугунги кун томошабинини сиз қандай баҳолайсиз?

Қ.Т: — Ҳар қайси санъаткорнинг ўзига яраша мухлиси бор. Мухлисларимга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Бизнинг ниятимиз янги-янги қўшиқлар яратиб, мухлисларимизга тақдим этиш.

О.Н: — Касбингиздан чарчаган пайтлар ҳам бўладими?

Қ.Т: — Касбдан чарчашни қачон ҳис қилиш мумкин, қачонки танлаган касбингиз ўзингизга ёқмай қолса. Тўғри, ҳамма касбнинг ўзига яраша қийинчилик томонлари бўлади. Лекин шу қийинчилик, заҳмат сўнгида шундай завқ, роҳат топамизки, барча азоблар бир зумда унут бўлади. Айтишади-ку, меҳнатнинг таги роҳат, деб. Набиралар даврасида-ку, чарчоқлар унутилиб, кўнглимиз боладек ёшариб кетади.

О.Н: — Шу кунларда нима иш билан бандсиз?

Қ.Т: — Санъаткорнинг ижод маҳсули қиш ойларига тўғри келади. Қўшиқлар шу ойда яратилади. Ҳозир қўшиқлар яратяпмиз, концертларга тайёргарлик кўряпмиз. Мана «Айтишув» деган янги концерт дастури ташкил қилинди. Ҳозир шу билан бандмиз. Худо хоҳласа янги ижодлардан шу концертда тақдим этамиз, деган ниятдамиз.



САНЪАТ — ҚАЛБ ЭҲТИЁЖИ



Санъат — қалб, кўнгил эҳтиёжи. Санъаткор бўлишни эса Аллоҳ ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Санъат ҳалолликни, покликни, садоқатни эъзозлайди. Ўзбек кўшиқчилик мактаби бой асрий анъаналарга, турфа ижодкорлик қиёфаларига ва қудратли салоҳиятга эгадир. Санъаткорнинг насибаси бутун, толеи баланд экан, маромига етказиб ижро этилган мусиқа-наволарнинг ажиб бир хислати бор. Ҳар бир давр эса ўзининг машҳур кишиларига эга. Кўшиқчиликка келсак, ҳар бир катта хонанданинг ўз йўли, ўз услуби бор.

Биз бугун сизга ҳикоя қилиб бермоқчи бўлган санъаткор халқимиз олқишига сазовор бўлган хонанда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ўктам Аҳмедовдир. Ўктам Аҳмедов 1963 йил 27 апрелда Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрида ишчи оиласида дунёга келган. Отаси Абдулаҳад ака оддий шофёр бўлиб ишлаган. Онаси Каромат ая эса, бадиий буюмлар фабрикасида тикувчи бўлиб ишлаганлар. Оилада 10 фарзанд бўлиб, 5 ўғил ва 5 қизнинг тарбияси билан шуғулланиб келишган. Ўктамжонга санъаткор бўлиш асли бобоси Аҳмаджон отадан ўтган бўлса, ажаб эмас. Бобом устоз Мулла Тўйчи ҳофиз ашулаларини жон дили билан севиб ижро этган. Дуторни чалиб, маромига етказиб «Қаро кўзим», «Гиря», «Тошкент ироқи» кўшиқларини севиб ижро этиб келганлар, — дейди Ўктамжон. Ёш Ўктамжон 1970 йилда Қарши шаҳридаги Фурқат номли 5-ўрта мактабда ўқиб юрган пайтларида ўзининг ширали овози, ёқимли кўшиқлари билан ўқувчилар орасида тез танила борди.

Ҳаётда ҳамма излаганини топади. Санъаткор изланмаса, интилмаса, одамлардан олдинда юрмаса, уни ҳеч ким тингламайди. Хонанда Ўктам Аҳмедовни, санъатдаги қилган меҳнатларини инобатга олиб, давлатимиз 2001 йилда унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвонини берди. Ўктамжон оилада турмуш ўртоғи Лайлохон билан 2 ўғил ва 1 қизни тарбиялаб, ширин ҳаёт кечириб келишмоқда.

Озода Назарова: — Ўқтамжон, болалигингиз, санъатга илк қадам қўйган йиллар ҳақида сўзлаб берсангиз...

Ўқтам Аҳмедов: — Озода опа, мен санъатга қизиқишни жуда ёшлигимдан, 1—2-синфда ўқиб юрган пайтларимдан бошлаганман. Мактабга бормаган пайтларимданоқ санъатга қизиққанман. Ҳовлимизда ўша пайтда карнай бўларди, радио ўтган эди-да. Ўшанда устоз ҳофизларимиз Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқовлар, Расулқори Мамадалиев, Орифхон Ҳотамов, Фахриддин Умаров — каби устозларнинг ашулаларини бериб борардилар. Ёшлигимдан, ўша пайтданоқ, қизиқиб эшитар эканман-да.

Кейин аниқ эсимда турибди, 1-синфга борганимда, қўлимга рубоб билан «Ўйнар баҳор шамоли» деган ашулани куйлаб берганман. Ўшандан кейин санъат байрамлари, ёки ҳар хил конкурслар, ёки мактаблараро байрамлар бўлса, мени таклиф қилиб, ашула айттиришарди. Шунинг учун менда ёшликдан санъатга қизиқиш пайдо бўлган.

О.Н: — Ўзи авлодингизда санъаткорлар бўлганми?

Ў.А: — Авлодимда санъаткор инсонлар бўлмагану, лекин раҳматли бобом дутор чалардилар. Шу «Роҳат» куйларини, дуторга мос куйларни чалиб, кейин «Қора кўзимни» озроқ хиргойи қилиб турардилар, устоз Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедовнинг қўшиқларидан айтардилар.

О.Н: — Демак, бобонгизга тортибсиз-да. Майли, улуғ устозларнинг йўлини берсин. Устозларим деб кимларни айта olasиз?

Ў.А: — Ўзимга устозим деб жуда кўп кишиларни айтиш мумкин. Аввало, мендан ёшлари катта бўлган аввалги санъаткорларнинг барчасини ўзимга устоз деб биламан. Қолаверса, мактаб даврида Нўъмонжон Мавлонов деган, мусиқадан дарс берадиган ўқитувчим бор эди. Шу киши биринчи устозим. Чунки, ўша киши ашулаларимни ривожлантиришга ҳисса қўшган. Ундан кейин 80-йилларда Шаҳрисабз шаҳридаги маданият уйида ишлаганман. Ўшанда устозим Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Элмурод Боймуродов мумтоз қўшиқларни куйлашга ҳиссаларини қўшганлар. Кўпгина ашулаларни ўргатганлар. Ундан кейин 1996 йилдан «Мақомчилар» ансамблига ишга келганман. Ишга келганимда у пайтлар раҳбар Исроил Ваҳобов эдилар. У кишидан кейин кўпгина мумтоз қўшиқларни, мақомларни ўрганганман. Устоз ҳофизларимиз Маҳмуджон Тожибоев, Маҳмуджон Йўлдошев, Эсон Лутфуллаев, Орифхон Ҳотамовлардан, устозларимиздан кўпгина ашулаларни ўрганганман. Шу ашулаларни ҳозиргача куйлаб келаман.

Қолаверса, магнит тасмасидан устозим Расулқори Мамадалиевнинг ашулаларини кўп эшитиб ўрганганман. У кишини кўрмаган бўлсам ҳам, ўзимга устоз деб биламан. Чунки, у кишидан танбур чертиш йўлларини, ашулаларни ўрганганман.

Кейинги пайтларда устозим Абдуҳошим Исмоиловдан ўз ижро, ўз услубимда ашула ўргандим. У киши «Бўстонга ярашдим», «Онажоним ҳаёт бўлса» каби ашулаларни атайлаб мен учун ёзиб бердилар. Мен ижро этдим. Абдуҳошим Исмоиловни ҳам устозим деб иламан.

О.Н: — Санъатнинг хотирангизда сақланиб қолган бир куни ҳақида гапириб берсангиз.

Ў.А: — Шаҳрисабзда ижод қилиб юрган пайтларимизда, Қашқадарёда Чироқчи деган туман бор. Энг чекка туман. Ўша томонларга хизмат юзасидан таклиф қилиб қолишди. Тўйга бордик. Борсак, тумонат одам, ҳеч эсимдан чиқмайди. Мен тор кўтарганман, шеригимиз доира кўтарган, яна бири аккордион, яна бири ғижжакнинг ўрнига скрипка олган. Шунда мезбонлар: «Эй, келинлар, санъаткорлар келиб қолишди», деб туриб скрипкани кўриб туриб, «Эй, Чайковский ҳам бор-ку», дейди. Шу воқеа эсимдан чиқмайди.

О.Н: — Мана, сиз саҳнада кўп бўласиз. Мухлисларга кўпроқ концертлар берасиз. Мухлисларингиздан ранжиган пайтларингиз ҳам бўлганми?

Ў.А: — Энди аввало, мухлислардан ранжиб бўлмайди-ку, лекин шунақанги воқелар бўладики, кўнглингиздаги ашулани ўз ҳолингизга қўйиб берса-да, ижро этгингиз келган пайтда келиб, «фалон ашулани айтиб беринг» дейишади. Майли, деб билганингизча айтиб берасиз. Билмай қолсангиз, нима қилиб юрибсиз ашула айтиб дейишади.

Энди ҳар кимнинг ўзининг яхши кўрган, севган ашуласи бўлади. Овози тушадиган, тушмайдиган ашулалар бор. Айримларнинг шунақанги муомаласидан ранжиб қоламан. Лекин мухлисларимизни, аҳли шинавандаларни яхши кўраман.

О.Н: — Мана, ҳозир ёшларимиз кўпроқ эстрада йўлида куйлашади. Шу усулларга кўпроқ қизиқиб кетган. Улар орасида танбур, дуторда лирик қўшиқларни ижро этаётганлари ҳам оз эмас. Мумтоз, «Мақом» қўшиқларини куйлаш учун нималарга эътибор бериш керак?

Ў.А: — Мумтоз ашулаларни ижро этаётган ашулачи, аввало, ўзи озгина бўлса ҳам мумтоз шеърятдан хабари бўлиши керак. Кейин китоб варақлаб туриши керак. Устозларимизнинг шундай ўғитлари борки, ҳар бир ашулани ўрганишдан олдин шуларнинг китобий сўзини қараб чиққин. Хато бўлмасин, дейишади. Устозларни айтган ашулаларини ўргансанг ҳам ўша ердаги

сўзга тушунмасанг, ўзингча талаффуз қилиб кетсанг, хато бўлади. Чунки, сендан кейин ўрганганлар, сўзи шундай экан, деб ўрганса, сўзнинг маъноси бузилиб кетади, деб ўргатишган.

Ёшларимизга маслаҳатим, кўпроқ китоблар ўқиб туришсин. Масалан, Навоийнинг «Қоши ёсинму дейин» деган ғазали. Шу ғазалнинг ҳақиқий сўзини олиб куйлаш керак. Ундан кейин шу кунларда танбур, гижжак созларини ҳам оранжировка қилишганда, япон синтизаторлари билан фойдаланиб, танбур овозини ҳам шундан беришади. Лекин, буни барибир халқ сезади. Шунинг учун, майли, қўлдан келмаса, яхшироқ танбурчиларга чалдирсин.

— Менинг Ўктам Аҳмедов бўлишимга «Мақом» ансамбли сабаб. «Мақом» ансамблида сайқалландим. Шу устозларнинг ёнида туриб, биргаликда ашула айтиб, эшитиб туриб кўп нарсаларни ўргандим. Овозим ҳам шу ерда чархланди. «Мақом» ансамблида ишлайдиган барчага бошим ерга теккунча таъзим қиламан. Чунки шу ерда ишлаб, кўп нарса олдим.

О.Н: — Қўшиқ куйлаётган пайтингизда хаёлингиздан нима-лар кечади?

Ў.А: — Қўшиқ куйлаётган пайтимда, шу ижро этаётган қўшиқларим аҳли шинавандаларга, халққа манзур бўлармикин, сўзлари етиб борармикан, деб тарбиявий томондан халқимизга озгина бўлса ҳам ўз ижодимиз, ашулаларимиз билан ўрناق тарафларини куйлайман.



ИСТЕЪДОД — ЮКСАК ИНЪОМ



Курсия Эсонова 1960 йил 25 майда Бухоро вилоятининг Пешку туманида таваллуд топган. У ёшлигидан Комилжон Отаниёзов кўшиқларини жон-дили билан эшитар эди. Ўзи яшайдиган маҳаллада бўлиб ўтадиган тўйларда, тадбирларда устознинг ашулаларини ижро этиб юрар эди. Курсиянинг санъатга бўлган қизиқиши отасидан ўтган бўлса, ажаб эмас. У мактабда бўлиб ўтадиган барча тадбирларда ўзининг ажойиб кўшиқлари билан қатнашади. Ашула ўқитувчиси Салим ака Наимов Курсияга кўпгина кўшиқларни ўргатади. У туман, вилоятларда бўлиб ўтадиган «марҳабо талантлар» кўригида қатнашади ва юқори ўринларни эгаллайди. Курсия Султонпошша Ўдаева, Ортиқ Отажонов кўшиқларини севиб ижро этади. Уларни ўзига устоз, деб билади. «Устозлар», «Сабо билан», «Бари гал», «Лазги» каби кўшиқларни, айниқса, зўр маҳорат билан ижро этади. Курсия ўрта мактабни муваффақиятли битириб, 1977 йил Тошкент Давлат Санъат институтининг мусиқали драма факультетига ўқишга киради. Унга улуғ устоз Раззоқ Ҳамроев, Михаил Фаттоҳов дарс берган. Турли миллат вакиллари тилидаги кўшиқларни ўрганади: «Ариоза матере», «Девушка Мари», «Кўрмадим» каби кўшиқлари. Курсия институтнинг 2 курсида ўқиб юрганида Республика пахтакорларининг қурултойи концертига таклиф этилади.

Озода Назарова: — Санъатда сизга устозлик қилганлар кимлар бўлади?

Курсия Эсонова: — Мактабда 7-синфда мушоира мусобақалар бўларди. Табиийки, унинг бадиий қисми ҳам бўларди. Ўшангача ҳеч ашула оғзимдан чиққан эмасди, ўзимча уйда отамдан эшитиб хиргойи қилиб юрардим, лекин юзага чиқармасдим. Мен майли голиб бўлиш учун 1 та кўшиқ айтай дедим. Санобар Раҳмонова энди янги чиққан, унинг «Устозлар» кўшиғи ҳамма жойларда куйланиб турган, машҳур пайтлари эди. Ўша

пайтда шу қўшиқни айтдим мушоирада. Директоримиз бадий қисм тугамасдан чиқиб кетди. Ва мени чақиртирди. Директор бизни бекорга чақирмасдилару, ё жазоланамиз, ёки мақтов эшитамиз. Кейин ҳаяжонланиб борсам, «Эҳ қизим, сиз шунақа ашулачи экансиз, нимага шу пайтгача айтмагансиз?», дедилар. Мусиқа ўқитувчимиз Салим ака Наимовни чақириб, «Бу қизни тарбиялайсиз», дедилар. Туманда бир ҳафтадан кейин конкурс бўлиши керак. 2 ҳафтадан кейин эса вилоятда бўлиши керак. Шу анжуманга тайёргарлик қўрмасдан ҳам бориб, 1-ўринни олиб келдим. Ўша пайтда 10 сўм катта пул эди. Мақтов қоғози билан конвертга солиб беришган. 2 ҳафтадан сўнг Бухорога борганмиз. Шундай қилиб Салим ака Наимов мени тарбиялаб, қўшиқларнинг чаласини ўргатганлар.

Бухорога борганимизда эса (худо раҳмат қилсин) Раззоқ Ҳамроев, Саттор Ярашевлар талабалар танлагани боришган экан. Кейин йўлланма беришди Маданият институтига. Ўша баҳона Раззоқ Ҳамроев, Михаил Фаттоҳовларнинг кўлида таҳсил олдим. Отам эса — катта устозим. Отам бир кун «Курсия, мана шу ашулани айтгин», дедилар. Мен ашулани айтмадим.

Шу қўшиқни яқинда бир йигит айтиб чиқди. Ўша пайтда телевизор кўриб турсам, қизим «Ойи ашулангиз кетиб, адангиздан ўласиз», деди. Мен: эртага телефон бўлади, нимага айтиб чиқмадинг вақтида, деб адам урушадилар, деб ҳазиллашдим.

Мана бундан бу ёғига Фанижон Тошматов каби кўплаб устозлардан таҳсил олганмиз. Коммуна опалар бизга қўшиқ ўргатганлар. Умуман, мен кимдек бўлишни орзу қилган бўлсам, Ортиқ Отажонов, Раҳматжон Туробовлар, кимларни қўшиғини ҳавас қилиб айтган бўлсам, уларни ўзимга устоз деб биламан.

О.Н: — Томошабинлар ўзи қабул қилади, кимни, қандай ижрочи эканини. Мана, сиз кўпинча микрофонсиз куйлайсиз. Қаерлардадир микрофонсиз қўшиқ куйлаш керак бўлиб қолади-да. Шундай пайтлар нима қиласиз?

Қ.Э: — Очиғини айтсам, энди олдинги воқеалардан мисол келтираманда, Озода опа. Гастролга борар эдик. Қўлимда чақалоғим 6 ойлик эди. Домла айтдиларки, «Курсияхон, сиз декретингизни йиғиштиринг, сизсиз биз гастролга боролмаймиз», дедилар. Ҳар бир яхши гапга одамнинг кўнгли тоғдек кўтарилади. Шу гапларнинг ўзи учун чақалоғимни кўни-қўшниларга ташлаб, 10 кунлик сафарга Ўшга — Қирғизистонга борганмиз. Баъзи пайтлар чироқ бўлмасди. Саҳнани «ушлаб» туриш менга қоларди. Энди ҳозир қизларимиз кўпайди, малакаси ҳам ошиб, 2 соат концерт беришга қодир.

О.Н: — Қайси санъаткор ижросини севиб тинглайсиз?


Қ.Э: — Одам ёши ўтган сари мумтоз қўшиқларга кўнгил қўйиб бораркан. Ёшлигимдан мен шўх қўшиқларни ижро этганим билан барибир қалбимнинг тубида мумтоз қўшиқларга меҳр бор эди. «Феруз»ларни айтганимга 15 йил бўлди. Лекин шу кунларда яна ҳам мумтоз қўшиқларнинг қадрига етиб боряпманда. Саодат Қобулова, Коммуна Исмоиловаларни яхши кўриб тинглайман.

Энди ҳозирги ёшларимизга келсак, уларга ҳам ҳавас қиламан. Нимага десангиз, ёшларнинг ичидан ҳам яхши қўшиқчилар чиқяпти. Мана, Камолиддин Раҳматовнинг қўшиқларини тингласангиз, маза қиласиз, ана ижро, ана истеъдод. Уларнинг қўшиқларидан бемалол дам олиш мумкин. Кейин Аслиддин Дўстовнинг ижролари ҳам жуда чиройли. Ойбек Султонов жуда кам кўринсаларда, «Онажон» қўшиғини айтса, юрак ларзага келади. Албатта, ҳамма ҳар хил эшитадию, лекин мен бефарқ эшита олмайман. Ўктам Аҳмедов, Тожибархон Азизова, Зулайҳо Бойхоновалар кенг диапазонли қўшиқчилар.

Саодат опамнинг ўзларига яраша йўллари бор-да. Энди ўшаларни йўлларига ҳам ўтайлик, бизда ҳамма хоразмча қўшиқ айтади, деб ўйлаганлар ҳам ўзгариш сезишсин.

О.Н: — Шундай қўшиқлар бўладики, ўзи ижро этган қўшиғини хонанданинг ўзи ҳам соғинади-да. Сизда ҳам ўзингиз ижро этган қўшиғингизни соғинган ҳолат бўлганми?

Қ.Э: — Озода опа, менда сал бошқачароқ бўлса керак, деб ўйлайман. Нимага десангиз, ижодкор инсонмиз, кун сайин янги ижодлар туғилиб боради-ку. Қолаверса, юрак тубидан айтилмай юрган нарсангизни айтяпсизми, кўпинча охири айтган қўшиқларимни айтгим келиб туради.



«ЭРКА КИЙИК, МАЙЛИМИ, БИР ЭРКАЛАСАМ...»

Санъат олами қизиқ. Кимдир унга чақмоқ сингари кириб келади-ю, бир ялт этиб ёниб, бир пасда ўчиб кетади. Биров эслаб қолади, биров эса йўқ. Яна кимдир кўнглида минг бир ҳадик билан чўчиб, хавотир ила киради, баланд-пастини ўрганади ва ўзига хосликни излайди, топади. Йиллар давомида ўсиб, унади ва илдиз отади, ёшгина ниҳолдан улкан чинорга айланади...

Сўхбатдошимиз Фиёс Бойтоевни ана шундай чинорга қиёлагимиз келди. Эслайсизми... Бундан тахминан 25 йиллар аввал жуда камсуқум, камтар, аммо овози ширали бир йигит катта саҳнага тортинибгина чиққан эди. Унинг бу чиқишини ҳатто бирга ўқиган курсдошлари — Тошкент давлат маданият институтининг талабалари ҳам ҳайрат билан кутиб олишганди... Чунки, биров сал ҳазил қилса ҳам дув этиб қизариб кетадиган бу йигитни ҳеч ким, катта саҳнада қўшиқ айтади, деб ўйламаганди.

Дарҳақиқат, Фиёсжон оиласида гўзал тарбия олди. Дилида мавж урган саволларга кузатиш орқали жавоб олиш маданиятини эгаллади. Асли мактаб ўқитувчиси бўлган отаси Аҳмадкул ака унга ҳар доим камтар бўлишни, ўқиб ўрганишни таъкидлар эди. Онаси Қурия ая гарчи 9 фарзандни тарбиялаётган бўлса-да, ҳар бирининг қизиқишларига, интилишларига алоҳида эътибор берар эди. Фиёсжонда санъатга бўлган иштиёқни пайқаган ҳам, яхши сўзлар, маслаҳатлар билан илҳомлантирган ҳам онаси... Акаси Авазжон эса қўшиқ айтиш сирларини ўргатди. Оиладаги 4 қиз, 4 ўғил, ота-ю она унинг дастлабки тингловчилари, танқидчилари бўлишди.

Мактабда ўқиб юрган кезлари Сайрам туманида санъат соҳасида ўтказилган беллашувларда бир неча бор ғолибликни қўлга киритди. Ўрта мактабни битириш чоғида у ўзини санъатдан айро тасаввур қила олмаслигини тушуниб етди...

1978 йил Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтига ўқишга кирди. Устозларидан халқ чолғуларини маҳорат билан чалишнинг сир-асрорларини ўрганди.

1982 йилда институтни муваффақиятли тугатгач, уни ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг Маданият саройида ташкил этилган «Умид» ансамблига бадиий раҳбар сифатида таклиф этишди.

Эслайсизим, Фиёс Бойтоев ижросидаги «Умидим» кўшиғини... Жуда сўлим, жуда ёқимли... Бу кўшиқ ўша даврларда яратилган эди. Тез орада «Эрка оху», «Жайрон», «Райҳон» кўшиқлари билан эл орасида танила бошлади...

Озода Назарова: — Фиёсжон, илк саҳнага чиққанда қандай бўлсангиз, ҳали ҳам ўша-ўшасиз, ҳеч ўзгармайсиз. Саҳнада кийиниш услубингиз, одамлар орасида юриш-туришингиз, ҳаттоки табассумингиз... Сизга қараганимизда ҳавасимиз келади. Ҳамкасбларингиз ҳар кунда 2—3 марта турланаётганда имиджингизни ўзгартириш ниятингиз борми?

Фиёс Бойтоев: — Ҳар бир инсоннинг ўз имиджи бўлади. Биз ҳам устозлардан кўриб, улардан яхши томонини олишга ҳаракат қилганмиз. Саҳна бу жиддий жой. У чиқволиб туриб майнавозчилик қиладиган жой эмас. Биз масхарабоз эмасмиз, мен раққоса эмасман. Мен кўшиқчиман. Кўшиғимизни халққа етказишимиз керак. Шунинг учун халқ билан жиддий алоқада бўлмасангиз, ҳурматни йўқотасиз. Саҳнага жудаям чиройли кийиниб чиқсангиз, чиройингизга маҳлиё бўлиб, хаёли қочади. Ўйлаб, етти ўлчаб бир кесиш керак. Санъатнинг ўзи умри қисқа. Шунинг учун ўйлаб бир иш қилиш керак. Шундагина халқ ичида обрў-эътибор қозонасиз. Санъат — халқники.

О.Н.: — Барибир бизнинг кўшиғимиз, саҳна маданиятимиз ажралиб туради. Мақом ижро этилганда қизларимиз гўзал тиллақошларда, йигитларимиз эса зарчопонларда чиқишади. Эстрада вариантыда кўшиқ ижро этишса ҳам барибир миллийлик уфуриб туради. Бизнинг мусиқамиз жуда ҳам бой. Нима дейсиз?

Ф.Б.: — Жуда тўғри. Ҳозир бизда тарафма-тароф бўлиб кетишган. Мақом, эстрада, рэп, яна аллақандай номдаги йўналишлар бор. Лекин ҳар бир нарсанинг чеки бор. Шунинг учун бадиий кенгашлар фаолият юритади. Ҳозир бу борада кўч ишлар қилиняпти. Барибир, асосий эътибор ёшларга қаратилмоқда. Бу ёқда меҳнат қилганлар қолиб кетяпти. Меҳнат қилган одамни тан олиш керак.

О.Н.: — Бирор беллашувга, «Оҳанрабо»га бирорта эстрада вариантдагилар чиқмаяпти. Ҳалиям шу мақомдагилар, жонли ижро этаётганлар чиқяпти.

Ғ.Б: — Энди биласизми, чиқолмайдиганлар кўп бўлса, ўзи тан олади, ўзи бу ёқда сал эгилади. Бировнинг истеъдодини тан олиш ҳам мардлик-да, асли. Санъаткорлар йиғилишиб ўтиргандик, бир ёш йигит чиройли гапни айтиб қолди: «Ўзимдан ёши катталарнинг барини мен устозим, деб биламан». Бундай гапни ҳозир ҳамма ҳам айтавермайди. Ҳар бир одам яхши ният қилади. Ҳозир ёшларимиз бирданига кўтарилгиси келади. Шошма, тез хор бўлгандан кўра, кейинроқ машҳур бўлган яхшироқ. Биз бормиз, биздан кейин кимдир келади. Мен ҳам бир вақтлар ҳамма нарсани унутиб кўйиб ижод қилдим. Мана, Гиёс Бойтоев деса, бир-иккита одам танийди, Аллоҳга беадад шукур. Санъаткорларимизнинг ҳаммасига омад тилайман. Асли, ақли етган одамга машҳурлик керак эмас.

О.Н: — Машҳурликнинг юки оғир дейишади? Сиз бунга қандай қарайсиз?

Ғ.Б: — Фараз қилинг, ҳозир шундайлигини ёшлар билмас. Телевизорларга чиқиб, кўшиқ айтиб юрган кезларимиз, олқишлар олган тақдирда ҳам ўзимга сўз берганман, «э, ҳар бир нарсани ўйлаб қилгин». Ҳеч қачон бировга мақтаниб, қаттиқ гапирмаганмиз. Кўлдан келганча, хўп деб, қўлимиз кўксимизда бўлган. Санъаткорга ярашмайди биров билан ёқалашиб. Мен деган Аллоҳга ярашади. Терак барибир одам бўлмайди, деган гап бор. Ҳозирда бир қанча санъаткорларимиз ўзлари эл назаридан қолиш хавфида туришибди, сабаби, бир вақтлар бошқаларнинг дилини оғритган, кўнглини қолдирган.

О.Н: — Ҳозирги ёшлар илк бор саҳнага чиқиб эл назарига тушаман, деб чет эл мусиқасидан фойдаланади. Ўзимизда яхши бастакорлар кўп, шоирлар кўп. Шуларга мурожаат қилиб, ҳамкорликда ишламайди. Сизнинг ёнингизда юрадиган ёшларга гапирсангиз, нима дейди улар?

Ғ.Б: — Озода опа, мен ҳеч кимга шу пайтгача сен нега шундай қияпсан, демаганман. Устоз шогирдлардан хафа бўладиган жойлари бор-да. Майли, лекин ўзбек миллийлигимизни йўқотмаса бўлди. Лекин биз ҳам шулардан ўрганганмизда, ҳар бир янги концертимизда ё ҳиндча, ё қозоқча, ё туркча кўшиқ айтардик. Репертуарни бойитар эдик. Лекин бу ўзлигимиздан чиқиб кетиш керак, дегани эмас.

О.Н: — Миллийликка мен қойил қоламан. Ўлмас Оллобергановни қаранг, ўзбекча мақомни эстрада вариантыга соляпти, ҳавасингиз келади, тўғрими?


Ғ.Б: — Ўзбекча йўналишда яхши ижро этадиган йигитлар жуда кўп, бизнинг ўзбек халқи санъаткорларни жудаям яхши кўради. Аллоҳга беҳисоб шукур, концертлар бўляпти, Феруза-

хонники, Озодбекники, яна бошқаларники, билетлар яхши кетяпти. Санъатга бўлган халқимизнинг талаби кучли, энди ҳаммага ҳам эмас-да. Санъаткорлар ҳам кийимини кийиш билан овора бўлмасдан, ўзидаги бор маҳоратини, кучини, ўртага — марказга ташлаши керак. Халқ унинг жонли овозига баҳо бериши керак. Санъат шундай нарсаки, бу қил устида юриш. Худо юқтиргани юриб кетаверади. Биров ҳаракати билан, айрим санъаткорлар «тоғ»и орқали чиқади. Мен шогирд дўстларимга айтаман: ижрочи бор, ижодчи бор. Агар шу иккови битта одамда мужассам бўлса ҳам ижод қилади, ҳам ижро этишга уста бўлади, ҳам иши анча олға силжийди. 30 йилдан бери ижод қиламан. Ўйлаб кўрдим, санъат шундай соҳа эканки, бунинг тагига етиб бўлмас экан.

О.Н: — Сизни санъатингизни қабул қиладиганлар ҳам, қабул қилмайдиганлар ҳам халқ. Халқ баҳо беради. Гиёсжон, тингловчиларни ром этган кўшиқларингиз кўп. Ана шундай дилтортар кўшиқларингиздан бирининг яратилиш тарихини сўзлаб берсангиз?

Ғ.Б: — Албатта, кўшиқнинг ўзи сеҳрли нарса-да. Сиздан фақат ҳаракат талаб этилади. Ҳаракат қилсангиз, бири бўлмаса бири жойини топади-да. «Кўкламойим» кўшиғим Муҳаммад Юсуф қаламига мансуб. Муҳаммад ака билан алоқамиз яхши эди, жудаям ҳурмат қилардилар, мен ҳам яхши кўрардим.

Телефон орқали олдим шеърни. Энди, эркалик қилиб, телефонда боғланиб «Яхши ўтирибсизми» десам, «Шеър ўқиб берайми?» деди. Ёзиб олиб туриб, бир соатдан кейин мусиқага солиб, ўша нарсани ўзига қўйиб берсам, «яхши-яхши» деди. Кейин нақоратини қилиб беринг, дедим. Бировга ёзилган нарса экан-да. Мен сал тантанаворлик қўшиб, бошқачароқ қилиб айтдим. Янаги баҳорга етамизми-йўқми, деган мазмунда ёзилган экан. Файбулла Ҳожиевни биласиз, у киши ҳам шу нарсани сезди-да. Мен уни шўхроқ ижро қилдим, кейин маъқул келгани учун айтвордик. Демак, мухлисларимга шу ёқибди, мана, ўзингиз шу ҳақда сўраяпсиз.



... ЭЛ — ЮРТ ДАРДИГА МАЛҲАМ БЎЛАЙЛИК

Равшан Комилов 1964 йил 26 октябрда Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги Отчопар маҳалласида дунёга келди. Равшанжоннинг отаси Раҳимжон ака Тошкентдаги сув билан таъминлаш тармоғида раҳбарлик лавозимида ишлаган. Онаси Турсуной ая Тошкент тўқимачилик комбинатида ишлаган. 2 ўғил ва 1 қизни тарбиялаб вояга етказган. Равшанжон санъатни севгани учун ўрта мактабда ўқиш билан бирга Сергели туманидаги мусиқа мактабига бориб, устози Мирсоат Каримовдан билим ола бошлади. 1978 йилдан 1981 йилгача Тошкент маданият коллежида устози Кенжа Юсуповдан рубоб мутахассислиги бўйича сабоқ олди. Коллежни муваффақиятли тугатиб, ўз билимини ошириш мақсадида Тошкент Давлат Педагогика Университетининг мусиқа факультетига кириб ўқиди. Университетда кўпгина устозлардан таълим олди. Айниқса, вокал мутахассислиги бўйича устози Ҳамидулла Нурматовнинг ҳиссаси бениҳоят катта бўлди. Устозлардан миллий қўшиқларни, мақом ижроларини ва эстрада жанрида ҳам, яна бастакорларимиз яратган қўшиқларни ўрганган Равшанжон 1980 йилда илк қўшиғини Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси фондида ёзишга муваффақ бўлди.

Озода Назарова: — Санъатга кириб келишингиз ва устозларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз?

Равшан Комилов: — Аслида отам санъаткор бўлишни орзу қилган эканлару, лекин мусиқа мактабига боришига шароит бўлмаган экан. 6—7 ёшларимда отам ҳам, онам ҳам менинг мусиқачи бўлишимни орзу қилганлар. Менга доира олиб берганлар. Шу болалигимдан қўлимда доира, қашқар рубоби, прима рубоби бўлган. Биринчи ўрганган қўшиғим суннат тўйлари, «баламас»да айтиладиган ашула бўлган. 3-синфда ўқиётганимда мусиқадан отамнинг ўртоқлари Аҳрорбек ака дарс берардилар. Мусиқа мактабида ҳам отамнинг дўстлари ишлар экан.

О.Н: — Илк бор ижро этган қўшиғингизни эслай оласизми?

Р.К: — Эслай оламан. 1980 йилда илк бор ўзимизнинг миллий ансамбл билан ижро этганман. «Хуморман», Ҳолуд Расул шеъри билан. Миллий жанр, услубда менинг рекламама кам тарғибот қилинган. Охириги 7—8 қўшиқларим, «Келинчак», «Қизгина», «Онажон» қўшиқларим ҳам илк бор радио қошида ёзиб олинган.

О.Н: — Кўпроқ миллий эстрада жанрида куйлайсиз. Бу жанрнинг ўзига хослиги ҳақида нима дея оласиз?

Р.К: — Мен ёшлигимдан, мухлисларим 7 ёшдан 70 ёшгача бўлгани учун, фақат бир жойга боғланиб қолмасдан ижод қилганман. Умри боқий қўшиқчи-хонанда бўлиш учун ҳам миллий, ҳам классик, ҳам замонавий эстрада услубида ижод қилиш керак.

О.Н: — «Одам бўлайлик», «Озодани севаман» қўшиқларингизни яратилиш тарихи ҳақида сўзлаб берсангиз.

Р.К: — Инсоннинг юриш-туриши ҳам, одоби ҳам, кўриниши ҳам ижодига ўхшаб кетади... Санъатимизни, ижодимизни мухлислар тан олган қўшиқлар шу самимий меҳр-оқибат тўғрисидаги қўшиқларим бўлди. 90-йиллари «Одам бўлайлик» қўшиғим радио эфирлари орқали бир кунда 4—5 марта лаб янграрди.

«Озодани севаман» номли қўшиғим ҳақида гапирадиган бўлсак, менга кўплар: Равшанжон, сизни кўрсам «Озодани севаман» қўшиғингиз эсимга тушаверади, дейишади. Ёшроқ болалар эса, ёнларидан ўтаётганда, дарров шу қўшиқни хиргойи қилишади. Бу кимгадир кулгили туюлиши мумкин. Лекин мен тўғри қабул қиламан. Мухлислар эътирофи деб тушунаман.

О.Н: — Санъаткор учун бу ёқимли албатта.

Р.К: — Бу қўшиқни ижро этишимдан 3 йил олдин Халқлар Дўстлиги саройида санъаткор устозларимизнинг концертларида раҳматлик Муҳаммад Юсуф чиқиб, шу шеърни ўқиганлар. Менинг кўз олдимдан кетмайди. Халқ — 4200 одам ўшанда Муҳаммад Юсуфни хонандалардан ҳам кўпроқ, оёққа туриб олқишлаганди. Мен Муҳаммад аканинг ёнига бориб, шу шеърни қўшиқ қилиб ижро этмоқчиман, дедим. Муҳаммад ака, агар авжи билан ижро этгансиз марҳамат, деб ҳазил-хузул билан рози бўлдилар. Шу қўшиқни хиргойи қилиб ижро этсам, Нодирахон «Кўйинг, шунақа бачкана қўшиқларни 2 та боласи ҳам бор экан, кўйинг» деди. Хонанда қўшиғини муҳокама қилувчи биринчи бадиий кенгаш оила-да. Фаррухим эса, қайси қўшиқни айтиб берай десам, Озода дея олмасди-да, Қозода

дерди. Қаранг, бу қўшиқ жажжи ўғлимнинг қулоғига, кўнглига ёққан экан-да. Шу мурғак дилга ёқибдими, демак, халққа ёқади, деб ўйладим. Қўшиқларим ичида ҳам тез халққа етиб боргани шу қўшиқ. У радио, эфир орқали 15—20 кун янграган пайтда, бир чалларига бордим, ўзбегимизнинг тўйига. Ўша ерда бир опамиз дастурмоғла лаб бўёғи билан ёзиб «Озодани севман»ни айтиб беринг, деб ушлаб турибдилар. Муҳаммад Юсуф шеърда самарқандлик йигитнинг тақдирини ёзганлар. Мен қўшиқ қилиб яратганман.

О.Н: — Эстрада хонандалари ичида кўпроқ дуэт айтгансиз. Дуэтчиликни давом эттириш ниятингиз борми?

Р.К: — Ёшлик пайтимда Свердлов концерт зали бўларди. Концерт залида устозларимизнинг концертига тушардик. Ана концерту, мана, концерт. Ҳақиқий жонли ижро, қарсақлар, хонанда билан ҳофизларнинг самимийлиги. Бақир-чақирлиғи, ҳазил айтишувлар, кўз олдидан кетмайди. Дарҳақиқат, гала концертлар жуда катта аҳамиятга эга. Болалигимдаги «Айтишув» қўшиқлар, одамлар билан мулоқотлар ёзилган концертларни ҳозир ҳам эшитиб мазза қиламан. Афсус, ҳозир шундай концертлар йўқ. Фонограмма бўлган тақдирда ҳам олқиш, бақир-чақир, ҳазил-мутойиба қўшиқлар йўқ. Гулбаҳор Эрқулова билан Қаҳрамон Комилов мусиқаси «Ассалом, Ўзбекистон» қўшиғини ижро этганмиз. Шундан сўнг Мавлудахон Асалхўжаева билан 3 та қўшиқ ижро этдик. Биринчиси севгимухаббат, иккинчиси «Учрашганимизни ҳеч ким билмасин», ҳазил-мутойиба халқ қўшиғини замонавий талқинда ижро этдик. Мухлисларга маъқул бўлди. «Нима деса десинлар» қўшиғини сериал сифатида давом эттирдик. Кейин Озода Нурсаидова билан дуэт айтдик. У ҳам мухлисларга маъқул бўлди. Демак, ҳазил-мутойиба қўшиқлар ҳеч қачон ўлмайди.

О.Н: — Қўшиқ инсонни даволайди дейишади...

Р.К: — Мен етим бола тилидан «Она» қўшиғини ижро этганман. Ўша, фарзандини болалар уйига ташлаб, маишатини кўзлаган, енгил-елпи йўлга кириб, оналик бурчини унутиб қўйган аёлларни инсофга чорлаб қўшиқ яратганман. Бу қўшиқнинг клипи ҳам бор. Қўшиқ тезда ўз мухлисларини топди. Қўшиқ ниҳоясида «Эй, она нега ташлаб кетдингиз», деган гапни айтишга етиб, бола тилидан йиғлашга тўғри келган. Ҳақиқий мухлисга эга бўлган санъаткор йиғлата олиши, мухлисини овута олиши, ўйната олиши ҳам керак.

О.Н: — Турли касбдаги инсонлар билан учрашасиз. Баъзан касбдан воз кечаман, деган пайтларингиз ҳам бўладими?

Р.К: — 1991 йилда «Камолот» кўрик танловига тайёрланаётганимда, қизил «Жигули» миниб юрардим. Шунда оғайнила-

рим олдимиздаги Ипподром бозорида бизнесга ўргатишди. Шунда машина олиб машина сотганмиз. Ишонасизми, бир йиллик даромадимни 1 ҳафтада топганман. Шунда мен, тавба 1 йилдан бери бақириб-чақириб топганимни бир ҳафтада топса ҳам бўларкан-ку, деб ўйлаганман. Яна шунақа нарса бўлганки, «Камолот» кўрик танловига тайёргарлик жараёнида олдимга шундай мақсад қўйганман. «Камолот» кўрик танловида голиб бўлсам, ҳеч қандай бизнесга чалғимайман. Ижодимни давом эттираман, ашуламни айтаман. Тирикчилик, пулни санъат завқига таққослаб бўлмас экан.

О.Н: — Қийин вазиятларда нимадан қувват оласиз?

Р.К: — Озода опа, мен тушкунликка тушиб қолсам, савдо марказига бораманда, нимадир харид қиламан. Ё кўйлак оламан, соат оламан. Ёки ўзимни ўзим хурсанд қилиб, кўнглимни кўтараман. Тушкунликка тушган одам тушкунликка тушиб кетавериши керак эмас. Яшашга ҳаракат қилиши керак.



САНЪАТНИНГ АРДОФИ КЕНГ

Комила Аминова 1957 йил 2 январда Фарғона вилоятининг Учкўприк туманидаги Беквачча қишлоғида туғилиб, ўсиб улгайди. Отаси Расулжон ака туманда сув хўжалик ишлари бўйича ишлади. Онаси Ойниса ая уй бекаси бўлиб, 8 фарзандни, яъни 5 ўғил, 3 қизнинг тарбияси билан шуғулланди. Комилахон тумандаги 2-ўрта мактабда ўқиган пайтларидаёқ санъатга меҳр кўйган. Ашула ўқитувчиси Фотима опа Олимова Комилага ажойиб кўшиқлар ўргатди. Туман, вилоят, ҳаттоки, Республикамизда ўтадиган «Чашма», «Марҳабо талантлар», «Ёш хонандалар куйлайди» каби кўрик танловларда қатнашиб, Комилахон ўз ижро услуби билан юқори ўринларни эгаллади. 1974 йилда ўрта мактабни аъло баҳоларга тугатиб, Тошкент давлат консерваториясининг тайёрлов факультетининг «Анъанавий ижрочилик» бўлимига қабул қилинди. Бу бўлим илгари Шарқ кафедраси деб аталар эди. Шу талабалар қатори илк қалдирғочларидан бўлиб ўқишни бошлади. «Мен, — деб ҳикоя қилади Комилахон. — Санъат даргоҳига кириб келганимдан, ўз бахтимдан хурсандман, ажойиб устозлар кўлида тарбия топдим, билим олдим. Мақом санъатнинг нозик ва мурраккаб ижро усули эканлигини юракдан сездим. Чунки халқ артисти Саодат Қобулова, Ўзбекистон халқ артистлари Фахриддин Содиқов, Маҳмуджон Муҳамедов, Абдуҳошим Исмоилов, Шавкат Мирзаевлардек санъат дарғаларига шогирд бўлганимдан фахрланаман. Устозларим сабоқлари ҳозирги фаолиятимда катта ёрдам беряпти», — дейди Комилахон.

Озода Назарова: — Комилахон, Сиз Тошкент Давлат консерваториясида ишлаяпсиз. Энди ўзингиз ҳам санъатга кириб келган, илк даврингиз ҳақида гапириб берсангиз?

Комила Аминова: — Санъатга киришим ҳақида жуда кўп гапирганман. Албатта, биринчи ўринда кўз олдимга 1-синф ўқитувчим Муҳаррам опа Мирзаева келади. У киши биринчи

бўлиб ашула ўргатганлар. Яъни бир йигит билан дуэт айтишни ўргатган.

О.Н: — Шу дуэтни эслай оласизми?

К.А: — Ота тўғрисида эди. Бу қўшиқ ўзи эркаклар айтадиган қўшиқ эди. Ўшанда мактабларда, мактаб йиғинларида кичик-кичик ашулаларни айтиб юрардим. Мен илк бора Берта Давидова ижросидаги «Муножот»ни эшитганимдан сўнг, ўзимизнинг миллий мусиқамизга, классикамизга қизиқиш бошланди. Ўзимизнинг колхоз радиоузелида қишлоқдошларимга биринчи бўлиб «Муножот»ни айтиб берганман.

О.Н: — Оилангизда, қариндош уруларингиз орасида санъаткор бўлганми?

К.А: — Оиламизда йўқ-ку, лекин дадамнинг амакилари жуда катта ҳофиз бўлган дейишади. Афсуски, мен уларни кўрмаганман.

О.Н: — Ижоддан озгина бўлса ҳам тўхтаганингиз йўқ. Санъаткорлар даврасидасиз. Ижодингизда қандай янгиликлар яратяпсиз?

К.А: — Санъаткор ҳеч қачон ижоддан тўхтаб қолмаслиги керак. Кейинги пайтда биз Маликахон Зиёева билан ижодий ҳамкорлик қиляпмиз. Дутор жўрлигида устозимиз Фахриддин Содиқов яратган қўшиқларни қайтадан ёздик.

О.Н: — Ҳар ойда консерваторияда бўлмаганда, битта санъаткорнинг ижодий кечаси бўлаётгани қувонарли ҳол. Чунки бу талабаларингизга ўрناк бўляпти.

К.А: — Тўғри айтдингиз. Бу талабалар олдидаги масъулиятимиз. Чунки, ҳар бир консерватория ўқитувчиси шогирдларига ўз маҳоратини намойиш қилиши керак.

О.Н: — Комилахон, сиз ажойиб ҳофизлар Машрабжон, Маҳмуджон Тожибоев каби устозлар билан ёнма-ён меҳнат қиляпсиз. Шогирдларингиз ҳақида гапириб берсангиз?

К.А: — Устоз деганда кўз олдимга жуда буюк зот келади. Ҳали биз устозлик даражасига етганимиз йўқ. Мен ҳақиқий, фидойи санъаткорлар Орифхон Ҳотамов, Очилхон Отахонов, Ориф Алимаҳсумов, Берта Давидова, Коммуна Исмоилова билан ишлаганман. Уларни чинакам устоз деса бўлади. Бизга шу устозларимизнинг жуда кўп меҳнатлари сингган. Устозлик жуда оғир, масъулиятли. Ўзимни ҳали устозлик даражасига етдим, деб ҳисобламайман. Устозлик даражасига етиш учун ҳали жуда кўп меҳнат қилишим керак. Лекин, қўлдан келганча, бисотга йиғган асарларимизни, ўлмас наволаримизни талабаларга ўргатишга ҳаракат қиляпмиз. Шукр, баъзи истеъдодли ўқувчиларимиз бугунги кунда «Мақом» ансамблида ишляпти.

О.Н: — Кимлар?

К.А: — Ҳилолахон Ҳамидова анча йиллардан бери «Мақом» ансамблида фаолият олиб бoryпти. 1-курсда ўқийдиган Гавҳархон Салимова деган қизимизни ҳам Абдуҳошим Исмоилов «Мақом»га таклиф қилибдилар.

О.Н: — Айтинг-чи, санъаткорларнинг даражаси унинг ўрганган ашуласи миқдори билан белгиланадими?

К.А: — Миқдори деганда сони бўлади-да, тўғрими? Устозларимиз «1 та ашула айт, 10 та ашула айтма, аммо халқ ўшани юракдан эшитсин», деб ўргатишган. Менимча, обрў қўшиқлар миқдори билан ўлчанмаса керак.

О.Н: — Санъатнинг туби кенг. Санъатнинг қозони катта. Ичига кирасан, ковлайверасан. Чўмичга картошка, гўшт чиққандек, эстрада қўшиғими, лирик қўшиқми, мақом қўшиғими чиқаверади...

К.А: — Турли жанрда ашула айтишни нотўғри дейиш ҳам бир тарафдан мумкин эмасдир. Чунки, санъаткор ўзининг йўлини топиш учун, ўзининг истейод қирраларини кўрсатиш учун изланади. Ана шунда ўзини кашф қилади. Шу йўл билан чиқиб кетиш мумкиндир.

О.Н: — Унда нега сиз эстрада йўналишида айтмайсиз?

К.А: — Чунки, мен ўз йўналишимни белгилаб бўлганман. Устозларга мурожаат қилиб, гапирадиган бўлсам, агар Ботир Зокиров «Мақом» айтганда балки эстрадада эришган мавқега эга бўлмасди. Ёки Берта Давидова, Коммуна Исмоилова... Насиба Абдуллаеванинг жуда чиройли, яхшигина нозик овози бор. У истаса классик йўналишда ҳам айта олади, аммо у эстрададаги ўз ўрни, маҳоратини тушуниб етган. Шунинг учун Насиба Абдуллаева бўлиб юради. Юртбошимиз Миллий эстрадамизни ривожлантириш ҳақида қайғуряптилар. Менимча, миллий эстрадани яратиш учун, аввало, мумтоз қўшиқларимизни яхши билиш керак. Шу миллий эстрадада ҳам пардасига эътибор бериш керак. Нима учун турк эстрадасини 1 та пардасиданоқ билиб олиш мумкин? Нима учун озарбайжон, эрон, ҳинд, афгон мусиқалари ўзига хослиги билан ажралиб туради? Ўзбек эстрада ҳаваскорлари эса нота пардаларини тўғри чалишмайди. Чунки улар озарбайжон, турк мусиқаларини аралаштириб юборишади. Агар аҳвол шу тарзда давом этса, чинакам миллий эстрадага эга бўлиш мушкул. Чунки унинг оҳанги кулоқда қолмайдида. Ботир Зокиров яратган миллий эстрадамиз қайта қад ростлашига, жаҳон саҳналарини забт этишига ишонаман.

О.Н: — Фарзандларингиз касбингизни давом эттиришларини хоҳлармингиз?

К.А: — Санъат йўли жуда мураккаб. Айниқса, аёл санъаткорга қийин. Талабаларга бу ҳақда кўп гапираман. Чунки, қиз бола, албатта, турмушга чиқиши, она бўлиши керак. Шу масъулиятларни кўтара олсангизгина, бу оламга кириш, деб жуда кўп айтаман. Худога шукур, 2 ўғил, 1 қизим бор. Қизим кўшиқчиликка қизиқади. Бироқ чинакам ҳофиз бўлиш учун фақат ҳаваснинг ўзи камлик қилади. Шунинг учун, унга «Санъаткор бўлмай қўя қол, бошқа касбни эгаси бўл», дедим.



ОТАМ ХИРГОЙИ КИЛГАН ҚЎШИҚЛАР

Сиз уни телеэкранларда, спектаклларда гоҳ салбий, гоҳ ижобий ролларда кўриб, димоғдор, одамларга нисбатан бепи-санд, баджаҳл инсон бўлса керак, деб ўйларсиз? Аслида эса, у фақат актёрлик либосидагина шу ҳолатга киради. Ҳаётда эса жуда ҳам самимий, халқ тилида айтсак, кўнгли синиқ йигит. Ёши элликка яқинлашган бўлса-да, қишлоқ одамларига хос соддалик гап-сўзларидан уфуриб туради.

Санъаткор билан учрашиб мақсадимизни айтганимизда у маълум дақиқа жимиб қолди. Шу пайт хаёлидан туғилиб ўсган Яккабоғ кўчалари: отаси уста Саидбобо, онаси Саодат аянинг 4 ўғил, уч қизни вояга етказишдаги тадбир-тадориклари, 20-ўрта мактабда ўқиган давридаги устозлари, синфдошлари, илк ижро этган кўшиғи, вилоят кўрикларидаги иштирокидан сўнг Тошкент Давлат Санъат институтига ўқишга киргани, устозларининг сабоқлари, Муқимий номли теартга ишга қабул қилиниб илк бор ижро этган «Гулбаҳор қани?» спектаклидаги бош роль Илҳомжон образи, кейинчалик «Мавлоно Муқимий» спектаклида Муқимий, «Нурхон»да Ҳайдар, «Гулсара»да Қодир, «Ҳийлайи шаърий»да Ҳалим қори, «Ватан ишқи»да Олимжон, «Ўлдинг, азиз бўлдинг» спектаклида Султон Мавлоно образларини яратгани, бастакорлар кўмагида яккахон кўшиқлар ҳам ижро қилиб эл оғзига тушгани ва ниҳоят унинг хизмати Давлатимиз томонидан «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвони билан муносиб тақдирлангани худди кино лентасидек бир-бир ўтган бўлса, не ажаб.

Озода Назарова: — Бугун биз Муқимий номидаги мусиқали драма театри актёри Турғун Бекназаровнинг хонандалик ижодига тўхталмоқчимиз. Бу ҳам ижодкорнинг ноёб қирраларидан бири. Бу хусусият ҳамма актёрга ҳам насиб этавермайди.

Турғун Бекназаров: — Мени танглаймни дадам кўшиқ билан кўтарганлар. Чунки отам дурадгор уста эдилар. Одамлар-

нинг томини ёпиб, дераза-ром қўярдилар. Отам қўшиқ айтиб иш қилардилар. Мен доим отамнинг ёнида эдим.

*Ялламаёрим яллола, яллолашайлик,
Учтами тўртта бўлволиб ҳасратлашайлик...*

Шу жойига келганда «Ҳа, қўшиллари» деб қўярдилар.. Кейин 3—4 та бўлиб қўшилардик. О, бу қўшиқни, айниқса, отам суйган қўшиқни биргалашиб айтиш. Дунёда мендан бахтиёр бола йўқ эди ўша пайтларда. Ана шу меҳр, мен қўшиқ айтганимдаги отамнинг қувончлари туфайли санъатга кириб келдим. Қолаверса, 20-мактабда ўқиганимда Нафисахон Нурова деган адабиёт ўқитувчимиз бўларди. У киши шеър ўқиганда, ҳаммамизни маҳлиё қилиб қўярдилар.

5-синфдалигимдаги бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди, қўлида рубоб: «Мана, Турғунжон, таътилда қўшиқ ўрганиб келибди, эштайлик, ҳамма турсин», деганлар. Мен қўлимга рубобни олдим, битта бола микрофонни ушлаб турибди. Жуда берилиб хиргойи қилиб турсам, домлам тепамга келиб: «Эй болам, ҳали ёрингга ҳам етасан, жонингга ҳам», деганларида мен, ашулам ёқмади, мени шунча одамнинг ичида уялтирди, деб йиғлаб чиқиб кетганман. Ҳозирги кунга келиб билиямизки, бу танбех 5-синф боласи ёр тўғрисида ашула айтгани учунлигини эса энди тушуниб етдик. Менга рубоб чалишни Болта ака Муқимов ўргатган.

О.Н: — Ҳар даврнинг ўз асари, ўз қўшиғи, ўз йўналиши, унинг ютуқ-камчилиги ёки нокерак қусурлари бўлади. Ҳар бир ижодкорнинг ҳам дунёқараши, мақсади, ўзига нисбатан талаби, даври бўлади.

Т.Б: — Ҳеч эсимдан чиқмайди, 10-синфни битираётганимизда кўрик ҳайъат аъзолари бўлиб Раззоқ Ҳамроев, Фароғат Ҳамроева, Суръат Пўлатов боришган. Танловда мен «Ёшлигим» деган ашулани айтгандим. Ижромни тинглаган халқ артисти Раззоқ Ҳамроев Театр ва рассомчилик институтига кириб ўқишимни маслаҳат берди. Устозларим дуоси, ўзимнинг интилишим боис институтга кириб кетдим.

Мен машинада юрганда ҳам, уйда ҳам кўпроқ радио тинглайман. Қалбга яқин қўшиқлар бисёр. Озгина гашингизга тегадигани ҳам бор. Ҳозиргина магнитофондан эшитган туркча қўшиқни, бир пасдан кейин радиодан қўйсам, ўзбекчаси янграйди. Майли, санъатга кириб келиш учун бу нарсалардан фойдаланиш мумкин, лекин биз бировдан ўрганишга муҳтож эмасмиз. Санъатимиз, айниқса, қўшиқчилигимиз жуда қадимдан шаклланган. Бой меросга эгамиз. Аввал ўшаларни ўрганиб,

илдизини мустаҳкамлаб олган хонанданинг ижроси ҳам, яратган қўшиғи ҳам пухта бўлади. Ўз мухлисини топади. «Мақом»-ларимиз ёки миллий куй-қўшиқларимиз эҳе... Ўғирласин шуларнинг ичидан, ўғирласин, куй, ноласи фалон ашулага ўхшасин. Ўзимизнинг халқ ашулаларимиз, классикамиз ёки карнай-сурнайларни қўшсин, гап йўқ. Лекин, хориж куйини қандай бўлса, шундай кўчириб, унга зўрма-зўраки сўз айтгандан кейин санъат ихлосманди қандай қабул қилади.

Ёш хонандалар кўп. Ҳозир мини диск деган нарса яхши чиқди. Яхшилиги, бир жойга 10—15 та созанда олиб юриш заруратидан қутилдик. Лекин, баъзилар нафақат мусиқани, балки ўзининг овозини ҳам ёзиб айтаяпти-да.

Янгийўлдаги бир қишлоққа тўйга кириб бораётсак, Равшан Комиловнинг қўшиғи эшитиляпти. «Ия, биздан олдин Равшан Комилов келган экан-да, деб ўйладим. Лекин қай кўз билан қарайки, «Қўлбола Равшан Комилов». Бу жуда ҳам бўлмаган нарса. Мусиқасини ўғирлагани майли, овозини ҳам ўғирлайди-ми. Бу билан у кимни алдаяпти. Санъатни севса, ҳурмат қилса, майли мусиқасини олсин, лекин ўзининг овозида айтсин, жон куйдирсин. Мана бу нарсага чек қўйишимиз зарур. Шу нарсаларни меъёрига тушириш керак.

О.Н: — Ҳа, таъбир жоиз бўлса, бу устоз санъаткорларимизнинг дарди. Илоё, бундай кўзбўямачиликларга, хонандаларимизнинг фонограммаларини уялмай-нетмай сотаётган «сохта ашулачилар» фаолиятига чек қўйилсин-да. Ана шунда халқ учун янги хонанда кашф қилинади, янги қўшиқлар ўлкамиз осмонида парвоз этиб, қалбларга қўнади.



УСТОЗЛАРДАН ЎРГАНИБ



Насиба Сатторова 1966 йил 21 августда Шахрисабз туманидаги Қўштепа қишлоғида туғилган.

Насибанинг Мақсуд Шайхзода номидаги 24-ўрта мактабда ўқиб юрган пайтларидаёқ санъатга иштиёқи баланд эди. Мактабда ашула ўқитувчиси Элмурод Боймуродов уни санъат сирларидан бохабар қилди.

Ўрта мактабни аъло баҳолар билан битириб, 1983 йил Ўзбекистон Давлат Консерваториясининг «Анъанавий ижрочилик» факультетига ўқишга кирди.

Консерваторияда Отаназар Матёкубов, Фаттоҳхон Мамадалиев, Ўлмас Расулов каби устозлар кўмагида санъат сирларини, мақом ашулалари ижро йўлларини ўрганди. Насиба Сатторова 1990 йилдан Юнус Ражабий номидаги «Мақом» ансамблида ишлай бошлади.

1999 йилда ўтказилган «Шарқ тароналари» фестивалида «Ёр васли», «Чоргоҳ», «Фарғона тонг отгунча» ашулаларини юқори маҳорат билан ижро этиб, бош соврин — «Гран-При» ни қўлга киритди.

Озода Назарова: — Насибaxon, нима учун сиз айнан санъат соҳасини танладингиз?

Насиба Сатторова: — Бу соҳани мен танладим деб айта олмайман. Ёшлигимдан ҳаётим шу соҳага бағишлангандек. Мен бошқа касб эгаси бўламанми-йўқми, ҳатто ўйлаб ҳам кўрмаганман. Чунки, болалигимданоқ гўё кўшиқ айтиш учун туғилганга ўхшардим. Интилишим ҳам, ҳаёлим ҳам санъат эди.

О.Н.: — Эҳтимол оилангизда, ота-онангиз авлодида санъаткорлар бўлгандир?

Н.С.: — Йўқ, оиламиздан санъаткор чиқмаган. Лекин, онаминг ширали овози бор эди. Жуда яхши хиргойи қилардилар. Мен ёш боламан. Берта опа, Коммуна опалар чиқса: «Ана, мени дугонам чиқди», деб қувониб кетсалар, ростдан ҳам дугонала-

ри экан, деб ўйлардим. Онамнинг санъатга шунчалик меҳрлари баланд эканки, эл суйган бу санъаткорларни кўнгилларига яқин олиб «дугоналарим» деб айтар эканлар.

Онам улар ижро қилган қўшиқларни берилиб хиргойи қилардилар. Шунинг учун ёшлигимдан қулоғим улуғ санъаткорларнинг қўшиғини эшитиб, пишган.

О.Н: — Санъаткор бўлишингизда онангиз сабабчи эканлар. Аёл кишига санъаткор бўлиш осон деб ўйлайсизми?

Н.С: — Аёл кишига санъаткор бўлиш қийин. Умуман, ҳамма соҳада меҳнат қилишнинг ўзига яраша қийинчилиги бўлса керак. Лекин, санъат йўлини танлаган аёлми, эркакми, суйган касбининг барча машаққатлари, қийинчиликларидан завқ олиши, ҳамма муаммосига чидаши шарт. Шундагина у ўз йўли, ўз ижросига эга бўлади. Аёл санъаткорга икки марта лаб қийин. Лекин мен ўзимга санъат билан бирга дўст ҳам топганман. Шубҳасиз, турмуш ўртоғимнинг ғамхўрлиги, мени яхши тушунгани боис қийинчилик унча сезилмайди. Лекин унганча яхшигина қийналганимни инкор этмайман.

О.Н: — Ҳозир бастакорлар жуда кўп. Абдуҳошим Исмоилов, Рустам Абдуллаев, Мустафо Бафоев, Ўлмас Расулов каби тажрибали бастакорларимиз билан кўп ишлагансиз. Айтингчи, ёш бастакорлар билан ҳам ишлаш ниятингиз борми? Ёшларимизнинг мақом йўлида ижро этган ашулалари сизга маъқулми?

Н.С: — Менимча, ёшлар ўзига хосликка, тенгдошлари дилига кириб боришга интиляпти. Лекин биз иложи борича ҳофизларимизга эргашиб, уларга ўхшаб ижро қилишга интиламиз. Чунки, мумтоз қўшиқлар ўз шаклига, ижро йўлига эга. Халқ бу қўшиқларни ўшандай ижродагина қабул қилади. Енгил-елпи қўшиқ қандай тез туғилса, шундай тез унутилади.

О.Н: — Гоҳида мақом йўлидаги ашулаларни эстрада йўлида куйлашяпти?

Н.С: — Ҳа, оранжировка қилиб айтишяпти. Балки тўғридир, балки нотўғри. Нимага десангиз, халқ мақомлари ўзбек чолғуларида ижро этилган. Халққа шундай чиройли қилиб етказиб берилса, менимча яхши. Энди бунинг учун соҳир овозга эга бўлиш ҳам керак. Шундай тарзда етказиб беролмаганлари учун оранжировка қилиб, овозларини кўтариб етказишади. Бу ҳамма ижрочиларга тааллуқли эмас. Кичик овозда, ширингина оранжировка қилиб айтганлар ҳам бор. Буларнинг чиройилигининг сабаби ижросида, айтиш йўлларида устозларининг маслаҳатлари ва кўрсатмаларига риоя қилишида.

О.Н: — Мана, сиз «Шарқ тароналари» фестивалида бош соврин — «Гран-при» эгаси бўлдингиз. Зўрларнинг зўри билан

беллашиш, мақомимизни меъёрига етказиб, талабчан томошабинлару синчков ҳакамларнинг таҳсинига сазовор бўлиш учун қанчалик меҳнат қилганингизни тасаввур қиляпман.

Н.С: — Ўша даврни ижодимдаги энг қийин давр деб биламан. Ҳа, бунинг учун бемалол 20 йил меҳнат қилдим, десам муболаға бўлмайди. Чунки, консерваториядаги таҳсил, «Мақом» ансамблидаги 10 йиллик ижод, изланиш. Шунча йиллик меҳнатим, ижодимнинг маҳсули бўлди бу мукофот.

О.Н: — Насибахон, сиз устозлар орасида ўсдингиз. Шулар орасида ишладингиз. Қайси устоз санъаткорларга ўхшагингиз келади?

Н.С: — Саодат Қобулова, Берта Давидова, Коммуна Исмоилова каби устозларга ўхшагим келади. Устозим бўлмаса ҳам Матлуба Дадабоева каби санъаткорларнинг изларидан боргим келади. Яхши фазилатларини, ҳаётдаги яшаш тарзларини ҳам ўрганаман, уларга ўхшашга ҳаракат қиламан.



БОЛАЛИГИМ — АСЛ БОЙЛИГИМ

Турсунбой Парпиев 1959 йил 29 ноябрда Андижон вилоятининг Асака туманида туғилган. У ўрта мактабда ўқиб юрган пайтларида ашула ўқитувчиси Абдужаббор Назировдан рубоб, дотор чалишни ҳамда ашула айтиш сирларини ўрганadi. Туман, вилоят ва Республика кўрик танловларида қатнашади. Ўзининг истеъдоди туфайли Москвада бўлиб ўтган 12-жаҳон ёшлар фестивали дипломанти бўлиб, ўз туманида ёш санъаткорлар орасида обрўга эга бўлади.

1974 йилда Андижон Давлат мусиқа билим юртига ўқишга кирди. Устози Шавкат Субҳоновдан мусиқанинг кўпгина жанрларини кунт билан ўрганadi. 1978 йилда Тошкент давлат консерваторисининг Халқ чолғу асбоблари бўлимига кириб ўқийди. Консерваторияда устоз Ашод Константинович Назаровдан сабоқ олади. Турсунбой санъатга интилувчанлиги туфайли пойтахтдаги устоз ёзувчилар, санъаткорлар, шоирлар ва бастакорлар билан ҳамжиҳат бўлиб, ўз санъатдаги ижодини бошлайди. Ўзбекистон радиоси олтин фондида кўплаб кўшиқларни ёздириш бахтига муяссар бўлади.

Хонандага санъатдаги меҳнатини қадрлаб 1999 йилда «Шухрат» медали, 2002 йилда эса Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвони берилди.

Ҳозирда Турсунбой Парпиев Андижон вилояти, академик мумтоз жамоалар бўлимидаги «Мерос» ансамблининг раҳбари бўлиб ишлаб келмоқда. Оилада турмуш ўртоғи Гўёхон билан 4 нафар ўғилни ўстириб, ширин ҳаёт кечирмоқдалар.

Озода Назарова: — Турсунбой, аввало болалик йилларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз?

Турсунбой Парпиев: — Болалигим ҳақида гапирсак, биз қишлоқда катта бўлганмиз. Ёшлигимизда яхши инсонларга ҳавас қилиб, радиода кўшиқларни тинглаб, ойнаи жаҳонда санъаткорлар ўз кўшиқлари билан чиқса кўриб борардим. Янги кўшиқ-

лар чиқса, шуларни ўрганиб олишга, ёдлашга, ўзимча хиргойи қилишга ҳаракат қилганман. Отам раҳматли ғижжак чалардилар. Бирорта ўғлим санъаткор бўлармикин деб, отам ёшлигимдан санъатга қизиққанам учун, доим мени чақириб, ғижжак чалишни, мусиқа тинглашни, қўшиқ айтишни ўргангин дердилар. Лекин, чалаётган ғижжакка қараб, кўзим уйқуга кетиб қолаверарди. Отам доим мени қаттиқ тергарди. Сендан санъаткор чиқмайди, сен санъаткор бўлолмайсан, дер эди.

Бир куни мактабда мусиқа ўқитувчиси рубоб кўтариб келиб қолди. Мен 5—6-синфда ўқийман. Бирдан синфда рубоб таломон бўлиб кетди. Кейин мен чаққонлик қилиб рубобни эгаллаб олдим. Ҳеч кимга қарамасдан қўлимга олиб, уйга олиб кетдим. Ишонасизми, умримда биринчи марта рубобни ушлаб, тонг отгунча чалганман. Ҳар хил мусиқаларни чалишга ҳаракат қилганман, ухламаганман. Уч кун ухламасдан чалиб, келиб домламга чалиб берганимдан сўнг, ҳайрон қолган. «Сен жуда ҳам қизиқар экансан. Сендан санъаткор чиқиши мумкин. Агар қаттиқ меҳнат қилсанг», деган.

Мактабдаги ҳамма йиғинларда, арча байрамларда, тадбирларида қатнашардим. Доим қўшиқ айтардим. Рубоб чалардим. Аста-секин халқ ичига кириб боришга, саҳнада қўшиқ айтишга ўргандим.

Хуллас, секин-аста санъатга меҳр уйғонди. Ўрта мактабни тамомлаганимдан сўнг мусиқа ўқитувчим Андижон вилояти мусиқа билим юртига етаклаб олиб борди. Шу ерда Култиметов деган ўқитувчи бор экан. Мени кўриб: «Ҳа, Абдужаббор, сенинг шогирдингми?» деди. Ҳужжатларни топширдим. Кейин имтиҳонларни топшира бошладим. Ҳаммасидан муваффақиятли ўтдик. Биз отамиздан 7 ўғил, 1 қиз қолганмиз. Отам эрта оламдан ўтиб кетган. 7-синфда ўқирдим. Кенжа ўғил бўлганман. Билим юртида астойдил ўқидим. Қийналсам ҳам ҳеч кимга билдирмадим, андижонлик бир ўртоғимни уйида бир йил турдим.

Кейин ётоқхонага кўчиб ўтдим. Ўша ерда яшаб, кеча-кундуз мусиқа билан шуғулланиб, секин-аста йўл топдим. Шу мусиқа билим юртини энг муваффақиятли битирган талабалардан бири бўлдим. Ўқув юртини битиргач, менга, Тошкент давлат консерваториясига йўлланма берилди. Ҳужжатларимни топширдим. Сўнгра Консерваториянинг имтиҳонларидан ўтиб, 1983 йили қизил диплом билан тамомлаганман.

Бир нарсани айтишим керак, бу ерда мен яхши инсонларни учратдим, уларнинг барчасини ўзимга устоз деб ҳисоблайман.

Лекин асакалик бўлганим учун бир нарсани айтишим керак, Асакада Шерали Жўраевнинг алоҳида мактаби вужудга

келиб, Ўзбек санъатида шу буюк инсоннинг йўли яралган. Кўпчилик шу инсонга ҳавас қилган. Мен ҳам унинг қўшиқларини ижро қилиб, ғойибона шогирди бўлиб юрганман. Кейин Тошкентда ўқиб юрган пайтларим, кўп уйларига борганман. Ёнларида бўлганман. Вақт-соати келиб, ўзимиз ҳам қўшиқчи бўлиб, қўшиқлар яратдик. Секин-аста яхши композиторлар, яхши шоирлар билан ҳамкорлик қилдим, бирга ишладим. Биринчи қўшиқларимни бастакор Раҳматжон Турсунов билан бирга ишлаб, айтдим. Нормурод ака, Омон Матчон, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидовлар шеърларини қўшиқ қилдим, халқчил шоиримиз Муҳаммад Юсуфнинг энг яқин укасига айланиб қолдим. Бугунги кунда Иқбол Мирзо билан қадрдонман, ака-укаман.

Бизнинг юртимизда Ватанни мадҳ этувчи шоирлар, бастакорлар қўшиқлар жуда кўп.

О.Н: — Мана, сиз қарийб 25 йилдан бери санъат соҳасида ижод қиляпсиз. Шу вақт мобайнида ўзингизнинг мухлисларингизга эга бўлдингиз. Ўз мухлисларини топа олган санъаткорсиз. Устозларингиз бор. Шогирдларингиз ҳақида ҳам гапирсангиз...

Т.П: — Албатта, ўзингиз санъаткор бўлиб қўшиқ айтганингиздан кейин шогирдларингиз ҳам ёнингизда пайдо бўлиб қолар экан. Сизни ҳавас қилиб, биров ўғлини, биров қизини сизга ўхшаб санъаткор бўлсин деб, ёнингизга олиб келар экан. Ким келса ҳам, у шоҳми, гадоми, сизга ҳавас қилиб келибдими, сиз кўкрагидан итаришга ҳаққингиз йўқ. Ҳавас қилган, интилганга толе ёр деган. Шогирдларимга доим айтаман, аввало, одобни, инсонийликни ўрганиш керак, ҳамма жойда инсоннинг хулқи биринчи масала. Одам меҳр-оқибатли бўлса, ота-она, Ватанни ҳурмат қилса, устозларини ҳурмат қилса, у албатта бир кун яхши инсон бўлади. Санъатинг зўр бўлгани билан, хулқинг яхши бўлмаса, эл ичида обрўйинг тез кетиб қолади.

Ҳозир ҳамма жанрларга кенг йўл очилган, имкониятлар яратилган. Лекин, бизни ҳар қандай қўшиқчи шогирдимиз аввало ўзбекона куйласин. 1—2 та классик йўлдаги қўшиқларни маромига етказиб айтадиган бўлсин. Кейин бошқа йўлда қўшиқ куйласин. Ота-боболаримиздан ўлмас, абадул-абад мерос бўлиб қолган бутун дунё тан олган классик қўшиқларимиз бор. Шуларни ўрганмаган шогирд шогирд эмас. Менинг ёнимда юриб, тарбияланган Икромжон Абдуллаев, Воҳиджон Каримов деган йигитлар бор.

О.Н: — Устознинг тарбиясини олган шогирд албатта келажакда мева беради. Улар ҳам келажакда ўзининг мухлисига эга бўлади, деган умидданман. Мазмунли суҳбат учун сизга ташаккур.



ЎЗГА ДИЁР ДАРКОР ЭМАС



Аҳмаджон Дадаев 1957 йил 29 январда Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги Новдак қишлоғида оддий ишчи оиласида туғилган. У ёшлигидан санъатга меҳр қўйган. Ўрта мактабда ўқиб юрган пайтларида мактабдаги ашула тўғарагига қатнашди. Туман, вилоятда, ўқувчилар ўртасида бўлиб ўтадиган кўрик-танловларда иштирок этиб, бир неча бор ғолибликни қўлга киритди. Аҳмаджон 1972 йилда ўрта мактабни муваффақиятли тугатиб, пойтахтдаги Ҳамза мусиқа коллежининг халқ чолғу оркестри бўлимига ўқишга киради. Коллежда устозлари Сотволди Каримов, Раҳим Маликов, Бахтиёр Отаевлардан мусиқа сирларини ўрганди. 1979 йилда коллежни муваффақиятли тугатиб, Тошкент давлат консерваториясининг «Шарқ» кафедраси бўлимига ўқишга киради.

1979 йил Консерваторияни муваффақиятли тугаллаб, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси қошидаги Юнус Ражабий номи «Мақомчи»лар ансамблига таклиф қилинади. Ва иш фаолиятини шу ердан бошлади. Ансамблда буюк устозлар академик Юнус Ражабий, Ўзбекистон халқ артистлари Дони Зокиров, Фанижон Тошматов, Ориф Ҳожи Алимаҳсумовлар, халқ ҳофизлари Орифхон Ҳотамов, Эсон Лутфуллаев, ака-ука Ваҳобовлар билан ишлаш бахтига муяссар бўлади. Уларнинг кўмагида радионинг «Олтин фонди»га кўпгина куй ва қўшиқларни ёздирди.

1999 йилда эса давлатимиз хонанданинг санъатдаги қилган хизматларини инobatга олиб, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвони билан тақдирлади.

Озода Назарова: — Аҳмаджон, Сизни ижодга чорловчи сеҳрнинг ўзи нима?

Аҳмаджон Дадаев: — Мени ижодга чорловчи сеҳрнинг кучи ҳақида гапирадиган бўлсам, жуда ёшлигимдан мусиқани, куй-

қўшиқни берилиб эшитардим. Кунлардан бир кун ойнаи жаҳонда бир хонанда чиққан эди, 14 ёшли ашулачи йигит. Бу 1962 йиллардаги гап. Шу йигитнинг исmlарини эслай олмайман, минг афсус. Мен эсимни энди-энди таниганимда жуда ҳам машҳур бўлиб кетганди. У тор билан айтганда ҳамма маҳлиё бўлиб қоларди. Мен ҳам шу йигитчанинг қўшиқ айтишига, соз чалишига маҳлиё бўлган ҳолатда менга санъатга улкан қизиқиш уйғонган. Ҳеч ким йўқлигида ойнага қараб, ёғочни созга ўхшатиб, мен ҳам қўшиқчи бўлармиканман, мен ҳам соз чалармиканман, деган орзу билан машқлар қилганман. Мусиқага қизиққаннимдан кейин соз чалишни ўргандим. Миллий созларимиздан рубоб, гижжак, қатори қўшнайма қизиқиб, қўлимга олиб чалишга ҳаракат қилиб кўрдим. Ҳеч ҳам эсимдан чиқмайди. Ҳали, менимча, мактабга ҳам бормасдим. Кунлардан бир кун раҳматли отам мана шу мусиқага қизиққаннимни билибдилар, назаримда. Ўзлари уйда ишдан келиб соз ясаб берганлар. Ёғочдан икки қоринли тор ясаб берганлар. Узун симлар тақиб берганлар. Мана шу сенга деб, ўша созни менга тақдим қилдилар. Мен энди уни биринчи чалганим учун уялганимдан омборхонамиз ичига бекиниб олиб, ўша ерда чала бошладим. Қарасам, қанақадир пардаларни сеза бошляпти юрагим. Ҳаттоки, биринчи машқ қилган куйим ҳам эсимда қолган.

О.Н: — Ҳаётнинг ўзи катта бир саҳнага ўхшайди, деган экан буюклардан бири. Сиз учун қай бир саҳнадаги ижро қийинроқ, ҳаёт саҳнасидагими, ё санъат саҳнасидагими?

А.Д: — Жуда ажойиб савол бердингиз. Ҳаётнинг ўзини мураккаб десак бўлади. Энди саҳнанинг ҳам ўзига яраша сеҳри, сирли томонлари борки, унга ҳар бир хонанда, созанда ёки актёр осонликча кириб бормади. Ҳаттоки, биз эшитганмизки, қайси бир актёримиз ё отаси, ё онаси дунёдан кўз юмган пайтда ҳам, у киши саҳнага чиқиши керак бўлган экан. У киши саҳнага чиқиб ижросини қилиб, ҳеч нарсани билдирмасдан яна уйига келиб, таъзиясини давом қилдирган экан. Демокчиманки, саҳнада ўша ҳолатга кира билиш, ўтирган томошабинга ҳеч нимани сездирмаслик керак экан.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Матлуба Дадабоева, Ўзбекистон халқ артисти Замира Суюнова билан биргаликда концертлар қўйдик. Менда, албатта, ҳаяжон бўлди. Қандай бўлар экан, қанақа ижро қилар эканман, деган фикрда турасиз, албатта. Бу ўйлайманки, инсонда бўлиши ҳам керак. Энди ҳаёт саҳнасига ўтсак, ҳаётнинг ўзи мураккаб, ҳаётни ҳам саҳнага таққосласак бўлади.

Энди санъаткор ҳар хил ҳолатда бўлади, тўй-ҳашамда, ҳар хил давраларда бўлади. Ҳар хил инсонларга рўбарў келади. Ана

шунда шу инсонлар билан муомала қила билишлик, уларнинг саволларига жавоб бериб, ёки мулоқотда бўлишлик ҳам, давраларни олиб боришлик... Бу ҳаётнинг қизиқлиги ҳам шунда мен учун.

О.Н: — Аҳмаджон, илгари санъаткорлар икки турга бўлинишган. Яъни, соз жўрлигида қўлида дутор, тор, рубоби билан қўшиқ айтишган. Кейин биласиз, қўлида ликопчаси билан созсиз ашула айтишган. Булар ҳақида нима дея оласиз?

А.Д: — Мен устозлар билан бирга ишлаганман. Яъни, соз чалмасдан катта ашула йўналишида ижро этишган. Эрка қори Ҳофиз, Маъмуржон Узоқовлар, Жўрахон Султоновлар, Мамат бува акалар каби катта ашулачиларимиз бўларди. Буларнинг ҳаммаси катта ашуладан бошлаган. Давр ўтиши билан ҳофизларимиз қўлига соз олиб, соз жўрлигида ижро қилишган. Ўзбекистон халқ артисти Камолиддин Раҳимов, Ўзбекистон халқ ҳофизлари Исроил ва Исмоилжон Ваҳобовлар, Ўзбекистон халқ артисти Хайрулла Лутфуллаев каби хонандалар ўзи соз чалиб, ҳам хонандалик вазифасини бажарадиган хонандалар туркумига киришади. Қўлида соз чалиб хониш қиладиган хонанданинг қўлида жилов бўлади. Пардани тоза эшита олади. Фарқи шу, созсиз хониш қиладиган хонандаларимиз эса ансамблга таянади. Бошқа созандага таянади. Бу жараён, албатта, мураккаброқ бўлади. Менинг фикримча, қўлида соз билан хониш қиладиган хонандага анча енгилроқ, яхши томони кўп деб биламан.

О.Н: — Аҳмаджон ака, Истиқлол менга нима берди, мен унга нима бердим, деган саволга сиз қандай жавоб бера оласиз?

А.Д: — Истиқлол жуда кўп нарсани берди, илгари биз жуда кўп нарсани куйлай олмасдик. Илгари ижро қилолмаган нарсаларни ҳозир ёшларимиз ҳам, бизлар ҳам қайтадан ҳаттоки эфирга ёза олиш бахтига муяссар бўлдик. Яъни, жилов ўзимизда, нимани куйлай олсангиз, бемалол айта оласиз.

Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев қаламига мансуб «Менинг бордур ўз диёрим» деган қўшиқни куйлаган пайтимда, қўшиқнинг «Ўзга диёр даркор эмас» деган жойи бор эди. Шу сўз учун, йўқ бўлмайди, дейишган. Нормурод ака «Ҳеч на диёр даркор эмас» деб айтинг деганди. Ана шундай ҳолатлар ҳам бўлди.



ИСТИҚЛОЛ — КЕНГ ИМКОНИЯТ

Сайдулла Маҳкамов 1953 йил 30 январда Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида таваллуд топган. Ўрта мактабда ўқиб юрган кезлардаёқ «Ёш ижодкорлар» кўрик танловларида иштирок этиб ғолиб бўлган. Хонанда Ҳамза номидаги мусиқа коллежида, ундан сўнг Тошкент давлат консерваториясида таҳсил олган. Устозлари Фахриддин Содиқов ва Эргаш Шукруллаевдан санъатнинг сир-синоатларини мукаммал ўрганган. Фаолиятини «Баҳор» ашула ва рақс ансамблида бошлаган. Дунёнинг кўплаб давлатларида гастрол сафарларида бўлиб қайтган. Шу кунгача Сайдулла Маҳкамов 50 дан ортиқ кўшиқларини радионинг олтин фондига ёздирган.

Озода Назарова: — Сайдулла ака, мана бир неча йиллар «Ўзбекистон» радиоси қошидаги Юнус Ражабий номидаги мақом ансамблида фаолият олиб бордингиз. Ўзингизнинг меҳнатингизни сингдирдингиз. Айтинг-чи, санъаткорнинг халқ олидаги маъсулияти нима?

Сайдулла Маҳкамов: — Жуда ўринли савол. Хонанда мухлисларини атрофига жамлагандан кейин доимо уларни мазмундор ва таъсирчан кўшиқлар билан таъминлаб туриши лозим. Бу энг катта мажбурият ҳисобланади. Мумтоз кўшиқларни ижро этадиган хонандаларимиз бор, эстрада йўналишида ижод қиладиган хонандаларимиз бор, буларнинг барчасида маъсулият битта — мухлисни узоқлаштириб қўймаслик. Бугун кўпчилик санъаткорлар эстрада йўналишида кўшиқ куйлаяпти. Боиси ёшларимизнинг эҳтиёжи шундан иборат бўлиб қолмоқда. Кўпчилик айтишади, кўшиқчилар кўпайиб кетди, деб. Менинг уларга жавобим битта. Саҳна кенг омманики. Кимнинг истейдоди бўлса, чиқиб куйласин ёки куй ижро этсин. Айтадиларки, эли тўқ халқда ҳофизу созандалар кўпаяди, деб. Демакки, турмушимиз фаровон, осойишта. Қайси кўшиқнинг савияси

яхши ёки аксинчалигини халқнинг ўзи саралаб олади. Лекин барибир шогирд устоз кўриши керак.

О.Н: — Бир киши ҳам шоир, ҳам бастакор, ҳам ижрочи бўла оладими?

С.М: — Бу уч соҳани бир кишида мужассамлаштириш қийин. Шоир, бастакор, ижрочи — бу уч истеъдод бирлашсагина мукамал кўшиқ яралади.

О.Н: — Бу даврнинг ўткинчилиги сизга алам қиладими?

С.М: — Саволингиз армон билан боғлиқ, менимча. Армоним йўқ. Аммо ёшларга ҳавас қиламан. Бугун улар учун барча шарт шароитлар етарли. Замон тез суръатларда ривожланыпти. Техника ривожини таъсирида мусиқа соҳаси ҳам юксалаяпти, аммо компьютерда яратилган мусиқа билан жонлисининг ўртасида анчагина фарқ бор. Буни ёшларимизнинг ҳам ўзлари яхши ҳис қилишади. Бугун мумтоз ашулаларни ҳам оранжировка қилишяпти. Бундай ижроларга мен қаршиман. Кўшиқнинг оҳори тўкиляпти. Истеъдодли бўлса, ўзи шундай кўшиқ яратсин, халққа манзур бўлсин.

О.Н: — Сайдулла ака, аксарият хонандалар ўзларига тенгдош ёки ёнма-ён ижод қилаётган санъаткорларнинг ижодини кузатиб бормайди. Бу борада фикрингиз.

С.М: — Агар чиндан бу кузатув бўлмаса, ижодкор ижод қилолмайди. Шоирлар ҳам, санъаткорлар ҳам илҳомланиш учун, дунёқарашини бойитиш учун, энг асосийси замон билан ҳамнафас бўлиш учун ўқиб, ўрганиб, эшитиб ўрганиб бориши лозим. Санъаткорлар бугунги кунда негадир бир-бирига калондимоғлик билан қарашади. Айниқса, ёшларимиз орасида мен сендан зўрман, деган манманлик кучли авж олган. Хонанда-ю, созандалар бир-бири билан мулоқотда бўлса, бамаслаҳат ишласа, ижодий юксалиш бўлади.

О.Н: — Бугунги санъатимизнинг ютуғи нимада-ю, камчилиги нимада?

С.М: — Мамлакатимизда барча соҳалар қатори санъатимизда ҳам юксак ўзгаришлар рўй берди. Биргина мисол, истиқлол шарофати билан Президентимиз раҳнамолигида қуриб битказилган ва фойдаланишга топширилган Ўзбекистон Давлат консерваторияси бутунлай жаҳон андозаларига жавоб беради. Миллий академик театри биносини кўринг, бинонинг ўзи ҳақиқий санъатдир. Бугун ижод қилиш учун санъаткорга кенг йўл очилди. Истаганча имкониятлардан фойдаланиш лозим. Мана шу имкониятлар самараси ўлароқ қанча-қанча соҳир овоз соҳиблари етишиб чиқди. Аммо, гуруч курмаксиз бўлмагани каби

имконият бор экан, саҳнани поймол қилаётганлар ҳам йўқ эмас. Халқ санъаткорнинг сарасини ўзи саралаб олади.

О.Н: — Халқимизнинг дилига сингиб кетган «Кўзларингни яширма» деб номланган қўшиғингизнинг яратилиши ҳақида сўзлаб беринг.

С.М: — Бу халқ йўлидаги ашула аслида «Наташахоним» фильмида биринчи Ўзбекистон халқ артисти Эргаш Йўлдошев томонидан ижро этилган. Раҳматли устозимиз Бахтиёр Йўлдошев қўшиқнинг матнини ўзлари ёзиб, куйини Коммунар Комилов, Бахтиёр Алиевлар билан маслаҳатлашиб яратишган. «Баҳор» ансамблига борганимда устозларим бу қўшиқ сенинг овозингга жуда тушади, сен ижро этиб кўр, деганлар. Ана шундан буён бу қўшиқни мен ижро этаман.

О.Н: — Сайдулла ака, мазмунли суҳбат учун ташаккур, ижодингиз янада юксак ривож топишини тилаймиз.



АЁЛ САОДАТИ



Санъаткорнинг юрагидаги орзу армонлари, туйғулари, дил изҳорлари унинг дилнавоз кўшиқлари, севиб ижро этган роллари орқали сизу бизнинг қалбимизга сингиб киради. Уларнинг биздан устун томони ҳам шунда. Ўзбек опера кўшиқчилик санъатининг тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссаларини кўшган аёл санъаткорлар ҳақида гап кетганда Ҳалима Носирова, Саодат Қобуловаларнинг номи тилга олинади. Бугун суҳбатларини эътиборингизга ҳавола қилмоқчи бўлганимиз — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мақсадхон Юнусова ҳам ана шу улуғ устозларининг изидан санъатга кириб келди.

Мақсадхон Юнусова 1960 йил Андижон вилоятининг Жалолқудуқ туманида таваллуд топган. Мақсадхон ўрта мактабда таҳсил олиб юрган кезлари устоз санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Ҳабиба Охунованинг кўшиқларини севиб тинглар ва маромига етказиб ижро қиларди. Ушбу кўшиқларни ижро этиб ёшлар орасидаги қатор танловларда ғолиб бўлган.

1977 йилда санъаткор Хўжабод туманидаги «Армуғон» ансамблида устоз ҳофизлардан Фаттоҳхон Мамадалиев, Абдуғофир Қодировларнинг ижодларини ўрганди. 1979 йилда ёш актёрлар ва хонандалар кўрик танловида ғолиб бўлгани учун имтиёзли равишда Санъат институтининг мусиқали драма факультетига ўқишга кирди. Хонандадаги истеъдодни сезган устоз санъаткор Ҳалима Носирова Алишер Навоий номидаги опера ва балет катта театрига ишга таклиф қилди. Мақсадхон шу тариқа устозлар ардоғида, катта даргоҳда ижодини юксалтириб борди. У «Севги афсонаси»даги Санам, «Фидойилар» операсидаги Арзи, «Майсаранинг иши» операсидаги Майсара, «Тоҳир ва Зуҳра» операсидаги Моҳин образларини юксак маҳорат билан талқин қилгани учун устозлар ва мухлисларнинг олқишига сазовор бўлди. Мақсадхон Юнусованинг санъатдаги изланишлари ҳукуратимиз томонидан юксак қадрланиб 2006

йил «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвони билан тақдирланди.

Озода Назарова: — Мақсадхон, санъат соҳасига кириб келишингизда оилавий муҳитнинг таъсири бўлганми?

Мақсадхон Юнусова: — Мен оддий оилада туғилиб вояга етганман. Отам болалигимда оламдан ўтган. Қолаверса, оиламизнинг ҳеч бир вакилининг санъатга алоқадор жиҳати бўлмаган. Шунинг учун бўлса керак, менинг кўшиқчи бўлишимга онам қарши бўлганлар. Қиз бола ўз вақтида турмушга чиқиши керак, деб ўйлаганлар. Мен қарши турганман. Тақдирда ёзилгани бўларкан, санъаткор бўлдим.

О.Н: — Аслида оилада неча фарзанд бўлгансизлар?

М.Ю: — 5 ўғил, 3 қиз — 8 нафар фарзанд бўлганмиз. Уларнинг энг тўнғичи мен.

О.Н: — Укаларингиздан, сингилларингиздан яна санъат соҳасини танлаганлари борми?

М.Ю: — Афсуски, йўқ. Улар бошқа жабҳаларда фаолият юритяптилар. Аммо санъатни — кўшиқни, куйни қадрлайдилар.

О.Н: — Илк саҳнага чиққан кезларингизни эслай оласизми?

М.Ю: — Хўжаобод тумани марказида Маданият уйи бўларди. Ўша ерда тикиш-бичиш бўйича ўқув курслари мавжуд бўлиб, онам мени олти ойлик курсга ўқишга олиб борганлар. Қарасам, ёнгинамизда ансамбл фаолият юритар экан. Ўқиш давомида фикру ёдим ўша ерда бўлган. Мендаги иштиёқни сезган ансамблнинг бадий раҳбари Толибжон Мирзаев бир кўшиқ хиргойи қилиб беришимни сўраганлар. Ўшанда Ҳабиба Охунованинг «Бизнинг айвон...» деган кўшиқларини берилиб ижро этиб берганман. Кейин мени жамоага қабул қилишган. Ана шу ерда биринчи марта чолғу асбоблари жўрлигида кўшиқ куйлаганман.

О.Н: — Санъат соҳасида фаолият юритиш аёл киши учун анчагина оғир. Аёл — опа, аёл — турмуш ўртоқ, аёл — севимли она. Демакки, аёлнинг зиммасидаги масъулият улкандир. Буларни енгиб ўтиш, уйдлаш учун сизни қандай қудрат кучлантириб туради?

М.Ю: — Инсонда чинакам хоҳиш бўлса, барчасини уйдлайди. Мен санъаткорлар оиласига келин бўлиб тушганман. Қайнонам Мулла Тўйчи Тошмухаммедовнинг қизлари. Шу боис бўлса керак менинг ишимни, ташвишимни ойижоним чин дилдан тушунардилар. Бирор гастрол сафарига кетмоқчи бўлсам, «уйларим ҳувиллаб қоладиган бўлди, кейинги сафар бормай-

сиз», дердилар мулойимлик билан. Кейинги сафар яна ўзлари «дадамнинг файзини берсин», деб дуо қилиб жўнатардилар.

О.Н: — Мақсадхон, айтинг-чи, томошабинлар трагедияларга кўпроқ тушишадими, комедия билан йўғрилган спектаклларгами?

М.Ю: — Бу томошабиннинг ҳолатига боғлиқ. Агар инсон маданий ҳордиқ оламан, деса юмор билан йўғрилган спектаклларга тушишади. Фожеали асарларни илғаб олиш учун юксак саъвияли, дунёқараши кенг томошабин керак. Демак, бугун завқланиб томоша қилинадиган асарларнинг мухлислари кўпроқ.

О.Н: — Театрларимизда қандай камчилик кўзга ташланади?

М.Ю: — Мана, «Тоҳир ва Зухра» дейилганида киши кўз олдида ёшгина йигит-қиз гавдаланади. Шундай ҳолатлар ҳам бўляптики, 50 ёшни қаршилаган актриса Зухранинг ролини ўйнапти. Бу билан фақатгина томошабиннинг ишончи йўқолади. Яна нутқий талаффуз томонидан ҳам нуқсонлар сезилиб қоляпти.

О.Н: — Севиб ижро этган ролингиз...

М.Ю: — «Майсаранинг иши» операсидаги Майсара, Сайфи Жалилнинг, «Зебунисо» операсидаги Зийнатбегим образларини севиб ижро этганман. Мустафо Бафоевнинг «Ал-Фарғоний» операсидаги «Она» қўшиғи овозимга мослаб ёзилган.

О.Н: — Турмуш ўртоғингиз ва фарзандларингиз ҳақида гапириб беринг.

М.Ю: — Турмуш ўртоғим Алишер Навоий номидаги опера ва балет катта театри артисти Аваз Юнусов бўладилар. Бир қиз, бир ўғлимиз бор. Қизим Севарахон республика тиббиёт коллежида таҳсил олади, ўғлим ўрта мактабда ўқийди.

О.Н: — Мақсадхон, ана шу оилангиздан қут барака аримасин, ҳамиша ижодингиз гуллаб яшнасин. Суҳбат учун эса раҳмат!



САНЪАТКОР САҲНАДА САЙҚАЛ ТОПАДИ

Кўшиқ — кўнгил ҳамроҳи. У юрак тубидан отилиб чиққан оҳанг, дард. Бу шундай оҳангки, бир лаҳзада кўнгилни забт этади. Санъаткорга тасанно айтамыз. Хонанданинг қалбидан сизиб чиқаётган кўшиқнинг уммонига фарқ бўламиз. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Эркин Рўзиматовнинг юксак иқтидори ва у куйлаётган кўшиқлар тингловчилар қалбига ана шундай илиқ кайфиятни олиб киради.

Хонанда Эркин Рўзиматов 1961 йил 3 сентябрда Фарғона вилоятининг Қува туманида таваллуд топган. Санъатга ҳавас ўрта мактабда ўқиб юрган кезларида уйғонган. Бу қизиқиш хонандага амакиси Бахти ҳофиз ҳамда акаси Озодбек Рўзиматовлардан ўтган бўлса, ажаб эмас. Эркинжон ўрта мактабни тугаллагандан сўнг Фарғона мусиқа билим юртига ўқишга киради. Эркинжон ва акаси Озодбек билим юртида бўлиб ўтадиган қатор танлов ва тадбирларда фаол қатнашиб ўқитувчи ва талабаларнинг олқишига сазовор бўладилар. Билим юртини тугаллаб Қувадаги «Анор» ансамблида хонанда сифатида фаолиятини бошлайди. Сўнгра Ўзбекистон Давлат консерваториясида ўқишини давом эттиради. Бу даргоҳда устоз санъаткорлар Ориф Алимаҳсумов, Фаттоҳхон Мамадалиев, Саодат Қобулова, Раҳматжон Қурбонов, Маҳмуд Тожибоевлардан санъат сирларини ўрганади.

Эркин Рўзиматов «Мақом» ансамблида ишлаб юрган кезларида, 1987 йил Мақомчилар кўрик танловининг ғолиби бўлади. Хонанда томонидан ижро этилган кўшиқлар халққа манзур бўлади. Кейинчалик «Баҳор» ансамблида фаолият олиб бораётган йилларда кўплаб чет эл сафарларида бўлади.

Ҳукуматимиз томонидан хонанда Эркин Рўзиматовнинг ижодий изланишлари юксак баҳоланиб, 2000 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвони билан тақдирланди.

Бугун халқимизнинг севимли хонандаси Эркин Рўзиматов турмуш ўртоғи Зумрадхон билан 2 ўғил, 1 қизни тарбиялаб, ширин ҳаёт кечирмоқдалар.

Озода Назарова: — Эркинжон, биласиз, санъаткор элнинг назаридаги одам. Машхурликнинг бир оғриқли томони ҳаётингизда бирор воқеами, ўзгаришми рўй берса, бирдан сиз ҳақингизда «миш-мишлар» оралайди. Доим эъзоз-эътибордаги инсон бўлиб юриш сиз учун қийинчилик туғдирмайдими?

Эркин Рўзиматов: — Санъаткор кўшиғи билан халққа ҳам бўлади, юриш-туриши билан ибрат. Шу боис санъаткор доимо элнинг назарида бўлади. Санъаткор иложи борича камтарин, синиқ бўлиши лозим. Аёнки, камтарлик камолотга етаклайди. Энди «миш-мишлар» борасида гапирадиган бўлсак, халқда бир ибора бор: «Эл оғзига элак тутиб бўлмайди». Бу изоҳ талаб қилмайдиган сўзлар. Қолаверса, санъаткор одоб сақлай билиши, қадамини ўйлаб босиши зарур. Ана шуларга амал қилганлар эса халқ орасида эъзоз, эътибор топади.

О.Н: — Орзуларимга эришдим, деб ўйлайсизми?

Э.Р: — Тўғриси, менга бу саволни беришларини кутиб юрардим. Болалигимда тенгдошларим қаторида менинг ҳам орзуларим осмон қадар юксак эди. Бу орзулар улғайганим сари янада катталаша борди. Мен машхур кўшиқчи бўлишни орзу қилардим. Ойнаи жаҳонда «Баҳор», «Мақом» ансамбллариининг концерт дастурларини томоша қилиб, ўша ерда ишлашни ўз олдimgа мақсад қилиб қўйганман. Демакки, болаликдаги орзу умидларимиз рўёбга чиқди. Буюк санъаткорлардан таълим олдик, улар билан бир қаторда ишладик. Аммо ҳали дилимизда ушалмаган орзулар бисёр. Аслида инсон умрининг сўнгига қадар орзу қилади, дейишади. Бу гапда жон бор...

О.Н: — «Баҳор» ансамбли билан кўплаб хорижий давлатларда гастрол сафарларида бўлгансиз...

Э.Р: — Албатта, кўплаб хорижий давлатларда миллий санъатимизни намойиш қилишга муваффақ бўлганмиз. Германия, Франция, Бельгия, Япония, Корея, Туркия каби давлатлар шулар жумласидандир.

О.Н: — Улар қандай қабул қилишади?

Э.Р: — Айтадиларки, мусиқа миллат танламайди, деб. Биз ўзга халқлар орасида бўлганимизда бунга гувоҳ бўлганмиз. Айнаикса, ашуланинг авжига чиққанимизда, қийқириқлар ва чапаклар билан олқишлайди. Бизнинг миллий кийимларимиз уларда кўпроқ қизиқиш уйғотади.

О.Н: — Улар фақат жонли ижрони тингласа керак?!

Э.Р: — Биласизми, зимдан кузатиб туради. Мусиқа асбобларимиз, услубимиз, оҳангимиз... барча-барчасини.

О.Н: — Санъатдаги рақобатга қандай қарайсиз?

Э.Р: — Бу дўстона рақобат бўлса, яхши. Агар зимдан бирига чоҳ қазиб, ортидан иғво қилиб юрса, бу рақобатнинг

асло кераги йўқ. Биздан аввал ўтган устозларимизнинг бири бири билан ўзаро муносабатларини эшитамиз, шунақанги илиқ муносабатда бўлишганки, худди оға-инилардек. Ҳозир қўшиқчиларимиз орасида ўзаро ҳурмат, меҳр-муҳаббат кўтарилгандек туюлади.

О.Н: — Ҳаётда топган бебаҳо бойлигингиз нима?

Э.Р: — Албатта маънавият — бебаҳо бойлик. Халқимизнинг менга бўлган илиқ нигоҳи, ижро этган қўшиқларим, оилам, фарзандларим бебаҳо бойлигимдир.

О.Н: — Раҳмат, Эркинжон. Биз бебаҳо ва бетакрор бойлигингиз ўз-ўзини янада тўлдириб боришини истаб қоламиз, суҳбат учун ташаккур!



ЁРҚИН МАНЗИЛЛАР АРО



Ўзбек қўшиқчилик санъатининг буюк дарғалари Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов каби илоҳий истеъдод соҳибларининг анъаналарини давом эттириб, эл қўнглига йўл топаётган хонандалар эса бугунги кунда орамизда талайгина. Улардан бири ўзига хос овози билан ўзбек қўшиқчилигида ўз ўрнига эга бўлган ҳофиз, Ўзбекистон халқ артисти Маъмуржон Тўхтасиновдир.

Маъмуржон Тўхтасинов 1958 йил 18 ноябрда Фарғона вилояти, Олтиариқ туманида туғилган. Отаси Салимжон ака мактабда 40 йилдан ортиқ ўқитувчи бўлиб ишлаган. Онаси Насибaxon ая эса беш қиз ва бир ўғилни тарбиялаб вояга етказди.

Ўрта мактада ўқиб юрган кезларида ўқувчилар орасида Маъмуржоннинг санъатга иштиёқи баланд эди. Мактабдаги тadbирларда Маъмуржон ўз устозлари ва мактабдош дўстларини, албатта ўзининг ёқимли ажойиб қўшиқлари билан хушнуд қилар эди. Мусиқа ўқитувчиси Тўлқинжон Эргашев Маъмуржонга кўпгина қўшиқларни ўргатиб, вилоят, туманларда ва республикамиздаги бўлиб ўтадиган байрам, қўшиқ танловларига пухта тайёрлади. Натижада Маъмуржон кўрикда қатнашиб, биринчи ўринни эгаллади. 1975 йилда ўрта мактабни аъло баҳоларга битириб, Қўқон автoйўл техникумига ўқишга кирди.

1978-80 йилларда Икромжон Бўронов раҳбарлигидаги Ҳарбий ансамблда хизмат қилди. 1980 йилда Олтиариқ тумани Маданият уйида мусиқа раҳбари бўлиб ишлади.

1981 йилдан Тошкент Давлат маданият институтида ўқиди. Маъмуржон институтда устозлари Раҳматжон Турсунов, Тўлқин Тошматов, Тельман Ҳасанов, Тоҳир Йўлдошев ва Саодат Йўлдошевлардан санъат сирларини ўрганди ҳамда Ўзбекистон радиоси «Олтин фонди»га ўз қўшиқларини устозлари ёрдамида магнит тасмасига ёздиришга муваффақ бўлди.

Хонанданинг санъат соҳасидаги хизматлари инoбатга олиниб, 1993 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист», 2000

йилда эса «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвони берилди. Шунингдек 1992 йилда Халқаро Бобур мукофотиغا сазовор бўлди. Маъмуржон Тўхтасинов оилада турмуш ўртоғи Қимматхон билан уч ўғил ва икки қизни тарбиялаб келишяпти.

Озода Назарова: — Маъмуржон, аънанавий бир савол: Сиз униб-ўсган оилада санъаткорлар чиққанми?

Маъмуржон Тўхтасинов: — Йўқ. Лекин яқинларим адабиётни, санъатни ҳурмат қилишган. Эскиларнинг гапи бор, яхши ният — ярим мол, дейишади. Дадамиз ҳофизлар билан дастурхонда ўтиришиб, яхши ният қилишган экан.

О.Н.: — Ният қилиб сизга устоз Маъмуржон Узоқовни, исмини қўйишган экан. Бунда қандай маъно бор, нима дея оласиз? Қолаверса, водий катта санъаткорлар даргоҳи. Бу гўшадан ажойиб ҳофизлар, истеъдод эгалари етишиб чиққан.

М.Т.: — Озода опа, биласиз, бекорга Фарғона-Тошкент йўли дейилмайди. Чунки, Фарғоналик кучли санъаткорларга, Жўраҳон акалар, Маъмуржон акаларга, Расулқори Мамадалиев Шерали Жўраевларга ҳавас қиласиз. Бундай ўйлаб қарасангиз, буларнинг ҳар бири бир дарёга ўхшайди. Битта қўшиғининг ўзидан мингта қўшиқларни териб чиқарамиз. Шунинг учун бўлса керак бизнинг Фарғонадан, айниқса, Олтиариқдан Маъмуржон акаларга ўхшаб юрсин, деб дадамиз менга Маъмуржон деб исм қўйишган. Мусиқа мактабларига етаклаб юриб, дадамлар ўша риштонлик устозимиз Тўлқинжон ака Эргашевнинг олдига олиб борган ва мен у кишининг қўлида рубоб синфида ўқиб келдим. Мен хурсандман, ота-онамнинг орзуси ушалганидан. Биз доим Маъмуржон аканинг санъатини яхши кўра-миз, бу инсонларнинг санъати ўлмас санъат. Қўлимиздан келганича уларнинг қўшиқларидан келиб чиққан ҳолатда қўшиқлар яратиб, изланиб келяпмиз.

О.Н.: — Сиз одоб-ахлоқ, диёнат ҳақидаги ашулалар билан халққа тез танилдингиз. Нима сабабдан шундай?

М.Т.: — Биз биламиз санъат, адабиёт тарбияловчи куч. Инсонларни яхшиликка, эзгуликка ундайдиган куч, яхши шеърни ўқиб қолганингизнинг ўзи тарбияга етаклайди, шарт эмас уни қўшиқ қилиб ижро қилиш. Лекин шеърни яхши куйга солиб, ижро қилсангиз бир воқеа содир бўлади-да. Ўзим ўқитувчилар оиласида тарбияланганим учун қўшиқларим билан одамларни тарбиялашга озгина бўлса ҳам яхшиликка, эзгуликка чақираман. Бобурнинг бир шеърлари борки, улар одамларни ўйлантиради. Бунда яхшилик сенга қайтмаса ҳам, яхшилик қилавергин, дейилган. Шунинг учун мен ота-она, яхшилик ҳақидаги қўшиқларни айтгим келади.

О.Н: — Қўшиқни яратиш учун яхши шеър бўлиши керак. Қайси шоирлар билан ҳамкорлик қиласиз?

М.Т: — Худога шукур, юртимизда зўр-зўр шоирларимиз бор. Эркин Воҳидовнинг «Ўзбекистоним» шеърини қўшиқ қилганман. Абдулла Ориповнинг «Хато қилишингни кутарлар» каби шеърларига қўшиқ қуйлаганмиз. Аввало, қўшиқчининг дўсти китоб. Албатта, шоирлар билан мулоқот қилинади. Китоб варақлаш керак, ижод қилиш керак.

О.Н: — Бастакорлар билан ҳам мулоқот қилиб турасизми?

М.Т: — Мен бастакорларнинг ижодларини ҳурмат қиламан. Анор Назаровнинг асарларини яхши кўраман. Абдуҳошим Исмоилов билан ҳам ишладим.

О.Н: — Санъаткор халқни нимаси билан тортиб олади?

М.Т: — Санъаткорнинг энг биринчи юраги бўлиши, дарди бўлиши керак. Нотани олгани билан санъаткор бўлиб қолмайди. Овозида шира бўлиши керак. Дардсиз санъаткор минг бақирсин, минг овози бўлсин, уни фақат ишлата билса, инсонларга етказа билсагина фойдалидир.

ТЎҚҚИЗ ТУП АТИРГУЛ

Радиодан таралган куй ва қўшиқни завқ билан тинглаганингизда беихтиёр ижрочига раҳмат айтасиз. Лекин бу ашула ва куй қанча машаққатлар билан, қанчадан-қанча кўзга кўринмас меҳнатлар эвазига эфирга узатилганини ўйлаб кўрмайсиз. Ранг-баранг эшиттиришлар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Радио тўлқинларида тайёрланаётган ҳар бир мусиқани эшиттириш, хабар ёки реклама овоз созловчининг ва журналистнинг меҳнати эвазига тайёр бўлади. Хотин-қизлар байрами муносабати билан тайёрланаётган эшиттиришга радионинг овоз созловчи муҳандисларидан тўққизтасини танлаб, уларни «9 туп атиргул» деб атадик. Бир қараганда, тўққизга эшитиришни бир кунда ёзиш осонга ўхшайди. Аслида эшиттиришлар уларнинг сермаҳсул ижоди, ҳаётларининг узвий қисмига айланиб қолган. Ана шу сабабли ҳам улар бугунги кун қаҳрамонларининг ижодини, санъаткорлар ҳаётини, моддий ва маънавий бойлик яратаётган инсонларни, орзу ва қалб туйғуларини, иш ва турмушдаги муаммоларини, ўзлари севиб бошқараётган оддий лента ва компьютер орқали ёритиб боришади.



Муҳаммаджон СЎФИХЎЖАЕВ



Эркин ИРИСМЕТОВ



Нафиса ИНОФОМОВА



Раъно ХОЛИҚОВА

Тиниб-тинчимас бу операторларимиз иш жараёнида журналистлар билан ҳозиржавоб ҳамкор бўлиб, ўз зиммасидаги масъулиятни сезиб туришади. Эшиттиришдаги камчиликларни баргараф қилиб, ҳаддан зиёд мақтовларни камайтириш, хуллас, сифатли эшиттиришларни ёритишга ҳаракат қилишади. Радио-даги компьютерлаштириш ҳаракатлари билан янгича ишлаш жараёни бошланди. Оператор қизлар ўқиб-ўрганиб, бу мутахассисликни ҳам ўзлаштириб олишди. Бу дугоналарга ҳамминг ҳаваси келади. Қизларимизни турфа гуллардан жамланган гулдастага ўхшатсак арзийди. Хатира опа дилкаш аёл, Нафиса опа — камтарин ва қувноқ, Озода опа серҳаракат, ширин сўзи билан ҳаммани ўзига қаратади. Вазира ва Фарида ниҳоятда қатъиятли. Назира ва Нафиса заҳматкаш, дилкаш, кўнгилчан аёллар.

Озода Назарова: — Хўш, қани, суҳбатни кимдан бошлаймиз. Раъно опаданми ёки Нафиса опадан? Мана, сизлар, радиога келганингиздан бери қанча сувлар оқиб ўтди. Нафиса опа, шу даргоҳга келиб, ҳаётда ҳам ўз ўрнингизни топдингиз. Оилали, бола-чақали, ҳатто набирали бўлдингиз. Қанча кўшиқларни, қанча санъаткорларнинг ҳаётини фонотекамиз хазинасида ёзишга ҳиссангизни кўшдингиз. Касбингиз, бирор марта бўлса-да, оиладаги вазифангизга халақит берганми?

Нафиса: — Озодахон, 1968 йилда шу даргоҳга келган бўлсам, шу ерда униб ўсдим, олий маълумотли бўлдим, оилали, фарзандли ва ҳатто набирали ҳам бўлдим.

Шунча йил давомида қанча эшиттиришлар қилдик, қанча дўстлар билан ишладик. Жудаям ўз касбимдан хурсандман. Қанча қийинчиликлар бўлса ҳам, менга билинмади, шу боис



Вазира ОБИДОВА



Фарида КАРИМОВА

пенсияга чиқиб ҳам ишляпман. Ишимнинг ҳаётимга ҳеч халақити йўқ.

О.Н: — Раъно опа, жамоадаги меҳр-оқибат ҳақида гапириб ўтсангиз?

Раъно опа: — Жамоани жуда ҳурмат қиламан. Мен радиога 1966 йили ишга келганман. Лекин, асосий иш жараёни 1963 йилда бошланган. У пайтда «Пионер эрталиги» деган эшиттириш бўларди. Ҳозир «Келажак тонги» дейилади. Ўқишга келардим. Шунда радиога меҳрим тушди, ишга келдим. Кечки филология факультетида ўқиганман. 1967 йилда «Табассум» радиожурнали таниқли бўлди. Мен бу эшиттиришга овоз режиссёри бўлдим. «Табассум» эски радио биносида ёзиларди. Ҳамма актёрлар билан учрашганман десам, муболаға бўлмайди.

Радиода катта бўлдим. Улғайдим. Бир нечта неваранинг буви-жониси, бир неча куёв-келинларни қайнонаси бўлиб юрибман.

О.Н: — Суҳбатимизнинг яна бир иштирокчиси, ушбу эшиттиришнинг ташкилотчиларидан, устоз режиссёр Муҳаммаджон Сўфихўжаевнинг, ўз жамоа аъзолари хусусидаги фикрларини билишга қизиқдик:

— Муҳаммаджон ака, Нафисахон Иноғомова, Раъно опа Ҳолиқовалар ҳақида бир-икки оғиз фикр, дил сўзларингизни айтсангиз.

Муҳаммаджон ака: — Кимки, ўз касбини эъозлаб, унинг масъулиятини бўйнига олиб, машаққатларини ҳам, қувончларини ҳам дилдан ҳис қила билибди, у баркамол, бахтли инсон. Республика радиосида узоқ йиллардан бери сидқидилдан хизмат қилиб келаётган овоз операторлари қаторида Нафисахон ва Раънохонларнинг доимо очиқ чеҳраларини, гайратлари-



Назира
МИРСАГУЛОВА



Орзигул
ХАЙРУЛЛАЕВА

ни кўриб, руҳиятим тетиклашади, чарчоқларим чекинади. Ҳар икки дугона аслида — олий маълумотли. Адабиётни, санъатни, маданиятни, маънавиятни яхши биладиган ва зарур бўлса, ўша радиожурналистикани ҳам яхши таҳлил қила оладиган зуккорлардир. Улардаги одамгарчилик, дўстларга садоқат, вақти келса, сабру бардош барча ёшларга ўрнак бўлгулик. Ҳаммага ҳам бир корхонада узоқ йиллар меҳнат қилиш насиб этавермайди. Бу икки дугона эса 35—40 йиллардан бери кўз очиб кўргани, ушбу овоз ёзиш корхонасида, меҳр-сабр тоқат билан меҳнат қилиб келмоқда. Машҳур шоиру ёзувчилар, улуғ артистлар билан ҳамкорлик қилиб, бир қанча радиопостановкалар яратишда ўзларининг ҳиссаларини қўшдилар ва улуғларимиз овозларини абадиятга муҳрлаб қўйдилар. Дарахт бир жойда кўкаради, деганлари шу бўлса керак.

О.Н: — Яна бир овоз оператори Вазира опа оиласи билан шу ерда ишлайди. Тўра ака — техник созловчи. У киши узоқ йиллардан бери ҳам турмушда, ҳам ишда елкадош, ҳамсоя бўлиб келишяпти.

Вазира: — Радиода 1973 йилда иш бошлаганман. Шу ерда бахтимни топдим.

О.Н: — Азиз тингловчилар, бугун студиямизга Радио уйидаги қизлар билан бир неча йиллардан бери ишлаб келаётган Нусратилла ака Комиловни таклиф этганмиз. Нусратилла ака, Вазираҳон билан Фаридаҳон ҳақида нималар дея оласиз?

Комилов: — Бу икки ходимнинг радио уйига меҳнати кўп сингган. Ишдаги илиқлик, ходимларга муомаласи, ҳар бир ўзбек аёли ибрат олса арзийдиган инсоний фазилатлари барчага ўрнак



Озода
ШЕРМУХАМЕДОВА

бўлса арзийди. Опаларимиз диспетчер лавозимида ишлашади. Фарида опам ҳам, Вазира опам ҳам ўз ишига уста мутахассис инсонлар. Бошқарув жараёнида булардан ўрناق олса арзийди.

О.Н: — Ишингиздаги масъулият ва интизом ҳақида сўзласангиз? Чунки сиз овоз созловчиларни йўлга қўядиган ходимларни бошқарадиган раҳбарсиз.

Фарида: — Бизнинг ишимиз катта интизом ва масъулият талаб қилади. Лекин ким қайси ишда бўлмасин, биринчи галда интизом бўлиши керак. Операторнинг асосий иш қуроли, муомала. Яхши муомала сифатли иш гарови.

О.Н: — Ўз тақдирингиздан мамнунмисиз, Фаридахон?

Фарида: — Мамнунман. Шу ерда ишлаб, оила, бола-чақалик, обрўли бўлдим, десам ҳам бўлади.

О.Н: — Овоз операторлари орасида анча йиллардан бери ишлаб келаётган Нафисахон исмли қизимиз бор. «Олтин калит» унинг кўлида. Гап шундаки, у фонотекамиз хазинаси — олтин фондимиз бекаси.

Назира: — Мен ишга келганимда ҳали дикторларнинг овозини радиода эшитар эдим, ўзларини кўрмаганман. Шу ерга келиб, шу жараёнларни кўрдим, танишдим. Улар билан бирга кўп эшиттиришлар, спектакллар қилардик. Спектакллар қилсак, мусиқаларини басталаб олиб келардик. Жонли чиқишига ҳаракат қилардик. Эринмасдик. 100 та мусиқани ичидан 10 тасини танлаб олардик. Бир ҳафта давомида қийинчилик билан бўлса ҳам, худди кўз олдингизда бўлганидек намоён қилиб, эшиттиришлар қилинарди.

Ишга келганимда эски техника эди. Қаранг, даврлар ўтиб, ҳаммаёқ компьютер бўлиб, ишимиз енгиллашди. Аммо бу енгиллик биздан кўпроқ ўқишни, билимли бўлишни, компьютер билан «тиллашиш»ни талаб қилади. Бунинг, уддасидан чиқдик. Энди радиомиз олтин фондиди компьютерга ёзиб, сақлаб қолишга ҳаракат қилмоқдамиз.

О.Н: — Овоз созловчиларнинг энг хушчақчағи, очиқ юзли, журналисту режиссёрнинг ўнг қўлига айланган, дилкаш хизматчи Озода опага сўзни берамиз.

Озода: — Менинг ҳам келганимга 30 йил бўлди. Шу йиллар ичида қанчадан-қанча истеъдодли журналистлар, муҳар-



Хатира
ГУЛОМОВА



Назифа
СОЛИҚОВА

рирлар билан ишладим. Адабий эшиттиришларни маҳоратли режиссёрлар билан ҳамкорликда ёзиб олдим. Иш жараёнида жуда кўп нарса ўргандим.

Режиссёр Гулчеҳра Гиёсова доим мен билан бирга ишлади. Эркин Воҳидов, Омон Матжон, Жуманиёз Жабборов, Зулфия-хоним, Ҳалима Худойбердиева каби кўпгина ёзувчи-шоирлар билан бирга эшиттиришлар тайёрладик. Уларнинг олами билан танишдим.

О.Н: — Гулчеҳра опа, студиямизга хуш келибсиз. Қизларингизни гулга қиёслагим келди. Улар билан ишлашнинг ўзи бахт. Аёл режиссёрларимиздан чиққан гуллоласиз. Оператор қизларимиз ҳақида фикрингизни билмоқчийдик.

Гиёсова: — Айтишади-ку, исм ҳар инсоннинг феълени очади. Озоданинг қачон хонасига кирмай доим тоза. Ўзи жуда чаққон, доим табассум билан кутиб олади. Қисқа қилиб айтганда, Озодахон, Нафисахон билан ҳамкорликда мазза қилиб, ишлаймиз. Ҳозир бошқа операторлар билан ишляпман. Лекин, ўша онларни, ўша дамларни қўмсайман. Уларга соғлиқ тилайман.

О.Н: — Алишержон, ҳар бир оператор қизларимиз югур-югур қилиб, ёзган қанча ленталар кесилиб кетарди, қанча жойларни олиб ташлашга тўғри келарди, ишлар анча мураккаб эди.

Ўшанда ҳам қизлар нолимас, қайта-қайта ёзишдан чарчашмасди. Мана шу фидойи қизларимизга муносабатингиз, Орзугул опага ниятингиз...

Амиров: — Орзугул опа билан ҳамкорлигимиз 4—5 йилдан бери давом этиб келяпти. Радиосериалларни Орзугул опа би-

лан биргаликда ёзамиз. «Табассум» радиожурнали орқали ҳам ҳамкорлик қилаяпмиз. Мен оёғимдан шикает олдим-да, 6 ой уйда даволанишимга тўғри келди. Соғайиб ишга қайтганимда эса ҳаммаёққа янги техникалар ўрнатилган экан. Уларни ўзлаштиришимда Орзугул опам бажонидил ёрдам бердилар. Орзугул опам нафақат оператор, балки менинг яқин кўмакчим. Ролларни тақсимлашда, актёрларни танлашда ёрдамлашадилар. Мини дискда ишлаш жараёнини ҳозирча кўпчилик операторлар эгаллагани йўқ. Лекин, Орзугул опа кунт қилиб мукамал ўрганиб олдилар. Опа жуда қатъиятли. Айтган вақтда ишини бажаради. Радиоспектаклми, радиомонтажми, радиосериалми вақтида тайёрланиб, эфирга тақдим қилинади.

Ҳар бир ёзган асаримда Орзугул опанинг жуда катта ҳиссаси бор.

О.Н: — Орзугул, анча йиллардан бери сиз ҳам радиотармоғимизда ишлаяпсиз. Радио хазинасидаги барча асарларни янги техника воситалари ёрдамида ёзиб келяпсизлар. Шу овоз ёзиш аппаратлари, янги техникалар ва яратилган шароит ҳақида тингловчиларимизга гапириб берсангиз?

Орзугул: — 1997 йилдан то 2004 йилгача студиямизни Simens фирмасининг янги замонавий техника воисталари билан таъминлаб беришди. Бу техника воисталари ишимизни анча осон қилди. Сабаби, биз аввал овозни магнит тасмаларига ёзиб, монтаж қилиб, уни овозхонага олиб бориб топширдик. Ҳозирги кунда ҳамма ишимизни ўтирган жойимизда бажарамиз. Олдин эшиттириш жараёнлари 4 соатда тайёрланган бўлса, ҳозир 2 соатда тайёрлаб, узатишимиз мумкин.

2001 йилдан бери 14-муסיқа эшиттиришлари студиясида ишлаб келмоқдаман. Назира опамни ўзимга устоз деб биламан. Биласиз, муסיқа ёзиш жуда оғир. 5 дақиқалик кўшиқни эшитасиз, мазза қиласиз, лекин орқасидаги меҳнат, режиссёрларнинг меҳнатлари, уларни олтин фондга бир умрга муҳрлаб кўйиш осон эмас. Ишлар компьютерлашгач эса бу машаққатлардан қутилдик.

О.Н: — Ишлаш жараёнида овоз созлаш усули дедингиз, овоз созлашда ҳам техника воситаларининг кўрсаткичи бор. Шу ерда ҳаммаси аниқлашгандими?

Орзугул: — Бизда овоз созлаш, монтаж ҳозир айтганимдек, тармоққа уланиш имкониятлари кенг. Ҳаммаси ўзида жамланган, шу орқали ҳаммасини тез ва соз сифатли бажариш мумкин.

О.Н: — Овозларни бир-бирининг устига қўйиб ёзиш «нак-ладка» дейилади. Бу қандай амалга ошади?

Орзугул: — Бу жуда ҳам қулай. Тасмага ёзганимизда 4 та аппаратда ёзадиган бўлсак, ҳозир мини диск дастури бор, унда керак дастурларимизни териб, куй оламиз, қайси биридан кейин қайси бири кетадиган бўлса, ёнма-ён, устма-уст тушириб беришимиз осонроқ.

О.Н: — Ҳозир битта қўшиқни қанчада ёза оласизлар?

Орзугул: — Битта қўшиқ учун 1 смена кетади. Бу бизда 4 соат дегани. Ҳам мусиқа, ҳам қўшиқ ёзилади. Қўшиқни биз тайёр қилиб, ундан кейин магнит тасмаларига тушираемиз, компьютерларга тушираемиз. Ҳозир бизда рақамли ёзувлар амалга оширилаяпти, ҳар бир фонд учун ёзилган нарсани аввал тасмаларга, кейин олтин фондга тушираемиз. Рақамлаб қўямиз. Ҳар бир қўшиқнинг индекс рақами бўлади. Рақамларни муҳрлаб, аслиятини овозхоналарга топшираемиз. Қолганларини компьютерга тушириб, эфирга бераемиз.

О.Н: — Хатира опа, шогирдлар тайёрлаш масъулиятини қандай изоҳлайсиз?

Хатира: — Замоннинг зайли билан катта даргоҳга келиб қолдим. Бу ерда раҳматли Маҳмуд ака цех бошлиғимиз эдилар. У киши шарт-шароитларни тушунтирдилар. 6-студияда Нафиса опа деган аёлга мени шогирдликка беришди. У ерда «Сўнгги ахборот», «Машъал» эшиттиришларини ёзардик. Нафиса опа ширинсўз, бироқ талабчан устоз эди. Аниқликни, чаққонликни ёқтирарди. Ўзлари ҳам ишга жуда фидойи эдилар. Мен уларга ўхшашга астойдил интилдим.

Мана, чорак асрдан ошди, шу студияда овоз ёзиш оператори бўлиб ишлаб келяпман. Анча-мунча шогирдлар тайёрладим.

О.Н: — Назифахон, Озодахон, бугунги кунда фан техника ривожланиб жамиятимизнинг барча жабҳаларида компьютер технологияси кенг қўлланилмоқда. Мана, радионинг олтин фонди мавжуд. Бу ерда буюк санъаткорларимизнинг соҳир овозлари туширилган магнит тасмалари сақланади. Ушбу фондаги бойликларимизни компьютерлаштириш ишлари қандай олиб борилмоқда?

Н.С: — Бизнинг радиомизнинг олтин фондига 1950 йилдан кейин буюк санъаткорларимиз томонидан ижро қилинган ва бугунги кунда хонанда-ю созандаларимиз томонидан айтилаётган қўшиқлар тасмаларга туширилган ва ёзиб олинмоқда.

Компьютерлаштириш асри бизнинг соҳамизга ҳам ўзининг беқиёс имкониятларини олиб кирди. Олтин тасмаларга туширилган қўшиқларимиз техникалар ривожига сабаб компьютерга ўтказилмоқда. Ушбу хайрли ишга бизнинг ҳам ҳиссамиз қўшилаётганидан бениҳоя хурсандмиз.

О.Ш: — Менинг вазифам асосан қўшиқларни тасмага туширишда техник назорат ишларини олиб боришдан иборат. Овоз ёзиб олишда компьютер техникасининг ўрни ҳақиқатан, беқиёс. Аммо бунинг ҳам ўзига яраша масъулиятли томонлари кўп. Шундай бўлса ҳам биз касбимиздан фахрланамиз. Негаки, халқимизнинг миллий бойлиги ҳисобланган дилтортар тароналарнинг ҳали яна узоқ асрлар давомида янграб туришига хизмат қиляпмиз.



***ИСТЕЪДОД —
ИЛОХИЙ ИНЪОМ***





... СЕН ЗАМОНГА БОҚ

Эркинжон Раҳимов 2006 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист бўлди. У 1956 йил 11 январда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Oilасида санъаткорлар бўлмаса-да, ундаги қобилият келажакда мумтоз кўшиқчилик йўлини танлашига туртки бўлди. Ўрта мактабнинг 8-синфини тугатиб, 1972 йилда Тошкент маданият коллежига ўқишга кирди. Ушбу билим масканида устозлари Қобилжон Орипов, Раҳматжон Турсуновлар унга соз чалиб, кўшиқ куйлашни ўргатди.

Хонанда 1975 йилда билим юртини муваффақиятли томонлаб, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент маданият институтида таҳсилни давом эттирди.

Эркинжон Раҳимов республика миқёсидаги бир қанча танловлар ғолиби, халқаро фестиваллар иштирокчиси. 3 қиз, 1 ўғилнинг меҳрибон отаси ва ширинтой набиранинг бобоси.

Озода Назарова: — Эркинжон, айтинг-чи, кўшиқ куйлаш сизга меросми?

Эркинжон Раҳимов: — Мерос десам хато бўлади. Бир нарсани айтмай. Уйда расмлар альбомини очсам, оймларнинг чиройли кийиниб тушган суратлари бор. Ёнларида соқолли бир киши. Бу ким? — деб ҳайратланиб сўраганман оймдан. Аданг, деганлар жилмайиб. Муқимий номидаги театрда бир-икки роль ўйнаган эканлар. Истеъдодли киши бўлган, менимча. Актер бўлишларига ўғай оталари йўл қўймаган экан.

О.Н: — Санъатдаги энг бахтли дамларингиз...

Э.Р: — Танлов жараёнлари. Мен учун жуда қизиқ туюлади. Айниқса, ғолиб бўлсангиз. 1973 йил вокал ижрочилари кўригида қатнашиб 1-ўринни олганман. Ҳозирги Миллий боғда кечган танловда ҳамма ўзининг санъатини намойиш қиларди. Шунда кўшиғим кўпчиликка манзур бўлган чоғи, 1-ўринни олганман. Совға учун битта ўйинчоқ кучукча ва акордион беришган. Акордионни бир қизга совға қилганман.

О.Н: — Муסיқанинг тури, жанри, куйлаш услублари кўп. Сизга қайси жанрда куйлаш кўпроқ ёқади?

Э.Р: — Ёшлигимдан мумтоз жанрга қизиққанман. Ҳаммага манзур келадиган бир қўшиқ айтиш орзум бор эди. Эстрада қўшиқларини ҳам айтганман. «Унутма мени», «От ўйнатиб» деган қўшиқларим бор. Лекин устозларим, сен танбурда ашула айт деб маслаҳат берганлар. Шу маслаҳатларга амал қилиб, мумтоз йўналишда қўшиқ куйлайман.

О.Н: — Сиз қўшиқларингизда кўпроқ инсоний фазилатларни куйлайсиз. Садоқат, меҳр-шафқат, инсоф каби хислатларни тараннум этасиз... Ҳақиқий қўшиқни яратиш учун нималарга эътибор қаратиш керак?

Э.Р: — Ҳақиқий қўшиқни яратиш учун, аввало, шоирдан шеърни олиб, яхши тушуниб, шеърга муносиб оҳанг топиш зарур. Яхши шеър бўлса, уни сиз англаб етсангиз, албатта, оҳанги ўзи билан келади.

О.Н: — Эркинжон, қўшиқларингиздан, ижроингиздан кўнглингиз тўладими?

Э.Р: — Ҳозир бир оз олдинги қўшиқларимни тингласам, қайта ишлагим келади. Бойси, ҳеч бир ижодкорнинг ижодидан кўнгли тўлмаган. Масалан, «Етказса саодатга» каби қўшиқларимни қайтадан айтсам дейман.

О.Н: — Ютуқ бор жойда камчилик бор, ҳавас бор жойда ҳасад бор. Сиз бунга қандай қарайсиз?

Э.Р: — Инсон борки, нуқсонсиз, камчиликсиз бўлмайди. Менинг қўшиқларимни ёки бошқа бир санъаткорнинг қўшиқларини биров маромига етказиб куйласа, ҳавас қиламан. Ҳасад қилганнинг ниҳоли кўкармайди.

О.Н: — Ҳар бир инсоннинг ҳаётида кутилмаган воқеалари бисёр. Ҳаётингизда шундай вазиятга тушганмисиз?

Э.Р: — 1978 йили «Қизлар давраси» кўрсатувини Ўғилой опа Юсуфжонова, Тамара Қосимовалар олиб борарди. Кўрсатувнинг бир сониди мен «Қилпиллама»ни айтишим керак эди. Сценарий бўйича мен ўнг тарафдан чиқишим керак эди. Вазият бошқача тус олган-да мен чап тарафдан чиққанман. Улар мени бошқа томонда кутиб туришган экан.

Яна бир марта... Тўғридан-тўғри эфир жараёнида: «Онажон Каъбам» қўшиғини куйлаганман. Қўшиқ тугади. Лекин созандалар муסיқани бошқатдан чалиб юборган. Шунда мен болаларга қўшиқ тугади, деб юборганман. Операторлар юрагини ҳовучлаб қолган.

О.Н: — Эркинжон, бугунги кун тингловчиларига қанақа қўшиқлар ёқади, деб ўйлайсиз?

Э.Р: — Сир эмас, бугун эстрада қўшиқларининг тингловчилари кўп. Шу боисдан кўпгина мумтоз қўшиқчиларимиз «замон сенга боқмаса, сен замонга боқ» деганларидай эстрада жанрида қўшиқ куйлаяпти. Уларга муносабатим ёмон эмас. Фақат бошқа халқларнинг қўшиқларидан ўғирлашмаса, шеър матнларига эътибор беришса, кўнгилдагидек бўларди.

КЎНГИЛ СИНМАСА БЎЛДИ



Самида Холматова 1963 йил 20 августда Ўш вилоятининг Навқат туманида туғилган. 1982 йилда Тошкент давлат санъат институтининг мусиқали драма факультетига ўқишга кирди. 1987 йилда институтни муваффақиятли тугатиб, ўзи ишлаётган Ўш вилоятидаги Бобур номли ўзбек давлат академик драма театрига ишга боради. Мазкур даргоҳда қатор образлар яратади. Шулардан Абдулла Ориповнинг «Жаннатга йўл» асарида Хур қиз, «Равшан ва Зулхумор»да Ойқиз, Ўлмас Умарбековнинг «Ер ёнганда» асарида Ойдин, Ўткир Ҳошимовнинг «Тўйлар муборак» асарида Мадина, «Нодира» спектаклида Увайсийнинг ёшлигини ижро этади. Театрда роллар ижро этиш билан бирга кўпгина халқона ва бастакорлар яратган кўшиқларни ижро этиб, республика радиосининг олтин фондига ўзининг 30 дан ортиқ кўшиқларини ёздириш бахтига муяссар бўлади.

Самидахон Холматова оилада меҳрибон она. Турмуш ўртоғи Олимжон ака Хўжаев билан 2 фарзандни тарбиялаб, ширин ҳаёт кечириб келмоқда.

Озода Назарова: — Оилангизда санъаткорлар бўлганми?

Самидахон Холматова: — Оиламизда санъаткорлар бўлган эмас.

О.Н: — Устозларим деб кимни айта оласиз Самидохон?

С.Х: — Устозларим деб, аввало, саҳнага қадам қўйганимда кўшиқларимни ижро этишда менга кўп ёрдам кўрсатиб, кўшиқлар ўргатган устозим, машҳур найчи Юсуфжон Махмудовни айтаман. Шу билан бир қаторда Қирғизистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Зокиржон Шокиров, Қирғизистон халқ артистлари, роль бўйича мени саҳнага олиб чиққан Неъматжон Неъматов, Толибжон Бадиновлардан кўп сабоқлар олдим. Олийгоҳда ўқиб юрганимда Ўзбекистон халқ ҳофизи Эсон Лутфуллаевдан кўп нарсаларни ўрганганман. Қолаверса, ўша пайтларда этнография ансамбли бор эди. Эсон ака бу ансамблнинг бадиий раҳбари эдилар. У ерда Коммуна Исмоилова, Ҳадя Юсупова, Берта Давидова, Орифхон Ҳотамовларнинг назарига

тушдим. Радио мени ҳамиша ўша ерга тортиб турди. Радиода устозим Абдуҳошим Исмоиловдан кўплаб қўшиқлар ўргандим. Таниқли санъаткор Фаттоҳхон Мамадалиевдан ижро сирларини ўрганган бўлсам, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Турсунбой Жўраев ажойиб «Аллалар»ни ўргатган эдилар. Булар менинг ҳақиқий жонкуяр устозларимдир.

О.Н: — Янги асар, янги иш устида ўйлаган режаларингиз қандай?

С.Х: — Театрда жуда кўп роллар ижро этдим. Оддий мисол, «Равшан ва Зулхумор» да менга Оққизни топширишди. Бу роль характерли роль. Аслида менинг феълим оғирроқ, тез ўзгарувчан эмасман. Лекин менинг шундай услубим борки, роль устида ишлаётган пайтимда салбий ишнинг яхши томонини қидиришга ҳаракат қиламан. Нимагаки, «Равшан ва Зулхумор» да Равшанни Зулхумор ҳам, Оққиз ҳам бирдек севиб қолишади. Бу кўнгил иши. Оққизни ҳам айблаш мумкин эмасди. Нима қилсин, у ҳам бир кўришда севиб қолди. Зулхумордан икки ёшгина кичик бўлган. Унинг ҳам севишга ҳаққи бор деб ўйлайман. Уни мен ҳеч қачон қоралаб, ёмонламайман. Чунки, ҳар бир инсон севгиси учун курашади. Унинг салбий образлиги опасини севганлигини била туриб курашганлиги-да.

О.Н: — Гастрол сафарларида бўлганингизда қандай қизиқарли воқеалар бўлган.

С.Х: — Охиргисини айтай. Мен ҳар йили театримизда концерт бериб тураман. Қаранг, саҳнада ҳар 4—5 қўшиқдан кейин кийим алмаштириб тураман. Пошнаси жуда баланд туфли кийганман. «Ўғлимга ўхшайди овозинг сани» ашуласини сўрашди. Уни ижро этдим. Оналаримиз кучоқлаб, ўпиб, таъзим қилиб, саволлар беришяпти. Ҳар бир қўшиғимдан кейин савол-жавоблар бўлаяпти. Ўйлаб қарасам, ўзимни роса қийнаган эканман. Ахир бирор қўшиқчини ёки бирор сўз устасини таклиф қилиб орада дам олмайманми?! Чарчаб ҳароратим кўтарилиб кетибди. Ўша пошнам навбатдаги қўшиқни ижро этганимдан сўнг синиб кетибди. Бу саҳнанинг кучими ёки Яратганининг иноятими, билмадим. Бутун вужудим билан қўшиқ куйлайверибман. Шунда пастдан бир шинаванда чиқиб, стулда ўтирган турмуш ўртоғимга секингина шивирлаб, «Келинойимни пошналари синиб кетибди, айтинг, эҳтиёт бўлиб юрсинлар», деб айтибди. Улар шунча имласалар ҳам тушунмай қўйлагимни у ёқ-бу ёғига қараб қўяверибман. Саҳнага ҳар бир чиқишим ярим соатдан. Иккинчи чиқишимда қўйлагимни алмаштираётганимда пошнамни синганини билиб қолибман. «Вой ўлай, шу туфлида қўшиқ айтдимми-а?!» На чора, яна кийиниб саҳнага чиқиб кетавердим. Бундай мўъжизакор воқеалар кўп бўлиб туради.



«НОЛА»НИНГ АЖИБ НАВОЛАРИ



Абдуллажон Шомағрупов 1965 йил 3 апрелда Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги Маъдалихон маҳалласида туғилди. Отаси Абдунаби ака Шайхонтоҳур тумани умумий оққатланиш корхонаси раҳбари бўлиб ишлаган, онаси Замира ая эса 5 фарзанд тарбияси билан шуғулланган, меҳрибон уй бекаси. Абдулланинг тоғаси Абдужаббор Муслимов ажойиб санъаткор бўлиб, қўшиқларни маромига етказиб ижро этиб юрган. Шу сабаб бўлса керак, оилада кенжа фарзанд Абдулланинг санъатга бўлган меҳри эрта уйғонди. 6 ёшидан бошлаб рубоб чалишга қизиқди. 45-ўрта мактабдаги мусиқа тўғарагига қатнашиб, устози Маҳмуд Аҳмедовдан санъат сирларини, дутор, рубоб ва ғижжак чалишни ўрганди. Қарийб, 23 йилдирки, халқ хизматида. Хонанданинг хизматларини инобатга олиб давлатимиз 2003 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонини берди. Оилада ажойиб ота. Қизи Дурдона, ўғли Баҳромжонларни тарбиялаб, турмуш ўртоғи Шоҳидахон билан ширин ҳаёт кечириб келишмоқда.

Озода Назарова: — Абдуллажон, сиз санъатга қачон кириб келгансиз?

Абдуллажон Шомағрупов: — Менинг санъатга меҳрим жуда эрта уйғонган. 6 ёшимдан қўлимга рубоб олиб машқ қила бошлаганман.

О.Н: — Оилангизда санъаткорлар бўлганми?

А.Ш: — Оиламизда санъаткорлар бўлмаса-да, уларнинг ҳар бири санъатни тушунган, унга юқори баҳо берадиган одамлар бўлишган. Устозим, — тоғам Абдужаббор Муслимов бўладилар, ўзлари профессионал бўлмасаларда, ширали ва дардли овозлари бор.

О.Н: — Кўп давраларда бўласиз, яхши кунларда хизматдасиз. Айтинг-чи, ана шундай давраларда санъаткор ўзини қандай тутиши керак?

А.Ш: — Санъаткорлар халқнинг кўз олдида турган инсонлар бўлишади. Шундай экан, кийиниши ва ўзининг одоб-ахлоқи билан бошқаларга ўрнак бўлиши керак. Биз ҳам устозларимизнинг шу ўғитларига амал қилишга ҳаракат қиламиз.

О.Н: — Сиз ўзингиз «Нола» ансамблини тузгансиз. Халқимиз ушбу гуруҳ ижросидаги қўшиқларни севиб тинглашади. У ерда кимлар билан ишлайсиз?

А.Ш: — 1995 йилда ушбу гуруҳни туздик. Мен куйлайман, Икром Мироқилов органда, Бахтиёр Қобилов эса бас гитарада ижро этади. Гуруҳимизнинг асосини ана шу уч киши ташкил қилади. Ижодимиз асосан миллий эстрада жанрида, ўзбекона усулда.

О.Н: — Оқ ва қора ранг бўлганидек, ҳаётнинг сийлови ҳам, ташвиш ва зарбалари ҳам бор. Оғир дамларда, тушкунликка тушган паллаларда кимларга суянасиз ва нимадан ўзингизга қайта куч оласиз?

А.Ш: — Ҳаёт бир текис кечмас экан. Мен бундай пайтларда авваламбор Яратганга, сўнгра санъатга суянаман. Қўлимга созни олиб кўйлаганимда бутун чарчоқларим, ҳаёт ташвишлари чиқиб кетади. Оиламга суянаман, фарзандларимни бағримга босганимда, уларнинг меҳрини ҳис қилиб, бутун ташвишларимни унутаман. Ота-онам санъатга шинаванда инсонлар бўлишган, айниқса, онажонимда сўз маданияти кучли эди. Онамни билган инсонлар уларнинг мана шу жиҳатларини қадрлашарди. Отам ҳам санъатни севарди. Опа-акаларим ҳам санъатга меҳри баланд инсонлар. Фарзандларимдан Дурдонахон муסיқа мактабида дутордан сабоқ олмоқда, ажаб эмас, санъат йўлидан кетса. Ўғлим ўрта мактабда 2-синфда ўқийди. Ўзида хоҳиш пайдо бўлса ҳеч қаршилигим йўқ. Турмуш ўртоғим тикувчи-моделерлик касбини танлаган, ажойиб уй бекаси, меҳрибон она, муҳими бир-биримизни яхши тушунамиз.

О.Н: — Сиз учун нима кўпроқ қадрли ва нимадан нафратланасиз?

А.Ш: — Инсонлар ўртасидаги самимиятни қадрлайман, юзаки мулозаматга тоқат қила олмайман. Самимий инсонларни қадрлайман. Бевафо ва иккиюзламачи инсонлардан нафратланаман.



ИСТЕЪДОД ИЛОҲИЙДИР



Собиржон Мўминов 1969 йил 29 ноябрда Ўш шаҳрида санъаткорлар оиласида таваллуд топди. Оилада 9 фарзанд — 5 ўғил, 4 қиз бўлиб, ўғилларнинг барчаси санъат йўлини танлаган. Чунки отаси Одил ака ҳам доира чалиб, кўшиқ куйлаган. Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Фаттоҳхон Мамадалиевлар билан ҳамкорликда бир даврада ижод қилган. Шунинг учун бўлса керак, ёш Собиржонда санъатга қизиқиш эрта уйғонди. Дастлаб умумий мактабда, кейинчалик мусиқа мактабида 7 йил таълим олди. Скрипка чалиш сирларини устози Борис Алексеевичдан ўрганди. Ўш шаҳридаги билим юртида ўқиш жараёнида Ўш театрида яккахон хонанда бўлиб ишлай бошлади. Устозлари кўмагида ашула айтиш ва турли созларни чалишни ўрганди. Собиржоннинг кейинги орзуси санъатдаги ўқишни давом эттириш эди. Тошкент Давлат маданият институтига ўқишга кириб, мақом ва танбур сози бўйича таҳсил олди. 1992 йилдан Муҳиддин Қори Ёқубов номидаги бадиий жамоалар дирекцияси қошидаги «Ўзбекистон» ансамблида яккахон хонанда бўлиб иш фаолиятини давом эттирди. Ўзбекистон бўйлаб, шунингдек, бир қанча хориж мамлакатларида — Туркия, АҚШ, Хитой, Россия каби давлатларда сафарда бўлиб, янги-янги кўшиқлари билан мухлислар орттирди. Собиржон Мўминов 1993 йилда «Анор» эстрада кўшиқлар танловининг мутлоқ ғолиби, 1995 йилда «Садо» танлови ғолиби, 1998 йилда «Оила» йилининг машҳур кўшиқчиси бўлди. 2000 йилда эса Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонига сазовор бўлди. Санъаткорнинг оиласига ҳавас қилса арзигулик, турмуш ўртоғи Назирахон билан 4 фарзандни тарбиялаб, ширин ҳаёт кечириб, халқимизга янги-янги кўшиқлар яратиш орзусида яшаб келмоқда.

Озода Назарова: — Собиржон, сизнинг оилангиз асосан санъаткорлар оиласи ҳисобланади. Айтинг-чи, отангиз санъаткор бўлганлиги учун ҳам санъаткор бўлишни орзу қилдингизми?

Собиржон Мўминов: — Санъаткорлар оиласида туғилганлигим учун балки санъаткор бўлгандирман. Буни аниқ айта олмаيمان. Айтадики, ҳар бир касбнинг ўзининг илоҳий туйғуси, илоҳий томонлари бўлади. Мен санъат руҳиятида вояга етган бўлсам керак. Ҳеч ким бизга соз ушлатиб чалишни ўргатмаган. Бир-биримизга эргашиб, соз чалиб, соз ўрганиб, доира, скрипка чаладиган акам бор. Мана шунақа қилиб, ҳали мактабга борма-симданоқ тақир-туқур қилиб юрардик. Санъатга бўлган муҳаббат, илиқлик ҳануз қонимизда, руҳиятимизда айланиб, завқ бериб, қўшиқ айтишдек илоҳий туйғу билан яшаб келяпмиз. Ниятларимга эриша олдим, десам ҳам бўлади. Бироқ қайсидир маънода эришолганимиз йўқ. Худо хоҳласа, энди буюғига орзуларга етишиш учун яна меҳнат, яна ҳаракат қилиб, эришиб қолармиз.

О.Н: — Сизнингча, истеъдодни шакллантирувчи омиллар нималардан иборат?

С.М: — Истеъдодни шакллантирувчи омиллардан кўпини айтиб ўтиш мумкин. Масалан, мен ҳали айтиб ўтган бир-бирига интилиш, бир-бирига туртки. Яна бошқа омиллардан бири эшитиб турган қўшиқларингиз, оилада бўлаётган муносабатлар. Масалан, мен санъаткорлар оиласида туғилганман, дедим. Шунинг учун ўз-ўзидан репетиция, машғулотлар жараёнида янги қўшиқлар тайёрлаш жараёнида оилада машҳур санъаткорлар меҳмонда бўлган. Кўз олдимида янги куй, янги қўшиқ туғиларди.

О.Н: — Сиз бугунги ёшларга қандай қарайсиз? Бугунги ижро, санъатдаги муаммолар қандай?

С.М: — Мен бугунги ёшларга ҳеч бир эътироз, қаршилигим йўқ. Фақат мени ўйлантирадиган, қизиқтирадиган нарса бизнинг миллий санъатимизга қилинаётган хиёнат. Хиёнат сўзини бекорга ишлатаётганим йўқ. Масалан, қаердан келиб чиққанмиз, қанақа санъатга эгамиз?! Қанақанги ўзимизнинг адабиётимиз, санъатимиз, мақомларимизга эгамиз?! Мақом бу миллатнинг қаердан, қандай ҳолатда, қанақанги дунёга келиб тарқалганлигини англаувчи омил. Шунинг учун бизнинг миллий санъатимизга, эстрада жанрида бўладими, бошқа жанрда ижод қилишларидан қатъий назар, ўзбек миллий санъатимизга хиёнат қилишмаса, санъатимизни сотишмаса бўлгани. Биз ҳинд, турк, жаз, бошқа йўналишларни ижро қиламиз. Улар бизнинг қўшиқларимизни ижро қилишмайди. Биз санъатимизни шунақа даражага кўтаришимиз керакки, уларда ҳам бизнинг санъатимизга қизиқиш уйғонсин. Лекин мақомларимизни, лирик, классик қўшиқларимизни берилиб эшитадиган чет элликларни кўрдик. Ёшларга маслаҳатим, ўзим тенгиларга, шу


жумладан ўзимга ҳам ўзбек миллий санъатига ёмон гап тегмайдиган даражада ижод қилиб, эстрада бўладими, классика бўладими, мақом бўладими, ана шу ўзбек миллий санъатимизни ривожлантирсак, бу бизнинг ютуғимиз.

О.Н: — Собиржон, санъаткор ҳам кўп. Санъат оламидаги рақобат ҳам кундан-кунга кучайиб бормоқда. Шундай пайтда хонанда рейтингини тутиб туриши қийин, албатта. Шу ҳақда сизнинг фикрингиз?

С.М: — Агар хонанда рейтинг масаласини ўйлайдиган бўлса, кўп нарсаларга эътибор бериши керак. Санъаткор умрининг охиригача, масалан, ўша созигами, ўша овозигами, шеъриятигами, қайси бир соҳасига бўлишидан қатъий назар, ўзини бағишламаса рейтингни ушлаб туриш қийин масала бўлиб қолади. Бу ҳақида қўшиқ айтишдан аввал ўйлаш керак. Яхши қўшиқ бўлса, у қўшиқнинг рейтингини ҳеч қачон йўқолмайди. Ўша қўшиқни 20 йилдан кейин ижро қилсангиз ҳам, оҳанг вужуддаги титроқни бера олади. Лекин, агар қўшиқ даврий бўлса, 5 йилдан кейин даври ўтади, ҳали ҳам шу қўшиқни айтяптими, деган даражага келади. Яхши қўшиқ, яхши оҳанг илоҳий туйғу бўлиб қолмаса, бу қўшиқ ўткинчи бўлади.

О.Н: — Санъаткорнинг ютуғи нимада деб ўйлайсиз?

С.М: — Санъаткорнинг ютуғи ҳар бир қадамида бор. Инсонга бўлган муомалада ҳам. Санъатнинг келажагини ўйлаб иш тутишида ҳам. Айниқса, санъаткор камтарликни ўзига вазифа қилиб олиши керак. Чунки ҳар хил инсон билан, ҳар хил дунёқарашга, илмга эга бўлган кишилар билан мулоқотда бўлувчи зот. Мен одамлар билан камтарин муомалада бўлишни ёқтираман. Яна бадиий китобларни, шеърятни ўқиб ўрганса, нафақат ўзимизнинг, бошқа миллатларнинг адабиётларини, китобларини қанча ўрганиб билса, шунча яхши. Санъаткорнинг ютуғи яна 20 йилдан кейинги ҳолатини тасаввур қилишида деб билман.



ОНАМНИНГ ДУОСИГА ИШОНАМАН

Ҳеч эътибор берганмисиз, инсон хурсанд бўлганда ҳам, ғам-андухга тўлганда ҳам қўшиқ тинглайди.

Демак, куй-қўшиқлар барчамизнинг тан-танамизга сингиб кетган.

Балки, бу оналаримиз айтган алланинг мўъжизасидир. Қўшиқ куйлаган санъаткор меҳр ва истеъдодга суянади. Иккиси учун юрак ва ақлнинг ҳамкорлиги зарур. Шу билан бирга ҳиссиёт ҳам бўлиши керак.

Санъат сохталикни эмас, самимиятни талаб қилади. Бугунги суҳбатдошимиз ҳам аллақачон ўз овози, ўз йўли ва ёқимли оҳанглари, сара қўшиқлари билан мухлисларининг сеvimли хонандасига айланган Аҳрор Усмоновдир.

Аҳроржон Усмонов 1985 йилда Тошкент давлат консерваториясининг халқ чолғу асбоблари бўлимига кириб ўқиди. У кўпгина устозлардан таълим олди. Турфа чолғу созларини мукамал чалишни ўрганди. Болалигидан қўшиқни севган Аҳроржон қўшиқ куйлашни ҳам яхши кўрар эди. У устоз санъаткорлар Ўзбекистон халқ артистлари Шерали Жўраев, Фуломжон Ёқубов, ака-ука Ваҳобовларни устози деб билади. Улардек санъаткор бўлишни орзу қилади.

Ҳозирда Аҳрор Усмонов 50 дан ортиқ янги қўшиқларни ижро этиб, радионинг олтин фондига тақдим этди.

Хонанданинг «Икки кўз», «Жудо этмасин», «Оққушгинам», «Муҳаббатим — қалб ардоғим», «Ўтса қатор турналар» каби сара қўшиқлари халқимиз қалбидан муносиб жой олган.

Озода Назарова: — Аҳроржон, сиз санъат соҳасидаги илк билимларни Фаргона санъат билим юртида олгансиз, тўғрими?

Аҳроржон Усмонов: — Ҳа, албатта. У ерда мусиқа тарихини, қатор чолғу асбобларини чалишни ўргандим. Билим юртини 1985 йилда битириб, Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясига ўқишга кирдим. У ерда энг кўп

ўқиган студент мен бўлсам керак, бир факултетда 15 йил ўқиганман.

1985 йили кириб 1999 йили битирганман. Сабаблар ҳар хил. Армия хизмати бор, қолаверса, ёш бўлганмиз, тўйма-тўй юриб домлаларимиз гапини қулоққа олмаганмиз. Лекин, бундай олиб қараганда, барибир ўқиш керак экан. 1997 йили ўқишни тикладим. Икки йил астойдил ўқиб, 1999 йили битириб, диплом олдим.

О.Н: — Ҳозир иш фаолиятингиз қаерда?

А.У: — Иш фаолиятимиз аниқ бир жойда эмас. Лекин давлатимизнинг яхши кунларида, яхши байрамларида хизматга шайман... Бу йил ижодий жараён бўйича ўзим яратган қўшиқларни қайтадан халқимизга тўхфа этиш устида ишляпман. Уларни бошқатдан янгилаб, оранжировка қилиб, замонавийлаштириб, 20—30 та янги қўшиқ қилиб қўйганман. Шу қўшиқларимизни халқимизнинг эътиборига ҳавола этмоқдаман. Айнан улар устида иш олиб бормоқдаман.

О.Н: — Аҳроржон, устозларингиз ҳақида ҳам икки оғиз...


А.У: — Аввало отам, онам. Қолаверса, мактабда ўқитган ўқитувчиларим, мусиқа мактабидаги устозларим. Биринчи бор қўлимга рубоб тутган устозим раҳматли Қурбонали Аҳматжонов бўладилар.

О.Н: — Ҳаётда кўпроқ нимага ишонасиз?

А.У: — Мен онажонимнинг дуосига ишонаман. Кўчага чиқиб кетишдан олдин ота-она дуосини олишни зарур деб биланман. Улар бебаҳо бойлик эгаларидир. Чунки, ота-онанинг дуо-си ҳар қандай бало-қазодан асрайди.

О.Н: — Сизнингча, санъаткорнинг обрўси нима билан ўлчанади?

А.У: — Санъаткорнинг обрўси одоби билан ўлчанади. Қўшиғи зўр бўлса-ю, кўчада юриш-туриши, одоб-ахлоқи ножоиз бўлса, тезда эл назаридан қолади. Бундай бўлишдан Аллоҳнинг ўзи асрасин.



ЖОНЛИ ИЖРО САНЪАТКОРНИ ЖОНЛАНТИРАДИ

Бугун хонандалар кўп. Барчаси ҳам ижодининг юксалиши йўлида саъй-ҳаракат олиб бормоқда. Қўшиқлар яратилапти, ижро этиляпти. Аммо кўшиқларнинг маъқулини сараловчи ҳайбат — бу мухлислардир. Зеро, хонанда ўзига хос йўли, ижро услуби ва маҳоратига эга бўлса, шуҳратнинг ўзи унинг ортидан қувиб боради. Ана шундай элнинг эътиборини қозониб келаётган санъаткор Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Илҳом Фармоновдир.

Илҳомжон Фармонов 1974 йил 26 апрелда Тошкентнинг Бешёғоч даҳасида санъаткорлар оиласида таваллуд топган. Отаси Шомурод ака созанда ва хонанда, онаси Мунаввар ая — уй бекаси. Илҳомжон оилада 5 фарзанднинг иккинчиси, 3 ўғилнинг ўртанчасидир. Санъаткор оиласидаги санъат соҳасидаги суҳбатлар, давралар Илҳомжонни санъат сари етаклаган бўлса, ажаб эмас. Ўрта мактабда ўқиб юрган кезларида «Булбулча» ашула ва рақс дастасининг аъзоси бўлган. Ўрта мактабни тугаллагандан сўнг Тошкент давлат маданият институтининг халқ чолғу асбоблари бўлимида таҳсил олган.

Хонанданинг «Севги», «Онажонинг рози қил», «Лайло», «Синчалак», «Гулим-гулим» каби элга манзур 30дан ортиқ кўшиқлари радионинг олтин хазинасидан жой олган.

Озода Назарова: — Илҳомжон, санъат соҳасига кириб келганингизга анча йиллар бўлди. Сиз санъат оламида нима топдингизу, нима йўқотдингиз?

Илҳомжон Фармонов: — Биласизми, Озода опа, мен санъат соҳасига кирганимдан, шу соҳада фаолият олиб бораётганимдан жуда мамнунман. Кимнингдир қалбига кўшиқ билан эзгу туйғуларни олиб кираётган бўлсам, ўзимни чексиз бахтли деб ҳисоблайман. Мухлисларим кўп. Мамлакатимизнинг қай гўшасига бормайин, мени илиқ қарши олади. Хабарингиз бор, оиламиз — санъаткорлар оиласи. Адам, акам, укам — ҳаммамиз маслаҳатлашиб ижод қиламиз. Фаолиятимизга эса баҳони халқ беради. Демак, мен санъатда ўзимни топибман. Болали-

гимда мендан, катта бўлсанг ким бўласан, деб сўрашарди. Мен ҳеч иккиланмай, адамдек санъаткор бўламан, дердим. Яратганга шукр, орзуларимга эришиб келяпман.

О.Н: — Болалигингизда «Булбулча» дастасининг аъзоси бўлгансиз. Сизни бу ансамблга ким етаклаб келган?

И.Ф: — Болалигимизда ойнаи жаҳонда «Санъат гунчалари» деган кўрсатув бўларди. Устоз санъаткор Шермат Ёрматов олиб борардилар. Уларнинг чиқишлари бола қалбимга жўшқинлик олиб кирарди. Телевидениеда ишлайдиган Шермуҳаммад амакимга доим, мени шу кўрсатувга олиб боринг, деб ёлворардим. Ана шу киши сабаб «Булбулча» ашула ва рақс дастасида фаолиятимни бошлаганман. У ердан мусиқа соҳасида жуда кўп билим олдим. Шу боис бугунги кунда ўғлим ҳам ансамблга аъзо.

О.Н: — Санъаткор учун энг муҳим нарса нима?

И.Ф: — Санъаткор учун энг муҳим нарса — худо берган истеъдод. Шунинг билан бирга саҳнада ўзини тута билиш. Санъаткор — халқнинг кўзгуси. Уни тинглаётган, томоша қилаётган одамлар ундан ибрат олишга интилади.

О.Н: — Қайси устоз санъаткорлар ижодини қадрлайсиз?

И.Ф: — Мумтоз йўналишда кўшиқ куйлаган, куйлаётган устозларимизнинг барчасида иқтидори ўзига хос. Насиба Сатторова, Дилнура Қодиржонова каби санъаткорларимиз ҳам санъатимизни юксалтиряпти. Яна, Юнус Ражабий номидаги «Мақом» ансамблининг чиқишларини кўриб дилим яйрайди, илҳомланиб кетаман.

О.Н: — Санъат соҳасида ёшлар кўпчиликни ташкил қилиб боряпти. Бу билан катта авлод вакилларига талаб камайиб кетмаяптимикиан?!

И.Ф: — Миллий мусиқа, мумтоз мусиқа ҳеч қачон ўз баҳосини йўқотмайди. Неча-неча йиллар силсиласида янграётган мақом ашулалари ҳали ўз мавқиедан тушган эмас. Мана, эстрадада ҳам Ботир Зокировнинг кўшиқларини мухлислар мириқиб тинглашади. Фақат айтилаётган, яратилаётган кўшиқ ҳақиқий истеъдоднинг меваси бўлиши керак.

О.Н: — Илҳомжон, бугун кўпчилик фонограммадан фойдаланяпти. Тўйларда ҳам, саҳналарда ҳам...

И.Ф: — Жонли ижро, деган сўзнинг ўзи одамни жонлантиради. Тўғри, жонли ижро санъаткордан юксак иқтидорни, машаққатни талаб қилади. Жонли ижрода кўшиқ айтган хонанданинг ўзи ҳам мазза қилади. Лекин катта-катта стадионларда, концерт ёзиб олинадиган катта саҳналарда жонли ижро бироз ноқулайликлар туғдиради.

О.Н: — Илҳомжон, овозингиз янада сайқалланиб бораверсин. Мазмунли суҳбат учун раҳмат.

УСТОЗЛАР ЙЎЛИ — ФАХРЛИ

Ижодий йўлнинг кўркем манзаралари	4
Санъат — ҳаёт мактаби	7
Шунчаки мусиқа яратиб бўлмайти	11
Серқуёш заминга фидодир жоним	13
Ойдин орзулар оғушида	17
Аскарликдан ҳофизликкача	20
Ўлмас кўшиқлар ижрочиси	22
Санъаткор — эл орасидаги одам	25
Энг олий мукофот	27
Саҳнага чиққач	29
Уйгур қизининг уйгун навоси	31
Устозларнинг ўгити билан	34
Ота дуоси билан	37
Санъатда сабр-тоқат керак	41
«Ўйлатиб кўйдинг мани ...»	44
Доира садоси билан	47
Камтарга камол	49
Заҳмат ортидаги муваффақиятлар	51
Булбулни лол қилган хонанда	54
Лапар актёрликни талаб қилади	57
Адабиётни севмаса	60
Эзгу ният ҳам саодатдир	63
Эстрада бор бўлсин	66
Илдизи теран бўлса	68
Кўшиқ қалб эҳтиёжи	71
Онам айтган кўшиқлар	74
Кўшиқ халққа манзур бўлсин	77
Дардларга даво кўшиқ	79
Қадрини қадрлаб	81
Ноёб овозлар хазинабони	83
«Булбулча»да 40 йил	85

Санъат тубсиз денгиздир	88
Халқ назаридаги санъаткор	90
Минг йилларга муҳрланган қўшиқ	92
Санъат маънавият ўзаги	95
Санъаткор серқирра бўлади	98
Яхши шеър — яхши қўшиқ	101
Саҳна — тарбия мактаби	103
Орзуларим қанотим	106
Миллийлик уфуриб турсин	109
Фарзандларим — камолим менинг	112
Яхшиларга ёндашиб	114
Санъаткор бўлиш юксак орзуим эди	116
Соҳир овоз соҳиби	119
Бизни мусиқа улғайтирди	121
Ҳам олим, ҳам санъаткор	124
Дарди йўқдан созанда чиқмайди	127
Дилларга ором бериб	130
Мўъжиза соҳиби	133
Мақом-дурдона асарлар жамламаси	137
Тасмага тушган овозлар	139
Мақомнинг илдизи бақувват	142
Ватанга пайванд дилим	144
От изини той босар	147
Чустий дуосини олиб	152
Қуш уясида кўрганини қилади	155
Кўнгил торларидан таралар наво	159

САНЪАТИМ — БАХТИМ МЕНИНГ

Устоз дуосини олиб	164
«Салламно»дан сел қилиб	167
Мусиқа — дард ва малҳам	170
Попнинг попук қизи	173
Қўшиқ — қалбга, жисмга қувват	175
Яккабоғлик якка хонанда	179
Санъат — теран тушунча	182
Ваъдага вафо лозим	185
Ёшлардаги иқтидорни кўриб, руҳланиб кетаман	187
Муҳлисларим қувончи-бахтим	189
Эзгуликнинг қиймати кўп, арзон дема	192



Орзуларим — қанотим	194
Қобилиятни яратган юқтирисан	196
Аллоҳ берган йигит	198
Санъат — қалб эҳтиёжи	201
Истеъдод — юксак инъом	205
Эрка кийик, майлими, бир эркаласам	208
Эл-юрт дардига малҳам бўлайлик	212
Санъатнинг ардоғи кенг	216
Отам хиргойи қилган қўшиқлар	220
Устозлардан ўрганиб	223
Болалигим — асл бойлигим	226
Ўзга диёр даркор эмас	229
Истиқлол — кенг имконият	232
Аёл саодати	235
Санъаткор саҳнада сайқал топади	238
Ёрқин манзиллар аро	241
Тўққиз туп атиргул	244

ИСТЕЪДОД — ИЛОҲИЙ ИНЪОМ

«... Сен замонга боқ»	254
Кўнгил синмаса бўлди	257
«Нола»нинг ажиб наволари	259
Истеъдод илоҳийдир	261
Онамнинг дуосига ишонаман	264
Жонли ижро санъаткорни жонлантиради	266

Озода НАЗАРОВА

ЭЛ СЕВГАН САНЪАТКОРЛАР

Муҳаррир З. Ҳакимова

Техник муҳаррир Т. Ҳаритоновна

Рассом О. Холодняков

Бадий муҳаррир Ҳ. Меҳмонов

Мусаҳҳиҳлар Н. Умарова, С. Салоҳутдинова

Компьютерда тайёрловчи Ф. Тугушева

Босишга рухсат этилди 23.06. 08. Қоғоз бичими 60×90¹/₁₆.

«Таймс» гарнитурда офсет усулида босилди.

Шартли б.т. 17,0. Нашр т. 16,75. 2000 нусхала чоп этилди.

Баҳоси шартнома асосида. Буюртма № 08-36.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O‘zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйида босилди.

100129, Тошкент, Навоий, 30.

Назарова, Озода

Н 18

Эл севган санъаткорлар / О. Назарова. — Тошкент:
«O‘zbekiston», 2008. — 272 б.

ISBN 978-9943-01-207-3

ББК 85.3(5Ў)

ББК 66.3(5Ў)6